

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAHSUS TA'LIM BAZIRLIGI**

GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

**ОДАМ АНАТОМИЯСИ ВА
ФИЗИОЛОГИЯСИ
фанидан (маъruzalар матни)**

Ф.П.Гоибназарова

Гулистон–2019

1-Мавзу. Анатомия фанинг кириш. 2-соат маъруза).

Анатомия фанининг предмети, мақсади, вазифалари, ўрганиш усуллари, биология фанлари системасида тутган ўрни. Анатомия фанининг асосий тармоқлари. Анатомиянинг ривожланиш тархига оид маълумотлар. Қадимий Юнонистонда анатомиянинг илк ривожланиши.

2-Мавзу. Таянч-харакат системаси. 2-соат маъруза).

Таянч-харакат системаси органлари. Одам скелети сүякларининг тузилиши. Сүякнинг тифиз, ғовак моддалари ва уларнинг аҳамияти. Сүякларнинг органик анорганик моддалари сүякнинг шакллари уларнинг ўсиши, ривожланиши, сүяк устлиги ва эпифизар тоғай тўқимасининг аҳамияти. Сүякларнинг бирикиши. Бириктирувчи тўқима, тоғай. Бўғимлар ва уларнинг турлари. Бир ўқли, икки ўқли, қўп ўқли, яssi, ҳамкор бўғимлар ҳақида тушунча. Сүяклар бирикишининг хиллари. Синдесмоз, синхондроз ва синостоз.

3-Мавзу. Мускул системаси. 2-соат маъруза).

Мускуллар ва уларнинг функцияси. Организм учун мускулларнинг аҳамияти. Миофибриллар ҳақида тушунча. Мускулларнинг тузилиши, шакли. Икки ва кўп патли мускулларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари. Силлиқ ва кўндаланг тарғил мускулларининг тузилишдаги фарқи. Мускулларнинг ишлаши, чарчаши ва ричаглар қонуни тушунчалари. Мускулларнинг ривожланиш этаплари, унинг тана функциясининг ўзгариши билан кўл-оёқ ва тана мускулларининг ўзига хос шаклланиши. Антогонист ва синергист мускуллар.

4-Мавзу. Бўғим ва бойламлар. 2-соат маъруза).

Синостоз, синдеснос, синхондроз бўғимлар. Диартроз бўғим ҳосил бўлиш шартлари. Бўғим юзасини хиллари: эгарсимон, қайиқсимон, яrim ойсимон, элипсимон, ғалтаксимон, шарсимон. Бўғим турлари, икки ўқли, уч ўқли, қўп ўқли.

5-Мавзу. Ички органлар. (4-соат маъруза).

Ички органларнинг умумий таърифи, уларнинг таснифи. Тананинг бўйин, кўкрак ва қорин бўшлиғидаги органлари. Овқат хазм килиш аъзоларининг тузилиши. Нафас олиш аъзоларининг тузилиши. Айирув органлари, уларнинг ривожланиши ва аномалиялари. Буйракларнинг микро-макро тузилиши ва ривожланиши. Нефрон ва унинг тузилиши. Сийдик йўллари, қовуқ, сийдик пуфаги, уларнинг тузилиши, ёшига боғлиқ хусусиятлари.

6-Мавзу. Юрак қон томирлари системаси. 2-соат маъруза).

Қон айланиш ва лимфа системасининг таърифи. Қон томирлари деворининг тузилиши. Томирларнинг тармоқланиши. қон айланиш доираси. Аорта ва унинг тармоқлари. Артерия қон томирлари. Катта ва кичик қон айланиш доирасидаги

томирларнинг жойлашиши ва таснифи. Лимфа системасининг аҳамияти, унинг таркиби, томирлари ва оқимлари.

7-Мавзу. Нерв системаси. 2-соат маъруза).

Нерв системаси ва унинг аҳамияти. Нейронларнинг тузилиши, турлари, аҳамияти. Нерв толасининг тузилиши. Миянинг оқ ва қўлранг моддалари. Нерв системасининг марказий ва периферик бўлимларининг таснифи. Орқа миянинг ташқи ва ички тузилиши, сегментлари. Орқа мияни ўровчи пардалари. Орқа миянинг нервларининг тарқалиши ва чиқиш жойлари. Орқа мия нервларининг шоҳлари. Орқа миянинг бўйин, элка, бел, думгаза чигаллари, уларнинг асосий тармоқлари ва толалари. Бош мия ва унинг ривожланиши. Бош мия бўлимлари : узунчоқ мия, Воролев кўприги, мияча, ўрта мия, оралиқ мия, уларнинг морфологиясини таърифи. Тўрт тепалик ҳақида тушунча. Оқ ва қўл ранг моддаларнинг жойлашиши. Бош миянинг нерв марказлари ва ўтказувчи йўллар. Нерв системасининг вегетатив автоном қисми, унинг асосий анатомик хусусиятлари. Вегетатив нерв системасининг симпатик бўлимлари, симпатик стволи, симпатик тугунлари ва нервлари. Парасимпатик нервлар, уларнинг марказий нейронлари. Парасимпатик толаларнинг периферияга чиқиш йўллари, уларнинг тугунлари.

8-Мавзу. Анализаторлар. 2-соат маъруза).

Эшитиш, кўриш, таъм билиш ва тери анализаторларнинг организмдаги аҳамияти. Таъм билиш органи, таъм билиш бойламлари, уларнинг жойлашиши, периферик, ўтказувчи ва марказий бўлимлари. Эшитиш ва вестибулятор анализаторлар. Ташқи, ўрта ва ички қулоқ. Эшитиш найлари, уларнинг функционал аҳамияти ва тузилиши. Суяқ ва пардали лабиринтлар. Чифаноқ унинг тузилиши ва аҳамияти. Одам нутқининг ривожланиб бориши билан чифаноқнинг такомиллашиб бориши. Кўриш анализатори. Кўзнинг тузилиши. Кўз гавҳари, ёрдамчи аппаратлари. Кўзнинг нур сингдирувчи аппаратлари. Терининг тузилиши, аҳамияти. Соч, тирноклар, терининг инверцияси.

9-Мавзу. Ички секреция безлари. 2-соат маъруза).

Ички секреция безларининг тузилиши хусусиятлари, уларнинг таърифи. қалқонсимон ва қалқон олди безлари, айрисимон без, меъда ости бези, буйрак усти бези, жинсий безлар. Эпифиз ва гипофиз безларининг танада жойлашиши, уларнинг аҳамияти ва тузилиши.

10-Мавзу. Физиологиянинг асосий қонуниятлари ва физиологик тушунчалари. 2-соат маъруза).

Организм ва ташқи муҳит. Организмнинг яшаш шароитига мосланиши. Гомеостаз ва уни сақловчи воситалар. Моддалар ва энергия алмашинуви. Ассимиляция ва диссимиляция. Физиологик реакциялар: таъсирланиш, таъсирловчилар ва уларнинг турлари. Кўзғалувчанлик ва унинг юзага келишида

хужайра мембраннынг аҳамияти. Рефлектор реакциялар. Организмнинг функционал системалари ҳақидағи маълумот.

11-Мавзу. Қон системаси физиологияси. 2-соат маъруза).

Организмнинг муҳити ҳақида тушунча. Қон системаси, қоннинг микдори ва таркиби. Қон ҳосил қылувчи органлар ва қон депоси. Қоннинг физиологик вазифалари. Қоннинг ёпишқоқлиги ва нисбий зичлиги. Қоннинг ўрнини босувчи эритмалар. Қон плазмасининг таркиби. Қоннинг шакли элементлари: эритроцитлар, лейкоцитлар. Уларнинг тузилиш, микдори. Одамнинг жисмоний иши, меҳнати ва тинч ҳолатидаги гемоглабин микдори. Эритроцитларнинг резистентлиги ва гемолизи.

12-Мавзу. Қон ва лимфа айланиши системалари физиологияси. 2-соат маъруза).

Юрак-қон томирлари системаси. Қон айланишининг аҳамияти. Катта, кичик ва коранаар қон айланиш доиралари. Юрак мускуларининг функционал хусусиятлари. Юракни қон билан таъминланиши. Юрак автоматияси. Юракнинг ўтказувчи системаси, унинг аҳамияти. Қисқарувчанлиги, рефректарлик хусусиятлари. Юрак-қон томирлари системаси. Қон айланишининг аҳамияти. Катта, кичик ва коранаар қон айланиш доиралари. Юрак мускуларининг функционал хусусиятлари. Юракни қон билан таъминланиши. Юрак автоматияси. Юракнинг ўтказувчи системаси, унинг аҳамияти. Қисқарувчанлиги, рефректарлик хусусиятлари.

13-Мавзу. Юрак қон томирлари системаси. 2-соат маъруза).

Қон айланиш ва лимфа системасининг таърифи. Қон томирлари деворининг тузилиши. Томирларнинг тармоқланиши. Қон айланиш доираси. Аорта ва унинг тармоқлари. Артерия қон томирлари. Катта ва кичик қон айланиш доирасидаги томирларнинг жойлашиши ва таснифи. Лимфа системасининг аҳамияти, унинг таркиби, томирлари ва оқимлари. Қон томирлари физиологияси. Артерия, вена ва капиллярлардаги қон босими. Артерия пулси. Капилляр микроциркўляцияси. Веналарда қон оқишининг хусусиятлари. Лимфа системаси, унинг таркиби, функцияси. Лимфанинг ҳосил бўлиши ва организм аҳамияти.

14-Мавзу. Нафас системаси физиологияси. 2-соат маъруза).

Нафас аҳамияти. Нафас олиш механизми. Нафас жараёнинг асосий фазалари: ташқи нафас, алвеолалар ва тўқималарда газ алмашинуви. Нафас олиш ва чиқариш механизми. Нафас актида диафрагма ва қовурғалараро мускуларнинг аҳамияти. Ўпканинг кенгайиш қобилияти. Нафас вақтида плевра бўшлиги босимининг ўзгариши. Нафас цикли. Ўпка ҳажмлари ва ўпка вентиляцияси. Пневмотракс. Ўпканинг тириклик сигими. Нафас олиш коеффиценти ҳақида тушунча. Атмосфера, алвеола ва чиқарилган нафас ҳавосининг газ таркиби. Ўпкада газлар алмашинуви механизми. Алвеолалар ҳавосидаги газларнинг (O_2) ва

CO_2) порциал босими. Нафас марказининг автоматик ва нерв-гуморал, рефлектор бошқарилиши механизмлари.

15-Мавзу. Овқат ҳазм қилиш системаси физиологияси. 2-соат маъруза).

Овқат ҳазм бўлиши ва уни ўрганиш усуллари. Хужайрада овқат ҳазм бўлиши. Овқатнинг таркиби ва аҳамияти. Ҳазм шираларининг аҳамияти. Оғиз бўшлиғда овқатнинг ҳазм бўлиши, сўлакнинг таркиби ва хоссаси. Сўлак ажралиши жараёнида шартли ва шарқиз рефлексларнинг моҳияти. Меъдада ажраладиган хлор кислотаси ва фарментларининг овқатга таъсири. Меъда ҳаракати. Меъданинг эвакуатор функсияси. Меъдада овқатнинг сақланиши ва овқатни ҳазм бўлиши. Меъдада резекция ёъли билан, тажриба ўтказиш. Меъда ости бези ширасининг таркиби ва секреция жараёнининг қашф этилиши. Одам меъдасининг секретор функсиясини ўрганиш методлари. Тоза меъда ширасини олиш ва уларни. Меъда секретор функсиясининг нерв ва гуморал бошқарилиши. Меъда секрециясининг тормозланиш механизми. Меъда ва ўн икки бармоқли ичакда овқат ҳазм бўлиши. Меъда ости безининг секретор функсияси. Меъда ости бези ширасини. Таркиби ва хоссаси, унинг оқсиллар, ёғлар, карбон сувлар ва нуклеин кислоталарга таъсири. Унинг бошқарилиши. Рефлектор ва гуморал фазалар. Меъда ости бези ширасининг ажралишига овқат сифатининг таъсири.

16-Мавзу. Модда ва энергия алмашинуви физиологияси. 2-соат маъруза).

Моддалар ва энергия алмашинуви ҳақида тушунча. Анаболизм ва катаболизм. Оқсиллар алмашинуви. Азот баланси. Оқсилларнинг биологик қиймати. Оқсил алмашинувининг охирги маҳсулотлари. Карбон сувларининг аероб ва анаероб парчаланиши жараёнлари ва уларнинг энергия ҳосил бўлишида аҳамияти. Глюкозанинг қондаги миқдори. Гипер ва гипогликемия. Углеводлар алмашинувининг бошқарилиши ва унинг мускуллар ишида ўзгариши. Ёғ кислоталарининг мускуллар ишида энергия сифатида ишлатилиши. Моддалар алмашинуви жараёнинг гуморал ва рефлектор бошқарилиши. Организмда энергия алмашинуви. Энергия алмашинувининг моддалар алмашинуви билан ўзаро муносабати: ёғлар, карбон сувлар ва оқсиллар энергия ҳосил қилувчи манба экани. Энергия баланси. Озуқа моддаларининг калорик қиймати. Асосий алмашинув ва унинг аҳамияти. Турли иш жараёнида энергия сарфи. Организмда энергиянинг тўпланиши ва сарфланиши. Физиологик овқатланиш нормалари. Суткалик рационда ҳайвон ва ўсимлик ёғларининг нисбати. Овқат рационининг калорияси. Овқатланиш режими ва гигиенасининг физиологик асосланиши. Организмнинг ёшига, бажарадиган ишига, ҳолатига ташқи ҳароратга ва жинсига қараб оқсилга суткалик талабнинг ўзгариши.

17-Мавзу. Иссиқлик алмашинуви физиологияси. (2-соат маъруза).

Организмнинг иссиқлик баланси ҳақида тушунча. Гомоётермия ва пойкотермия. Организмда иссиқлик ишлаб чиқиши ва иссиқлик ажратиш жараёнлари. Унинг марказий ва периферик механизmlари. Ички органларнинг терморецепторлари. Тана сатхининг терморецепторлари. Совуқни ва иссиқни сезувчи рецепторлар. Таşки муҳитнинг ҳарорати ўзгаришида тана ҳароратининг доимийлигини сақловчи механизmlар. Тана сатхидан иссиқликни чиқариш усуллари: нурланиш, ўтказиш, конвекция. Одам танаси ҳароратининг бошқарилиши ва унинг марказлари. Терморегуляциянинг нерв ва гуморал механизmlари. Тер ажратишнинг аҳамияти. Иссиқлик алмашинувини бошқариш марказлари.

18-Мавзу. Айирав жараёнлари физиологияси. 2-соат маъруза).

Айирав органларининг асосий вазифаси, аҳамияти. Айирав жараёни организмнинг ички муҳити доимийлигини таъминловчи мураккаб жараён экани. Ўпка ва меъда–ичак трактининг айирав функцияси. Буйраклар структураси ва функционал бирлиги-нефрон ҳақида тушунча. Филтрация реабсорбция, секреция. Сийдик ҳосил бўлиши назарияси. Қоннинг кимёвий таркибининг сийдик ҳосил бўлишига таъсири. Сийдикнинг миқдори ва таркиби. Бирламчи ва иккиламчи бурмалар, Генли қовузлоқлари ҳақида тушунча. Мажбурий ва ихтиёрий реабсорбция. Буйракда моддаларнинг секреция жараёни, охирги сийдикнинг таркиби ва хоссаси. Буйракнинг ички секретор фаалияти. Айришини рефлектор ва гуморал бошқарилиши. Сийдик ажратиш механизми. Турли гормонларнинг сийдик ҳосил бўлиши жараёнига таъсири (антидиуретик, андостерон, адреналин, вазопресин). Сунъий буйракнинг аҳамияти.

19-Мавзу. Тери физиологияси. 2-соат маъруза).

Тери физиологияси. Тер ажратишда томир-харакат реакциясининг аҳамияти. Иссиқ ва совуққа тери безларининг реакцияси. Организмнинг чиникишида терининг аҳамияти.

20-Мавзу. Эндокрин системасининг физиологияси. 2-соат маъруза).

Ички секреция безларининг тасмуфа ва функцияси. Гормонлар тушунчалиси, уларнинг биологик характеристикаси. Ички секреция безларининг физиологик роли ва ўрганиш методлари. Гипофиз безининг функцияси. Гипофиз бези турли бўлагининг (олдинги, ўрта, орқа). Қалқонсимон без ва унинг олдидағи безларнинг функцияси ва бошқарилиши. Гормонлар ва уларнинг моддалар алмашинувига таъсири. Буйрак усти безининг пўстлоқ ва мағиз қисми гормонлари ҳамда уларнинг асаб системасига таъсири. Пўстлоқ қаватининг гормонлари: минеролокортикоидлар ва глюокортикоидлар. Меъда ости безининг эндокрин вазифаси. Эпифиз ва жинсий безларининг вазифалари. Жинсий гормонларнинг одам ўсиши ва ривожланиши ҳамда меҳнат фаолиятига таъсири. Балоғатга этишда жинсий гормонларнинг аҳамияти.

21-Мавзу. Нерв-мушак аппаратининг физиологияси. 2-соат маъруза).

Ҳаракат аппарати ҳақидаги тушунча. Нерв-мушак бирлиги ҳаракат аппаратининг асосий қисми эканлиги. Мушак турлари, тузилишининг хусусиятлари. Кўндаланг тарғил ва силлиқ мускул толаларининг вазифаси Мускул тўқимасининг физиологик хоссалари. Кўзгалувчанлик, ўтказувчанлик ва қисқарувчанлик. Кўзгалувчан тўқималар ҳақида тушунча. Мушак қисқарганда содир бўладиган электр ҳодисалар. Кўзғалишнинг тарқалиш механизми. Кўзғалишнинг фазалари: лабиллик, парабиоз ҳақида тушунча. Н.Э.Введенский, А.А.Ухтомский назариялари. Скелет мускулларининг тонуси. Мускулнинг изотермик, изотоник ва якка қисқаришлари ҳақида тушунча. Табиий шароитда тетаниус, погона ости ва погона усти кучлари ҳақида тушунча. Мускулнинг тинч ҳолати ва қисқариш вақтида кузатиладиган биоэлектрик, кимёвий ва иссиқлик жараёнлари. Мускул қисқаришининг кучи. Мускул иши. Мускулнинг чарчаши. Симпатик нерв системасининг мускул аппаратига трофик таъсири. Силлиқ мускуллар структурасининг функционал хусусиятлари. Силлиқ мускулларнинг ишлаши ва автоматияси. Нерв толаларининг тузилиш и кўзғалишнинг миядаги толалардан тарқалиш механизми. Периферия нервларнинг тузилиш. Афферент, эфферент нерв толалари. Периферик нервлардан кўзғалишнинг ўтиш қонунлари ва қўзғалишнинг тарқалиш турлари. Нерв толасининг функционал бир бутунлиги ҳақида тушунча. Нерв-мускул синапслари физиологияси. Синапслар уларнинг турлари. Нерв-мускул синапсидан кўзғалишнинг ўтиши ва тарқалиш механизми. Медиатор назарияси.

22-Мавзу. Марказий нерв тизими физиологияси. 2-соат маъруза).

Марказий нерв тизимининг умумий вазифалари, периферик нерв тизими. МНСнинг рефлектор тамойили. Рефлекс ва унинг турлари. Нейронлар вазифалари ва уларнинг таърифи. Нерв хужайраси мемранасининг хусусиятлари. Кўзғатувчи ва тормозловчи синапслар. Нерв толаси бўйлаб импулслар ўтиши механизми. Марказий тормозланишнинг механизмлари: уйгунлашиш ва жараёнларида тормозланишнинг аҳамияти. Посцинаптик ва пресинаптик тормозланиш тушунчалари. МНС марказларининг функционал тузилиш ва локализацияси ҳақида И.П.Павлов таълимоти. Конвергенция, дивергенция, иррадация, суммация, умумий охирги ёъл, тескари боғланиш ва доминанта тамойиллари ҳақида таълимотлар. Орқа миянинг олдинги ва орқа илдизлари вазифалари: орқа миянинг рефлектор ва ўтказувчанлик вазифаси. Орқа мия билан бош миянинг функционал боғланиши. Узунчоқ мия физиологияси. Узунчоқ мия рефлектор марказлари ва уларнинг вазифаси. Узунчоқ мияда чиқадиган бош мия нервларининг вазифаси ва ўз-ўзини бошқаришда тутган ўрни. Нафас ва томирлар ҳаракати марказлари. Узунчоқ миянинг мускул тонусини бошқаришда тутган ўрни. Узунчоқ миянинг ўтказувчанлик вазифаси, ҳаракат ва вегвтатив реакцияларни ҳосил қилишдаги аҳамияти. Ўрта мия физиологияси. Ўрта миянинг рефлектор фаолияти. Ўрта миядан чиқадиган бош мия нервларнинг функсияси. Ўрта миянинг қизил ва вестибуляр моддалари функсиялари. Ўрта миянинг қизил ядролари ва қора

моддасининг мускул тонусини ва гавда вазиятини бошқариши роли. Тана мувозанатини сақловчи, ўз-ўзини идора этадиган механизмлар. Тўрт тепалик бўртиқларининг функцияси.

23-Мавзу. Олий нерв фаолияти физиологияси. 2-соат маъруза).

Олий нерв фаолияти ҳақида тушунча. Шарциз рефлекс ва инстинктлар. И.П.Павловнинг рефлектор назарияси принциплари. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши хусусиятлари ва механизмлари. Организмларнинг яшаш муҳитига мослашишида шартли рефлексларнинг аҳамияти. Шартли рефлексларнинг тормозланиши. Ташқи ва ички тормозланиш. Ижобий ва салбий: I, II, III олий тартибли шартли рефлекслар. Шартли рефлексларнинг ҳаракат малакалари ҳосил бўлишида аҳамияти. Катта ярим шарлар пўстлоғи ишидаги тартиблилик (динамик, стерестик автоматлашган ҳаракат малакасининг физиологик моҳияти. Эмоциянинг биологик аҳамияти Одамнинг олий нерв фаолияти хусусиятлари. Биринчи ва иккинчи сигнал системалари. Олий нерв фаолиятининг типлари, жисмоний машқлар билан шуғулланишда унинг аҳамияти. Олий нерв фаолиятининг шикастланиши. Неврозлар. Хотира, унинг аҳамияти ва физиологик механизмлари. Уйқу физиологияси, унинг фазалари. Хотира ва фикрлашнинг физиологик механизмлари.

24-Мавзу. Сезги органлар (анализаторлар) физиологияси. 2-соат маъруза).

Сезги органлари (анализаторлар) физиологияси. Сезги органларнинг физиологик аҳамияти. И.П.Павловнинг анализатор тўғрисидаги таълимоти. Рецепторлар классификацияси. Рецепторлардан қўзғалишнинг пайдо бўлиши механизмлари. Сезги органлари организмнинг ички ва ташқи муҳити тўғрисида маълумот берувчи манба эканлиги. Информациянинг узатилиши, қайта ишланиши, сақланиш механизмлари. Сенсор системаларининг ҳаракатлар бошқарилишидаги аҳамияти эшлиши анализаторлари. Кулоқнинг тузилиши ва физиологияси. Ички кулоқнинг рецептор аппарати тузилиши. Товуш тебранишларининг ўтказилиши ва қўзғалиши, пайдо бўлиши. Эшлиши анализаторларининг адаптацияси. Вестибуляр аппарат. Вестибуляр аппарат. Мускул тонуси бошқарилишида, аппаратнинг роли. Ҳид, таъм билиш, тери, тактил ва термо, сенсор системаларнинг функциялари. Бу сенсор системаларнинг рецепторлари, уларни қўзгатадиган адекват таъсири. Экстро ва интроцептив анализаторларининг ўзаро муносабати. Оғриқнинг биологик аҳамияти.

ЛАБАРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ

1-Мавзу: Таянч-харакат системаси (Остеология), 4-соат лаборатория).

Суякларни тузилиши, хиллари. Суяк таркибидаги органик моддаларни лаборатория шароитида деколтсинация ва ёндириб кўриш билан текшириш. Қўл

ва элка камари суюкларининг тузилиши, ўмров, кўкрак суюклари ва эркин ҳаракат қисми суюклари (элка, билак, тирсак, билакузук, кафт, бармоқ суюклари) уларнинг ўзаро бирикишини ва тузилишини ўрганиш. Бош скелетининг ички, ташқи ва улардаги бўшлиқлар ҳамда мия қутиси ва юз суюкларининг тузилиши, бирикиши қонуниятларини ўрганиш.

2-Мавзу: Мускул системаси. (Миология). 2-соат лаборатория

Гавда мускуллари: Орқа, кўкрак ва қорин қисмидаги барча мускулларнинг фастсиялари жойлашиши ва вазифаси. Одам танасидаги ёзувчи, яқинлаштирувчи, букувчи ва узоқлаштирувчи мускулларни ўрганиш. Бўйиннинг тери ости, ўрта ва чуқур мускулларини тузилишини аниқлаш. Кўлнинг эркин мускулларининг тузилиши, бирикиши, функцияси ва букувчи, ёзувчи мускуллар ҳақида тушунча. Эркин оёқ мускуллари бирикиш, функцияси ва фастсияларини жойлашиши.

3-Мавзу: Бўғим ва бойламлар.(Артрология). Ички аъзолар (Спонхология) 2-соат лаборатория).

Синартроз бирлашмаларнинг хиллари. Синдесмозлар, синхондроз, синостозларнинг тузилиши. Диартрозлар ва уларнинг хиллари. Икки, уч ва кўп ўқли бўғимларнинг тузилиш қонуниятлари. Овқат ҳазм қилиш органларини анатомик (офиз, халқум, қизилўнгач, Меъда, ингичка ичак, ёхғон ичак ва жигар) тузилиши.

4-мавзу. Бўғим ва бойламлар. Нафас системаси. Айириш органлари. 2-соат лаборатория).

Синостоз, синдеснос, синхондроз бўғимлар. Диартроз бўғим ҳосил бўлиш шартлари. Бўғим юзасини хиллари: эгарсимон, қайиқсимон, яrim ойсимон, элипсимон, ғалтаксимон, шарсимон. Бўғим турлари, икки ўқли, уч ўқли, кўп ўқли. Нафас олиш ва чиқариш органларини тузилиши, функцияси. Буйракнинг шакли, нефронни тузилиши, сийдик канали, сийдик пуфагини тузилиши. Тери ва тери безларини тузилиши.

5-мавзу. Юрак-қон томирлари системаси (Ангиология). 2-соат лаборатория).

Юрак деворлари, клапанлари ва уларнинг тузилиши. Юракка кесувчи ва юракдан чиқувчи қон томирлар. Юрак анатомиясини ўрганиш. Артерия қон томирларининг тузилиши, тармоқлари. Аорта ва унинг бўлаклари. Вена қон томирлари, уларнинг тармоқлари. Юқори ва пастки ковак веналарини тузилиши, Лимфа системаси, лимфа тугунлари ва уларнинг ривожланиши.

6-мавзу. Нерв системаси (Неврология). 4-соат лаборатория).

Нерв хужайраси, нерв толалари ва уларнинг тузилиши. Нерв тўқимаси. Орқа миянинг жойлашиши, тузилиши ва уни ўраб турувчи пардалар. Бош миянинг тузилиши, унинг бўлимлари (узунчоқ, мия кўприги, мияча, тўрт тепалик, оралиқ

мия. Периферик нерв системаси. Бош мия нервларини тузилиши. Орқа мия сегментлари: бўйин, элка, бел-думғаза чигалларини тузилиши. Вегетатив нерв системаси. Симпатик нерв толаларини тузилиши ва марказлари. Парасимпатик нерв толалари, марказлари ва вегетатив тугунларни тузилиши.

7-мавзу. Сезги анализаторлари. 4-соат лаборатория).

Кўзни тузилиши. Кўз пардалари, гавҳари, шишасимон тана, кўз мускуллари, оптик қисм, кўз ёши бези, қовоқларни тузилиши. Эшитиш органининг тузилиши, ташки, ўрта, ички қулоқни жойлашишини ўрганиш. Теридаги совукни, иссиқни, тактил ресепторларини жойлашиши.

8-мавзу. Лаборатория асбоб анжомлари билан танишиш. Қон билан умумий танишиш. Қоннинг функциялари. 2-соат лаборатория).

Физиология фанидан лабораториямашгулотлари учун керакли асбоб ускуналар, датчиклар, аппаратлар билан танишиш ва ишлашни урганиш. Қон ва унинг хусусиятлари. Қоннинг таркиби. Қон алмашиниши (хосил бўлиши ва парчаланиши). Қоннинг организмда бажарадиган функциялари, аҳамияти. Иммунитет.

9-мавзу. Қоннинг физик хоссалари. Қоннинг кимёвий хоссалари. 2-соат лаборатория).

Эритроцитларнинг чўкиш тезлигини аниқлаш. Эритроцитларнинг осмотик чидамлилигини аниқлаш. Қон зардобини pH ва буфер хоссаларини аниқлаш. Қоннинг ёпишқоқлигини аниқлаш. Қон таркибидаги кимёвий моддалар.

10-мавзу. Қоннинг морфо-биологик хоссалари. Қон гурухларини ва ивишини аниқлаш. 2-соат лаборатория).

Одам қонидаги эритротситлар ва лейкотситлар миқдорини аниқлаш. Қоннинг ивиш тезлигини аниқлаш. Қон гурухлари. Резус фактор. Қон ивиши ва унтаъминлаб берувчи омиллар.

11-мавзу. Юрак иши ва унинг мускулларининг физиологик хоссалари. 2-соат лаборатория).

Юракнинг ўтказувчи системасини таҳлил қилиш (Станниус тажрибаси). Юракнинг рефлектор даври ва экстрасистола. Юрак ишини ўрганиш.

12-мавзу. Юрак қон томирлари босимини ўлчаш. 2-соат лаборатория).

Қон айланишининг аҳамияти. Катта, кичик ва коронар қон айланиш доиралари. юрак мускулларининг функционал хусусиятлари. юракни қон билан таъминланиши. юрак автоматияси. юракнинг ўтказувчи системаси, унинг аҳамияти. Қисқарувчанлиги, рефректарлик хусусиятлари.

Организмнинг нисбий тинч ҳолатида ва жисмоний ишдан кейин юракнинг кисқариш сонини (пулсини) ва қон босимини текшириш. Юрак ишини хисоблаш.

13-мавзу. Орган ва тўқималарда қон айланиши. 2-соат лаборатория).

Катта ва кичик қон айланиш доирасидаги томирларнинг жойлашиши ва таснифи. Лимфа системасининг аҳамияти, унинг таркиби, томирлари ва оқимлари. Қон томирлари физиологияси. Артерия, вена ва капиллярлардаги қон босими. Артерия пулси. Капилляр микротиркўлятсияси. Веналарда қон оқишининг хусусиятлари. Лимфа системаси, унинг таркиби, функцияси. Лимфанинг ҳосил бўлиши ва организм аҳамияти.

Кўл-оёқларга қон оқиб келишининг вақтинча тўхташи оқибатлари. Сфигмография (arteria пулсини ёзиш).

14-мавзу. Нафас олиш органлари физиологияси. 2-соат лаборатория).

Нафас вақтида плевра бўшлиги босимининг ўзгариши. Нафас цкли. Ўпка ҳажмлари ва ўпка вентиляцияси. Пневмотракс. Ўпканинг тириклик сигими. Нафас олиш коеффиценти ҳақида тушунча. Атмосфера, алвеола ва чиқарилган нафас ҳавосининг газ таркиби. Ўпкада газлар алмашинуви механизми. Алвеолалар ҳавосидаги газларнинг порциал босими. Нафас марказининг автоматик ва нерв-гуморал, рефлектор бошқарилиши механизмлари.

Тинч ҳолатда, иш бажариш вақтида ва ундан кейин нафас сонини аниқлаш. Нафас олиш органлари физиологияси ва патологияси.

15-мавзу. Ўпканинг тириклик сигимини ўлчаш. Оғизда овқат ҳазми. 2-соат лаборатория).

Ўпканинг тириклик сигимини ўрганиш (спирометрия), нафас ҳажми ва ўпканинг максимал вентилятсиясини аниқлаш. Ўпка орқали газларнинг диффузияси. Дондерс модели. Сўлак безлари фаолиятини текшириш. Сўлак таркибидаги амилаза тъсирида крахмални парчаланиши. Хом ва қовурилган крахмалнинг парчаланишдаги фарқи.

16-мавзу. Ошқозон ва ичакларда овқат ҳазми. 2-соат лаборатория).

Организмда энергия алмашинуви. Энергия алмашинувининг моддалар алмашинуви билан ўзаро муносабати: ёғлар, карбон сувлар ва оксиллар энергия ҳосил қилувчи манба экани. Энергия баланси. Озуқа моддаларининг калорик қиймати. Асосий алмашинув ва унинг аҳамияти. Турли иш жараёнда энергия сарфи. Организмда энергиянинг тўпланиши ва сарфланиши. Физиологик овқатланиш нормалари. Суткалик ратсионда ҳайвон ва ўсимлик ёғларининг нисбати. Овқат рационининг калорияси. Овқатланиш режими ва гигиенасининг физиологик асосланиши.

Меъда шираси таъсирида оқсилнинг парчаланишини кузатиш. Меъда ширасининг хазм қилиш хусусиятини аниқлаш. Меъда ширасида бақа оёғининг парчаланиши. Ёғларга ўт суюқлигининг таъсири.

**17-мавзу. Озуқа рационини тузиш (энергия алмашинуви).
2-соат лаборатория).**

Овқат рациони тузиш асослари, рационнинг энергетик қийматини хисоблаш. Сутка давомида сарфланган энергия ва истеъмол этилган озиқ моддалардан ҳосил бўладиган энергия миқдорини аниқлаш. Бажариладиган иш турига қараб сарфланадиган энергия.

18-мавзу. Айириш органлари физиологияси. 2-соат лаборатория).

Буйракда моддаларнинг секреция жараёни, охирги сийдикнинг таркиби ва хоссаси. Буйракнинг ички секретор фаоалияти. Айишини рефлектор ва гуморал бошқарилиши. Сийдик ажратиш механизми. Турли гормонларнинг сийдик ҳосил бўлиши жараёнига таъсири (антидиуретик, андостерон, адреналин, вазопресин). Сунъий буйракнинг аҳамияти.

Одам танасининг турли қисмларида тери ҳароратини ўлчаш: (организмнинг тинч ҳолатида ва жисмоний машқ жараёндан сўнг). Ўткир тажрибада сийдик (диурезини) таркибини ўрганиш.

19-мавзу. Нерв мускул препаратини тайёрлаш. 2-соат лаборатория).

Нерв ва мускулларнинг физиологик хусусиятларини ўрганиш: Бақанинг асаб-мускул препаратини тайёрлаш. Ажратилган мускулнинг якка, тишли ва текис тетаник қисқаришларини ўрганиш. Ажратиб олинган скелет мушагининг қисқариш (куйи, юқори, энг юқори) даражасини таъсирлаш кучига боғлиқлиги. Изометрик ва изотоник мускул қисқариши.

20-мавзу. Биоэлектрик ходисалар. Галвани-Маттеучи тажрибаси.

Рефлектор ёйини таҳлил қилиш. 4-соат лаборатория).

Биоэлектрик ходисалар (Галвани тажрибаси). Б) Мускулларнинг турли ток кучига қисқариши. В) Одам мускулининг ҳаракат потенциалларини аниқлаш. Парабиоз. Рефлекс вақтини аниқлаш ва рефлектор ёйининг таҳлили.

**21-мавзу. Шартли рефлекслар ҳосил бўлишини ўрганиш
2-соат лаборатория).**

Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши ва унинг тормозланиши. Шартли рефлексларнинг сўниши ва дифференцировка ҳосил қилиш. Одамнинг юрак-томир ишига шартли рефлекс ҳосил қилиш. Одамда қўнғироқ товушига ва «қўнғироқ» сўзига кўз қорачигини кенгайтирувчи шартли рефлекс ҳосил бўлиши. Одамда эмоционал ҳолатни яратишда оғзаки таъсирланишнинг роли.

22-мавзу. Орқа мия рефлекси. Олий нерв фаолияти. Хотирани аниқлаш. 2-соат лаборатория).

Орқа миянинг олдинги ва орқа илдизлари вазифалари: орқа миянинг рефлектор ва ўтказувчанлик вазифаси. Орқа мия билан бош миянинг функционал боғланиши. Узунчоқ мия физиологияси. Узунчоқ мия рефлектор марказлари ва уларнинг вазифаси. Узунчоқ мияда чиқадиган бош мия нервларининг вазифаси ва ўз-ўзини бошқаришда тутган ўрни. Узунчоқ миянинг ўтказувчанлик вазифаси, ҳаракат ва вегвтатив реакцияларни ҳосил қилишдаги аҳамияти. Ўрта мия физиологияси. Ўрта миянинг рефлектор фаолияти. Ўрта миядан чиқадиган бош мия нервларнинг функцияси. Ўрта миянинг қизил ва вестибуляр моддалари функциялари.

Орқа мия рефлексининг рецептив майдони. Орқа мия асаб марказлари фаолиятининг айрим хоссалари. Марказий нерв системасидаги қўзғалишларнинг вақтли ва фазовий йиғилиши (суммацияси). Олий нерв фаолияти. Узоқ ва қисқа муддатли хотирани аниқлаш.

23-мавзу. Олий нерв фаолияти типларини аниқлаш. Ички секретсия безлари физиологияси. 2-соат лаборатория).

Биринчи ва иккинчи сигнал системалари. Олий нерв фаолиятининг типлари, жисмоний машқлар билан шуғулланишда унинг аҳамияти. Олий нерв фаолиятининг шикастланиши. Неврозлар. Хотира, унинг аҳамияти ва физиологик механизmlари. Уйқу физиологияси, унинг фазалари. Хотира ва фикрлашнинг физиологик механизmlари. Олий нерв фаолияти типларини аниқлаш. Гиппократ ва Павлов (назарияси бўйича). Ички секретсия безлари турларини аниқлаш. Ички, ташқи ва аралаш безлар.

24-мавзу. Анализаторлар, кўриш ва эшитиш анализатори. 2-соат лаборатория).

Кўриш ва эшитиш сезгиригини аниқлаш: Кўз қорачибининг ёруғликка, аккомадатсияси ва оғриқ таҳсиротига рефлектор реакциялари. Яқин ва узоқдан буюмларни кўриш. Кўзning кўриш майдонини текшириш. Кўриш ўткирлигини аниқлаш. Товуш ёхналишини аниқлаш. Тери анализаторлари термоестезиометрия иссиқлик, совуқлик ва оғриқни сезиш нуқталарини аниқлаш. Кўриш ва эшитиш сезгиригини аниқлаш.

1-Мавзу: Анатомий фани, уни ўрганиш усуллари ва ривожланиш тарихи.(2-соат маъруза)

Режа:

1. Одам анатомияси фанининг предмети.
2. Анатомия фанини ўрганиш усуллари.
3. Анатомия фанининг ривожланиш тарихи.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: *анатомия, перкуссия усули, атрология, остиология, спланхнология, миология, эндокринология, эстезиология, неврология.*

Мавзуга оид муаммолар:

1. Топографик анатомия усули органларнинг тузилишини, шаклини, уларнинг ўзаро муносабатларини, чегарасини ва проёқсияларини ўрганади. Сизнингча организмларни тузилишини яна қандай усуллар билан ўрганиш мумкин?
2. Одам анатомияси фани-антропологиянинг кенг қўламда ўрганадиган катта бўлимиdir. Ушбу хуносага сизнинг фикрингиз?

Биринчи савол баёни.

Одам анатомияси (Анатомия–грекча анатеме–кесаман сўзидан олинган) одам организмининг тузилишини, унинг ривожланиш просессини ўрганади. Айни вақтда у ҳар бир органнинг ўзига хос тафовутларини, шунингдек ташқи муҳит шароитининг органлар тузилиши ва вазифаларига таъсирини ҳам тадқиқ қиласди. Шу жиҳати билан ҳам анатомия биология фанларининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Одам организмининг эволюцион ривожланиш қонуниятлари одатда эволюцион таълимот фани, одам организмининг она қорнида ўсиб, ривожланиб боришини эмбриология фани ўрганса, «ёшга доир анатомия» органларнинг ёшга боғлиқ ҳолатда ўзгариб боришини ўрганади.

Систематик анатомиянинг суюклар қисми-остиология, суюкларни ўзаро бирлашиши–синдесмология, мускуллар-миология, ички аъзолар системаси–спланхнология, ички секрет безлари–эндокринология, сезги органлар–эстезиология ва нерв системаси–неврология деб аталади. Улар органларнинг тузилишини, шаклини, уларнинг ўзаро муносабатини тадқиқ қиласди.

Топографик анатомия эса органларнинг тузилишини, шаклини, уларнинг ўзаро муносабатларини, чегарасини ва проёқсияларини ўрганади.

Патологик анатомия (патхос-касаллик, дард, логос-фан) организмнинг касаллик даврини, унинг келиб чиқиши қонуниятларини ўрганади, ҳамда умумий ва хусусий патологияяга бўлинади.

Шу билан бирга, одам анатомияси бошқа баъзи биологик фанлар учун асос бўлади. Анатомия фани антропология, физиология, гистология, эмбриология, солиштирма анатомия ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган. Масалан, одам анатомиясини умуртқали ҳайвонлар анатомиясидан ажралган ҳолда тушиниш ва тўғри ўрганиш мумкин эмас. Одам танасининг шакли ва тузилишида умуртқали ҳайвонларники билан кўпгина ўхшашлик ва тафовутлар бор. Шунинг учун одам танасининг тузилишини солиштириб кўришни солиштирма анатомия ўрганади. Антропология эса одамнинг келиб чиқиши, унинг табиати ва ирқларини ўрганади ва ҳоказо. Одам анатомияси – антропологиянинг кенг кўламда ўрганадиган энг катта бўлимларидан биридир.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Анатомия фани деганда нимани тушунасиз?
- 1.2. Нима учун анатомия, биологиянинг қисмлари ҳисобланган, физиология, гистология, эмбриология ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган бўлади?
- 1.3. Органларнинг жойланишида анатомия фани нимани изоҳлаб бериши мумкин?

Иккинчи саволнинг баёни.

Бошқа кўпгина фанларга оид усуллардан одам танасини ўрганишда ҳам фойдаланилган, шу сабабли анатомиянинг текшириш усуллари хилма-хилдир.

Ўрганиш усуллари.

- 1) Атропометрия усули.
- 2) Органларни кесиб очиб препаратлар тайёрлаш усули.
- 3) Арралаш усули.
- 4) Инъексия усули.
- 5) Ёритиш усули.
- 6) Коррозия ёки йемириш усули.
- 7) Рентген нури ёрдамида ўрганиш усули.
- 8) Органларнинг пайпаслаб кўриб ўрганиш усули.
- 9) Аускўлтация (ешитиб кўриш) усули.
- 10) Органларни перкуссия қилиш усули.
- 11) Микроскопда кўриб ўрганиш усули.

Бу усуллар ичida энг қадимги усул-бу мурдани кесиб текшириш усулидир. Бу усул ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини энсақотмаган. Бу усул одам танасининг барча элементларини микроскопик ўрганишини таъминлайди.

Инъексия усули: ҳар-хил суюқликларни қон ва лимфа томирларига, без энсалларига қуийиш усулидир. Суюқликлар ҳар-хил рангда бўлиши мумкин.

Коррозия усули – томир ёки ковак бўшликлари бирор қотувчи масса билан тўлдирилади. Сўнгра уларни ўраб турган юмшоқ қисмлари ювиб ташланади, қон

томирлари ва бошқа бўшлиқлар шу шаклда қотиб қолади ва ўрганилади. Тўқималарнинг ҳар-хил ранг билан бўяш усули уларнинг микроскопда кўриб ўрганишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда энг кўп қўлланиладиган усуллардан рентген нурларидан ва микроскоплардан фойдаланиш ҳисобланади.

Микроскоплар ҳар-хил бўлиб, асосийлари ёруглик, люминесцент, электрон микроскоплар ҳисобланади. ҳозирги вақтда электрон микроскоп 100 000 марта ва ундан ҳам ортиқ катталаштириб кўрсатиш хусусиятига эга.

Учунчи саволнинг баёни.

Анатомия фани бошқа фанлар қатори жуда узок ривожланиш энсалини босиб ўтди. Анатомия ҳақиқий ривожланиш даври қадимий юононлар мамлакатидан бошланади. Чунки у ерда рухонийлар хукумронлиги у қадар авж олмаган, шу сабабли қўргина фанлар қатори тиббиёт фани ҳам яхши ривожланган, натижада Кос ва Книдос мактаблари ташкил этилган. Бу мактаблардан турли хил олимлар билан бир қаторда Гиппократ, Пифагор, Алкмеон ҳам таълим олган.

Гиппократ (ерамиздан олдинги 460-377)-ўзигача бўлган медицина соҳасидаги маълумотларни тўплаган, узок кузатиш ва текширишлар асосида 72 та асар ёзган. Юрак ва қон томирлар тузилиши тўғрисида тўғри маълумотлар бериш билан бирга, уларда ҳаво юради деган нотўғри фикрга келган. Нервларни пайлардан ажратса олмаган.

Клавдий Гален (130-210)-Платон ва Аристотелнинг идеалистик ғояларини қувватлаб, организм ўз вазифаларини уч хил рух орқали бажаради, деган хулосага келади; биринчиси-бу рух жигарда пайдо бўлиб, веналар орқали, иккинчиси-юракда вужудга келиб артериялар воситасида организмга тарқалади. Учинчиси эса мияда пайдо бўлиб, нервлар орқали организмнинг барча қисмларини идора қиласи. У бош ва орқа мия анатомиясини тадқиқ қилди, ҳайвонлар юрагини ва қон томирларини ўрганиб, артерияларда ҳаво эмас, балки қон оқишини биринчи бўлиб исботлаш орқали Гиппократнинг бу фикри нотўғри эканлигини исботлади.

Вилям Гарвей (1578-1657)- анатом ва физиолог. У ўз кузатиш ва тажрибалари асосида 1628 йили эълон қилинган «Ҳайвонларда юрак ва қон ҳаракатлари тўғрисида анатомик текширишлар» номли асарида тарихда биринчи марта катта ва кичик қон айланиш системаси борлигини исботлаб берди. Гарвей ўшанда қон артериядан венага кўзга кўринмайдиган майда томирлар орқали ўтади деган фикри айтиб ўтди.

М. Малпиги (1628-1694)- 1661 йили артерия билан венани бир – бирига боғловчи капиллярлар борлигини микроскоп остида кўриб, исботлаб берди.

Фредрик Рюш (1638-1731)-голландиялик дорихона хизматчиси, ботаник ва анатом. Қон томирларга рангли моддалар юбориб уларни ўрганган ва препаратлар тайёрлаган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда бир қанча машҳур олимлар етишиб чиқди. Шулардан бири ўзбек олими Абу Али Синодир (980-1037). У тиббиёт

соҳасидаги буюк ишлари билан нафакат Осиёда, балки Европада ҳам Ависина номи билан машҳур бўлган. У тиббиёт соҳасида 100 дан ортиқ асарлар яратди, булардан энг машҳури «Тиб қонунлари» бўлиб, 1000 йилларда ёзилган. Бу асар 5 та жилдан иборат бўлиб, унинг биринчи жилди анатомия ва физиологияга бағишиланган.

Феодализмдан кейинги капитализм даврида фан ва санъатнинг энг гуллаб яшнаган даври бўлди. Леонардо да Винчи-рассом, қурувчи ва файласуф. Тикланиш даврининг улуғ, истеъдодли кишиси бўлиши билан бирга анатомиянинг атоқли тадқиқотчиси ҳам эди. Унинг чизган анатомик расмлари бизнинг замонамида ҳам аҳамиятини энсақотгани энсақ.

Шу даврда Гален анатомиясининг асоссизлигини исбот қилган ва хозирги замон одам анатомиясининг яратилишига асос солган қатор олимлар юзага чиқа бошлиди.

Улар орасида Андрей Везалий (1514-1564) биринчи ўринни эгаллайди. У «Одам танасининг тузилиши» деган машҳур китобни ёзади. У ўз фикри ва далилларини анатом Вилям Гарвейнинг (1578-1657) «Ҳайвонларда юрак ва қоннинг ҳаракати» деган китобида ифодалаб табиацхунослик ва медисинада хақиқий тўнтариш қилди.

В. Гарвей ишининг давомчisi Марчелло Малпиги (1628-1694) капиллярларни кашф қилди. У яна талоқ, ўпка, буйрак, тери ва безларнинг микроскопик тузилишини изоҳлаб берди.

Феодал Россияда врачлар бўлмаган, бинобарин одам анатомияси ҳам ўрганилмаган. Биринчи Россия олимлари А. П. Протасов, М. И. Шеин, А. М. Шумлянский, Е. О. Мукин, П. А. Загорский ва бошқалар бўлган.

Жумладан А. П. Протасов ошқозон ва унинг фаолиятини текшириш ишлари билан ном қозонган. Врач анатом М. Шеин биринчи рус анатомия атласини тайёрлади ва нашр қилдирди. А. М. Шумлянский буйраклар анатомиясига салмоқли ҳисса кўшди. Е.О.Мухин рус тилида «Анатомия курси» дарслигини яратди.

Москва анатомлари мактабининг бошлиғи Д. Н. Зернов марказий нерв системаси ва сезги органлар тўғрисидаги илмий ишларини бостириб чиқарди. Анатомия фанининг тараққиётида ўзбек олимларининг хизматлари ҳам каттадир. Масалан, академик К. А. Зуфаров овқат ҳазм қилиш системасини мукаммал электрон микроскоп ёрдамида ўрганган; Р. э. Худойбердиев ва С. А. Долимовлар қон – томирлар системасини, Х. З. Зоҳидов ва Н. К. Ахмедовлар нерв системасини, нерв системасининг эмбриологик ривожланишини Н. А. Ибодовлар ўрганиб, ўзларини катта ҳиссаларини қўшдилар.

Муҳокама учун саволлар:

- 3.1. Анатомия фанининг ривожланишига эрамизгача бўлган давр ва қадимги Рим даврининг қайси олимлари ўз ҳиссаларини қўшдилар?
- 3.2. Нима учун ўрта асрларда Ўрта Осиёда Ибн Синодек алломалар етишиб чиқса – да, тиббиёт ривожланмай қолди?

3.3. Ўзбек олимларининг анатомия фанини ривожлантириш жараёни тўғрисида нималар биласиз?

2-Мавзу: Таянч–ҳаракат органлари системаси.(2-соат маъруза)

Режа:

1. Суякларнинг тузилиши.
2. Суякларнинг классификацияси.
3. Тана скелети.
4. Бош скелети.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: скелет, эластик, диафиз, эпифиз, медиал, латерал дўнглар, проксимал, дистал учи.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Одам ва ҳайвон суюгининг ташқи тузилишидаги энг муҳим ўхшашлик, умуртқа, кўкрак қафаси, бош-калла суюги, қўл ва оёқ суюги борлигидир. Айтинг-чи уларнинг ташқи тузилишида қандай фарқлар бор?
2. Скелетнинг тўғри шаклланишига таъсир этувчи ижобий факторларга нималар киради?

Биринчи асосий савол баёни.

Одамнинг ҳаракат аппарати учта: 1) суюк, 2) суюкларни бирлаштирувчи бойламлар ва 3) мускул системасидан ташкил топган. Ҳаракат системаси организмнинг кўп қисмини ташкил қилади ва гавда умумий оғирлигининг 75% ни ташкил этади. Шундан мускуллар гавданинг $\frac{2}{5}$ қисмини, суюклар $\frac{1}{5}$ – $\frac{1}{7}$ қисмини ташкил этади. Мускуллар деярли ҳамма суюкларнинг устини қоплаб туради ва гавданинг ташқи кўринишини шакиллантириб туради.

Суяклар.

Скелет организмда таянч аҳамиятга эга бўлган зич тўқималардан иборат. Скелет бир қанча алоҳида суюклардан вужудга келган бўлиб, ўзаро биректирувчи тўқималар, бойламлар ва тоғайлар воситасида бирлашиб туради ва пассив ҳаракат аппаратини ҳосил қилади. Скелет бўлмаса, ер юзасидаги ҳайвонларнинг биронтаси ҳам ўзини тик тутиб тура олмайди ва қомат шакилланмайди. Скелет организмда асосий 3 вазифани бажаради: таянч, ҳаракат ва организмнинг ҳимоя вазифалари.

1. Таянч вазифасини юмшоқ тўқима ва органларнинг скелет айrim қисмларига бирикиб туриши натижасида вужудга келади.

2. Ҳаракат вазифаси–скелет ташкил қилиб турган суюкларнинг ҳар хил ричаг ҳосил қилиб бўғим орқали бирлашиши ва нерв системаси ёрдамида мускуллар қискариши билан юзага келади.

3. Ҳимоя вазифасини скелетнинг алоҳида қисмларида вужудга келган бўшлиқлар бажаради.

Одамнинг скелети икки юздан ортикроқ сүяклардан тузилган бўлиб, буларнинг аксарияти жуфт сүяклардир. Сүяклар қаттиқ ва эластик бўлиб асосан, икки турдаги моддалардан тузилган. Уларнинг $\frac{1}{3}$ қисми органик моддалар (оссеин, мугуз модда) бўлса, қолган $\frac{2}{3}$ қисми анерганик моддалар (асосан калсий тузлари, айниқса фосфат кислотали оҳак–51,04%) дир. Сүякларнинг эластиклигини оссеин моддалар бажарадиган бўлса, унинг қаттиклигини анерганик моддалари таъминлайди. Сүякнинг таркиби ёшга қараб ўзгариб, боради. Ёш организм таркибида органик моддалар қўп бўлганлигидан букиловчан ва жуда кам синадиган бўлади, ёш улғайиб борган сари минерал тузлар сүяк таркибида кўпаяди. Шунинг учун кекса кишиларнинг сүяклари эластилик хусусиятини аста –секин энсақотади, мўртлашиб, тез синадиган бўлиб қолади.

Сүяклар таркибида органик ва анерганик моддалардан ташқарии А, Д ва С витаминлар ҳам бўлади. Агар сүякларда А витамини етишмаса, сүяклар ҳаддан ташқари энсағонлашиб, ичидағи бўшлиқлари, ҳар–хил каналчалар катталашиб қолади.

Одам скелети сүякларининг катта кичикилиги ҳар хил бўлади: узун, ясси ва қисқа сүяклар бўлади. Қўл ва оёқ скелети, асосан танаси ва икки учи бўладиган қайчисимон узун сүяклардан тузилган. Узун сүяклар танаси диафиз, учлари эпифиз деб аталади. Калланинг баъзи сүякларида ҳаво билан тўлган бўшлиқлар бор. Бундай сүяклар ҳаво сақловчи сүяклар деб аталади. Масалан, юқори жағ суяги, пешона суяги ва бошқалар.

Сүяклар зич ва ғовак моддаларидан тузилган. Зич модда ташқи томондан сүяк усти пардаси билан қопланган. Ғовак модда органларида илиги бўлган кўп миқдоридаги ингичка сүяклардан тузилган.

Сүякнинг асоси Гаверс пластинкаларидан вужудга келган кўпдан–кўп Гаверс каналчалардан иборат. Гаверс каналчалари аксари сүяклар бўйига қараб жойлашган ва узаро бир неча зич сүяк пластинка-компакт моддалар билан ўралган бўлади. Гаверс системаси орасидаги бўшлиқларни оралиқ моддалар тўлдириб туради. Сүякнинг сиртқи юзаси сүяк устки пардаси (периост) билан қопланган. Лекин, сүякнинг бўғим юзалари, пайлар ва бойламлар ёпишган жойида периост бўлмайди. Периост юпқа, пушти рангли қўшувчи тўқимадан иборат. Периост узининг сүякларнинг алоҳида тешикчаларидан ўтиб борадиган толачалар воситасида сүяклар устига мустаҳкам ёпишиб туради.

Периост 2 қаватдан иборат, ташқи қавати юпқа бириктирувчи тўқимадан тузилган ва ҳимоя вазифасини бажаради. Ички қават юмшоқ бириктирувчи тўқимадан тузилган; у нерв ва қон томирларга бой ва сүякнинг ривожланиши, ўсиши ва қайтадан тикланишида катта аҳамиятга эга. Қон томирлари сүякнинг озиқ тешиклари орқали каналларга киради. Найсимон сүяк бўшлиқлари ва ғовак модда орасидаги ҳамма бўшлиқлар илик билан тўла бўлади. Қизил ва сариқ рангли илик бор. Сүяк илиги организмда қон яратади ва биологик ҳимоя вазифасини бажаради.

Муҳокама учун саволлар:

1.1. Сүяклардаги ҳимоя вазифаси қандай юзага келади?

1.2. Нима учун кексаларда озгина қўпол ҳаракат ҳам суякларнинг синишига сабаб бўлиши мумкин ?

1.3. Қизил ва сариқ иликлар қайерларда учрайди? Улар нима сабабдан шундай рангларга эга?

Иккинчи савол баёни.

Одам склети 200 дан ортиқ алоҳида-алоҳида суяклардан иборат.

Суяклар тузилиши, ривожланиши ва вазифаларига қўра қўйдагича классификасия қилинади.

I. Найсимон суяклар: а) узун суяклар елка, билак, сон ва болдир суяклари яъни қўл оёқ суяклари; товон ва зич моддалардан тузилган, илик канал бўлади ва ричаг ҳаракатига эга бўлиб, муҳофаза вазифаларини бажаради; б) калта найсимон суякларга: қўл-оёқ кафт ва панжа суяклари киради ва қисқа ҳаракат қилиш ричакларигагина эгадир.

II. Ғовак суяклар: а) узун ғовак суяклар-қовурға ва тўш суяклари. Асосий ғовак моддасидан тузилиб, юпқа зич модда пластинкаси қоплаб туради ва таянч вазифаларини бажаради; б) калта ғовак суякларга умуртқали, қўл-оёқ, кафт усти суяклари киради; в) сесамасимон суяклар-ғовак моддасидан тузилган бўлиб, мускул пайларининг орасида, деярли бўғим атрофида жойлашади, ва уларни ҳосил қилишда иштироқ этиб, ҳаракатини осонлаштиради.

III. Ясси суяклар: а) калланинг ясси суяклари ҳимоя вазифасини бажаради; б) ясси камар суяклар курак ва чаноқ суяклари таянч ва муҳофаза вазифасини бажаради.

IV. Аралаш суяклар. Бунга калла суюгининг асосий қисмини ташкил этган ва бир қанча суяклар бирикишидан вужудга келган суяклар киради.

Скелет суяклари турли усулда бир-бири билан бирикади, шу жиҳатдан 2 та асосий гурухга бўлинади: синартрозлар деб суякларнинг бириктирувчи тўқима ёки тоғай ёрдамида тўхтовсиз бирикишга айтилади. Буларга: 1) умуртқа таналарининг бир-бири билан бирикиши; 2) калла суяги асосида жойлашган баъзи суякларнинг бир-бири билан бирикиши; 3) биринчи қовурғанинг тўш суяги билан бирикиши ва бошқалар киради. Диартрозлар-суякларнинг бўшлиқ ҳосил қилиб бирикиши.

Муҳокама учун саволлар:

2.1. Ғовак ва ғалвирсимон суяклар бир-биридан қайси жиҳатлари билан фарқ қиласи?

2.2. Ғовак ва ясси суякларчи? Уларни битта синфга киритиш мумкинми? Нима учун?

2.3. Найсимон суякларнинг организмдаги аҳамияти нимадан иборат деб ўйлайсиз?

2.4. Бизга маълумки, ясси суяклар асосан ҳимоя вазифасини бажаради. Унинг бу вазифаси ғовак ёки ғалвирсимон суякларга юклатилса қандай бўлар экан?

Учинчи саволнинг баёни.

Одам тана скелети умуртқа поғонаси, ўн икки жуфт қовурға ва түш суюгидан иборат. Умуртқа поғонаси бир-бирининг устида жойлашган алоҳида умуртқалар йифиндисидан ташкил топган бўлиб, булар бўйин-7, қўкрак умуртқалари-12, бел умуртқалари-5, думғаза умуртқалари-5 ва дум-4-5 та ҳосил қилган бўлимларига ажратилади.

Ҳар қайси айрим умуртқада таянч вазифасини бажарадиган танаси, равоғи бор. Умуртқа равоғи танасига 2 та оёқчаси ёрдамида бирлашиб, умуртқа тешигини ҳосил қилади, ҳамма умуртқаларнинг тешиклари бирлашиб умуртқа каналини ҳосил қилади, орқа мия шу каналда жойлашади. Умуртқа равоғининг ўрта қисмидан орқа томонга битта қиррали ўсиқ, иккала ёнбош қисмидан биттадан кўндаланг ўсиқ чиқади. Умуртқа танаси билан бўғим ўсиқларининг ўрта қисмларида юқориги ва пастки ўймалар жойлашган. Улар умуртқа оралиқ тешикларини ҳосил қилади. Бу тешиклар орқали орқа мия нервлари ва қон томирлари ўтади. Умуртқа поғонасининг ҳар –хил қисмларидаги умуртқалар жойлашган ўрни ва шундан келиб чиқадиган функсиялари билан бир – биридан фарқ қилади.

Кўкрак умуртқалари (*вертибрае тҳорасисае*) – танаси тепадан пастга қараб катталашиб боради. 12 жуфт қовурғалар билан бўғим ҳосил қилиб бирикиши, уларни бошқа умуртқалардан ажратиб туради. Уларнинг тепа ва пастки томонларида қовурғалар учун ўймалар мавжуд.

Бўйин умуртқалари (*вертибрае сервисалес*) – танасининг кўндаланг – овал шаклда, умуртқа танасининг катта учбурчак шаклда бўлиши билан бошқа умуртқалардан фарқ қилади. Бундай тузилиш уларнинг функсиясидан келиб чиқади. Масалан 1- бўйин умуртқаси (атлант) га иккинчи бўйин умуртқаси (ўқли) нинг тиҳсимон ўсиғи кириб туради ва шу орқали улар калланинг ҳар томонга бурилишига имкон туғдиради. 2-5- бўйин умуртқалари танасининг орқа томонида жойлашган қиррали ўсимталари калта ва уни айри бўлади. 7-бўйин умуртқасининг орқа ўсиғи эса бошқа бўйин умуртқаларига нисбатан узун ва энсағон бўлиб, тирик одамда тери остида билиниб туради.

Бел умуртқалари (*вертибрае лумбалес*) – энг йирик умуртқалар бўлиб, танаси буйрак шаклида бўлади.

Думғаза умуртқалари (*вертибрае сасралес*) – 17–25 ёшларда ўзаро қўшилиб, битта бутун думғаза суюгини юзага келтиради.

Дум умуртқалари (*вертибрае соссигае*) –rudiment бўлиб, 30 ёшларда суякланиб дум суюгини ҳосил қилади.

Тўш суюги (*стерnum*) – қўкрак умуртқалари ва қовурғалар билан биргаликда қўкрак қафасини ҳосил қилади. Тўш суюги узунчоқ япалоқ шаклда бўлиб, ўрта яшар одамда учта айрим қисмдан иборат. 1) юқори қисм – дастаси; 2) ўрта қисм – танаси; 3) пастки қисми – ханжарсимон ўсиқ деб номланади. Улар ўзаро юпқа тоғай қатлами билан қўшилган бўлиб, кексалик даврида суякланиб яхлит битта тўш суюгини ҳосил қилади. Дастанинг икки ёнбошида жуфт ўймалар ўмров суюгининг тўш суюгига қараган уни ва 1 қовурға тоғайи билан бирикиши учун

хизмат қиласи. Даста билан танаси орасида 2–6-қовурғалар тоғайлари учун үймалар бор. Аёлларнинг тўш суюги эркакларнига нисбатан калтароқ бўлади.

Қовурғалар (*состалес*)—12 жуфт ингичка ёйлардан иборат бўлиб, орқа томондан кўкрак умуртқаларининг таналарига ёпишиб туради. Ҳар қайси ғовурға икки қисмдан иборат бўлиб, унинг орқа қисми суюк ва олдинги қисми тоғайдан тузилган. Юқоридаги 1-7-жуфт қовурғалар бевосита тоғай қисмлари билан тўш суюгига бирақадилар ва чин қовурғалар дейилади. Кейинги 8–9- ва 10-жуфт қовурғалар ўзларининг олдинги тоғай қисмлари билан бевосита тўш суюгига ёпишмасдан, ўзи дан юқори жойлашган қовурғанинг тоғайига ёпишади ва улар соҳта қовурғалар деб номланади.

Қолган 11-ва 12-жуфт қовурғаларнинг тоғайлари ҳеч жойга ёпишмасдан юрин мускулларининг ораларида эркин жойлашади. Шу сабабли улар йетим қовурғалар дейилади. Қовурғаларнинг узунлиги ва шакли кўкрак қафасининг тузилишига ва формасига боғлиқ. Уларнинг узунлиги 7-қовурғагача ортиб бориб, 8-қовурғадан охири 12- қовурғагача қисқариб боради.

Биринчи қовурға бошқа қовурғалардан унинг юқори юзасида ўмров ости артерияси ва венаси учун эгатча борлиги билан тафовут қилинади.

Қўл–оёқ суюклари.

Одамнинг қўл скелети билан оёқ скелетининг тузилишларида бир қадар ўхшашлик бўлса ҳам, вазифалари бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Одам оёқлари ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга юриб боради ва гавдасини кўтариб туралади. Қўл эса меҳнат қуроли бўлиб, ушлаш вазифасини бажаради.

Қўл-оёқ суюклари жойлашган жойларга қараб камар ва эркин турган бўлимларга ажратилади. Қўл ҳам ўз камарлари воситасида тана скелетига қўшилиб туради.

Қўл склети: елка камари ва курак суюкларидан иборат. Қўл суюклари елка суюги, тирсак ва билак суюкларидан ва қўл панжаси скелетидан иборат.

Елка камари суюклари.

Умров (*слависула*)-қўлни тана билан бирлаштириб турадиган бирдан-бир суюк бўлиб, шакли латинча «С» ҳарфига ўхшаш букилган. Бир уни билан тиш суюгига, иккинчи уни билан курақдаги елка устига бирлашиб елка бўғимининг танадан узокроқда бўлишини таъминлайди.

Курак (*ссапула*)-суюги ялпок, учбурчак шаклда бўлиб, кўкрак қафасининг орқа томонидан II–VII қовурғаларнинг ташқи соҳасида туради. Куракнинг учта чеккаси тафовут қилинади; умуртқа поғонасига қараганда медиал чеккаси қўлтиққа қараганда латерал чеккаси ва юқори калта чеккаси.

Қўлнинг эркин турган бўлимидаги суюклар.

Елка суюги (*ҳимерус*)- елка суюги росмана узун суюклар туркумидаги бўлиб, унда танаси–диафиз, иккала уни эпифиз ва уларнинг ўртасида жойлашган метафиз фарқланади.

Билак суюклари (*радиус*)-найсимон иккита узун суюклардан иборат бўлиб, медиал томондан эса билан суюги бўлади.

Тирсак сяги (улна) нинг юқори энсағон елка сягининг ғалтаги билан қўшиладиган каттагина бўғим юзаси ярим ойсимон кесмаси бор. Ярим ойсимон кесмаси олдинги томонга тож устига ва орқа томонда тирсак билан чегараланиб туради.

Қўл панжаси скелети(осса манус) кафт усти, кафт ва бармоқ сякларида ажратилади. Кафт усти сяклари турли шаклдаги 8 та майда сяклардан иборат бўлиб, тўрттадан икки қатор бўлиб жойлашган.

Оёқ скелети.

Оёқ сяклари қўл сяклари сингари икки қисмга бўлинади. Биринчиси-оёқ камари бўлиб, иккала томонда биттадан чаноқ сяқдан тузилган. Иккинчиси-оёқнинг эркин сяклари.

Чаноқ сяги (ос соҳае) иккита ялпоқ ёки номсиз сяқдан иборат бўлиб, одамнинг юришида гавда оғирлигини оёққа ўтказади ва чаноқ бўшлиғидаги органларни ташқи муҳит таъсиридан сақлаб туради. Чаноқ сягининг бу хилдаги вазифалари унинг мураккаб тузилишига сабаб бўлган.

Ёнбош сяги(ос илиум) нинг пастки энсағонроқ қисми, танаси қўймич косасининг тузилишидан қатнашади. Ёнбош сягининг танасидан юқорига сербар пластинка-«С» шаклидаги кенг чекка ёнбош сягининг қирраси бўлиб, унга қорин деворининг мускуллари ёпишади.

Қов сяги(ос пубис) нинг калта ва кенг қисми, танаси бўлиб, қўймич коссасининг олдинги бўлагини ташкил қиласди.

Қўймич сяги (ос исчи) нинг қов сягига ўхшаш қўймич косаларини ҳосил қилишда қатнашадиган қисми, танаси ва унинг пастга давом этган юқори бутоғи бор.

Оёқнинг эркин турган бўлимидағи сяклар.

Оёқ скелетининг бу қисми сон сяги тизза қопқоғи, болдир сяклари ва оёқ панжасининг склетидан ташкил топган.

Сон сяги (фемур) - найсимон сяклар орасида энг узун ва каттаси бўлиб, унда танаси, паски ва юқори томон (епифиз)лари бор.

Сон сягининг юқори учидаги (икки томонга қараб жойлашган) шарсимон бошчаси кўриниб туради.

Тизза қопқоғи (пателла) тўрт бошли сон мускули пайининг орасида жойлашган энг катта сесамасимон сяқдир. Тизза қопқоғининг олдинги юзаси ғадир будир бўлса, орқа силлқ бўғим юзаси сон сяқ билан бўғим ҳосил қиласди.

Катта болдир сяги (тибиа) кичик болдир сягига нисбатан катта бўлиб, юқори уни (епифиз)да иккита (медиал ва латерал) дўнглар бор, иккала дўнгнинг орасида сон сяги билан бўғим тузиш учун ботикроқ юза жойлашган. Мана шу бўғим юзалар иккита думбоғдан тузилган тепача воситасида бир-биридан ажралиб туради. Латерал дўнгнинг пастки ва орқа томонида кичик болдир сягининг юқори уни бирлашадиган ясси бўғим юзаси бор.

Кичик болдир сяги (фибула) жуда ингичка ва иккита энсағон бўлиб, юқори (проксимал) уни (епифиз)-сяқ бошини модел юзасида катта болдир сягининг латерал дўнги билан бўғим ҳосил қиласидаган юзаси бор. Сяқ танаси ўз ўқи

атрофида бироз бурилган уч қиррали бўлиб, улардан бирининг медиал юзасининг оралиқ парда (мембрана) ёпишадиган оралиқ қиррани кўриш мумкин.

Оёқ панжаси скелети (*osca pedis*) кафт олди қисми, оёқ кафти ва оёқ бармоқларидан тузилган.

Оёқ кафти бешта оёқ кафти суюкларидан ташкил топган. Бу суюкларниң тузилиши қўл кафт суюкларига ўхшаш бўлиб, буларда ҳам проксимал учи ёки асоси, танаси ва дистал учи ёки бошчаси бўлади.

Муҳокама учун саволлар:

- 3.1. Қайси умуртқаларнинг таналари кичкина бўлиб, равоқлари бўлмайди?
- 3.2. Қайси кўкрак умуртқаларининг икки ёнбошида биттадан тўла чуқурчаларни кўриш мумкин? Нима сабабдан?
- 3.3. Тери остидан билиниб турадиган бўйин умуртқаси бошқа бўйин умуртқаларидан нимаси билан фарқланади?
- 3.4. Кўлнинг турли мураккаб ҳаракатларини осонлик билан бажариши қандай юзага келади?
- 3.5. Тож ўсиғи қайси суюкка хос ва унинг аҳамияти нимадан иборат?
- 3.6. Ёпилувчи тешик гавданинг қайси қисмда учрайди ва унинг аҳамияти?
- 3.7. Қўл ва оёқ склети суюкларининг ўхшашликлари ва фарқлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

Тўртинчи саволнинг баёни.

Бош скелети ёки калла суюги бош мия ва у билан бирга такомиллашган сезги органларнинг таянчи бўлиб уларни ташқи муҳит таъсирида сақлаб туради. Бундан ташқари калла суюгининг юз қисмида организм ҳаётида катта аҳамияти бўлган нафас олиш системасининг бошланиш қисми-бурун ва озиқ ҳазм қилиш системасининг бошланиши оғиз бўшлиғи жойлашган. Калла суюги икки бўлимга: 1- калланинг мия бўлими, 2- калланинг юз бўлимига ажралади.

Калланинг мия бўлими суюклари.

Энса суюги (*os accipitale*) қисман калла қопқоғининг орқа ва пастки томонини ва унинг асосини ташкил қилишда қатнашади ва олдинги томондан понасимон суюкка, тепа ва чакка суюкларга бирлашган. Энса суюги катта тешик орқали умуртқа каналига қўшилиб туради.

Понасимон суюк (*os sphenoïdale*) жуда мураккаб тузилган бўлиб, калла суюгининг асосий ўртасида деярли барча калла суюклари билан бирлашган ҳолда жойлашган. Унинг катта ва киччик қанотлари учайтган кўршапалак шаклига ўхшаган бўлиб суюк танасига бирлашади. Понасимон суюк танасининг калла бўшлиғига қараган юқори юзасининг ўрта қисмида эгарчага ўхшаш чуқурча-турк эгариининг туби бўлиб, бунда миянинг пастки ортиғи-гипофиз жойлашган.

Чакка суюги (*os temporale*) бир жуфт бўлиб мураккаб тузилган. Эшитув ва мувозанат сақлаш органларини ўз таркибида сақлаб туради. Чакка суюги тўрт қисмдан иборат: палла (танга), ноғора, пирамида (тошсимон) ва сўрғиҷсимон; ана шу қисмлар янги туғилган чақалоқларда алоҳида бўлиб, бола бир ёшлигидан

сүякланиб битта бўлган чакка суюгини ҳосил қиласди. Чакка суюгини тўртала қисми ташқи эшитув энсали атрофида жойлашган.

Тепа суюги(*os pariетале*) бир жуфт бўлиб, калла қопқоғининг ўрта қисмини ташкил қиласди. Одам бош миясининг тараққий этиши тепа суюкнинг ҳам ривожланиб катталашишига сабабчи бўлади. Бу суюк калла қопқоғининг бир талай қисмини ташкил қилиб, бош мияни механик таъсиrlардан сақлайди.

Пешона суюги (*os фронтале*) битта бўлиб, калла қопқоғининг олдинги қисмини ташкил қиласди. Пешона суюгининг бу қисми сезги органлар (кўриш ва хид билиш органлари) билан узвий боғлик.

Ғалвир суюк (*os этмоидаe*) юз суюклари орасида марказий ўриндаги бурун бўшлиғининг пешона суюги ўймасида жойлашган. У горизантал жойлашган ғалвирсимон нафас пластинка билан калла суюгининг тубини ҳосил қилишда қатнашади. Ғалвирсимон пластинканинг жуда кўп тешиклари бўлиб улар орқали ҳидлов нервининг толалари бурун бўшлиғига ўтади.

Калланинг юз бўлими суюклари.

Юқориги жағ (*махилла*) бир жуфт бўлиб, бир неча вазифаларни бажаради. Юқориги жағ кўз косаси, бурун ва оғиз бўшлиқларини ҳосил қилишда иштирок қиласди ва чайнов ахборотлари ишида актив қатнашади. Юқориги жағнинг танаси ва тўрт ўсиги бор.

Танглай суюги (*os палатинум*) бир жуфт бўлиб кўз косаси бурун бўшлиғи оғиз бўшлиғи ва қанот-танглай чуқурчасини ҳосил бўлишида қатнашади. Суюкнинг горизантал пластинкаси орқа томонидан юқори жағ суюгининг танглай ўсигига бирлашиб қаттиқ танглай ҳосил қиласди.

Бурун суюги (*os насале*) бир жуфт бурун суюги қиррасини ҳосил қилиб жойлашган. Бурун суюкларининг юқори қирралари тепа томондан пешона суюгига ёпишиб турса, пастки қирралари бурун тоғай билан туташади. Матерасия қилиниб тайёрланган каллада бурун тоғайлари бўлмайди шунинг учун бурун суюкларининг пастки қирралари бурун тешигини теппа томонидан чегаралаб туради, латерал қирралари эса юқори жағ суюгининг пешона ўсигига туташиб туради.

Димоғ суюги (*вомер*) нотўғри туртбурчак шаклидаги пластинкадан иборат тоқ суюк бўлиб, бурун тўсигини ҳосил қилишда қатнашади.

Ёноқ суюги (*os зигоматисум*) юз суюклари орасида энг катта бўлиб, калланинг юз қисмини мия бўлагига нисбатан мустаҳкамлаб туради. Ёноқ суюги чайнов мускулларининг бошланадиган кенг сатхини ҳосил қиласди.

Пастки жағ суюги (*мандибула*) калла суюклари ичида актив ҳаракатчанлиги, яъни чакка суюкларига бир жуфт бўғим ҳосил қилиб қўшилиши билан фарқ қиласди. Пастки жағ суюгига тишлар ўрнашган горизантал қисми-танаси ва иккита вертикал жойлашган ана шу шохлар воситасида бўғим ҳосил қиласди ва чайнов мускуллари ёрдамида ҳаракатланади.

Тил ости суюги(*ос ҳёидеум*) пастки жағ билан ҳиқилдоқ устида жойлашган. У тақа каби букилган бўлиб ўрта қисми. Танаси ва катта кичик икки жуфт шохи бор, улар танаси билан тоғай орқали бирлашади. Факат 50 ёшдан кейингина суюкланиб бирлашади.

Калла скелетининг юз қисмида тепа томонида пешона қисми бир жуфт кўз косаси ва уларнинг ўртасида, пастрокда жойлашган бурун бўшлифининг ноқсимон шаклдаги тешигини кўрамиз. Бурун тешигининг латерал томонидан, юқори жағнинг олдинги юзасида тишлар жойлашадиган ўсиқ ва бу ўсиқда жойлашган тишлари кўринади.

Пастки жағ бўлими пастки жағ суюгининг икки томонидаги ўсиғи учидаги бошчаси билан чакка сужкларидағи бўғимлар туркумiga киради. Чунки ўнг ва чап томондаги бўғимлар айни вақтда бирга ва бир хил ҳаракатни бажаради.

Кўз косаси бир жуфт бўлиб, тўрт бурчакли пирамидага ўхшаш бўшлиқдан иборат. Пирамиданинг асоси оғзи олдинга, уни эса орқага ва медиал томонга қараб жойлашган. Кўз косасининг медиал, латерал, юқори ва пастки деворлари бор. Кўз косасининг медиал деворини юқори жағ суюгининг усули, кўз ёши сужги, ғалвир сужкнинг латерал пластиинкаси, понасимон сужк танаси олдинги қисми ҳосил қиласи.

Бурун бўшлиғи юзнинг ўртасида жойлашган бўлиб, унинг юқорида калла бўшлиғи икки ёни кўз косалари ва юқори жағ сужги бўшлиқлари пастдан оғиз бўшлиғи ўраб туради.

Оғиз бўшлиғида калла скелетининг бошқа бўшлиқларига қараганда сужк деворлари камроқ бўлиб, юқори деворини қаттиқ танглай ҳосил қиласи.

Чакка чуқурчаси орқа томон ва тепада чакканинг пастки чизиғи, олдинги томонга ёноқ сужги, пастдан понасимон сужклар катта қанотидаги қирра ёноқ равоғи билан чегараланади. Чуқурчани шу номли чайнов мусқули тўлдириб туради.

Калла тубининг сирти олдидан юз қисми сужкларининг пастки юзалари билан ва калланинг мия бўлими сужклари йиғиндисидан тузилган. Калла туби олдинги томондан юқори жағда жойлашган тишлар билан, орқа томондан юқори энса қирраси билан, диатрал томондан чакка сужк ости қирраси, сўрғичсимон ўсиқлар билан чегараланган.

Мұҳокама учун саволлар:

- 4.1. Бўшлиқлари бурун бўшлиқларига очиладиган сужкларни айтиб беринг.
- 4.2. Калланинг юз бўлими сужклари билан мия бўлими сужклари орасида фарқ мавжудми? Қайсилар?
- 4.3. Юз сужклари ичида энг катта сужк қайси бири, нима учун?
- 4.4. Сужкланиши 50 ёшлардан кейин борадиган сужк? Нима сабабдан бу сужкда сужкланиш жуда кеч бошланади деб ўйлайсиз?

3-Мавзу: Мускуллар системаси.(2-соат маъруза)

Режа:

1. Мускуллар жа: имот (миология).
2. Гавда ва бош мускуллари.
3. Қўл ва оёқ мускуллари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: қўндаланг-тарғил, юмшоқ тола, антогонистлар, фасция, диафрагма, пирамидасимон, квадрацимон, латерал, медиал, делтасимон, икки бошли, уч бошли, супенасия

Мавзуга оид муаммолар.

1.Мускул тўқималарида ўзига хос биологик жараён кетади. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

2.Мускуллар юпқа бириктирувчи тўқимали парда фассиялар билан ўралган бўлади, саркоплазма, фасциялар орасидаги ўзаро фарқ ва боғланишларни тушунтириб беринг.

1-савол баёни.

Скелет мускуллари ҳаракат органлари системаси орасида ўзини қисқарувчи хусусияти билан муҳим вазифани бажаради. Одатда, скелет мускуллари одам ихтиёри билан қисқаради, бинобарин бу мускуллар қисқарувчан мускуллар деб ҳам айтилади. Одам гавдасида 600 га яқин скелет мускуллари бор. Мускуллар катта одамда тана вазнининг 42% ни ташкил қиласди.

Мускулларнинг тузилиши. Скелет мускуллари кўндаланг-тарғил толалардан тузилган бўлиб, қисқариш қобилиятига эга. Ҳар бир мускулнинг қисқарувчи қисми—танаси ва икки учи, яъни бошланиш ва бириктирувчи қисмлари бор. Бундан ташқари, узун мускулларда бош ва дум ҳам ажратилади. Яssi мускулларнинг ясси пайи бўлади.

Ҳар бир мускуллар учida пай ва ўртасида мускул қисмига эга бўлган органдир. Мускул қисми параллел жойлашган ва бир-бири билан юмшоқ толали бириктирувчи тўқиманинг эндамизиум деб аталган юпқа қавати билан боғланган кўндаланг энсалли толаларнинг бойламларидан иборат. Бундай бойламлар бирламчи бойламлар деб аталади.

Бирламчи бойламлар бириктирувчи тўқиманинг энсағонроқ қавати ёрдамида бирикиб янада дағалроқ иккиламчи ва учламчи бойламларни ҳосил қиласди.

Мускуллар коллаген толаларнинг параллел бойламларидан иборат бўлган пайлар ёрдамида суюкларга ёпишади. Бу бирламчи боғланган юмшоқ толали бириктирувчи тўқима билан бирлашиб иккиламчи боғламларни, улар эса учламчи боғламларни ҳосил қиласди. Пай ичидаги бу қаватлар эндотентоний деб аталади; унинг ичida нерв ва пайни озиқлантирувчи қон томирлари ўтади. Пай ташки

томондан зич толали бириктирувчи тўқимадан иборат бўлган парда-перитеноний билан қопланган.

Мускул қисқариши натижасида ҳаракат вужудга келади. Шу ҳаракат вақтида унинг бир учи ҳар доим ҳаракациз турди ва мустаҳкамланган бўлади. Пайнинг шу сүякка ёпишган жойи ҳаракациз ёки мустаҳкамланган нуқта деб аталади.

Мускуллар якка-якка ҳаракат қилмасдан, бир қанча мускулларнинг қисқариши нитажасида амалга ошади. Ҳосил қилган ҳаракатлари бир-бирига мос келиб, умумий иш бажараётган мускуллар синергистлар деб аталади. Қарама-карши ҳаракатни амалга оширган мускуллар антогонистлар деб аталади.

Мускулларнинг шакли ҳар хил бўлиши билан бир-биридан фарқ қиласи; уларнинг қисқа ва кенг шакллари бўлади.

Узун мускулларда марказий қисми мускул қоринчаси бўлиб, бундай хиллари қўл ва оёқ сүяклари бўлади. Қисқа мускуллар умуртқалар орасида жойлашади. Кенг ясси мускуллар қўпроқ гавдада бўлади. Қорин кўкрак ва орқанинг юза мускуллари кенг ясси мускулларни ташкил этади; улар нисбатан қалин эмас.

Ҳамма мускуллар юпқа бириктирувчи тўқимали парда фасциялар билан ўралган бўлади. Улар ҳар қайси мускулни алоҳида шунингдек мускул гурухларини алоҳида ва тананинг баъзи қисмларида мускулларни ўраб турди. Булар ҳақиқий фасциялар деб аталади. Мускуллар орасига чукурроқ киравчи фасциал пластинкалар тана ичкарисига жойлашган фасциялар дейилади.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Скелет мускуллари билан силлиқ мускуллар тузилиши ва функсияси жиҳатидан бир – бири билан қандай фарқланади?
- 1.2. Мускуллар ҳаракатида қатнашадиган қандай мускуллар синергистлар ва қандайлари антогонистлар дейилади?
- 1.3. Фасциялар деб нималарга айтилади ва қандай фациялар бўлади, улар мускулларнинг қайси қисмида жойлашган?

2- савол баёни.

Гавда мускуллари кўкрак, қорин ва орқа мускулларидан тузилган.

Орқа мускуллари юза ва чуқур группа мускулларига бўлинади.

Орқанинг юза мускулларига –ўз номига кўра орқада тери остида (юзада) ётади. Бу гурухга трапециясимон(м. трапезиус) мускул, орқанинг сербар мускули(м. Латтиссимус дорси), ромбсимон(мм.рҳомбоидрус) мускул, куракни кўтарувчи мускул (м. Леватор ссанулае), орқанинг юқори тишли мускули(м. Серратус постериор супериор), орқанинг пастки тишли мускуллари(м. Серратус постериор инфериор) кириб, улар асосан елка камари, курак ва қўлнинг турли ҳаракатларида қатнашади. Орқанинг юқори ва пастки тишли мускуллари эса қовурғаларни кўтариш ва пастга туширишни таъминлайди.

Орқанинг чуқур мускуллари. Орқанинг чуқур мускуллари умуртқа поғонасининг икки ёнбошида умуртқаларнинг қиррали ўсиқлари билан қовурғалар бурчагининг ўртасида ҳосил бўлган эгатчаларда жойлашган.

Умуртқа поғонасининг тикловчи мускуллари(м. эрестор спинае), ёнбош қовурға мускули(м. илиосасталис), кўндаланг-қиррали мускул (м. трансверсоспиналис), яrim ўткир қиррали мускул (м. семиспиналис), бошнинг орқа катта ва кичик тўғри мускуллари (м. Рестус сапитис постериор мажор ба м. Рестус сапитис постериор минор), бўйин ва бошнинг тасма мускуллари (м. Сплениус сервисис ба сапитис) кириб, улар, гавданинг турли; тик, эгилган ҳолатда бўлишини ҳамда бошни қисқарган томонга букилишини таъминлайди.

Гавданинг олди томонидаги мускуллар кўкрак ва қорин мускулларидан иборат. Кўкрак мускуллари икки группадан, юза сербар ва чуқур мускуллардан ташкил топган. Кўкракнинг юза мускулларига кўкракнинг катта мускули, кўкракнинг кичик мускули, ўмров ости мускули, олдинги тишли мускуллар кириб, қўлнинг турли ҳаракатларида ва нафас ҳаракатларида иштирок этадилар. Кўкрак қафасининг хусусий мускулларига қовурғалараро ташқи мускуллар(мм. Интерсосталес эхтерни), қовурғалараро ички мускуллар (мм. Интерсосталес интерни), қовурға ости мускуллари (мм. субсосталес) кириб, улар қовурғларнинг бир учидан бошланиб, иккинчи бир учига ёпишади. Функцияслари: қовурғларни юқорига ва пастга тортиш.

Кўкрак – қорин тўсиғи–диафрагма(диапхрагма).

Кўкрак–қорин тўсиғи–диафрагма юпқа мускулдан тузилган бўлиб, кўкрак қафаси томонига гумбаз ҳосил қилиб жойлашган. Диафрагманинг ўрта қисми пайдан тузилган. Четлари эса мускул толаларидан иборат бўлиб, бел, қовурғага ва тўш қисмлари тафовут қилинади.

Функцияси: қисқарганда гумбази яссиланади ва кўкрак қафаси кенгайиб, нафас олишга ёрдам беради.

Қорин мускулларига қориннинг ташқи қийшиқ мускули(м. Облигуус эхтернус), қориннинг ички қийшиқ мускули(облигуус интернус абдоминус), қориннинг кўндаланг мускули. (м. Трансверсус абдоминус), қориннинг тўғри мускули(м. Рестус абдоминис), пирамидасимон мускул(м. пиромидалис), белнинг квадрацимон мускуллари(м. қуадратус лумборум) киради. Функцияси: улар қисқарганда қорин бўшлиғи торайиб, босими ошади. Бу ҳол аёлларда туғиш, дефикация ва қусиши просесларини осонлаштиради. Гавданинг турли ҳаракатларида, нафас ҳаракатларида ҳам иштирок этади.

Бўйин мускуллар - Юза мускуллари, тил ости мускуллари ва бўйиннинг чуқур мускулларидан иборат.

Юза мускуллари оғиз ва бошнинг турли ҳаракатларини амалга оширади.

Тил ости мускуллари тил ости суягидан юқоридаги ва тил ости суягидан пастдаги мускулларга бўлинади. Тил ости суяги юқоридаги мускуллар овқатни чайнашга ва ютишга, Тил ости суяги пастдагилар тил ости суяги ва ҳиқилдоқни пастга тортади.

Бўйиннинг чуқур мускулларига олдинги нарвонсимон мускул, ўртадаги нарвонсимон мускул, орқадаги нарвонсимон мускул, Бўйиннинг узун мускули, бошнинг ўзун мускули, бошнинг олдинги ва ён томондаги тўғри мускуллари кириб, улар бўйинни турли томонларга бурилишида таъминлайди.

Бош мускуллари.

Мимика мускуллари бошқа скелет мускулларидан сүякларга эмас, бевосита терига ёпишиши билан фарқ қилади ва уларга тақабурун мускули, кўзнинг айлана мускули, қошнинг чимирувчи мускули, юқори лабни кўтарувчи мускули, ёноқни катта ва кичик мускули, қўлги мускули, пастки лабни пастга тортувчи мускули, энгак мускули, лунж мускули, оғизнинг айлана мускули бурун мускуллари кириб, улар кишининг турли эмоционал ҳолатларини ифодалайди.

Чайнов мускули. Чайнов мускули(м. массетер), чакка мускули(м. темпоралес), латерал қаноцимон мускул(м. птерйгоидеус латералис), медиал қаноцимон мускул(м. птерйгоидеус медиалис).

Чайнаш мускули(м. массетер)-ёноқ бошланади ва пастки жағнинг ташқи томондан унинг бурчагига келиб бирикади.

Чакка мускули(м. темпоралес) калла суюгининг чакка чизиқларидан ва чуқури юзасидан бошланиб, пастки жағнинг тожсимон ўсимтасига бирикади.

Латерал қаноцимон мускул(м. темпоралес)-қаноцимон ўсимтанинг ташқи пластинкасидан бошланиб, пастки жағ чуқурчасига бирикади.

Медиал қаноцимон(м. птерйгоидеус медиалис)-қаноцимон ўсиқнинг шу номли чуқурчасидан бошланиб, ички томондан пастки жағнинг бурчагига келиб бирикади.

Функцияси: тўртала чайнов мускули пастки жағни юқориги жағга тортиб тишилшни таъминлади. Медиал ва латерал мускуллар бир томонлама қисқарса, пастки жағ қарама – қарши томонга, икки томондан баравар қисқарса, пастки жағни олдинга силжитади. Чакка мускулнинг орқа толалари қисқарса, пастки жағни ўз жойига қайтаради.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1.Кўкрак қафасининг хусусий мускуллари кўкракнинг юза ва чукур мускулларидан қандай фарқ қилади?
- 2.2.Қорин мускулларига қандай мускуллар киради?
- 2.3.Овқатни чайнаш ва ютиш қайси мускуллар орқали амалга оширилади?
- 2.4.Мимика мускуллари скелет мускулларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
- 2.5.Суяклар билан мускуллар ўртасида функционал жиҳатдан қандай боғланиш бор?

Қўл мускуллари.

Елка камари мускуллари. Делтасимон мускул(м. делтоидеус), курак қирра усти мускули(м. супраспинатус), кичик юмалоқ мускул(м. терес минор), катта юмалоқ мускул(м. терес мажор), курак ости мускул (м. субссапуларис)лари кириб, улар елка бўғими атрофида жойлашган. Кўкрак ва орқа мускуллари иштирокида елка бўғимини ҳаракатга келтиради.

Елка мускуллари. Елканинг олдинги томонидаги мускуллар, елка мускули, тумшуқсимон йелка мускули. Бу мускуллар билакни букади ва ташқарига буради.

Елканинг орқа томондаги мускуллар. Елканинг уч бошли мускули(м. трисепс), тирсак мускули(ансонеус). Бу мускуллар букилган билакни ёзади.

Билак мускуллари. Юза қават мускуллари. Юмалоқ пронатор мускул(м. Пронатор терес), кафтни билак томонга букувчи мускул(м. Флексор сарпи радиалис), кафтнинг узун мускули(м. Палмарис лонгус), кафтни тирсак томонга букувчи мускул(м. Флексор сарпи улнарис), панжани букувчи юза мускул(м. Флексор дигиториум сыйерфисиалс).

Чуқур қават мускуллари. Бош бармоқни букувчи узун мускул(м. Флексор поллисис), панжани букувчи чуқур мускул(м. Флексор дигиториум профундус), билакни ичкарига буровчи квадрат мускул(м. Пронатор қуадратус).

Оёқ мускуллари.

Оёқ мускуллари чаноқ, сон, болдир ва панжа мускулларидан тузилган.

Чаноқ тана билан деярли ҳарақациз бирлашганлиги сабабли мускуллар фақат чаноқ–сон бўғимига алоқадор бўлиб, олдинги гурух мускулларига-ёнбош ва бел мускуллари кириб сонни букади.

Орқа группа мускуллари:

катта думба мускули(м. глутеус махимус) сонни ёзиш ва ташқарига букишда, думбанинг ўрта мускули(м. глутеус медиус)- оёқни ташқарига, сонни ичкарига, оёқни бир–биридан узоқлаштиришни амалга оширади.

Думбанинг кичик мускули (м. глутеус минимус) ва соннинг сербар фасциясини таранг қилувчи мускул, ноксимон мускул, ички ёпқич мускул, устки ва ости эгизак мускуллар, ташқи ёпғич мускуллари - сонни ташқарига букади.

Сон мускуллари.

Олдинги группа. Соннинг тўрт бошли мускули кириб, унинг 4 та бошчаси бор. Функцияси: болдирни тизза бўғимида букади.

Медиал группа. Тароқсимон мускул, сонни яқинлаштирувчи мускул, орқа группа. Нозик мускулари кириб, функцияси сонни бир–бирига яқинлаштиради.

Орқа группа. Соннинг икки бошли мускули- сонни ёзади, болдирни букиб, ташқарига букади.

Ярим пай мускули, ярим парда мускуллари- сонни ёзади, болдирни букади.

Таким ости мускули– тизза бўғимини букиб, болдирни ичкарига букади.

Болдир мускуллари. Олдинги группа-Олдинги катта болдир мускули(м. тибиалис антериор)оёқ панжасини ёзади,

Бармоқларни ёзувчи узун мускул(м. эхтернос дигиторум лонгус) - панжа ва бармоқларни ёзади.

бош бармоқни ёзувчи узун мускул(м. эхтернос ҳаллиусис лонгус)- панжа ва ёзади.

Орқанинг юза мускулига болдирнинг уч бошли мускули(м. трисепс суреа) киради. У болдирнинг икки бошли ва камбаласимон мускулидан тузилган. Функцияси: оёқ панжасини букади.

Болдир мускулларининг чуқур қавати мускулларига бармоқларни букувчи узун мускул (м. флексор дигифорум лонгус), катта болдир орқа мускули (м.

тибияеис постериор), бош бармоқни букувчи мускул(м. флексор ҳаллусис лонгус) киради.

Оёқ панжаси мускулига оёқ панжасининг уст томонидаги бармоқларни букувчи ва бош бармоқни ёзувчи калта мускуллар киради.

Бундан ташқари бош ва жимжимилоқни яқинлаштирувчи, узоқлаштирувчи, букувчи мускуллар ҳам мавжуд. Уларнинг функцияси номига боғлиқ.

Демак, қўл мускуллари икки асосий қисмдан: қўл камари мускулларидан ва қўлнинг эркин суюклари билан боғлиқ мускуллардан ташкил топган бўлиб, уларни ташкил этувчи ўзига хос тузилиш ва функцияларга эгадир.

Оёқ мускуллари ҳам оёқ камари ва оёқ эркин суюкларининг мускулларидан ташкил топган. Шу иккала мускуллар гуруҳи гавдани ҳаракатга келтиришда асосий рол ўйнайди.

Муҳокама учун саволлар:

- 3.1. Елка ва билак мускулларига қандай мускуллар киради?
- 3.2. Панжа мускуллари билан қўл мускуллари орасида қандай анатомик ва функционал боғланишлари бор деб ўйлайсиз?
- 3.3. Сон мускулларининг тузилиши ва вазифалари нима билан фарқланади?
- 3.4. Болдирининг уч бошли м. қайси қисмлари ҳисобига шундай тузилишга эга.
- 3.5. Соннинг 4 бошли мускули қандай қисмлардан иборат?

4-Мавзу: Бўғимлар. Суякларнинг ўзаро бирикиши. .(2-соат маъруза) Режа.

1. Суякларнинг ўзаро бирлашиш турлари.
2. Тана суякларининг бирлашуви.
3. Кўл-оёқ суякларнинг бирлашуви.

Тил ости суягидан бошка хама суяклар ўзаро турлича бирлашади.

Суяклар ҳаракатсиз (синартроз) , ҳаракатчан (диартроз) бирикади.

Ҳаракатчан бирикишнинг ўзаро шартлари булади.

1. Бўғим хосил килишда иштирок этувчи суякларнинг бир-бирига мос бўғим юзалари булиши шарт.

2. Суякларнинг бўғим хосил килувчи юзалари тогай пластинкаси Билан копланган булади. Бўғимларни бўғим халтаси ураб туради.

3. Бўғимлар тукима толаларида тузилган бойламлар Билан мустахкамланган булади.

4. Бўғим халтаси ичидаги, узаро бирлашувчи суяклар оралигига бўғим бушлиги ва бушликларда эса тиник синовиал суюклиги булади.

5. Бўғим хосил килувчи суяк бошчаларининг толалари тогай тукимаси Билан копланган булади.

Харакатсиз бирикиши 3 хил булади.

1. Синдесмоз-юпка парда воситасида чок хосил килиб бирикиши.

2. Синхондроз-тогайлар воситасида бирикиши.

3. Синостоз-суяклар оралигидаги парда суякланиб кетади.

Одам организмида бир укли, икки укли ва куп укли бўғимлар булади. Масалан, бир укли бирикишга қўлнинг олдинга ва оркага харакати, куп укли бирикишга елка суягининг олдинга оркага айланиши, икки укли бирикишга оёқларни текис килиб, бармокларнинг харакатланиши мисол булади.

Умуртка суякларининг узаро бирикишида харакатсиз бирикишнинг барча турлари учрайди. Масалан умуртка суякларининг танаси бир-бири Билан тогай дисклари ердамида бирикади. Шу тогайларнинг марказида куртаклар булиб, бу куртаклар эластиклик хусусиятини беради. Умуртка суяклари ташки томондан бириктирувчи бойламлар Билан олдинги ва орка юзаларида жойлашган. Хар бир суякнинг кундаланг усимталари Билан бирикади. Умуртка суяклари равогидаги усимталар бир-бири Билан бириктирувчи бойламлар ердамида бирикади.

Тогай дискларини бириктирувчи бойламлар boglab туради. Думгаза суги тогай пардалари ердамида бириккан булади. Думгаза суги ва дум суяклари бир-бири Билан харакатсиз бирикади.

Ковургаларнинг бирикиши. Ковургаларнинг уни умуртка погонасига бирикади, иккичи уни тогай ердамида туш суягига бирикади. Тогай Билан бирикишга сабаб кукрак кафасини харакатланишини таъминлайди. Ковурга туш суяги Билан тогай оркали бир-бири Билан бириктирувчи бойламлар Билан бирикади. Одам катталашгандан кейин суяклана бошланади. Кукрак кафаси мускуллари хам уз хусусиятини йукотади.

Қўл суякларининг бирикиши. Қўл суяклари иккига елка камари, қўлнинг эркин камари суякларига булинади. Умров Билан курак суяги синартроз яъни харакатсиз бирикади. Умров суягининг юмалок бошчаси харакатсиз бойламлар оркали туш Билан бирикади, лекин эгилувчанлик хусусиятига эга. Умров суягининг ясси боши курак суягига акрамион усимтага бойламлар оркали бирикади. Курак суягини танага бирлаштириб турадиган ягона суяк умров суягидир. Қўлнинг эркин суяклари харакатчан бирикади. Елка суяги Билан курак суяги яримшарсимон бўғим юзасини хосил килади. Бўғим юзасини ташки томондан бойламлар ураб туради. Лекин бу бойламлар бошка бойламларга нисбатан сийрак жойлашган. Елка суягининг дистал бошчаси билак ва тирсак суяклари Билан харакатчан бўғим хосил

килиб бирикади. Билак-тирсак сужлари кафт сужлари Билан харакатчан куп укли бўғим хосил килиб бирикади.

Оёқ сужларининг бирикиши. Чанок сужлари уч жуфт олтита булиб, бир-бири Билан харакатсиз бирикади. Хар унг ва чап томондаги сужларининг куймуч косасини хосил килади.

Эркин оёқ сужларининг бирикиши. Эркин оёқ сужлари бир-бири Билан харакатчан-«диартроз» бирикади. Сон сужиги юкори бошчаси проксимал эпифизи енгоксимон бўғим юзасини хосил килади. Чанок сужининг куймуч косасига харакатчан бирикади ва чанок бўғимини хосил килади. Бу бўғимни хосил килишда бириктирувчи бойламлар иштирок этади. Тизза бўғимида тизза копкоги сужиги хам иштирок этади. Сон сужининг пастки юзаси като ва кичик болдир сужиги Билан бирикади. Устидан тизза копкоги Билан бодламлар оркали бириккан. Сон ва болдир сужлари харакатчан бирикади. Болдир сужлари кафт уст сужлари Билан харакатчан бўғим хосил килади, ошик сужиги Билан бирикади.

Калла сужларининг бирлашуви. Калланинг айрим сужлари унинг копкогини ташкил килган сужлар узаро тишли чоклар хосил килиб кушилади. Бу турлича бирлашган сужларининг чеккалари кунгирадор булиб, бир сужнинг тишлари орасидаги камгакка кириб туради. Чакка сужининг танга кисми кийик булиб, балик тангаси сингари тепа сужининг чеккасига епишиб, бироз епиб туради ва тангасимон чок хосил килади.

Калланинг юз кисми сужлари бир-бирига теп-текис чеккалар Билан тегиб туриб бирлашади. Айрим чоклар маҳсус ном Билан еки бирлашадиган икала сужларининг номлари Билан аталади. Булардан ташкари маҳсус номли чоклар хам булади. Жумладан пешона сужиги Билан тепа сужлари уртасида тожсимон чок, тейи сужлари Билан энса сужининг орасида ламбдасимон чок ва икала тепа сужиги орасида сагитал чок хосил булади.

Саволлар.

1. Сужларининг узаро бирлашиши турлари.
2. Синартроз бирикиш.
3. Диартроз бирикиш.
4. Тана сужларининг узаро бирикиш.
5. Кўл ва оёқ сужларининг узаро бирикиши.
6. Калла сужларининг узаро бирикиши.

5-Мавзу: Ички органлар системаси.(2-соат маъруза)

Режа:

1. Ҳалқум. қизилўнгач, меъда
2. Ичаклар, меъда ости бези, ёнбош ичак.
3. Жигар, қорин пардаси, интраперитонеаль органлар

Ички органларга овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, айриш, жинсий органлар ва бошқалар киради. Улар тана бўшлиқларида—кўкрак, қорин ва тос бўшлиғида жойлашган. Овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш органларининг бошланғич қисмлари бош ва бўйинда жойлашган. Юрек ва талоқ тана бўшлиғида жойлашган бўлса ҳам, қон айланиш органлари билан бирга ўрганилади.

Овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш органлари овқат ҳазм қилиш, моддалар ва газлар алмашинуви ва бошқа физиологик функцияларни, айриш ва жинсий органлар, кўпайиш, организмда моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқинди маҳсулотларни ташқарига чиқариш функциясини бажаради.

Ҳалқум.

Ҳалқум (pharynx) воронка шаклидаги мускулли органдир. ҳалқум оғиз бўшлиғини қизилўнгачга, бурун бўшлиғини ҳиқилдоққа бирлаштириб туради. ҳалқумнинг кенгайган юқори қисми калла суюги асосида жойлашган. Торайган пастки қисми VI бўйин умуртқаси олдида қизилўнгачга ўтади. ҳалқум ихтиёрий мускуллардан тузилган бўлиб, ичи шилимшиқ қават билан қопланган. ҳалқум 3 га: бурун-ҳалқум, оғиз-ҳалқум, ва ҳиқилдоқ-ҳалқум қисмларга бўлинади. Бурун-ҳалқум хоанлар орқали бурун бўшлиғи билан, оғиз-ҳалқум томоқнинг юқори қисми орқали оғиз бўшлиғига қўшилади. ҳиқилдоқ-ҳалқум ҳиқилдоққа қўшилади. ҳалқумнинг юқори қисмида бта бодом бези бўлади. ҳалқумда овқат ютиш ва нафас олиш йўллари бир-бири билан кесишиади. Бу нафас органлари олдинги ичакдан ривожланганлигининг далилидир.

Овқат ютиш вақтида кичик тилча кўтарилиб, бурун бўшлиғини, ҳиқилдоқ устлиги пастга тушиб, ҳиқилдоқни беркитади ва овқат оғиздан томоққа, ундан қизилқнгачга ўтади.

Қизилўнгач

Қизилўнгач (oesophagus) ҳалқумни меъда билан бирлаштирувчи мускул найдан иборат. Унинг бўйи 25 см бўлиб, 6-бўйин умуртқасидан бошланиб, XI кўкрак умуртқасигача давом этади. Қизилўнгач трахеянинг орқасида жойлашган.

У 3 қисмдан: бўйин, кўкрак ва қорин қисмлардан иборат. Қизилўнгач девори уч қаватдан тузилган бўлиб, ташқиси-сероз, ўртаси-мускул, ичкиси-шилиқ пардадан иборат. Сероз қават қизилўнгачни ташқи томондан ўраб турувчи бириктирувчи тўқима бўлиб, бошқа органларга бирикиб туради. ўрта қаватнинг юқориги $\frac{1}{3}$ қисми ихтиёрий, пастки $\frac{2}{3}$ қисми ихтиёрсиз мускул тўқималаридан тузилган. Ички қават сербурма эпителий тўқимасидан тузилган. Шиллик қават қизилўнгачни унга тушган баъзи қаттиқ овқат луқмаларидан ҳимоя қиласди. Қизилўнгачнинг бошланиш қисми трахеяниң бронхларга бўлинган қисмiga тўғри келган жой ва диафрагмадан ўтаётган қисми бир оз торайган бўлади.

Меъда

Меъда (gaster) овқат ҳазм қилиш органларининг энг кенг қисми бўлиб, чап томонда қовурғалар остида, диафрагманинг тагида, $\frac{1}{4}$ қисми унгда ётади. Меъданинг шакли овқат билан тўлишига қараб, шоҳсимон, ноксимон бўлади ёки реторта колбасига ўхшайди. Унинг ҳажми ҳам овқат билан тўлишига қараб ўзгариб туради. Катта одамларда унинг ҳажми 1-3 л, узунлиги ўртacha 25-30 см, эни 12-14 см бўлади. Меъданинг бир оз туртиб чиқкан, пастга қараган томони катта айланаси, ўнг ва юқори томонга қараган кичик айланаси ажратилади. Меъданинг кириш қисми *кардий*, туби *фундус*, чиқиш қисми *пилорус* дейилади. Меъдага кириш қисм боғлағичлар билан диафрагмага, чиқиш (привратник) қисми орқа қорин деворига бириккан бўлиб, қолган қисми эркин ҳаракат қиласди. Меъда девори учқаватдан: шиллик, мускулли ва сероз қаватдан тузилган бўлади. Шиллик қават пушти рангда бўлиб, жуда кўп бурма ҳосил қилган, устки юзаси бир қават призмасимон эпителий ^хужайралари билан қопланган. Шиллик қават тагида жуда кўп миқдорда найчасимон безлар жойлашган. Бу қаватдаги безларнинг умумий сони одамда 40 миллионга етади. Бу безлар меъданинг туби (фундаль), кардий, пилорик безлар деб номланади. Фундаль безлар 35 миллиондан ортиқ бўлиб, асосий ва қоплаб турувчи безларга бўлинади.

Найсимон безларнинг йўли меъда чуқурчаларига очилади. Асосий хужайралар-нинг танаси ва таги пепсин ферменти ишлаб чиқаради. ўраб турадиган хужайралар пепсин ферментини активлаштирадиган хлорид кислота ажратади. Пепсин ферменти оқсилларни парчалайди. Меъданинг привратник қисмida ўраб турувчи хужайралар бўлмайди. Шунинг учун бу қисмдан кислотали шира эмас, балки кучсиз ишқорий хусусиятга эга бўлган, фақат пепсинни ўзида сақлаган шира ажралади. Шиллик, қаватнинг тагида шиллик ости қават жойлашган бўлиб, у юмшоқ бириктирувчи тўқимадан тузилган. Унда қон томирлари ва нерв толалари кўп бўлади. Меъданинг мускул қавати: ташқи кўндаланг, доиравий ва ички қия мускуллардан тузилган. Доиравий мускуллар меъданинг кириш қисмida, меъда танасининг привратник қисмга ўтиш жойида яхши ривожланган. Бу мускуллар меъданинг кириш ва чиқиш қисмida сфинктер ҳосил қиласди.

Меъда устки томондан сероз қават билан ўралган. Бу қават юпқа бириктирувчи тўқимадан тузилган бўлиб, қорин пардасининг ички варағидан

хосил бўлади. Меъданинг олдинги-орқа юзаларини қоплаган сероз парда катта-кичик айланаларда бирлашиб, меъда-жигар, меъда-талоқ боғламларини хосил қиласди ва катта чарвига туташади.

Ичаклар

Ичаклар (*intestinum*) овқат ҳазм қилиш органларининг энг узуни бўлиб, одамда 7-7,5 м бўлади, Ичакларда овқат моддалар ҳазм бўлишда (парчаланишда) давом этади ва қонга сўриладиган ҳолдаги эритма хосил қиласди. Ичаклар бир неча хил: ингичка ичак, йўғон ичак, кўричак, ўникки бармоқ ичак ва хакозо бўлади. Энг узуни ингичка ичак бўлиб, узунлиги 5-6 м га етади. Йўғон ичак 1,3-1,5 м узунликда бўлади.

Ингичка ичак

Ингичка ичак (*intestinu tenue*) 3 қисмга: ўникки бармоқ ичак (25 см), оч ичак (тахминан 2,5-3 м) ва ёнбош ичак (3-3,5 м) га бўлинади. Ингичка ичакнинг диаметри 2,5-3 см бўлади. ўникки бармоқ, ичак (*duodenum*) энг калта қисм бўлиб, тақа шаклида, у қорин бўшлигининг орқа кисмида жойлашган, олдинги қорин пардаси билан ўралган бўлади. ўникки бармоқ ичакнинг I бел умуртқаси олдида жойлашган юқори кўндаланг қисми, III бел умуртқаси олдида тушувчи қисми ва пастки кўндаланг қисми ажратилади. ўникки бармоқ ичак овқат ҳазм қилиш каналининг энг муҳим қисмидир. Бу ичакка ошқозон ости безининг шира йўли, жигарнинг ўт йўли очилади.

Меъда ости бези

Меъда ости бези (*pancreas*) танадаги йирик безлардан бири ҳисобланади, у II бел умуртқаси сатҳида меъданинг орқасида, қорин орқа деворининг ёнида жойлашган. Бу без тузилишига кўра, альвеола найчали безларга киради, вазни 60-80 г, узунлиги 20 см. У уч қисмдан: бошча, тана ва дум қисмдан иборат. Безнинг бошчаси ўникки бармоқ, ичак эгрилигига жойлашган бўлиб, думи ичак буйрак ва талоққа тақалади. Қорин пардаси безни фақат олд ва паст томондан ўраб туради. Меъда ости безининг йўли ўникки бармоқ ичакнинг орқа деворидаги умумий ўт йўли билан биргаликда очилади. Меъда ости бези овқат ҳазм қилишда муҳим рол ўйнайдиган шира ишлаб чиқаради. Унинг оролчалар деб номланган алоҳида ҳужайралари инсулин гормони ишлаб чиқаради. Безнинг бу функцияси ички секреция функцияси деб аталади. Ишлаб чиқарилган гормон қонга қўйилади. Шундай қилиб, меъда ости бези аралаш—ҳам ташқи, ҳам ички секреция безларига киради.

Оч ичак

Очичак (*intestinum jejunum*) ўникки бармоқ ичакнинг давоми бўлиб, чарвига осилган ҳолда қориннинг орқа деворига ҳаракатчан жойлашган. Очичак жуда кўп бурма (қовузлок)лар хосил қиласди. Тирик одамда очичак қисқариб, шаклини ўзgartириб туради.

Ёнбош ичак

Ёнбош ичак (*intestinum ileum*) ёнбош суганинг қанотлари орасида жойлашгани учун ёнбош ичак дейилади. Ёнбош ичак очичакнинг давоми бўлиб, улар орасида аниқ анатомик чегара йўқ. Бу ичакнинг диаметри бир оз катта бўлади. Ингичка ичакнинг олдинги қисми катта чарвига ўралган бўлади. Бу ҳам қорин бўшлиғида кўп бурма ҳосил қиласди.

Ингичка ичакларнинг девори уч қаватдан; ташқи - сероз, ўрта мускул ва ички - шиллиқ қаватдан тузилган бўлади. Сероз қавати бириктирувчи тўқимадан тузилган бўлиб, кўп миқдордаги нерв ва қон томирлари билан таъминланган. Мускул қавати узунасига ва доира бўйлаб жойлашган мускул толалар тўпламидан иборат. Мускул қавати ўникки бармоқ, ичакда яхши ривожланган. Ундаги мускул толаларининг нерв импульслари таъсирида қисқариши туфайли тўлқинсимон (перис-талътиқ) ҳаракат бўлиб, овқат моддалари ичак шираси билан аралашади ва йўғон ичак томонга силжийди.

Ичакнинг ички юзаси шиллиқ қават билан қопланган бўлиб, бу қават кўп бурма ҳосил қиласди. Ичакнинг ички юзаси бу бурмалар ҳисобига 24 марта катталашади. Ичак деворининг бутун юзасини ўсимталаар шаклидаги духобага ўхшаш жуда кўп тукчалар қоплаган бўлади, улар ичак ворсинкалари деб аталади. Ворсинкалар девори цилиндрисимон бир қават эпителий билан қопланган. Ичак ворсинкаларининг асосини ретикуляр бириктирувчи тузилма ташкил этади, бу қисмда лейкоцитлар кўп бўлади.

Ичак ворсинкалари 0,5-1,5 мм узунликда бўлиб, лимфа қон томирлари ва нервлар билан яхши таъминланган. У ҳар доим ҳаракатда бўлади. Парчаланган ва эриган ҳолга келган овқат моддаларининг қон ва лимфага сўрилишида, ворсинкалар асосий орган ҳисобланади. Уларнинг қисқариб туриши сўрилишни кучайтиради. Ичак ворсинкалари ўникки бармоқ ичакда жуда зич жойлашган, яъни 1 mm^2 да 40 донагача, оч ва ёнбош ичакларда сийракроқ бўлади.

Ичакнинг шиллиқ қаватида ворсинкалар орасида бўртиклар бўлади, улар крипталар деб аталади. Бу қисм ичак эпителий (қопловчи) ҳужайраларининг кўпаювчи ва қайта тикланувчи қисми ҳисобланади. Ичакнинг юқори ўникки бармоқ қисмидаги шиллиқ қаватда жуда кўп майда Брунер безлари, унинг қолган қисмida либеркюн безлари бор. Бу безлар ичак шираси ва шиллиқ модда ишлаб чиқаради. Ичак деворининг барча қисмida лимфа тўқималари тугун ҳосил қиласди. Улар ёнбош ичакда тўпланиб, Пейнер тугунчалари ҳосил қиласди. Лимфа ва Пейнер тугунчалари ҳимоя қилиш вазифасини ўйнайди.

Йўғон ичак

Йўғон ичак (*intestinum crassum*)нинг диаметри ингичка ичакнига нисбатан 2-3 марта катта бўлиб, узунлиги 1,3-1,5м келади. У ичакларнинг энг кенг қисми бўлади. Йўғон ичак:чувалчангсимон ўсимтали кўричакка, кўтариувчи, кўндаланг, тушувчи ва сигмасимон чамбар ичак ҳамда тўғри ичакка бўлинади.

Кўричак

Кўричак халта шаклида бўлиб, иккинчи учи берк, унинг 8-15 см узунликдаги чувалчангсимон ўсимтаси бўлади. Кўричакка бир оз ичкарига ботиб ёнбош ичак қўшилади. Йўғон ичак узунасига йўналган мускулли З та лентаси бўлиши ва сероз қаватида бир оз туртиб чиқсан ёғли ўсимталар ҳосил қилиши ва бўғим-бўғим бўлиши билан ингичка ичакдан фарқ қиласди. Йўғон ичакнинг девори ҳам ингичка ичакнинг девори сингари уч қаватдан тузилган.

Йўғон ичакнинг шиллиқ қавати ворсинкалар, ҳалқасимон бурмалар, лимфа тугунчалари бўлмаслиги билан ингичка ичакнинг шиллиқ қаватидан фарқ қиласди. Йўғон ичакнинг шиллиқ қаватидаги крипталар чуқурроқ жойлашган бўлади. Йўғон ичак ширасида ферментлар бўлмасдан, шилимшиқ моддалар кўп. Бу ичакда чиритувчи бактериялар кўп бўлади. Унда қисман сув сўрилади ва чиқинди моддалар шу ичакда шаклланади.

Мускул қавати йўғон ичакнинг турли қисмида бир хил ривожланмаган. Узунасига йўналган мускул толалари бу ичакнинг ҳамма қисмида бўлмайди. Улар учта ичак лентаси: ичак тутқичи, чарви ва эркин жойлашган лента ҳосил қиласди. Эркин лента йўғон ичакнинг кўндаланг қисмидан ташқари барча қисмининг олдинги юзасида жойлашган бўлади. Йўғон ичакнинг орқа четки томонида ёғли лента - чарви жойлашган. Ичакнинг орқа ички томонида кўндаланг ичакдан ташқари, ичак тутқичи жойлашган.

Тўғри ичак

Тўғри ичакнинг узунлиги 15-20 см бўлиб, у овқат ҳазм қилиш каналининг охирги қисмидир. Тўғри ичак орқа чиқарув тешиги - анус билан тугайди. Унинг анус қисмида 2 та сфинктер бўлади.

Жигар

Жигар (hepar) организмдаги энг йирик без бўлиб, вазни 1,5 кг га етади. У тук қўнғир рангли, зич ҳужайралардан тузилган. Жигарнинг катталиги ўнгдан чапга 20-22 см, олдидан орқага 30-36 см бўлиб, катта қисми ўнг қовурғалар тагида, кичик бўлагигина қорин бўшлигининг чап қисмида жойлашган. Унинг юқори чети ўнгда IV қовурғага тегиб, чапда V қовурғалар оралиғида туради.

Ташқи томондан жигарни маҳсус бириқтирувчи тўқима капсуласи ўраб туради. Бу капсуланинг усти, орқа четидан ташқари, қорин пардаси — диафрагма билан ўралиб туради. Жигар диафрагмага ўроқ-симон боғлағич, тош боғлағич билан бирикиб туради. Ўроқсимон боғлағич жигарни катта ўнг ва кичик чап паллага ажратади.

Жигарнинг пастки юзаси пастга қараган бўлиб, унда иккита эгат иккита узунасига кетган (саггитал) эгат ва булар орасида Н ҳарфи шаклини ҳосил қилган кўндаланг эгат ётади. Жигар тўрт паллага: катта ўнг, кичик чап, думсимон ва квадрат паллага бўлинади. Бу паллалар боғлағичлар орқали бир-бирига бириккан. Жигарнинг пастки юзасида жигар қопка (дарвоза) венаси жойлашган, ундан овқат ҳазм қилиш каналидан қайтган веналар, лимфа йўллари, жигар артерияси ва ўт йўли, нервлар ўтади (25- расм).

Жигар диаметри 1,5 мм дан катта бўлмаган мураккаб найчали бўлаклардан тузилган бўлиб, ҳар бир бўлак кўп қиррали призмага ўхшайди. Бўлакларда артерия ва вена капиллярларининг қалин тўри бор. Капиллярлар бўлакчанинг марказий венасига қўшилади. Жигар хужайралари Куппер хужайралари деб аталади, улар кучли фагоцитар хусусиятга эга. Бўлакчалардаги без хужайралари орасида жуда майда ўт йўллари бўлиб, улар қўшилиб, ўт капиллярларини ҳосил қиласди. Қон капиллярлар орқали жигар бўлакчасининг марказига томон оқади, ўт эса, аксинча, хужайралар орасидаги йўллардан йифилиб, бўлакча марказидан четга томон оқади. Жигар бошқа органларга нисбатан қон билан яхши таъминланган бўлиб, унда капиллярлар икки қатор тўр ҳосил қиласди.

Жигар бир суткада узлуксиз равишда 1—2 литрга яқин ўт суюқлиги ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилган ўтнинг бир қисми концентранган ҳолда ўт пуфагида йифиласди. ўт пуфаги ноксимон шаклда, у жигарнинг орқасида жойлашган. ўт пуфагининг танаси ва бўйни фарқ қилинади. Унинг ҳажми ўрта хисобда 60 см, ичакда овқат ҳазм бўлаётгандан ўт суюқлиги умумий ўт йўлига қўйиласди. Жигар одам ҳаётида муҳим роль ўйнайди, шунинг учун у организмнинг лабораторияси деб аталади. Жигар ичакка овқат ҳазм қилиниши натижасида ҳосил бўлган турли захарли моддалар—токсинларни заарасизлантиради. Жигарда кўп ферментлар, витаминалар, гормонлар ишлаб чиқарилади, организмдаги ортиқча глюкоза гликоген ҳолида тўпланади. Жигарда 20% қон запас ҳолда сақланади.

Қорин пардаси.

Эмбрион танасининг иккиласи бўшлиғ бир қанча мураккаб процесслар (диафрагма ҳосил бўлиши, юракнинг ривожланиши в.х) туфайли тўртта сероз халтачага бўлинган. Кўкрак бўшлиғида учта сероз халтача – плевра (pleura) ва юрак учун битта халтача – перикард (pericardium) бор. Қорин бўшлиғида кенглиги ва мураккаб тузилганлиги билан бошқалардан фарқ қиласиган битта қорин пардаси сероз халтача (peritoneum) ҳосил бўлган.

Қориннинг сероз пардаси фақат қорин бўшлиғи деворини ўраб турмай, балки деворлардан органларга ўтади, шу билан бирга органларнинг баъзиларини бутунлай, бошқаларини учта томондан ўраб туради. Органлар қорин пардаси билан ҳамма томондан ўралса, интраперитонеаль, учта томондан ўралса, мезоперитонеаль ва бир томондан ўралса, экстраперитонеаль ҳолат деб аталади. Қорин пардаси ўраб олганда у органнинг девори билан қўшилиб кетиб, деворининг бир қисми, яъни унинг ташқи пардаси бўлиб қолади. Шунинг учун қорин пардаси қорин бўшлиғининг деворини қоплаб турувчи девор олди, яъни париеталь ва органларни қоплаб турувчи ички, яъни висцераль ва рақларига бўлинади. Иккала варак қорин пардаси халтасининг қисмлари дидир.

Қорин пардаси девордан органга ўтганда, баъзи жойларда, ёки бир органда иккинчисига ўтганда пайлар ҳосил қиласди. Бу пайлар қорин пардасига икки ёки камдан-кам ҳолда бир варагдан иборат бўлади.

Қорин пардаси пайларнинг бир қисми анчагина мураккаб тузилган. Ичакни қориннинг орқа девори билан боғлаб турувчи пайлар қорин пардасининг икки варағидан тузилган бўлиб, улар оралиғида томир, нерв ва лимфа тугунчалари бўлади. Бундай пайлар ичак тутқичлари (mesenterium) деб аталади. Уларга орган эркин осилиб туради.

Тўрт ҳил ичак тутқичи: 1) ингичка ичак тутқичи, 2) чамбар ичак кўндаланг қисмининг тутқичи, 3) сигмасимон ичакнинг тутқичи, 4) тўғри ичакнинг юқориги учдан бир қисмининг тутқичи бўлади. Булардан ташқари,чувалчангсимон ўсимтанинг ичак тутқичи ҳам бўлади. Ингичка ичакнинг тутқичи энг кенг. ўнгда оч ва ёнбош ичаклар осилиб туради. Унинг илдизи, яъни девор ёнидаги варафининг ичак тутқичига ўтиш жойи, чапда белнинг II умуртқаси билан ўнгда думғаза-ёнбош суяклари бўғими орасида жойлашади. Унинг чет қисми оч ва ёнбош ичаклар узунлигига, яъни бир неча метрга teng; шунда худди елпифичга ёки ёқа бурмасига (номи ҳам шундан келиб чиқкан) ўхшаш бир нарса ҳосил бўлади.

Чамбар ичак кўндаланг қисмининг ичак тутқичи қорин бўшлигини икки қаватга бўлган ҳолда кўндаланг жойлашади; юқориги қаватда ошқозон, ўн икки бармоқ ичак, жигар, талоқ ва ошқозон ости бези жойлашади. S шаклдаги ичакнинг тутқичи унинг жойлашишига мувофиқ бўлади.

Тўғри ичакнинг юқориги учдан бир қисмида унча катта бўлмаган тутқичи бор, бошқа бўлимларининг тутқичи бўлмайди, шу билан бирга ўртадаги учдан бир қисми учта томондан (мезоперитонеаль ҳолатда) қорин пардаси билан ўралган, пастки учдан бир қисми эса ўралмаган бўлади.

Чувалчангсимон ўсимтанинг тутқичи энг кичик тутқичдир. Унинг ичидан ўсимтанинг томир ва нервлари ўтади.

Чарви қорин пардаси пайларидан биридир. Катта чарви ошқозоннинг катта эгиклигидан то тос суяигигача осилиб туради ва қорин бўшлиғидаги органларни олдинги томондан кенг фартук шаклида ўраб олади.

Кичик чарви жигар қопқаси билан ўн икки бармоқ ичакнинг бошланиш жойи ҳамда ошқозоннинг кичик эгиклиги ўртасида жойлашади. Жигар билан ўн икки бармоқ ичак ўртасида тортилган пай унинг чети бўлиб хизмат қиласи; бу пайнинг варақлари оралиғида қопқа вена, жигар артериаси ва ўт йўли жойлашади.

Қорин пардаси бу ҳамма ҳосилаларнинг ва ёрқинсимон жойларнинг келиб чиқиши анчагина мураккаб бўлиб, энг аввало жигарнинг ривожланиши ва унинг қорин бўшлиғининг ўнг томон юқориги қисмига жойлашганлигига боғлиқ.

Қорин пардаси ривожланишининг бошланғич даврида ошқозон ўрта чизиқ бўйлаб тик жойлашади, шу билан бирга унинг олдинги ва орқа эгикликларига қорин пардаси дупликуралари (ошқозоннинг ичак тутқичлари) келиб ёпишади. Кейинчалик ошқозон тик сагитталь ўқ атровида бурилади, бунинг натижасида олдинги эгиклик—юқориги эгиклик, орқа эгиклик эса пастки эгиклик, чап юза—олдинги юза, ўнг юза эса орқа юза бўлиб қолади; шу билан бирга ошқозон ичак тутқичлари шакл ўзгартириб, алоҳида ҳосилалар—чарвига айланади (105, 106, 107-расмлар).

Катта чарви қорин пардасининг тўртта варағида, кичик чарви эса иккита варағидан таркиб топган.

Қорин ва тос бўшлиғида жойлашган органлар уларнинг қорин пардасига бўлган муносабатига қараб қуйидаги: интраперитонеаль, мезоперитонеаль ва экстрааперитонеаль гурухларга бўлинади.

Интраперитонеаль органлар

1. Ошқозон
2. Оч ичак
3. Ёнбош ичак
4. Кўричак ва чувалчангсимон ўсимта
5. Чамбар ичакнинг кўндаланг қисми
6. Сигмасимон ичак
7. Тўғри ичакнинг юқориги учдан бир қисми
8. Талоқ
9. Бачадон найлари

Мезоперитонеаль органлар

1. Жигар
2. Чамбар ичакнинг кўтарилиувчи қисми
3. Чамбар ичакнинг пастга тушувчи қисми
4. Тўғри ичакнинг ўртадаги учдан бир қисми
5. Сийдик пуфаги (тўлиб турган)
6. Бачадон

Экстраперитонеаль органлар

1. Ошқозон ости бези
2. ўн икки бармоқ ичак
3. Буйрак усти безилари
4. Буйраклар
5. Сийдик чиқариш йўллари
6. Сийдик пуфаги (бўш)
7. Тўғри ичакнинг пастки учдан бир қисми

Қорин пардаси бўшлиғи (*cavum peritonei*) сероз парда сиртини намлаб турувчи озгина сероз суюқлиги билан тўлган ёриқсимон бўшлиқларнинг мураккаб

системасидир. Бу бўшлиқ қорин пардаси париетал ва висцерал варақларининг ўртасида жойлашади.

Эркакларда қорин пардаси бўшлиғи мутлақо ёпиқ. Аёлларда эса қорин пардаси бўшлиғига очиладиган бачадон найчалари воситасида ташқи муҳит билан алоқада бўлади. Найчанинг бачадон қисми тешик билан бачадонга очилади, бачадон эса дилоқ билан туташади.

Эркакларда қорин пардаси бўшлиғининг хусусияти шундаки, сероз халтачанинг бир қисми ажралган ҳолда ёрғочда ҳар бир уруғдонни алоҳида ўраб туради. Ривожланиш процессида даставвал чот канали орқали ёрғоқقا қараб бармоқсимон халтача - ўсимтаси (*proctssus vaginalis*) бўртиб чиқади, кейин жуда кўп (99%) ҳолда бу халтачанинг охирги бўлимидан ташқариги ҳамма қисми битиб кетади, провардида ёрғоқда иккита сероз халтача қолади. Камдан-кам ҳолда (1%) бундай ўсимта бутун умр сақланиб қолади.

Эркакларда қорин пардаси кичик тос бўшлиғида сийдик пуфаги билан тўғри ичак ўртасида жойлашган битта чукур халтача ҳосил қиласи; аёлларда эса иккита: бири тўғри ичак билан бачадон ўртасида ва иккинчиси сийдик пуфаги билан бачадон ўртасида жойлашган бўлади. Уларнинг кейингиси анча чукур бўлиб, дуглас майдони деб аталади.

6–Мавзу: Юрак қон томирлар системаси ҳақида таълимот.

(2-соат маъруза)

Режа.

1. Кон томирлар системаси .
2. Юракнинг тузилиши.
3. Юрак коринчаларининг тузилиши.
4. Юрак булмачасининг тузилиши.

Ангиология (юононча ангеион-томир, логос-таълимот) XVIII асрдан бошлаб термин сифатида ишлатилади.

Томирлар системаси организмда бошка аъзолар системаси сингари муҳим вазифани бажаради. Томирлар ичидағи суюқликлар озиқ моддаларни ичаклардан, кислородни ўпкадан хужайра ва тўқималарга етказиб беради, шу билан бирга уларнинг таркибидаги организмга керак бўлмаган (чиқинди) моддаларни маълум аъзолар (буйрак, упка) га олиб боради. Томирлар системаси юрак–кон томир, лимфа системалари ва қўшимча тузилмалардан таркиб топган.

Юрак-қон томир системасининг марказий аъзосидир. У нерв, гормонлар регуляцияси таъсирида доимо бир маромда кискариб ва кенгайиб туради,

организмдаги кон суюклиги хар хил катталиқдаги кон томирлар ёрдамида хужайра ва тукималарга озик моддаларни олиб боради хамда бошка кон томирлар оркали юракка кайтиб келади. Шунинг учун барча кон томирлар икки турға бўлинади; 1) марказий аъзо-юракдан чикиб бутун гавдага таркаладиган барча кон томирларга (ичидаги оқаётган коннинг қандайлигидан қатъи назар) артерия (юононча аер-хаво, терео-саклайман) кон томирлари дейилади. 2) Хужайра ва тўқималардан марказий аъзо-юракка қон олиб келадиган томирлар эса вена кон томирлари деб юритилади.

Юракдан чиқадиган артерия қон томирлари (аорта, ўпка пояси) марказдан узоклашган сари тармоқчалар чиқариб аста-секин кичиклаша боради. Ниҳоят, аъзолар деворида микроскоп остида кўринадиган жуда хам ингичка артерия томирлари артериола (артериолае) ва капилларларга айланади. Артериолалар девори таркибида кисқариш кобилиятига эга бўлган элементлар бор. Улар ўша жойдаги қон босимини тартибга солиб туриш учун хизмат килади ва шу билан капиллярлардан фарқ килади. Капилларлар соч толасига ўхшаган кил томирлардир, уларнинг узунлиги

ўрта хисобда 0,5 мм, кенглиги 4-л микрон, яъни одам тукининг диаметридан 50 марта кичик ва девори жуда юпқа бўлади. Уларда қон секин оқади, натижада хужайра ва тўқималарга зарур кислород хамда озик моддаларнинг қондан тўқималарга сийдик йўли билан ўтиши учун имконият туғилади. Тўқималарда моддалар алмашинуви натижасида вужудга келган карбонат ангидриди кераксиз (чикинди) моддалар капилларларга ўтади. Шундай килиб, артериола, капилляр, венула ва вена томирларига айланади. Вена қон томирлари аста-секин (бир-бири билан қўшилиб) йириклишиб, охирида юкори ва пастки ковак вена кон томирини ташкил қилади ва юракнинг ўнг бўлмачасига қуйилади. Қон ўнг бўлмачадан ўнг коринчага, ундан ўпка артериялари оркали ўпкага боради. Ўпка артериясининг тармоқлари пировардида капиллярларга айланади ва нафас тармоқларига (пуфакчалар)ни ўраб олади.

Капиллярлардан карбонат ангидрид алвеолаларга, кислород эса қонга ўтади. Кислородга бой бўлган қон ўпка веналари оркали юракнинг чап бўлмачасига қуйилади. Ундан чап коринчага ўтиб, аорта оркали бутун организм бўйлаб тарқалади. Натижада кон айланиш доираси вужудга келади. Кон айланиш системаси икки доирага бўлинади. Катта қон айланиш доираси юракнинг чап коринчасидан бошланиб. Аорта ва унинг тармоқлари оркали барча аъзо ва тўқималарга тарқалади, сўнгра вена кон томирлари юракнинг ўнг бўлмачасига қайтиб қуйилади.

Кичик кон айланиш доираси юракнинг ўнг коринчасидан-упка артерияси деб аталувчи катта кон томиридан бошланиб, унг ва чап упка артериялари, капиллярларига булинади. Бу кон узидағи корбанат ангидридни упка алвеолаларига утказиб, улардан кислородни кабул килиб, артерия конига айланади ва 4та упка веналари оркали юракнинг чап булмасига қуйилади.

Юкорида кўрсатиб ўтилган катта ва кичик кон айланишдоираларидан ташқари, учинчи, яъни юрак қон айланиш доираси хамбор, бу доира юрак артерия ва вена қон томирларидан тузилган. Юрак деворининг веналари тўғрида тўғри юракнинг ўнгбўлмачасига қуйилади.

Аорта одам организимидағи энг катта ва узун ягона кон томири булиб, юракнинг чап коринчасидан тармокланади. Аортанинг девори артерия кон томирларига караганда калинрок. Аортани уч кисмга булиб урганилади.

1. Юкорига кутарилувчи.
2. Аорта равоги.
3. Пастга тушувчи.

1. Узунлиги тахминан 6 см чап коринчадан бошланиб аорта тармогига боради.

2. Юкорига кутарилувчи аортанинг давоми булиб туш суяги дастасининг орка томонида туради. Аорта ровагининг устки томонидан қўл, бош ва буйни ровогининг пастки томонидан кекирдак, бронх ва калконсимон безга ингичка шохчалар чикади.

3. Аорта равогининг давоми булиб IV-кукрак умрткасини IV-бел умрткасига давом этади. Аорта 2 га кукрак ва корин артерияга булинади. Кукрак аортаси диофрагмага давом этади. Корин артерияси кукракнинг давоми булиб, IV-V умрткаларининг олдида унг ва чап умумий етбош артерияга булинади.

Вена кон томири девори артерия кон томири деворга ухшаш булсада шакли унинг юпкадир. Веналарнинг куп кисмида клапанлар булиб, вена клапанларини очик томони юракка караган.

Юкори ковак вена 6-8 см булиб, кукс оралигининг олдинги булмада унг ва чап томондаги елка бош веналарининг кушилишидан хосил булади.

Юрак ковак вена пастрокка тушиб юрак халтасидан утиб унг булмачага қуйилади.

Артерия билан вена томирлари ҳамиша бирга жойлашган бўлади, катта артерия томирлари кўпинча битта вена билан, кичик артериялар эса иккита вена билан бирга йўналади. Артерия ва вена томирлари нерв толалари билан бирга йўналади ва алохида парда (фацсия) билан ўралиб, кон томирлар нерв тутамини хосил қиласи.

Қон томирларнинг девори уч каватдан: биринчи - ташқи кават эластик бириктирувчи тўқима ўрта кавати қолган бошқа каватларига караганда бир оз қалин бўлиб, айланасига (спирал) жойлашган силлик мускуллардан тузилган. Қон томирлар деворининг учинчи ёки ички кавати хам ташқи қаватига ухшаган эластик бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, эндотелий билан копланган.

Артерия қон томирлари девори тузилишига караб, уч турга бўлинади. Аорта ва ўпка поясининг ўрта кавати эластик бириктирувчи тўқимадан тузилганлиги учун эластик турдаги артериялар деб аталади. Қолган артериялар девори эса силлик мускуллардан иборат бўлиб, улар тегишлича

мускул туридаги артериялар деб юритилади. Қон томирлар эластик бўлганилиги туфайли ҳамма вакт юракнинг қисқаришига ва кенгайишига (чўзилишига ва асли холига кайтишига) мослашиб туради. Натижада кон томирлар деворида жойлашган мускул қавати ўз эластиклик хоссаларига кўра юрак ишига бирмунча ёрдам беради ва қон айланишини осонлаштиради. Қон томирлар деворларини ўзига хос артерия ҳамда вена қон томирлари қон билан таъминлайди.

Бундан ташқари, томирларнинг марказий нерв системасига алоқадор нерв толалари ва охирлари-рецепторлари бўлади. Рецепторлар тегишлича қон томирлар ишни тартибга солиш вазифасини бажаради.

Юрак. Инсон юраги тез тараккий киладиган учта давр бор, бу хаётнинг илк 2 йиллик, 12-14 ва 17-20 ёшлар оралигидир, колган даврларда усиш мароми секинлашади.

Юрак-мускулдан тузилган аъзо булиб, кўкрак кафасида жойлашган. Юрак одам хаётининг охирги дақиқасигача ҳамма вакт (қисқа паузалардан ташкари) муттасил харакатланиб, қисқариб (систола), кенгайиб (диастола) туради ва бутун организмга қон етказиб беради. Шундай Қилиб, юрак организмда кон айланиш системасининг марказий аъзоси хисобланади. Урта яшар одамнинг юраги бир минутда ўрта хисобда 70 - 75 марта, бир суткада эса 100 000 марта қисқара олади. Бу эса шу вакт ичида 20 тонна юкни бир метр баландликка кўтариш кучга teng демакдир.

Ўрта яшар одамнинг юраги олдиндан орқага қараб бир оз қисилган, конус шаклида бўлиб, хажми одамнинг ўртacha кисилган муштига teng келади. Юрак тўрт камера: иккита бўлмача ва иккита коринчадан тузилган бўлиб, чап бўлмача билан чап коринча юракнинг чап ёки артерия бўлагини, унг бўлмача билан ўнг коринча эса юракнинг ўнг ёки вена бўлагини ташкил килади

Юракнинг ўртacha оғирлиги эркакларда 300 г, аёлларда бир оз камрок, 220 - 250 г. Юракнинг узунлиги ўрта ёшдаги одамларда 10-15 см, кенглиги (асосида) 8 - 11 см, олдинги ва орқа деворининг калинлиги 6 - 8,5 см. Юрак ташки юзасининг ўткир (ўнг) ва ўтмас (чап) чеккалари уни орқа, олд томондаги юзаларга ажратиб туради. Юракнинг олдинги ва бир оз юкорига ҳамда чапга қараб турган туш-ковурга юзаси туш суюгининг дастаси билан III - VI қовурғалар тогай қисмларининг орқа томонига тўғри келади.

Юракнинг иккинчи яssi юзаси орқага ва бир оз пастга қараган бўлиб, диафрагманинг пайдан тузилган марказига тегиб туради. Бундан ташқари, юракнинг юкорига қараган сербар қисми ва пастга, чапга қараган юмалоқроқ учи бор. Юрак, асосан, бошланадиган йирик артерия ва вена кон томирларига осилган холатда ишлаб туради

Юракнинг ташки юзасида бўлмачалар билан қоринчалар ўртасидаги чегарага тўғри келадиган ва юракни ҳамма томондан ўраб турган кўндаланг эгат ва коринчалари бир-биридан ажратиб турадиган деворларига тўғри келадиган, узунасига жойлашган олдинги эгат-шунингдек, орқа томондаги узунасига кетган эгат бор. Олдинги ва орқа томонда узунасига жойлашган

эгатлар юрак учининг ўнг ўзаро туташиб, юрак ўймасини ҳосил қиласди. Юракнинг бояги ҳамма эгатлари юракни озиқлантирувчи томирлар ва ёг клетчаткалари билан тўлиб туради. Шунинг учун бу хилдаги юракда.

Қон томирлар унча яхши куринмайди. Унг ва чап юрак бўлмачалари бир-бирига нисбатан ўргада жойлашган девор бўлмачаларо девор билан, ўнг коринча, чап коринча қоринчаларо девор билан ажралиб туради.

Лекин ўнг бўлмача билан ўнг қоринча ва чап бўлмача билан чап қоринча ўзаро юрак бўлмачалари ва коринчалари ўртасидаги тешиклар) воситасида туташган бўлади. Шундай қилиб, тўрт бўлакли юракнинг ўзаро бир-бирига туташиб турган икки қисми тафовут қилинади. Шу жумладан, унг бўлмача билан қоринча ўзаро қўшилган бўлса, иккинчи томонда чап бўлмача билан чап қоринча бир-бирига туташади.

Ўнг бўлмача. Юракнинг ўнг бўлмачасида (деворнинг қалинлиги 2-3 мм) кубсимон бўшлиқ бўлиб, чап бўлмачадан бўлмача тусиги) билан ажралиб туради. Ўнг бўлмача бўшлигининг хажми унинг олдида жойлашган учбурчак шаклидаги ўнг қўлоги бўшлиғи билан анча катталашади. Бўлмачанинг ички сирти, асосан, силлиқ бўлиб, қулоқ қисмida мускул тутамлари бир хил жойлашган тароқсимон мускулларни ҳосил қиласди.

Ўнг бўлмачага юқори ковак вена - вена, пастки ковак вена - қуйилади. Ана шу иккала ковак вена қуйиладиган тешиклар орасида (бўлмачанинг ички сиртида) битта дўнг - бор. Пастки ковак венанинг пастки қиррасида ингичка бурма-бор булиб. Ана шу бурма эмбрионнинг ривожланиш даврида вена қонини ўнг бўлмачадан оралиқ деворда жойлашган овалсимон тешик оркали чап бўлмачага, сўнгра эса чап қоринчага ўтиш вазифасини бажаради.

Ўнг бўтшачага ковак веналардан ташқари, юракнинг ўзига хос вена қонини йигадиган синус ва бирмунча майдада вена тешикчалари-очилади.

Бўлмачалар орасидаги тўсиқларнинг тахминан ўрта қисмida овалсимон чуқурча бўлиб, атрофи гардишсимон болишча билан чегараланиб туради.

Эмбрионда овала симон чукурча ўрнида тешик - бўлади. Бу тешик юқорида айтилганидек, ўнг бўлмачани чап бўлмачага туташтириб туради. Одатда бола туғилгандан кейин овалсимон тешик бекилиб кетади. Шунинг учун хам ана шу соҳаси бошқа қисмiga қараганда бирмунча юпқарок тузилган.

Баъзида тешик аномалия сифатида умрбод сақланиб қолиши мумкин. Бунда тугма юрак пороги вужудга келади. Ўнг бўлмача томонда ўнг коринча оркали туташади. Чап бўлмача (9-расм). Чап бўлмачанинг ички юзаси сингари силлик тузилган. Унинг олд томонида жойлашган қулоқсимон ўсиқ бўшлигининг ички юзаси тож-тароқсимон мускуллар билан қопланган.

Чап бўлмачага бешта тешик очилади: тўрттаси ўпка веналари тешиклари бўлиб, бешинчиси чап қоринча билан туташиб туради. Одатда, ўнг ва чап ўпканинг хар биридан иккита (хаммаси бўлиб тўртта)дан вена томири ўтиб, ўпкада кислород билан тўйинадиган қонни чап бўлмачага қўяди, бу веналаринг тешиклари ёнма-ён жойлашган. Баъзан ана шу бир жуфт вена

ўзаро қўшилиб, битта венани хосил килади. Шу туфайли бўлмачага очиладиган вена томири тешикларининг сони камаяди.

Ўнг коринча-Ўнг коринча учи пастга қараган уч қиррали пирамида шаклида бўлиб, деворининг қалинлиги 5 - 8 мм, қоринчанинг ички юзасида мускул тутамлари параллел холатда ётмай, бир-бири билан кесишиб мураккаб мускул чигали-эт тўсиқларини ва муайян жойларда қоринча бўшлиғига чиқиб турадиган учта конуссимон ўсиқ-сзфгичсимон мускуллари хосил қилади. Қоринчалари бир-биридан ажратиб турадиган оралиқ тўсиқ ўнг коринча бўшлиғига кириб жойлашган. Шунинг учун қоринча кўндалангига кесиб қаралганда, яримой шаклига ўхшаб кўринади.

Ўнг коринча бўшлиғининг юқори сербар қисми икки бўлакка ажралган, орқа томони-танасида ўнг бўлмачага очиладиган тешик-бор, олдинги юқори-конус томони эса ўпкага борадиган қон томир поясига қўшилиб кетади.-триоврптикудяр тешикда жолашган уч тавакали клапан куйидаги учта алоҳида тавакага ажратилади улардан бир оралиқ тўсиқ - медиал томонда, иккинчиси - олдинги томонда, учинчиси - орқа томонда жойлашади. Бу клапанлар юракнинг ички (ендокард) каватидан вужудга келиб, уларнинг пастки эркин чеккалари коринча бўшлиғи томонида жойлашган, хар бир клапан учига эса сургичсимон мускуллардан бошланадиган ингичка пай иплари-бириккан. Пай иплари одатда, учта сўргичсимон мускулнинг хар биридан иккитадан бошланиб, иккита ёнма-ён жойлашган қушни клапанга боради. Натижада хар бир сургичсимон мускул иккита клапанга биттадан пай иплари ёрдамида туташиб туради. Ўнг коринчага очиладиган ўпка қон томири тешигининг оғзида яримойсимон клапан - жойлашган.

Чап коринча-юрак чап коринчаси бушлиги конус шаклида булиб, иккита тешиги бор, бири чап булмачани чап коринча билан кушиб турадиган овал шаклдаги икки тавака тешик булса, иккинчиси аортани чап коринча билан кушадиган аорта билан кушадигн учта яримойсимон клапандир. Икки тавакли клапаннинг бири кичикрок булиб, чап томонда, иккинчиси каттарок булиб утг томонда олдинда жойлашган.

Аортанинг учта яримойсимон клапани хам юракнинг бошка яримойсимон клапанларига ухшаб жойлашган.

Чап коринча деворининг ички юзасидаги эт тусинлар унг коринчадагига караганда бир оз купрок ва нозикрок булади. Чап коринча кискариб аорта оркали организмнинг барча кисмларига артерия конини етказиб туради. Шунинг учун чап коринча унг коринчага нисбатан калинрок 10-15 мм тузилган.

Юрак девори З каватдан иборат. Энг ички катлами нихоятда текис ва силлик булиб, эндокард деб аталади. Урта катлами нихоятда тишик ва узаро туташиб кетган мушак (мускулли) толалардан иборат булиб, миокард, ташки оксилли кавати эса эпикард дейилади. Юрак нихоятда шаффофф хамда пишик парда-перикард билан уралган булиб парда билан юрак оралигига бушлик бор. Бу бушликда ёгсимон суюклиги булади. Бу суюклак юракни бир

меъерда ишлашини таъминлайди. Юракнинг булмача ва коринлари миокардларнинг тузилишига алоҳида булишига карамай уларнинг утказувчи йули Пуркиньл полалари ёрдамида узаро бирлашиб туради. Юракнинг утказувчи йул тугун ва тутамлардан ташкил топган.

1. Синус тугуни ёки Кис ва Фляк тутами–юракнинг унг қўлоги билан юкори ковак венонинг уртасида эпикард остида жойлашган.

2. Булмача–коринча тутами–унг булманинг деворида З тавакали клапанинг якинрогидажойлашган Ашоф-Тавар тугунидан бошланади

Саволлар.

1. Кон томир системасининг тузилиши.
2. Юракнинг жойлашиши.
3. Юракнинг тузилиши.
4. Юрак унг ва чап булмачаларининг тузилиши.
5. Юракнинг унг ва чап коринчаларининг тузилиши.

7–Мавзу. Нерв системаси. Марказий нерв системаси. (2-соат маъруза)

Режа:

1. Орқа миянинг тузилиши ва унинг нервлари.
2. Бош миянинг тузилиши. Унинг қисмлари ва ривожланиши.

Мавзуга оид таянч тушунча иборалар: гуморал система, перефериқ нерв система, нейрон, олива, пирамида, ассоцион тола, комусурал тола, проёксион тола, ихота оролчаси.

Биринчи саволнинг баёни.

Нерв системаси асосан марказий нерв системаси фақат тирик организмларга хос бўлиб, турлича тузилган ва мураккаблик даражаси ҳам ҳар ҳил бўлади. Нерв системаси ҳайвонлар организмининг барча тўқималари ва органларини ўзаро алоқасини ва бир бутун бўлиб, ҳаракат қилишини таъминлайди. Унинг ёрдамида турли туман таъсир идроқ этилади ва анализ қилинади, ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга кўра жавоб реаксиялари шаклланади, яъни организмнинг ўз-ўзини идора қилиш ва мослашувлик жараёнлари боради.

Нерв системаси органлари ва тўқималарига турли моддалар ёрдамида қон орқали таъсир қилинадиган гуморал система билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди.

Бироқ нерв механизмини бир мунча такомиллашган ҳисобланади, чунки таассурот нерв толаларини бойлаб муайян органларга катта тезлик билан тушади.

Бутун нерв системаси тузилиши жиҳатидан марказий ва периферик системаларга бўлиш мумкин. Марказий нерв системасига бош ва орқа мия, периферик нерв системасига соматик ва вегетатив нерв системаси киради.

Орқа мия (медулла спиналис) олдиндан орқага қараб бироз яссилашган 35-40 см чамаси узунликдаги чилвирдир. Бу охирги ип орқа мия ва пардаларнинг қолдик қисмидир: унинг бошланиш қисмida нерв тўқималари бор, пастки қисми эса бутунлай бириктирувчи тўқимадан иборат.

Ембрион ҳаётининг дастлабки ойларида орқа миянинг узунлиги умуртқа поғонасининг узунлигига teng келади. Шу сабабли бел, думғаза ва дум нервларининг илдизи умуртқа поғонаси канали ичидагина масофага чўзилиб боради.

Орқа миянинг диаметри 8 мм дан 99 мм гача ўзгариб туради. Орқа мия бўйлаб иккита ўрта эгат анча чукур жойлашган олдинги ўрта ёриқ ва орқа ўрта эгат ўтади. Бу эгатлар орқа миянинг ҳар қайси ярмини 3 та олдинги, ён ва орқа чилвирга бўлади. Оралиқ эгат билан орқа ўрта эгат ўртасида жойлашган орқа мия бўғим-бўғим, бўлиб 31 та бўғимдан иборат.

Олдинги илдиз орқа миянинг олдинги шохларидаги ҳаракатлантирувчи ҳужайраларнинг узун ўсимталаridan ҳосил бўлади.

Орқа мия тугунлари умуртқалараро тешикларда жойлашган ва Т симон ўсимтали ҳужайралардан тузилган шу билан бирга марказдаги толалар, юқорида айтиб ўтилганидек, орқа сезги илдизни ҳосил қиласди, периферик толалар эса олдинги ҳаракатлантирувчи илдиз билан маҳкам туташиб, орқа мия нервининг калта тармоғини ҳосил қиласди. Иккала тармоқ ҳам аралаш толалардан тузилган, чунки улар ҳам ҳаракатлантириш, ҳам сезги элементларга эга.

Бўғимлар сонга қараб орқа миянинг 31 жуфт нерви: бўйинда 8 жуфт, кўкракда 12 жуфт белда 5 жуфт думғазада 5 жуфт ва думда 1 жуфт нерв ҳосил бўлади. Бу канал орқа мия суюқлиги билан тўла бўлиб, юқорида у бош миянинг қоринчаси билан туташади. Кўкрак бўғимида ён шохлар жойлашган.

Қўлранг модда орқа миянинг фақат марказида жойлашган. Иккала томоннинг оқ моддаси фақат унча катта бўлмаган битта бириктиргич ёрдамида кўшилади: бу бириктирувчи қўлранг модда бириктиргичнинг олдида жойлашади.

Миянинг қўлранг моддаси, айтиб ўтилгандек, нерв ҳужайралари тўплами оқ моддаси эса нерв толалари йиғиндисидир. Орқа мия кўкрак сегментининг 1-3-гача бўлган масофада асосан, ички орган ва таъсиrlарини нерв билан таъминловчи ҳужайралар гуруҳидан иборат бўлган қўлранг модда ён шохлар жойлашган.

Орқа миянинг рефлектор ҳолати.

Орқа мияда рефлекс амалга оширувчи рефлектор марказлари бор. Таассурот бу йердан орқа шохларининг нерв ҳужайраларига берилади. Функцияга кўра, энг муҳум боғламлар қуидагилардир: олдинги чилвирларнинг ички қисмida

пўстлоғида орқа мияга келувчи олдинги томондаги ҳаракатлантириш энсали жойлашади.

Чилвирнинг энг мураккаб тузилгани ён чилвирдир. Унинг ичидаги пўстлоғдан орқа мияга кирадиган ён томондаги ҳаракатлантириш энсали ўрта миядан орқа мияга борадиган сезги энсали ўтади. Ён чилвирни четлари бўйлаб орқа миягача борувчи энсаллар орқа томондан борувчи энсал ва олд томондан борувчи энсал лента шаклида ўтади.

Орқа миянинг пардалари.

Орқа миянинг ички томирлари пардаси икки варагдан тузилган бўлиб, орқа мияга зич ёндошиб туроди ва томирлар билан бирга мағиз ичига кириб, унинг ўнқир-чўнқир жойларини тўлдиради.

Ташқи қаттиқ парда иккита пластинкадан тузилган бўлиб, уларнинг биттаси умуртқаларнинг сукъяни билан тўлган. Бу парда ости бўшлиқ юкорида бош миянинг худди икита пардаси атрофида зич қин ҳосил килиб нерв илдизларига ўтади.

Пардалар ўртасидан ўргамчак тўрига ўхшаш парда ости бўшлиғи орқа мия сукъяни билан тўлган. Бу парда ости бўшлиқ юкорида бош миянинг худди шундай парда ости бўшлиғи билан бевосита боғланган.

Қаттиқ парда ости бўшлиғи ва ўргамчак тўрига ўхшаш парда ўртасида жойлашган кичик ёриқ бўлиб, лимфага ўхшаш анчагина суюқлик билан тўлган.

Орқа мия қаттиқ пардасининг ташқи ва ички пластинкалари ўртасидаги бўшлиқ эпидемал бушлиқ деб аталади. Орқа мия асосан тишсимон боғлагичлар ёрдамида тутиб туроди булар томирли ва қаттиқ пардалар ўртасида жойлашган бириктирувчи тўқимали ингичка пластинкалар бўлиб, ҳар қайси томондан 23 тагача тишлари бор.

Орқа мия нервлари.

Орқа миянинг қўлранг моддаси олдинги шохидан ҳаракатлантирувчи толалар, орқа шохидан сезувчи толалар чиқади. Сезувчан толалар умуртқалараро тешик олдида тугун ҳосил қилиб, сўнгра олдинги толалар билан қушилиб, орқа миянинг 31 жуфт аралаш нервни ҳосил қиласи.

Бўйин чигали.

1. Катта қулоқ нерви.
2. Кичик қулоқ нерви.
3. Бўйинни кўндаланг нерви.
4. Мускулларга борувчи тармоқлар.
5. Диафрагма нерви.

Елка чигали.

1. Кўқрак орқаси нерви.
2. Узун кўқрак нерви.
3. Умров ости нерви.
4. Кўқрак устидаги нерв.
5. Кўқрак олди нервлари.
6. Кўқрак орқа деворининг нерви.

Бел чигали.

1. Мускул толалари.
 2. Ёнбош қорин ости нерви.
 3. Ёнбош чов нерви.
 4. Таносил сон нерви.
 5. Соннинг ташқи тери нерви.
 6. Сон нерви.
 7. Ёпилувчи нерв.
- Думғаза чигали.
1. Мускул толалари нервлари.
 2. Устки ва пастки думба нервлари.
 3. Сон орқасининг тери нервлари.
 4. Қуймич нерви.

Мұхоказама учун саволлар

1. Бизга маълумки, орқа мия юмшоқ модда. Шундай экан, нима сабабдан у умуртқа каналида ҳар томонга ёйилиб кетмай, най шаклида сақланиб туради.
2. Сезувчи, ҳаракатлантирувчи, аралаш нервларни чиқиши ва бориш жойига кўра бир – биридан фарқ қиласи?
3. Нерв чигаллари нима? Одамда қанча нерв чигали бор?

Иккинчи саволнинг баёни.

Бош мия (енсепалон) нинг ривожланиши.

Юқорида айтиб ўтилгандек, нерв системаси эктодермадан нерв пластиинкасини ҳосил бўлиши, кейин ундан нав ва охирида нерв найининг ҳосил бўлиши энсали билан ривожланади.

Бу най эмбрионининг олдинги – бўш томонидан кучли ўсиб кетиб ўзгаради, у ерда найдан қисмларнинг нотекис ўсиши натижасида миянинг учта бирламчи пуфаклари-олдинги, ўрта ва орқа пуфаклар ҳосил бўлади. Улардан бош миянинг учта асосий бўлими: 1) олдинги мия 2) ўрта мия 3) ромбиксимон мия ривожланади.

Кейинчалик олдинги ва орқа пуфаклар ҳар бири ўз навбатида иккига бўлинади, натижада миянинг 5 та пуфаги ҳосил бўлади: улардан: охирги мия, ўрта мия оралиқ мия орқа мия ривожланади. Бу бўлимлар янада ривожланаб 3 та эгиклик ҳосил қиласи. Айрим бўлимларнинг нотекис ўсиши натижасида бош мия кейинчалик мураккаблашиб бўлинади эгиклар, энсафонлашмалар ва хоказолар ҳосил бўлади. Мия нерв найчасининг канали ҳам шу тарзда ўзгаради ва ундан бир қанча ёриқсимон бўшлиқлар ҳосил бўлади.

Орқа миянинг жуда тор марказий каналидан юқорида, узунчоқ мия соҳасида қоринча деб аталган кенгайиш ҳосил бўлади. Бу қоринчадан ўрта оралиқ миянинг ёриқсимон тук бўшлиғи қоринча билан туташади: бу қоринча ўз навбатида олдинги қоринчалар ўртасида жойлашганжуфтликлар ёрдамида мия ярим шарларининг ёриқсимон кенг бўшлиқлари ён қоринчалари билан бош миянинг хамма қисми юқорида айтилгандек битта пуфакда ривожланади.

Катта мия охирги мия яъни мия биринчи пуфагини маҳсули миянинг 2 та (чап ва ўнг) ярим шарларига эга. Олдин пайдо бўлган қисми киради, бу бирламчи пуфакчаларнинг – 2, 3, 4 ва 5 пуфакларининг маҳсули яъни оралиқ мия ўрта мия ва узунчоқ миядир.

Нейронлар танаси марказий нерв системасида маълум жойларини эгаллади ва ўзининг қўл ранг тузи билан фарқ қиласди. Нерв толалари йигиндиси эса оқ рангда бўлади, юкорида айтиб ўтилгандек орқа мияда қўлранг модда, марказда оқ (рангда) модда эса четда жойлашган. Бош мияда катта ярим шарлар миянинг пўстлоғи қўлранг моддадан тузилган, мия бу бўлимларини чукур қисмida оқ модда жойлашади. Кўлранг модда бош мия сопидаги оқ модда ичида алоҳида тўпламлар ядролар шаклида учрайди.

Бош миянинг шакли ўлчами ва вазни.

Бош миянинг шакли умуман олганда калла суягининг нусхасига мос келади. Миянинг олдинги юзаси бўртиб чиқсан бўлади.

Бош миянинг узунлиги ўрта хисобда 160 мм дан 180 мм гача бўлади. Диаметри 140 мм га етади. Эркакларнинг бош мияси аёлларникиги қараганда бир оз узунроқ.

Миянинг бунчалик оғир бўлиши фақат одамга хос эмас. Масалан, китларда миясининг вазни 700 гр, филларники 4000г га делфинларники 2000 г га етади. Бироқ одам бош миясининг нисбий огирилиги юкоридаги ҳайвонларникига нисбатан катта. Оданинг ақлий қобилятини миясининг вазнига қараб ўлчаш нотўғри.

Бош миянинг ўзгаришида орқа томондан қараганда бир-биридан узунасига энсаналган ёриқ билан ажралиб турган бош миянинг шарлари кўринади. Орқадан қараганда мия ярим шари билан мияча ўртасидаги миянинг кўндаланг энсаналган чукур ёриғи жойлашган бўлиб, мияча бундай ҳолатда қисман кўриниб туради.

Узунчоқ мия (медулла облангата)

Узунчоқ мия орқа миянинг бевосита давоми. Узунлиги 25–30 мм даги пиёз шаклида бўлиб, энса суягининг ичида нишабда жойлашган. Унинг орқа чегараси энсанинг катта тешиги рўпарасида бўлиб, орқа мияга ўтиб кетади, олд томонидан Варолий кўпригига қўшилиб туради.

Узунчоқ мия ичида орқа миядаги бўғимли тузилишга эга бўлган марказлар ўрнига қўлранг моддаларнинг бош мия нервлари ядроси шаклидаги ва бир-биридан ажралган ҳолда жойлашган алоҳида тўпламлари бор.

Узунчоқ мия соҳасида мия найидан рўй берадиган ўзгаришларни қисқача шундай баён қилиш мумкин: орқа мия юпқалигича қолади, олдинги ва ён деворлари анча сезиларли даражада қалинлашади.

Узунчоқ мияда ҳаракатларни тезгина ўтказувчи энсаллар бор. Унинг орқа бўлимида миядан чиқадиган жуфт нервлар жойлашган. Орқа мияни таърифлаганда айтиб ўтилгандек, бўйин бир жуфт нервларнинг илдизи чиқадиган сатхи узунчоқ миянинг пастки чегараси бўлиб ҳисбланади. Бу ерда олдинги ўрта ёриқ кўринмай қолади, сўнгра эса узунчоқ миянинг ром кўприги билан туташган чегарасигача юкорига қараб давом этади.

Узунчоқ мия тузилишига айниңса пастки қисмининг тузилишига кўра орқа мияга ўхшайди. Узунчоқ миянинг юкори бўлимида унинг 3 жуфт қисмига пирамида, олива ва миячанинг пастки оёқларига бўлиниши аниқ билиниб туради. Пирамидалар қорин томонда олдинги ўрта ёрикнинг икки томонида узунасига энсаналган иккита юғонлашган дўнглик шаклида жойлашган. Оливалар пирамидалардан эгат билан ажратиб турган ҳолда ташқарига қараб буртиқ ҳосил қилиб жойлашади. Миячанинг пастки оёқчалари орқа ташқи томонида жойлашган. Агар мияча олиб ташланса оёқчалар ўртасида ромбиксимон чуқурчанинг пастки учбурчаги кўринади.

Пирамида билан бош олива ўртасида бош мия жуфт нервнинг тил ости нервининг илдизлари, олива орқасидан жуфт нервларнинг тил ҳалқум адашган ва қўшимча нервлар илдизи чиқади.

Ортқи мия (метенсапалон).

Ортқи мия мия кўприги ва миячадан иборат.

Мияча (серебеллум). Мияча бош миянинг катта бўлакларидан бири бўлиб, оралиғи 120–150 г бўлади. Мияча бош мия энса қисмининг остида, бош суюкнинг ички юзасидаги маҳсус орқа чуқурда жойлашган. Миячанинг остида Варолий кўприги билан узунчоқ мия туради. Миячани икки ён томонидаги мияча ярим шарлари ўртасида жойлашганчувалчангсимон ўсимта бирлаштириб туради. Миячанинг юзалари 2-3 мм қалинликдаги қўлранг модда билан қопланган бўлиб, ундаги пушталар чуқур эгатларни китоб вараклари сингари бир – биридан ажралиб туради.

Мияча бош миянинг бошқа қисмлари билан уч жуфт оёқчалари билан туташиб туради.

1. Устки оёқчалар–миячанинг тишли ядросини тўрт тепалик билан бирлаштириб туради.

2. Ўрта оёқчалар–энг энсафони бўлиб, миячани кўприкка бирлаштирадиган нерв толаларидан шишкею пастки оёқчалар–миячадан узунчоқ мияга борувчи нерв толаларидан иборат.

Мияча ўртасидан кўндалангига кесилганда ўрта мияча пўстлоқ қаватининг оқ модда ичидаги арча дараҳтига ўхшаб жойлашганлигини кўрамиз.

Мияча ва ундаги ядролар одам юришини, тана мувозанатини автоматик равишда бошқариб туришга хизмат қилади.

Ўрта мия (месенсапалон). Ўрта мия оёқчалари турт тепалик пластинкалари уларнинг елкалари ва орасида жойлашган мия сув энсалидан иборат.

Тўрт тепалик олдинги мия чодири билан шишасимон(қадоқ) тана орқасида жойлашган. Бу пластинкада тўрт тепалик бўлиб, юқориги иккита тепалик кўрув энсалининг пўстлоқ ости маркази, пастки икки тепалиги эса эшитув энсалининг пўстлоқ ости маркази ҳисобланади.

Ўрта мия мускуллар тонусини тартибга солиб, одам мувозанатини сақлаш ва юришда актив қатнашади. Ўрта мия жароҳатланганда мускуллар қучли қисқариб, оёқ – қўллар букилмайди.

Оралиқ мия (диенсепалон). Оралиқ мия охирги мия билан ўрта мия оралиғида жойлашган бўлиб, кўрув думбоғи ўсти, думбоғи ўсти соҳаси ва қоринчадан иборат.

Кўрув дўмбоғи тухум шаклидаги қўлранг моддадан тузилган бўлиб, улар икки ярим шарнинг бағрида жойлашган. Тепаликни кўриш учун мия ярим шарларини ўртадаги ёриқдан иккига ажратиш лозим.

Кўрув дўмбоғи пўстлоқ ости сезувчи ядро бўлиб, барча сезги импулслар афферент нервлар орқали ана шу ядрога келади. Одам организмининг барча соҳасидаги сезгилар кўриш дўмбоғига келиб, анализ–синтез қилинади.

Гипоталамус–барча вегетатив функцияларни идора этувчи, пўстлоқ ости ядроси бўлиб, организмнинг ички муҳитини доимо бир хилда бўлишини таъминлайди.

Охирги мия (теленсепалон). Охирги мия ёпқич, ҳид билиш мияси, қўлранг ядролар ва ён қоринчалардан тузилган.

Мия ярим шарларининг ички тузилиши.

Мия пўстлоғи (қўлранг модда) остида жуда кўп нерв толаларидан тузилган оқ модда жойлашган бу толалар уч хил:

1. Ассосион толалар–калта ва узун толалар бўлиб улар фактат ярим шарларнинг ўзига тушади ёки бу оёқларнинг бир-бирига қўшилади.

2. Комусурал толалар– ҳар иккала ярим шарнинг бир хил пушта ёки бўлагини қўшиб туради.

3. Проёқсион толалар–мия пўстлоғини, улардан пастда жойлашган бўлаклар билан қўшилиб туради.

Ярим шар ядролари мия ярим шарларининг оқ модда орасидажойлашган қўлранг моддадан тузилган ядролари бўлади, бу ядроларга қўйдагилар киради.

1. Тарғил тана думли ва ясмиқсимон ядролардан ташкил топган.

2. Ихата оролча билан ясмиқсимон ядро орасидаги юпқа қўлранг моддадан иборат ядро.

3. Бодомсимон ядро–ён қоринчанинг пастига (якка бўлагидаги) шохи олдида жойлашган, бу ядро тарғил танага яқин ва алоқадор бўлади.

Мия пўстлогининг тузилиши.

Мия пўстлоғи-қўлранг модда мураккаб тузилган олти қават жойлашган нерв ҳужайраларидан иборат.

1. Молекўляр қават.

2. ташқи доначали қават ва учбурчак шаклдаги ҳужайралар алоҳида доначалар каби жойлашган.

3. Пирамида қавати – пирамида шаклидаги ҳужайралардан иборат.

4. Ички донали қават–иккинчи қаватга ўхшаб ҳужайралар жойлашган.

5. Тугунчалик қават–кичик ва катта хажмдаги ҳужайралардан ташкил топган.

6. Дуксимон ҳужайралар қавати-дук сингари тиккасига чўзилган ҳужайралардан иборат.

Бош мия нервлари.

1. Жуфт ҳидлов нерви.
2. Жуфт – кўрув нерви.
3. Жуфт кўзни ҳаракатлантирувчи нерв.
4. Жуфт ғалтак нерви.
5. Жуфт уч шохли нерв
6. Жуфт узоқлаштирувчи

8-Мавзу: Сезги органлари физиологияси.(2 соат маъруза)

Режа:

1. Анализаторларнинг умумий таснифи.
2. Анализаторлар тузилишининг ва фаолиятининг асосий тамойиллари.
3. Кўрув анализатори.
4. Эшитув анализатори.
5. Терморецептор ва уларнинг адаптацияси.
6. Оғриқ рецепторлари.
7. Ҳид билиш рецепцияси.
8. Таъм билиш рецепцияси.

Таянч сўзлар: анализатор, рецептор, механорецептор, терморецептор, хеморецептор, фоторецептор, сигнал, адаптация, кўз, аккомодация, рефракция, тўр парда, қулоқ ногора, чиганоқ, товуши вестибуляр тери, бурун, ҳид.

1. Анализаторларнинг умумий таснифи.

Барча тирик организмлар ўз ҳаётини ва турини давом эттириш, ҳар хил хавф-хатарлардан ўзини ҳимоя қилиш, маълум мақсадга эришиш учун вақт ва фазони, ташки муҳитнинг асосий хоссаларини яхши ҳис этиш зарур. Анализатор ёки сенсор тизимлар ана шундай имкониятларни яратишга хизмат қиласди.

Сенсор тизимнинг қандай бўлишидан қатъий назар, унинг таркибида учта асосий қисм мавжуд бўлади. 1) таъсиротларни қабул қилувчи, маҳсус ихтисослашган рецептор нейрон; 2) рецептор нейронлар бирлиги (блоки) ёки маълумотларни қабул қилувчи бирламчи марказ; 3) бирламчи марказлардан ўтган маълумотларни қабул қилувчи битта ёки бир нечта иккиламчи ёки бирлаштирувчи марказлар. Юқори даражада тузилган организмларда бирлаштирувчи марказлар бир-бири билан боғланган. Уларнинг ўзаро муносабатлари натижасида ички ҳамда ташки муҳит ўзгаришлари идрок этилади.

Ихтисослашган рецепторлар қабул қилган турли физикавий таъсирлар (нур, товуш, иссиқ, совук) ҳаракат потенциалига айлантирилади ва бу нерв импульслари тарзида маълум сезгини шакллантирувчи марказга узатилади.

Марказга етиб келган импульслардан маълумот олинади. Масалан, гулни кўрганимиунинг ранги, ҳиди, шакли ва унгача бўлган масофани аниқлаймиз. Бу маълумотлар бирламчи марказдан иккиламчи ва интегратив марказга ўtkaziladi; ундан сўнг ҳис қилинадиган нарса ҳақида фикр шаклланиши давом этади.

Интегратив марказларга бу маълумотларга қушни марказлардан келган ва хотирада мавжуд бўлган маълумотлар ҳам қўшилади. Шунда ўша нарса ёхуд воқеани ҳис этиш мужассамлашади. ўшагул тўғрисида кўрув анализатори орқали олинган маълумотларга ҳид билиш анализатори орқали олинган маълумотлар қўшилади. Гул тўғрисидаги туйғу тўлиқланади, шу гулни илгари кўрганини таққослаш орқали идрок этилади.

Сенсор тизимларнинг ҳар бири қабул қилинадиган сигналнинг битта ёки бир нечта хоссасини ажратади. Масалан, кўрув анализатори ёрдамида ранг ва ёруғлик сезилса, там билиш анализатори аччик, ширин, нордон, шўрни сезиш имконини беради. Ҳид билиш анализатори эса хушбўй ёки бадбўйлигини ва ҳакоза. Сенсотизимларнинг бундай ажратган ҳолда сезиши, улар учун маҳсус ихтисослашган рецепторларнинг борлигидан далолат беради.

Қабул қилиши мумкин бўлган адекват таъсировчиларга қараб, рецепторларнинг қуидаги турлари мавжуд.

1. Механорецепторлар. Бундай рецепторлар тери, юрак-томир тизими, ички аъзолари, таянч-ҳаракат аппарати, эшитув ва мувозанат сақлаш тизимларига хос.

2. Терморецепторлар. Бу рецепторлар иссиқ ва совукни сезувчилар ҳақида, асосий қисми терида жойлашган.

3. Хеморецепторлар. Химиявий омиллар таъсирига сезгир рецепторлар.

4. Фоторецепторлар—нур энергиясини қабул қиласи. Ёруғлик кучини ажратиш ва ранг кўриш имкониятини беради.

5. Оғриқ рецепторлари—оғриқни пайдо қилувчи таъсиrotларни қабул қиласи. Бу сезги организмдаги рецепторларнинг деярли ҳаммасига ўта кучли таъсири қилганда пайдо бўлади.

2. Анализатор тизимининг ва фаолиятининг умумий тамойиллари.

Барча анализаторларнинг тузилишда қуидаги умумий тамойиллар кузатилади.

1. Кўп қаватлилик. Анализатор таркибида бир нечта қават нейрон бор, улардан биринчиси рецепторга боғлиқ, охиргиси эса мия пўстлоғининг ассоциатив соҳасидаги нейронларга келиб тўхтайди. Бундай кўп қаватлилик организмнинг сигналларга тезлик билан жавоб беришига имкон беради.

2. Кўп каналлик. Нейронлар қаватининг ҳар бири жуда кўп (10 мингдан миллионгача) нерв унсурлари борлиги ва кейинги қаватдаги нейронларга боғлиқлигини кўрсатади.

3. Ёнма-ён қаватларда унсунлар сонининг teng эмаслиги. Масалан, кўрув тизимида рецепторлар сони 130 млн бўлса, кўздан чиқувчи нервни ташкил этувчи нейронларнинг сони ундан 100 маротаба кам, 1 млн.250 минг атрофида. Бу нисбат шундан далолат берадики, миянинг ҳар қандай якка рецепторда вужудга келган импульсни қабул қилолмаслигидандан. Маълумот МНТ га етгунча бир неча марта сараланади. Кўп сонли қаватдан унсурлар кам қаватга ўтиш жараёнида иккинчи даражали маълумотлар ўтказилмайди. Буни торайиб борувчи «воронка» сифатида

мияга ўтказиладиган маълумотларни камайтиради ва фақат муҳим ахборотларнигина ўтказади.

Кўрув анализаторида шунингдек кенгайиб берувчи «воронка»ни ҳам учратамиз. Мия пўстлоғининг кўрув соҳасидаги нейронлар сони пўстлоқ ости кўрув соҳасидаги нейронлардан минг марта кўп. Кейинги «воронка» сигналларнинг турли хоссаларини тахлил қилиш имкониятини беради.

4. Анализатор унсурларининг вертикал ва горизонтал бўйича тарқалиши шулар жумласидандир.

Анализаторлар сигналларни қайта ишлаш жараёнида кўп операцияларни бажаради. Булар:

- 1) сигналларин топиш.
- 2) сигналларни бир-биридан ажратиш
- 3) сигналларни ўтказиш ва ўзгартириш
- 4) маълумотларни кодга солиш
- 5) сигналларнинг у ёки бу хоссаларини детекторлаш
- 6) образни таниш.

1. Сигналларни топиш. Бу вазифани рецепторлар бажаради. Баъзи рецепторларнинг киприксимон ўсимталари автоматик равишда ҳаракат қилишини таъсировчини фаол ҳолда излаш, деб баҳоланса бўлади.

2. Сигналларни фарқлаш. Анализаторларнинг мутлоқ сезгирилигини уларни рағбат (стимул) кучидаги фарқни аниқлаш қобилиятидан ажратиш керак.

Аналитор икки рағбат кучидан маълум фарқ бўлмаса, уларни, ажрата олмаймиз. Масалан, кафтимиизда оғирлиги 100 г бўлган кадок тош бор. Юк кўтарганда фарқ сезиларли бўлиши учун иккинчи масса биринчисидан камида 3 % оғир бўлиши лозим. Демак биз 100 граммни 103 граммдан ажрата оламиз (200 г ни 206 граммдан). Бунда 3 % фарқлаш бўсағаси бўлиб, ўзгармайдиган кўрсаткичdir. Бу қонуниятни Вебер аниқлаган.

3. Сигналларни ўтказиш ва ўзгартириш.

Сигналларнинг ўзгартирилишини шартли равишда фазодаги ва вақтдагиларга ажратиш мумкин. Сигналларнинг кучи ва нисбатини ўзгартириш фазодаги ўзгартириш бўлиб, кўрув ва соматосенсор тизимда кўпроқ учрайди. Масалан, тўр пардада озгина жойни эгаллаган марказий чуқурча мия пўстлоғидаги кўрув соҳасига тўр парданинг анча катта бўлган чет қисмидан кўпроқ жойга импульслар етказади.

4. Маълумотларни кодга солиш. Рецепторларга механик ну рва бошқа омиллар таъсир қўрсатади. Бу таъсиrotларни сенсор тизимнинг пўстлоқ маркази қабул қилиб олиши учун уни мияга мукаммал бўлган нерв импульсига айлантириш керак. Демак рецепторлар муҳит ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотларни кодга солиб, мия бевосита қабул қила олмайдиган сигналларни «тушуна оладиган» шаклга солади. Таъсиrotларни кодлашга авваломбор, рағбатнинг бор-йўқлиги белгиланиши керак. Масалан, кўрув анализаторларида ёруғлик пайдо бўлишини (он-нейронлар) ва ёруғлик йўқолигини (off – нейронлар)

қайд қиласынан ёки ёруғлик пайдо бўлганда, ҳам йўқолганида қўзгаладиган on, off – нейронлар бор.

Рағбат қучини кодлашга сенсор тизимлар импульслар тезлигини ўзгартиришдан фойдаланади. Масалан, одам бармоғи терисида жойлашган якка механорецептор диаметри 1 мм бўлган юза орқали 0,2 г га тенг босимли импульслар билан жавоб бермайди. Босим 0,6 г га етказилса якка, сийрак импульслар пайдо бўлади. Демак бу рейепторнинг бўсағаси 0,6 г атрофида. Босим 4 г гача кўтарилса, импульслар частотаси сезиларли даражада ортади. Агар босим кучи 10-13 г етса импульслар сони кескин ошиб кетади.

5. Сигналларни детекторлаш. Техникавий алоқа тизимларида ахборотлар маълум манзилга узатилишидан аввал кодга солинади, манзилга етганида эса коддан чиқарилади.

Сенсор тизимларда декодлаш, масалан, товуш рецепторлардан импульс сифатида марказга етиб келганда яна товушга айланиши кузатилмайди. Бу тизимларда детекторлаш содир бўлади, яъни таъсирловчининг айрим белгилари таҳлил қилинади ва уларнинг биологик аҳамияти баҳоланади. Бу таҳлилни маҳсус ихтисослашган детектор нейронлар бажаради. Масалан, кўрув сенсор тизимининг мия пўстлогидаги детектор нейронлари йўл-йўл чизик кўрув соҳасининг маълум қисмида бўлиб, муайян бурчак ҳосил қилгандагина қўзгалади. Бурчак ўзгарса ёки чизик курув доирасининг бошқа қисмига ўтса, бу нейронлар қўзгалмайди, аммо бошқалари фаол ҳолатга ўтади.

6. Образни таниш. Образни таниш анализаторнинг сўнгги ва энг мураккаб вазифаси. Бу жараён образни характерлаш, уни организм олдин учратган ва таниш бўлган обьектларнинг қайси бир гуруҳига мансублигини аниқлашдан иборат. Бунга афферент сигналларни батафсил қайта ишлаш, уларнинг айрим белгиларини ажратиш ва бу белгиларни детектор нейронлар томонидан алоҳида таҳлил қилиш йўли билан эришилади.

Образни танишнинг моҳияти мияда таъсирловчининг моделини кўриш ва унга ўхшаш бошқа моделлардан фарқлашдир. Образни таниш орқали биз олдимиизда ким ёки нима турганини, кимнинг овозини эшиганимизни, қандай ҳид ёки таъм сезаётганимизни идрок этиш имкониятини беради.

3. Кўрув анализатори.

Кўрув сенсор тизими бошқа анализаторлар орасижа алоҳида ўрин тутади. Чунки бу тизим мияга келадиган ахборотларнинг 90% ни етказади. Бундан ташқари, кўрув анализатори организмда фоторецепторларга эса бўлган ягона тизимдир. Атрофидаги нарсаларни кўришимизнинг сабаби шундаки, бирор бир манбадан уларга тушган нур қайтарилиб, кўзга тушади ва фоторецепторларга қўзгалишнинг ривожланишига сабаб бўлади. Кўрув образнинг шаклланиши акс эттирилган нурларни тўр пардага аниқ проёқциялашдан бошланади ва анализаторнинг пўстлок марказида кўрув доирасида қандай жисм борлиги тўғрисида хулоса қилиш билан тутайди. Чап ва ўнг, паст ва тепада бўлган ҳаракат

қилувчи жисмларни кўриш учун кўзни турли томонларга ҳаракатлантирилади. Шунинг учун одам ва аксарият ҳайвонларнинг кўзи шарсимон шаклда бўлади.

Кўзning оптик тизими ва кўз аккомодацияси.

Шох парда, гавҳар ва шишасимон тана кўзning оптик тизимини ташкил этади. Кўзning оптик тизими нарсаларнинг кичрайган ва тескари аниқ тасвирини тўр пардада ҳосил қиласди. Узоқдаги нарсаларга қаралганда кўз оптик тизимининг умумий нур синдириш қуввати 59 диоптрия чамасида, яқиндаги нарсаларга қаралганда 70,5 диоптриягача ошади. Бунинг сабаби, узоқдаги нарсадан нурлар кўзга параллел равишда тушади ва уларни тўр пардага фокуслаш учун кучли синдириш зарурияти бўлмайди. Яқин масофадаги жисмдан кўзга тарқоқ нурлар тушади. Уларни тўр пардага фокуслаш учун кучли синдириш керак. Бу гавҳарнинг қавариқлигини ошириш билан эришилади.

Кўзning тўр пардадан турли масофада бўлган нарсаларни равshan кўришга мослашуви аккомодация дейилади. Аккомодацияни таъминлайдиган киприксимон мускулларни кўзни ҳаракатлантирувчи нерв таркибидаги парасимпатик толалар иннервациялайди.

Ёш, соғлом кишининг узоқдан кўриш масофаси чксиз. Узоқдан нарсаларни кўз аккомодация механизмисиз равshan кўради. Тиник кўришнинг энг яқин нуқтаси кўздан 10 см масофада. Ундан яқин бўлган нарсани аккомодация механизми қучайтирилганда ҳам аниқ кўриб бўлмайди. Ёш улғайган сари кўзning аккомодация кучи камая боради.

Яқиндан ва узоқдан кўриш.

Кўзда нурлар синиши (рефракция)нинг иккита нуқсони (аномалия) учраб туради. Бу кўз соққасининг бўйлама ўқига боғлиқ. Соғлом кўзларда бўйлама ўқ 24,4 мм бўлса аномалларда, баъзан узун, баъзиларида эса қалтироқ бўлади. ўқи калта кўзга узоқдан тушган нурлар тур парданинг орқасида фокусланади. Бунинг учун кўз аккомодация механизмини ишга солмаса узоқдаги нарсаларни аниқ кўрмайди. Бу ҳолат гиперметропия дейилади. Гиперметропиклар яқин нарсаларни равshan кўриш учун, ўқиши учун икки томони қавариқ линзали кўзойнақдан фойдаланиши зарур.

Кўзning узун ўқи одатдагидан катта бўлса, узоқдан кўзга тушган нурлар тўр парда олдида, шишасимон танада фокусланади. Тўр пардада эса узоқдаги нарсаларнинг хира акси пайдо бўлади. Бу нарса миопия ёки яқиндан кўриш дейилади. Бундай кўзли кишилар икки томони ботик линзали кўзойнақдан фойдаланишади.

Қорачик ва унинг рефлекси. Рангдор парда марказидаги нурларни кўз ичига ўтказувчи тешик қорачик дейилади. Қорачик нурларни ўтказади ва тўр пардада равshan таъсир пайдо бўлишини таъминлайди.

Рангдор пардада қорачик катталигини ўзгартирадиган мускуллар бор. Шулардан бири қорачикнинг халқа мускули бўлиб у қисқарганда қорачик тораяди. Иккинчи мускул радиал йўлишда бўлиб, у қорачикни кенгайтиради.

Биринчи мускулларни парасимпатик нерв, иккинчиси симпатик нерв тизими иннервация қиласы.

Түр парда. Күзнинг ички пардаси түр парда бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Бу ҳақда анатомия фанидан сизларга маълум. Ташқи қавати пигмент ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралардаги фусцин пигменти қора рангли бўлганидан кўз ичига тушган нурларни қайтармайди, кўриш равshan бўлишини таъминлайди.

Түр парданинг иккинчи қаватида фоторецептор ҳужайралар – колбачалар ва таёқчалар жойлашган. Одамнинг кўзида 125 млн таёқча ва 6-7 млн колбачалар бор. Түр парданинг марказий чукурчасида фақат колбачалар, чет қисмларида эса таёқчалар жойлашган.

Таёқчалар гира-шира (кечкурун) нурларни қабул қилишга мослашган рецепторлардир. Уларнинг фаолияти шикастланса, одам гира-ширада мутлақо кўрмайди, кундузи эса кўриш қобилияти тўла сакланади. Бу шабкурлик А витамини етишмаганда ривожланади. Колбачалар юқори ёруғликда фаоллик кўрсатиб, ранг кўришни таминалайди.

Таёқчалар ва колбачаларнинг турли функцияларини исботловчи далиллар кўп. Масалан, тунда фаол ҳаёт кечиравчи ҳайвонлар (бойқуш)нинг түр пардасида деярли ёлғиз таёқчалар учраса, кундузи фаол ҳайвонлар (тovуқ, калтакесак тошбақа)да фақат колбачалар мавжуд.

4. Эшитув анализатори.

Эшитув анализатори товушга боғлиқ физиологик функцияни бажаради. Одам эшитув аъзосининг хоссаларини ҳисобга олиб уч хил тебранишларни: частотаси 20 Гц дан кам бўлган, одам қулоғи эшитмайдиган инфратовушларга, чатотаси 20-20000 Гц бўлган одамнинг қулоғи эшита оладиган тебранишларга, частота 2000 Гц дан юқори ва эшитиб бўлмайдиган ультратовушларга бўлинади.

Ташқи қулоқ. Товуш эшитув ташқи қулоқ орқали киради. Ташқи қулоқ қулоқ супраси ва ташқи эшитув йўлидан иборат. Ташқи қулоқнинг шакли товушларни қабул қилиш ва товуш йўналишини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Ўрта қулоқ. ўрта қулоқни бир-бири билан боғланган учта эшитув суюқчалари – болғача, сандон ва ўзанги ташкил этади. Товуш тўлқинлари ноғора пардадан ўрта қулоқ суюқчалари ҳаракати туфайли ички қулоққа ўтади, ўрта қулоқ Евстахий найи ва оғиз бўшлиғи орқали ташқи атмосфера билан боғланади.

Ички қулоқ. Ички қулоқ чакка суюкнинг пирамидаси жойлашган. Уни тузилишига кўра чиғаноқ ҳам деб аташ мумкин. Уни Рейснер ва асосий мемраналар учга бўлади; булар: ноғора, ўрта ва вестибуляр каналлардир.

Ўрта нарвон (канал)нинг асосий мемранасида эшитув рецепторларига эга бўлган кортий аъзоси жойлашган. Кортий аъзонинг асос қисмида жойлашган рецептор ҳужайраларни юқори частотали тебранишлар кўзгатади.

Товуш тўлқинлари энергияси ўзанги орқали вестибуляр нарвондаги перилимфага узутилади. Овал дарча соҳаси ҳосил бўлган босим тўлқини чиғаноқнинг бошидан охиригача бўлган 3,5 см масофани 20 мс да босиб ўтади.

Турли рецептор ҳужайраларни бир томондан базад мембрана, иккинчи томондан текториал мембрана сиқиб туради. Базал мембраннынг ҳаракати ҳужайра тукларини текториал мембраннынг тегиб, эгилишга олиб келади. Натижада бу ҳужайралар билан боғланган эши тув нерви толаларида импульслар ҳосил бўлади.

Вестибуляр анализатор.

Одам танасининг ҳолатини сезиша вестибуляр анализатор катта аҳамиятга эга. Бу сенсор тизим тана ҳаракатининг тезлашиши ва секинлашиши бошнинг фазодаги ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар асосида склет мускуллари тонусининг қайта тақсимланишини таъминлаб, мувозанат сақлаш имкониятини таъминлайди. Вестибуляр тизим лабиринт суюқдан иборат бўлиб, учта ярим доира каналлардан, утикулюс, саккулюс ва чиганоқдан ташкил топган.

Утикулюс макуласи гравитация майдонига нисбатан тана ҳолатлари ўзгаришини сезади. Саккулюс макуласии унга ёрдам беради ва шунингдек вибрацияни (тебронинг) сезади. Тукли ҳужайралардан импульсларни МНТ га ўтказувчи аксонлар вестибуляр нервни (7 жувт нерв) ҳосил қилади. Бу нерв узунчоқ миядаги вестибуляр ядроларда тугайди. Вестибуляр ядролар кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядроси, мияча, тўрсимон формация, гипоталамус, таламус орқали мия пўстлоғи билан боғланган.

Вестибуляр тизимининг шикастланиши оқибати мувозанат бузилиши қўнгил айниши қусиш ҳоллари кузатилади.

Проприорецепция. Мувозанатни сақлаш ва катларни бошқаришда вестибуляр тизимдан ташқари чуқур сезгирилик ёки проприорецепциянинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Маълумки, ақл-хуши жойида бўлган одам ҳар зумда оёқ-қўллариниг бир-бирига нисбатан қайси ҳолда турганини яхши сезади, бўғинларнинг қайси йўналишда ҳаракат қилганини аниқ билади. Ҳар бир ҳаракатга бўлган қаршиликни ҳам даров фаҳмлайди. Бу қобилиятларнинг ҳаммаси проприорецепция дейилади, чунки булар барчаси проприорецепторлар туфайли, уларда юзага келган рағбатлар туфайли рўёбга чиқади. Шунга асосан танада ҳолатни сезиш, ҳаракатни сезиш, кучини сезиш каби функциялар амалга ошади.

5. Терморецепторлар ва уларнинг адаптацияси.

Терморецепторлар икки гурӯхга: совуқни ва иссиқни сезувчи рецепторларга бўлинади. Терморецепторлар қўйидаги хоссаларга эга.

1. Тери ҳароратининг барқарор бўлиб туришида рецепторларнинг қузғалиш частотаси тери ҳароратига пропорционал бўлади;
2. Тери ҳарорати кўтарилса ёки пасайса бу импульслар частотаси ҳам кўпаяди ёки пасаяди.
3. Ҳарорат ўзгаришидан бошқа нарсаларга сезгир эмас.
4. Рецептор сезгирилиги теридағи ҳарорат ўзгаришини сезиш бўсағасига яқин.

5. Терморецепцияни таъминловчи афферент толалар якка ёки жуда кичик гурухдаги рецепторларга боғлиқ. Бу толалардан импульсларнинг ўтиш тезлиги 20 м/с дан кам.

Совуқни сезувчи рецепторлар сони иссиқни сезувчи рецепторлар сонидан анча кам. Кўл кафтининг 1 см^2 да 1-5 та совуқ нукта бўлса, иссиқ нукталар сони 0,4. Одам терисидаги совуқни сезувчи рецепторларнинг умумий сони 250000, иссиқни сезувчи рецепторлар сони 30000 атрофида.

Терига иссиқ жисм тегса, у олдин бир зум совуқни, кейин эса иссиқни сезади. Бу шундан далолатки, совуқни ва иссиқни сезувчи бундай рецепторларнинг терида турли чуқурликда жойлаганидир. Бинобарин совуқни сезувчи рецепторлар тери юзасидан 0,17 мм, иссиқни сезувчи рецепторлар 0,3 чуқурликда жойлашган.

Тажрибадан маълумки, иссиқ ваннага тушган одам олдин яққол иссиқни сезади, аммо тезда бу сезги сўнади. Иссиқ кунда совуқ сувга сезилади, бир оз вақт ўтгач, сувнинг совуқлиги сезилмай қолади. Демак ҳароратни сезишда ҳам тўлиқ адаптация яъни мослашиш рўй берилди.

6. Оғриқ рецепторлари.

Оғриқ рецепторларнинг бошқа рецепторлардан асосий фарқи шундаки, уларнинг адекват таъсирловчиси йўқ. Оғриқни ўта кучли таъсиротларнинг ҳаммаси пайдо қилиши мумкин. Ҳаддан ташқари кучли таъсиротлар тўқималарни шикастлайди. Улар пайдо қилган оғриқ хавф-хатардан дарак бериб, ҳимоя рефлексларини вужудга келтиради, организмни шикастловчи омиллардан сақладайди. Оғриқни кучи ва хасталикнинг оғирлик даражаси ўртасида доим уйғунлик бўлмайди. Баъзан ички аъзолар каттиқ жароҳатланса ҳам оғриқ унча кучли бўлмайди, бошқа бир касал шикастланиш жиддий бўлмасада кучли оғриқни сезади. Оғриқнинг соматик ва висцерал турлари бор.

Оғриқни сезувчи рецепторлар тўғрисида ҳозирча ягона фикр йўқ. Айрим маълумотларга кўра оғриқни пайдо бўлиши учун катта гурухдаги рецепторлар қузғалиб, МНТ га айни бир вақтда кўплаб афферент толалардан синхрон импульслар ўтишининг натижаси, деган фикр бор.

Оғриқка қарши организмда маҳсус тизим ҳам бор. Бу унинг ўзида ишлаб чиқариладиган ички аналгетиклар-эндорфинлар ва энклефалинлар ҳисобланади.

7. Ҳид билиш рецепцияси.

Бу сенсор тизимнинг рецептори юқори бурун йўлида жойлашган. Улар бирламчи рецепторлар бўлиб, иккита ўсимтага эга. Ҳужайра танасининг тепа қисмида кипричалар билан тугайдиган дендрит ва қуий қисмидан бошланадиган аксондан иборат (расм).

Ҳидли моддаларнинг молекулари рецепторлар атрофига бурундан нафас олганда киради ва кипричалар мембранасига таъсир қилиб, афферент толаларда импульслар пайдо қиласди.

Ҳид билиш рецепторларнинг сезувчанлиги жуда юқори. Ҳидни пайқаш учун 40 га яқин рецептор ҳужайра қузғалиши керак.

Одам бир неча минг моддалар ҳидини ажратиш қобилиятига эга. Ҳидлар характеристига кўра гурухларга бўлинади.

Баъзи касалликлар бурун йўлидаги ҳид билиш соҳасини шикастлаб, сезгининг бузилишга олиб келади. аммо батамом йўқолмайди. Чунки одамнинг учлиқ тил, ҳалқум ва адашган нервларнинг бурун бўшлиғи ва ҳалқумдаги соҳалари иштирок этади.

8. Таъм билиш рецепцияси.

Таъм билиш рецепторлари оғизга кирган моддалар тўғрисида ахборот беради. Овқат ҳазмига боғлиқ бўлган кўпгина шартсиз рефлекслар вужудга келади.

Бу рецепторлар тил сўрғичларида, ҳалқумга юмшоқ танглайди, хиқилдоқ усти тоғайида жойлашган.

Таъм рецепторлари ҳар 10 кун ичida деярли бутунлай янгиланади.

Муайян таъмга эга бўлган моддаларнинг сифати тўғрисидаги ахборот юз ват ил-ҳалқум нервлари орқали узунчоқ мияга етказилади. Бу ердан таламусга, сўнгра мия пўстлоғи марказий пуштасига етиб боради. Шу йўл билан импульсларнинг ўтиши ва таҳлил қилиниши ортиб боради.

Одам тўрт таъмни – ширин, нордон, аччиқ ва шўрни ажратади. Тил юзаси ҳам таъм сезувчанликда ҳар хил. Асоси аччиқ таъмга сезгир бўлса, бошқа таъмлар тилнинг учи ва ён бағирида жойлашган.

Очлик таъмга сезувчанлик нисбатан юқори. Бу маълум даражада химиявий аҳамиятга эга. Киши қариши сайин таъм сезиши пасайиб боради. Баъзи дорилар, масалан, кофеин ва тамаки шу сезувчанликни янада камайтиради.

Контрол саволлар:

1. Сенсор тизим таркиби ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Анализатор (сенсор)лар тизимининг тузилишида қандай тамойиллар мавжуд?
3. Анализаторлар қандай операцияларни амалга оширади?
4. Кўзнинг оптик тизими нималар ташкил этади?
5. Аккомодация нима?
6. Яқиндан ва узоқдан кўришнинг сабабини биласизми?
7. Қорачиқ рефлексларидан қайсиларни биласиз?
8. Тўр парда қандай функцияни бажаради?
9. Шабкурлик нима?

9–Мавзу: Ички секреция безлари.(2-соат маъруза) Режа.

- 1.Ички секреция безлари хакида умумий тушунча.
- 2.Гмпофиз ва эпифиз безлари.
- 3.Калконсимон ва калкон олди безчалар.
- 4.Буйрак усти ва жинсий безлар.

Одам организмида уч хил без булади.

1.Ташки секреция безларига теридаги тер,ег.Сут ва сулак хамда меъда ва ичак шиллик каватидаги шира ажратувчи безлар киради.Буларда ишлаб чикариладиган суюкликлар ташки мухитга чикарилади.Шунинг учун бу безлар ташки секреция безлари деб аталади.

2.Ички секреция безлари.Булап одам танасининг турли кисмларида жойлашган булиб,уларда ишлаб чикариладиган суюкликлар организмнинг ички мухитига,яъни кон ва лимфага куйилади. Шунинг учун бу безлар ички секреция безлари деб аталади. Ички секреция безларига гипофиз, эпифиз, калконсимон, калкон олди, айрисимон ва буйрак усти безлари киради.

3.Аралаш безлар. Буларнинг тукимаси икки кисмдан иборат булиб,бир кисмида ишлаб чикариладиган суюклик худи ташки секреция безларига ухшаб ташки мухитга чикарилади,иккинчи кисмида ишлаб чикариладиган суюклик эса худи ички секреция безлари сингари организмнинг ички мухитига яъни кон ва лимфага куйилади.Аралаш безларга меъда ости ва жинсий безлар киради.

Гипофиз бези нухотсимон шаклдаги кичик без булиб,огирлиги 0,3-0,5г га тенг булиб,мия асосидаги қўлранг думбокка,варонкасимон оёқчага осилиб туради. Без калла понасимон суягининг турк эгари чукурчасида жойлашган. Гипофиз уч булакдан иборат. Безнинг олдинги булаги без эпителий хужайраларидан тузилган ва шунинг учун у аденоhipофиз булаги деб аталади. Безнинг орка булаги олд миянинг остидан 3 коринча тубидан буртиб усиб чикади. Олдинги кисмидан сомотроп, пролактин, аденокортикотроп, гонодотроп гормонлари организмнинг турли функциясига таъсир этади. Гипофиз безидан 20 дан ортик гормонлар ишлаб чикарилади ва организмдаги барча ички секреция безларини ишини тартибга солиб туради.

Безнинг оралик булагидан ажралган интермедиин гормони одам териси рангига таъсир килади.

Безнинг орка булагидан ажралган гормонлар конга утиб, буйрак найсаларида сийдикнинг кайта суриилишини тезлатади, бачадон кискаришини, кукрак безидан сут (бала эмаетганды) чикишини қучайтиради.

Эпифиз-бош мия асосида, яъни урта мия соҳасида жойлашган булиб, унинг массаси 0,2 г. Унда мелотанин гармони ишлаб чикарилади.

Эпифиз гармони жинсий безларнинг ривожланишини меъерда ишлаб туради. Без фаолияти сусайса, жинсий безлар тезрок ривожланиб, киз ва угил болалар эртарок балогатга етади.

Эпифиз бези З коринча тепа кисмидан ривожланади.

Калкансимон без-буйин соҳасида хикилдокнинг калконсимон тогайи Билан кекирдакнинг юкоридаги 3-4 тогай халкалари олдида жойлашган. Такасимон шаклдаги без катта одамларда 30-50 г. Карилик даврида унинг аста-секин кичиклашиши кузатилади. Аммо безнинг катта кичиклиги букок касаллиги бор одамларда бошкacha булади, яъни катталашаб огирилиги 1-1,5кгни ташкил этади. Калконсимон безнинг унг ва чап булакчалари, оралик кисми буйин оркали узаро кушилади. Безни ураб турган фиброз пардадан усиб кирган усимталар без ичкарисини булакчаларга ажратади. Без булакчалари пуфакчалардан иборат булиб, унинг ички юзаси кубсимон хужайралар Билан копланган. Пуфакчалар таркибидаги куйик коллоид моддаси булиб, унинг таркибида йодга бой аминокислоталар, оксил булади. Безнинг юзасини кон томирлари ва нерв чигаллари коплаб туради.

Калкон орка бези-бу без туртта булиб, калконсимон безнинг орка юзасига епишиб туради. Уларнинг умумий огирилиги 100-150 мг ни ташкил килади.

Калкон орка безларидан паратериоидан гармони ишлаб чикади. Бу гармон одам организмидан кальций фосфор алмашинувини тартибга солиб туради.

Калкон орка безларининг функцияси ортиб, паратормон ишлаб чикариш купайса нерв-мускул системасининг кузгалувчанлиги пасайиб, тана мускуллари бушушиб колади, одам умумий холсизланади ва тез чарчайди.

Буйрак усти бези-калпок шаклида, унг ва чап буйрак устида жойлашган булиб, унда олд, орка ва пастки юзалар тафовут этилади. Безнинг огирилиги 10-20 г. Ташки юзаси гадир-будур, унинг олд томонида эгатча дарвоза куриниб туради. Безни коплаб турган пардадан чиккан усимталар уни бир нечта булакларга ажратади. Без ташки саргимтири пустлок ва ичкарисида жойлашган корамтири мия кисмидан тузилган. Пустлок кисми ва мия кисми тузилиши, ривожланиши ва бажарадиган иши жихатидан бир-биридан фарқ килади.

Буйрак усти безининг пустлок каватида минералокортикоид, глюокортикоид, андроген ва эстроген гармонлари, магиз каватида норадреналин ва адреналин гармонларини ишлаб чикади.

Меъда ости бези-меъданинг пастки ва орка соҳасида биринчи бел умурткаси рупарасида жойлашган булиб, узунлиги 16-20 см, огирилиги 70-80 г. Меъда ости бези аралаш без булиб, тукимасининг 98-99% и ташки секреция функциясини бажариб овкат хазм килишда иштирок этувчи ферментлар ишлаб чикаради. Без

тукимасининг 1-2% и Лангерганс оролчаси деб аталувчи кисми ички секреция вазифасини бажаради.

Безнинг Лангерганс оролчасида инсулин гормони ишлаб чикарилади. Инсулин гормони кондаги канд моддасининг ортикча кисми мускул тукималарида гликоген моддаси сифатида захира холда тупланишини таъминлайди.

Жинсий безлар-эркакларнинг жинсий безларига бир жуфт moyклар, moyяк ортиги, простата бези киради. Мояклар эллипссимон булиб, массаси ката одамда 20-36 г булади. Уларда эркаклик жинсий хужайралари (сперматазоидлар) ва экаклик жинсий гормони ишлаб чикарилади. Моякларнинг бу функцияси усмирлик даврида (12-15еш) бошланади ва кексайиш даврига кадар давом этади.

Эркаклар уруг безидаги уруг ишлаб чикарадиган каналчалар оралигига жойлашган тукимада тестостерон гормони ишлаб чикарадиган маҳсус хужайралар булади. Гормон таъсирида иккиламчи жинсий безлар, жинсий аъзоларнинг нормал ривожланишини таъминлайди.

Аеллар тухумдонидаги фоллиқўларада эса фоллиқўлин гормони ишлаб чикаради. Фоллиқўлин жинсий органларнинг нормал ривожланишини, иккиламчи жинсий белгилар хосил булишини ва нерв системаси кузгалишини таъминлайди.

Аелларнинг жинсий безларига бир жуфт тухумдан киради. Тухумдонлар кичик чанок бушлигига жойлашган булиб, катта ешли аелларда уларнинг массаси 5-6г булади. Тухумдон бачадоннинг орка кисмига епишиб туради. Тухумдода жинсий гормонлар ишлаб чикарилади. Бу гормонлар бевосита конга куйилади. Улар киз боланинг усмирлик даврида ишлаб чикарила бошлайди ва унда иккиламчи яъни аеллик жинсий белгилари хосил булишини таъминлайди.

Бундан ташкари тухумдонларда пуфакчалар туплами-фоллиқўлалар булади ва етилади.

Саволлар.

1. Ташки секреция безларига таъриф беринг.
2. Ички секреция безлар хакида гапиринг.
3. Аралаш безларга кайси безлар киради.
4. Калкансимон без кандй без.
5. Калкон орка бези хакида нима биласиз.
6. Айрисимон безни гапиринг.
7. Меъда ости безининг тузилиши.
8. Буйрак усти безининг тузилиши.
9. Жинсий безлар хакида нималарни биласиз.

10-Мавзу: Физиологиянинг асосий қонунлари ва физиологик. (2-соат маъруза).

Режа:

1. Организмнинг функциялари.
2. Организм ва ташқи муҳит.
3. Модда ва энергия алмашинуви.
4. Биологик жараёнлар.

Таянч тушунчалар: *Организм, муҳит, ҳужайра, тўқима, метаболизм, орган, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, гомеостаз, модда алмашинуви, ассимиляция диссимиляция, қўзгалиш.*

Физиология-тирик организм ва қисмларнинг функциясини ўрганади. **Организм** - органик оламнинг мустақил яшай оловчи, ўз-ўзини бошқара оловчи ва ташқи муҳитнинг турли ўзгаришларига турли бир бутун система сингари жавоб бера оловчи бирлигидир. Организм ўз атрофидаги ташқи муҳит билан ўзаро таъсир этиб тургандагина яшай олади ва шундай ўзаро таъсир сингари бунинг натижасида янгиланиб туради. Физиологик функциялар-хаёт фаолиятининг мосланиш учун аҳамиятли белгиларидир. Организм турли функцияларни ўтай туриб ташқи муҳитга мослашади ёки муҳитни ўз эҳтиёжларига мослаштиради.

Модда ва энергия алмашинуви тирик организмнинг асосий функциясидир. Бу жараён организмда ва унинг барча структураларида бетўхтов рўй бериб турувчи химиявий ва физиковий ўзгаришлардан, моддалар ўзгаришидан ва энергия алмашинувидан иборат. Моддалар алмашинуви ёки метаболизм ҳаётнинг зарур шартидир. Тирик мавжудотлар олами анорганик оламдан моддалар алмашинуви билан фарқ қиласди. Моддалар алмашинувининг тўхташи натижасида организм ўлади, протоплазма емирилиб кетади, протоплазмага характерли бўлган химиявий бирикмалар, аввало оқсил бирикмалари парчаланиб, ҳеч аввалги ҳолига қайтмайди. Колган барча физиологик функциялар ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, овқатланиш ва овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, секреция ва чиқиндишларни чиқариш, ҳаракат,

ташқи муҳитнинг ўзгаришига жавобан рўй берувчи реакциялар ва шу кабилар моддалар алмашинувига боғлиқ.

Организм моддий ва энергетик сарфларини тўлдирадиган овқат олиши учун ташқи муҳит имконият бергандагина ва организм ўзи учун зарур сувли ёки ҳаволи муҳитда яшаб, маълум температура барометрик асбоб, ёруғлик интенсивлиги ва спектри ва шу кабилар мавжуд бўлгандағина унинг (организмнинг) функциялари нормал равишда рўёбга чиқиши мумкин.

Ички муҳит - қон, лимфа ва организм ҳужайраларини ювиб турадиган тўқима суюқлигидир.

Юксак ҳайвонлар организмида ташқи муҳитнинг кўпчилик таъсирига қарши турувчи, ҳужайраларнинг яшаш шароитига бир қадар доимий бўлишини таъминловчи мосланишлар вужудга келган. Организм ҳужайраларидағи электролитлар ва сув миқдорининг доимийлиги туфайли осмотик босим бир қадар доимий бўлгандағина ҳужайралар нормал ишлай олади. Осмотик босимнинг ўзгариши организм структура ва функциясини бузилишига олиб келади. Организм бир бутун бўлгани учун ортиқча сув кирганда ҳам. овқатдаги тузлар миқдори кўп ёки кам бўлганида ҳам маълум вақт яшай олади. Бунинг боиси шуки, гавдада, сув ва электродитларнинг, доим бир хил миқдорда туришига ёрдам берувчи мосламалар бор. Сув ортиқча кирганда ортиқчаси чиқарув органлари (буйраклар, тер безлари, тери) орқали организмда тез чиқиб кетади сув етишмаганда эса гавдада ушлаб қолади. Ҳужайралар, айниқса, нерв ҳужайралари, қондаги қанд миқдорининг ўзгаришига жуда сезгир бўлади, қанд эса муҳим озиқ модда бўлиб хизмат қиласи. Мадомики шундай экан, қондаги қанд миқдорининг доимийлиги хаёт фаолияти процеслари учун катта аҳамиятга эга. Қондаги қанд кўпайиб кетганда жигар ва мускулларда ундан полисахарид - гликоген синтезланади, бу модда ҳужайраларда тўпланади, қондаги қанд камайганда эса, аксинча гликоген жигар ва мускулларда парчаланиб, узум шакари ҳосил бўлади, бу модда қонга ўтади. Ички муҳит химиявий таркиби ва физикавий хоссаларининг доимийлиги юксак ҳайвонлар организмининг муҳим хусусиятларидир. Бу доимийликни ифодалаш учун У.Кеннон кенг тарқалган гомеостаз иборасини таклиф қилган. Гомеостазнинг сақланишиб туришида турли органлар ва уларнинг сиетемалари турлича роль ўйнайди. Масалан, овқат ҳазм қилиш органлари озиқ моддаларнинг организм ҳужайралари фойдалана оладиган шаклда қонга киришини таъминлайди. Кон айланиш системаси органлари қонни тўхтовсиз харакатлантириб ва организмда турли модадларни ташиб турди, натижада озиқ моддалар кислород ва организмнинг ўзида ҳосил бўлувчи турли химиявий моддалар ҳужайраларга келади, ҳужайралардан ажralиб чиқадиган чиқиндилар (карбонат ангидрид гази организмдан чиқариб юборилади).

Гомеостазнинг сақланишида нерв системаси жуда муҳим роль ўйнайди. Нерв системаси ташқи ва ички муҳитнинг турли ўзгаришига хушёрлик билан жавоб кўрсатиб, органлар билан системалар фаолиятини шундай

бошқарадики, организмда рўй бераётган ва рўй бериши мумкин бўлган ўзгариш ва бузилишларни олди олинади ва тўғриланади.

Кл.Бернар таъбири билан айтганда, «Ички муҳит доимийлиги эркин ва мустақил ҳаёт шартидир».

Модда алмашинув процесслари турли моддаларниң ташқи муҳитдан организмга кириши, ўзлаштирилиши, ўзгариш ва ҳосил бўлган ; ташландилар (парчаланиш маҳсулотлари)нинг чиқарилишидан иборат. Организмда моддалар ўзгарадиган шу процессларда кўпгина турли химиявий, механик термик ва электр ҳодисалари рўй беради, энергия бетўхтов ўзгаради мураккаб органик бирикмалар парчаланганде уларнинг потенциал энергияси бўшаб чиқиб, иссиқлик механик электр энергиясига айланади. Иссиқлик энергияси ва механик энергия асосан организмда юзага чиқади. Моддалар алмашинуви ва энергия ўзгариши бир - биридан ажратиб бўлмайдиган процесслардир. Энергия алмашинмаса модда ўзгармайди, ва моддалар алмашинмаса, энергия алмашинмайди. Организмда рўй берадиган энергетик процесслар натижасида кўпроқ иссиқлик ҳосил бўлади. Организмдан бўшаб чиқсан иссиқлик энергиясини аниқлаб, ташқи иш бажаришга кетадиган механик энергияни иссиқлик бирлигига айлантириб, хисоб организмнинг канча энергия сарфланганлигини аниқлаб ва алмашинув процесслари нечоғлик интенсив эканлигини билиш мумкин. Организмда модда ва энергия алмашинувига материя ва энергиянинг сакланиш қонунига мувофиқ содир бўлади. Моддалар алмашинуви ассимляция ва диссимляция деган процессининг бирлиги. Организмга ташқи муҳитдан кирган моддаларнинг хужайралар томонидан ўзлаштирилиши, оддийроқ химиявий моддалардан мураккаброқ химиявий бирикмалар ҳосил бўлиши, организмда тирик протоплазманинг синтез қилиниши мажмуъасини «ассимиляция» деб юритишади.

Диссимляция хужайралар структураси, жумладан оқсил бирикмалари таркибига кирадиган моддаларнинг парчаланиши, бўлиниши, тирик материянинг емирилиши демакдир. Бунда парчаланиш маҳсулотлари организмдан чиқиб кетади. Оқсиллар энг мураккаб химиявий бирикмалар бўлиб, 20 турли аминокислоталарнинг турли комбинацияларидан таркиб топган полимерлардир. Оқсиллар биосинтези нуклеин кислоталарнинг бевосита иштирокида рўй беради. Нуклеин кислоталар айрим аминокислоталардан оқсил молекуласини йиғадиган «каркас» вазифасини бажарувчи қолип, андозага ўхшайди. Организм хужайраларида оқсиллар ўз-ўзидан янгиланиб туради, яъни хужайра оқсиллари парчаланиб ва янгидан синтезланиб туради. Турли хужайраларда факт шулар учун специфик бўлган кўпгина химиявий ўзгаришлар рўй беради. Масалан, баъзи химиявий бирикмалар факт муайян хужайраларда ёки хужайра ичида структураларда ҳосил бўлади. Маълумки хлорид кислотани факт меъда безларининг Қоплама хужайралари ҳосил қиласи ва чиқаради.

Хар қандай организм ва унинг барча хужайралари таъсирланувчан бўлади, яъни ташқи муҳит таъсир этганда ёки холати бузилганда ўз

структурасини ўзгариши, актив фаолият кўрсатиш, бу фаолиятни кучайтириш ва сусайтириш билан жавоб беради, бу эса модда ва энергия алмашинувининг сифат хамда миқдор ўзгаригаларига чамбарчас боғлиқ.

Ташқи мухитнинг организм ички холатининг хар қандай ўзгариши етарлича катта бўлса, етарлича тез рўй берган бўлса ва етарлича узоқ давом этса, тирик хужайранинг ёки бутун организмнинг таъсиরловчиси бўла олади. Физикавий таъсирувчиларга температура, механик (уриш, игна санчиш, босим, тезланиш...). Таркиби ва хоссалари хар хил бўлиб, хужайралар структурасини ва улардаги модда алмашинувини ўзгарирадиган кўпгина моддалар-химиявий таъсирувчиларга киради. Баъзи хужайра ва тўқималар таъсиrotга тез жавоб кузсатишга маҳsus мослашган. Бундай хужайра ва тўқималар қУзгалувчин деб аталади, уларнинг таъсиrotга кўзғалиш билан жавоб қайтариш хоссаси эса қўзгалувчанлик деб юритилади.

Қўзғалиш физикавий, химиявий, физик-химиявий процесслар ва функционал ўзгаришлар йифиндисида намоён бўладиган мураккаб биологик реакциядир. Кўзғалиш пайтида хужайра юзасидаги мембраннынг электр холати албатта ўзгаради. Организм функцияларини ва реакцияларининг ўзаро bogланганлиги организм бирлиги ва бир бутунлиги - функцияларини бошкарадиган ва уйғунлаштирадиган икки механизм борлигидан келиб чиқади. Булардаи бири - **гуморал** ёки химиявий механизм филогенетик жихатдан энг қадимги бўлиб моддалар алмашинуви жараёнида хар хил бирикмалар — парчаланиш ва синтезланиш маҳсулотлари вужудга келади. Ички секреция безлари руёбга чиқарадиган гормонал регуляция функциялари химиявий жараёnlарнинг бир кўринишидир. Нерв регуляцияси хужайралар фаолиятининг ўзгаришида, уларнинг доимий холатда тутилишида ва тинч холатдаги модда алмашинувига нерв системасининг таъсири этиши унинг маҳsus тропик функцияси борлигини ифодалайди деб қарашади.

Назорат саволлари

- 1.Физиология фанининг асосий принциплари.
- 2.Тирик организмни биологик таснифи.
- 3.Организм ички мухитининг таркиби ва хоссаларнинг доимийлигини сакланиши қандай?
- 4.Организм фаолиятини гуморал бошқарилиши.
- 5.Организм фаолиятини нерв бошқарилиши.
- 6.Ташқи мухитнинг организмга таъсири.
- 7.Гомеосгаз ибораси нима ва у ким томондан фанга киритилган.

11–Мавзу: Қон системаси физиологияси. Юрак. (2-соат маъруза) Режа:

1. Юракнинг тузилиши ва функцияси.
2. Томирларнинг тузилиши ва функциялари.
3. Лимфа системаси.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: спланхнотом виссирил вараги, миопехард, эндотерма, мезодерма, мезенхема, эндопимий, эндокард, пастид носметрик, перекард, систола, диастола, адвентасия қавати, саркоплазма, микросиркүлясия, аорта равоги.

Мавзуга оид муаммолар.

1. Юракка яқин бўлган ва ундан узоқда жойлашган томирлар, томирларнинг ўлчамлари ўртасида қандай қонуният бор. Сизнинг фикрингиз.
2. Юрак деворининг ривожланганлик даражасига қайси ички ва ташки факторлар таъсир этади. Изоҳлаб беринг.
3. Юракнинг ўлчамлари ва вазни одамнинг ёшига ва жинсига боғлиқми.

Биринчи савол баёни.

Юрак (Cop) одам эмбрионида жуда эрта ривожлана бошлайди, шу билан бирга у қориндалик вақтидаёқ ҳаётининг учинчи ҳафтасида юрак қисқара бошлайди.

Юрак иккита куртакдан–ички варақлар ва мезинхимадан ривожланади. Юракнинг ривожланиш эмбрионнинг бўйин томонида мезинхиманинг ички варақларига ёндошиб турувчи иккита эпителий найнинг пайдо бўлишидан бошланади. Бу найлар ҳам худди бирламчи томир найлари ҳосил бўлгандек, эндодерма билан мезодерма ўртасида жойлашган мезенхемада ҳосил бўлади. Бу найлар ичак эндодермасини сариқ модда пуфагидан ажратиб турувчи гавда бурмаси ҳосил бўлаётганида бир-бирига яқинлашади.

Улар уч томондан спланхнотом виссирил варагининг бир қисми билан ўраб олинади; бу қисмини миопехард пластинка деб атайдилар. Натижада битта юрак найи ҳосил бўлади. Унинг икки девори эндопимий найдан ҳосил бўлади; бу найдан юракнинг ички пардаси эндокард ривожланади.

Юракнинг найчаси орқа, вена томирларда бироз кенгайган бўлиб, олдинги артерия томонида тордир. Кейинчалик вена томони бироз юқорига артерия

томони эса пастга қараб силжийди. Шунинг учун бундай силжиш натижасида юрак найчаси қаттиқ эгилади ва ўз шаклини ўзгартиради. Бундай юрак икки камерали бўлади, чунки унинг вена қисми артерия қисмидан ажралган. Кейинроқ артерия қисмини икки бўшлиққа юракнинг иккита қоринчасига, вена қисмини эса юракнинг иккита бўлмачасига ажратувчи тўқималар пайдо бўлади. Юракнинг иккита бўлмачаси бир-бири билан узоқ вақтгача тўсиқ деворидаги чўзинчоқ тешик орқали алоқада бўлади, кейинчалиқ, бола туғилгандан кейин бу тешик битиб кетади. Унинг ўрнида овалсимон тешик қолади.

Юрак конуси шаклидаги мускулли ичи ковак органдир. Унинг асоси орқага, юқорига ва ўнга, учи эса пастга олдинга ва чапга энсаналган бўлади. Юрак бироз яссиланган орқа пастки диафрагма ва олдинги юқорига тўш қовурға томон юзалари бор. Юрак бироз яссиланган орқа пастки юзаси билан диафрагма устида жойлашади; Унинг олдинги юқориги юзаси тўш суюгининг танасига ва қовурға тоғайларга томон қараган бўлади. Юрак кўкрак оралиғи олдинги қисмининг пастида, носметрик ҳолатда, яъни $\frac{1}{3}$ қисми ўнгда жойлашади. Юрак перикард деб аталадиган сероз парда билан ўралган.

Перикарднинг девор олди вараги уни ўраб турган ниҳоятда пишиқ бириқтирувчи тўқимали қават биргалиқда юрак олди ҳалтачаси деб аталади. Бу ҳалтача ён томонларда кўкрак оралиғи плевраси варакларига ёндошиб турди, пастдан диафрагманинг пайли марказига ўсиб киради. Перикарднинг иккала вараги ўртасида унинг ёриқсимон сероз бўлими бор. Юрак ҳалтачаси кесиб очиб кўришдан юрак қисмлари ва уларни ажратиб турувчи эгатлар аниқ кўринади. Юрак бўлмачалари билан қоринчалар чегарасида юракнинг таржимон эгати ҳалқасимон шаклда жойлашади. Олдинги юқорига юза буйлаб олдинги эгат орқа пастга юза буйлаб қоринчалар ўртасида орқа эгат ўтади. Улар ўнг ва чап қоринчалар чегарасига мос келган ҳолда жойлашади. Ҳамма эгатлардан юракнинг ўзига тегишли артерия ва веналар ўтади. Юрак 4 камерали бўлиб, ўнг ва чап томонда жойлашган 2 та бўлмачаси ва ўнг ҳамда чап томонда жойлашган 2 та қоринчаси бор.

Юракнинг ўнг ярмисидан тўсиқ билан ажратилганлиги сабабли чап ва ўнг томонлари ва қоринчалари бир-бири билан алоҳида бўлмайди. Юракнинг ўнг бўлмачаси билан ўнг қоринчаси ўртасида юракнинг ўнг ва чап бўлмача қоринча оралиғи тешиги бор. Юракнинг ўнг ярмида уч тавақали қопқоқ, чап ярмида митрал деб аталадиган икки тавақали қопқоқ жойлашган.

Тавақали қопқоқлар қоннинг ҳаракат қисмida аҳамиятга эга: улар очилганда юрак қон бўлмачасида қоринчага тушади, бироқ улар қайтадан қонни бўлмачага энсаналтирмайди. Аорта ва ўпка тармоғининг тешиклари олдида ярим ойсимон қопқоқлар бўлади. Улар қоннинг юракдан томирларга томон оқиши буйича очилади ва қоннинг орқага қайтишига тўскенилик қиласи. Факат қопқоғининг иши бузилган ҳолда қоннинг бир қисми орқага қайтиб юракка оқиб тушиши мумкин.

Юрак бир-бири билан туташмайдиган икки қисми тўлиқ бўлмаганлиги туфайли ўнг қоринча ва ўнг бўлмачадан фақат веноз қон, чап бўлмача ва чап қоринчадан фақат артериал қон ҳаракат қиласи.

Юракнинг ўнг бўлмачасига тананинг энг йирик веналари юқоридан – юқориги ковак вена, пастдан пастки ковак вена қуйилади. Бундан ташқари, юракнинг ўнг бўлмачасига юрак веналарининг умумий оқими юракнинг тахминан қўлтиғига келиб қуйилади. Юракнинг ўнг қулоқчasi юрак бўлмачасининг бир қисми бўлиб, яссиланган конус шаклига эга ва аорта илдизини ёпган ҳолда юракнинг олдинги юзасида жойлашади.

Юракнинг ўнг бўлмачаси олдинги ҳамда ташқи деворларининг ички юзаси бўйича деворнинг мускул толалари, тароқсимон мускуллар жойлашган. Уларнинг юқоридагиси ковак веналарининг қўйиладиган жойидан юрак бўлмачасининг юқориги деворига қараб энсаналади, пасткиси эса тожсимон эгатдан юқорида ташқи деворининг пастки чегараси бўйлаб жойлашади.

Юракнинг ўнг бўлмачаси деворининг ички юзасида, ковак веналар қўйиладиган жой ўртасида, унча катта бўлмаган дўнглик, бўртиқ ҳосил бўлади. Юракнинг ўнг бўлмачасининг чап бўлмачасидан ажратиб турувчи тўсиқда узунчоқ шаклдаги ва четдан майда дўмбоқчалар билан ботикли-чўзинчоқ чуқурча бор.

Бола она қорнида ётган даврида бу чуқурча юракнинг иккита бўлмачасини бир-бири билан қўшиб турувчи чўзинчоқ тешик ўрнида жойлашади. Пастки ковак вена қўйиладиган жой остида кўндаланг энсаналган яrim ойсимон қопқоқ жойлашади; унинг ички томони чўзинчоқ тешикнинг дўнгчасига бориб туташади. Бу қопқоқ эмбрионал даврида, қонни пастки ковак венадан, узунчоқ тешик орқали юракнинг чап бўлмачасига ўтказган, вена тешиги кичкина бурма қўлтиқ қопқоғи билан ёпишиб туради. Юракнинг ўнг бўлмачаси билан ўнг қоринчаси чегарасида, қоринчанинг ўнг бўлмача-қоринча тешиги бор. Ўнг қоринча конуссимон шаклда бўлади. Ўнг қоринчанинг учи юрак учига мос тушмайди, уч тавақали қопқоқнинг тавақалари қоринча бўшлиғига томон очилади. Қоринча бўшлиғи деворидан кўтариб турган сурғичсимон мускулларининг учидан бошланадиган қопқоқ тавақаларнинг эркин турган четига ва пастги юзасига келиб ёпишади. Ўнг қоринчада олдида битта катта сўрғичсимон мускулнинг юқори учи қисмларига бўлинади. Бу мускуллар пайи билан биргаликда қоринча ва унинг сўрғичсимон мускуллари қисқарганда қопқоқ тавақаларининг юрак бўлмаси бўшлиғи ичига ажралиб кириб кетишига қаршилик қиласди, натижада уч тавақали қопқоқ тўлиқ ёпилади ва қоннинг қоринчадан юрак бўлмачасига қайтиб тушишига энсал қўймайди. Қоринча деворининг мускул толалари боғламларига йиғилиб, ҳар-хил энсаналишда жойлашади ва ички юзада серет тўсиқ ҳосил қиласди.

Ўнг қоринча асосининг олдинги чап қисмидан ўнг артериал тешик билан тугалланувчи артерия конуси пайдо бўлади, ундан ўпка артерияси бошланади. Бу тешикда ўпка артериясининг учта яrim ойсимон қопқоқлари бор. Қоринча қисқарганда улар ўпка артерияси томонга қараб очилади ва қонни шу тамонга ўтказади, бироқ қайтариб қоринчага туширмайди. Юракнинг чап бўлмаси нотўғри куб шаклида бўлади. Унинг олдидаги деворидан юракнинг чап қулоқчasi

бошланади, унинг деворида тароқсимон мускуллар бор. Юрак чап бўлмасининг девори ўнг бўлмасининг деворига қараганда силлик бўлади.

Юракнинг чап бўлмаси ҳар бир ўпкадан иккитадан 4 та ўпка венаси келиб қўйилади. Артериал қон бу веналар орқали ўпкалардан келиб юракнинг чап бўлмасига қўйилади.

Юракнинг чап бўлмаси билан қоринчаси ўртасида чап бўлмача-қоринча тешиги жойлашади.

Чап қоринча конус шаклида бўлиб, унинг асоси юқорига қараганда учи юракнинг умумий учига мос тушади.

Юрак бўлмачаси билан қоринча ўртасида юракнинг чап бўлмача-қоринча тешигини ажратиб турувчи фиброз ҳалқа жойлашади.

Қоринча бўшлигининг деворидан унинг ичига қараб иккита катта сўргичсимон мускул туртиб чиқиб туради. Бу мускулларнинг учидан қопқоқ тавақларининг пастки юзасига айниқса уларнинг четига қараб пайлар тортилади. Чап қоринчанинг серет тўсиқлари ўнг қоринчага нисбатан анча кучли ифодаланган.

Қоринчанинг асосида иккинчи тешик чап артериал тешик жойлашади. У ҳам фиброз ҳалқа билан ажралган бўлади, ундан аорта қоринчага қайтариб туширилмайдиган учта ярим ойсимон қопқоқ билан таъминланган.

Юрак ритм билан қисқариш хусусиятга эга. Юрак девори уч қаватдан: 1) ташқи сероз-епикарддан, 2) ўртасидаги мускулли-миокарддан ва 3) ички-эндокарддан тузилган. Эпикард юракнинг сероз пардаси перикарднинг юрак атрофи халтаасининг ички варагидир. Катта томирларда перикарднинг ташқи вараги эпикард ҳосил қиласи.

Миокард энг қалин қаватдир. Унинг қалинлиги юракнинг турли соҳасида ҳар-хил. Ўнг қоринчанинг мускул пардаси юрак бўлмачаси миокардига нисбатан анча қалин қават ҳосил қиласи, қоринча таранг бўлганда, мускул қисқариши, қоннинг қон айланиши кичик доирасига ўтказишга имкон беради.

Чап қоринчанинг мускулли девори энг қалин бўлади. У қисқарганида, қон катта қон айланиши доирасига ўтказилади.

Юрак ҳар қисқарганда $60-70 \text{ см}^3$ яқин қонни томирларга ўтказади. Юракнинг фиброз ҳалқалари шаклидаги юмшоқ скелети бор. Бу ҳалқалар унинг қопқоқлари билан таъминланган тўртта асосий тешиги атрофида юрак бўлмачаси –қоринчаси ўртасидаги иккита тешик, аорта тешиги ва ўпка артерияси тешиги атрофида жойлашади.

Юрак тасвири кўкрак қафасининг олдинги деворига тушурилганда унинг чегараларини қўйидагича аниқлаш мумкин. 1) Унинг учи бешинчи қовурға оралиғида, чап томондаги ўмров суюгининг ўрта чизигидан 2 см ичкарида; 2) унинг юқори чегараси–3 жуфт қовурға тоғайининг юқори четларини бирлаштирувчи чизикда жойлашади; 3) унинг ўнг чегараси 3-қовурға тоғайидан В-ВИ қовурғалар тоғайининг пастги четигача давом этган масофада тўш суюгининг ўнг чизидан 1,5-2 см ўнгроқда жойлашган; 4) пастки чегараси қиличсимон ўсимтанинг асосий ёнида, ўнг томондаги қовурғанинг тўш суюгига

ёпишадиган жойидан то юрак учининг тасвири тушадиган чап томондаги бешинчи қовурға оралиғига давом этувчи, пастга бўртиб чикқан шаклда жойлашади.

Юрак фаолиятининг уч фазаси бор: систола, диастола ва пауза. Юрак бўлмачалари қисқарганда қоринчалар бўшашибди, ундан сўнг умумий танаффус бўлади. Юрак бир соат ишлаганда ундан 300 л га яқин қон ўтади. Юрак қоринчалари ва бўлмачаларининг девори юқорида айтиб ўтилгандек уч қаватдан иборат.

Юракнинг икки пардаси эндокарднинг тузилиши асосан томир деворининг тузилишига ўхшайди. Сўнгра ташқи томонга қараб силлиқ мускул ҳужайралари ва эластик қават жойлашади ва юмшоқ толали бириктирувчи тўқимали қават томирларнинг адвентисия қаватига тўғри келади энг ташқи қават ҳисобланади. Юракнинг ўрта пардаси миокард кўндаланг-тарғил мускул толалардан тузилган бўлиб, улар орасида юмшоқ толали бириктирувчи тўқима қаватчалари жойлашади.

Миокарднинг мускул толалари скелетининг кўндаланг-тарғил мускулларидан, бир-бири билан ўралашиб кетади ва бир-бирига ўтиб, умумий тўр ҳосил қилиши билан фарқ қиласи. Миокард мускул толаларининг бошқа ҳарактерли хусусияти, толалари ичида кўп микдорда саркоплазма бўлишидадир. Олдин айтиб ўтилган кўндаланг-тарғил мускулларнинг оқ ва қора гардишларидан ташқари, оралиқ пластинкалари ҳам бор, улар функциясининг аҳамияти аниқланмаган.

Юрак мускули ихтиёрсиз, яъни бизнинг иродамизга боғланмаган ҳолда қискаради. Юракнинг ташқи пардаси эпикарддир. Унинг ташқи қавати ясси эпителий мезотелийдан, юрак мускулига ёндошиб турган ички қават эса юмшоқ толали бириктирувчи тўқималардан иборат.

Мұхокама учун саволлар

- 1.1. Юрак эмбрионал даврида қандай ички варақлардан ривожлана бошлайди?
- 1.2. Юракнинг бошқа аъзолардан фарқи, унинг автоматик равишда ишлай олишидир. Унинг бу хусусияти нимага бўлиқ?
- 1.3. Тиббиётдан маълумки, камдан-кам ҳолларда юрагининг кўпроқ қисми ўнг томонда жойлашган одамлар учратган. Бундай жойлашувнинг бошқа аъзоларга таъсири энсақми?

Иккинчи саволнинг баёни.

Қон томирлар системаси қон оқадиган турли диаметрдаги максимал эластик мускул тузилмаларидан ташкил топган. У аортадан бошланиб, ундан кўп сонли артериалар тарқалади. Натижада қон оқими бир қанча узангалар бўйича тақсимланади ва айрим органларга боради.

Артериялар кўп марта иккига бўлинади ва диаметри аста секин кичрайиб бориб, жуда майда артерияларнинг кенг тармоғини капиллярлар тўрини ҳосил қиласи.

Шундай қилиб, томирлар системаси юқоридан қон билан келадиган артерияларга ва юрак, ҳамда, микросиркүлятор қон қўшилиб келадиган веналарга бўлинади. Ўнга артериялар, капиллярлар, веналар ва артерия вена бирикмалари киради, улар биргаликда ёпиқ қон айланиш системасини таъминлайди.

Одамнинг юрак томирлари системаси катта ва кичик қон айланиш доирасидан иборат. Катта доира бўйича, артерия қони чап қоринчадан гавданинг ҳамма органлари ва тузилмаларига боради, ковак веналар орқали эса ўнг бўлмачага қайтади. Кичик доира бўйича юрак ўнг қоринчасининг вена ўпка артериялари бўйлаб ўпкага боради ва ўпка веналари орқали юракнинг чап бўлмачасига қайтади.

Қон айланишнинг ёпиқ системасида қон хужайралар боғлиқ бўлмайди. Артерия ва артериялар тузилишига кўра қон оқими таъсири остида ўзининг диаметри ортишига қаршилик кўрсатиш қобилиятига эга ва шунинг натижасида улар артерия босимини оптималь даражада сақлаб турла олади. Вена ва венулалар қон айланиш системасининг асосан сифимиға оид функсияни таъминлайди. Микросиркүлясия томирларда тўқималар билан қон ўртасида алмашинув жараёнлар амалга ошади.

Юрак томир системаси транспорт функсиясини бажаради, яъни озиқ моддаларни сусистеъмол қилинадиган жойларга ўтказади ва алмашинув маҳсулотларини ҳосил бўладиган жойдан ажратишгача, газлар, гармонлар, ферментлар, иммуно ва физиологик актив моддалар иссиқлик энергиясини таъминлайди, шулар туфайли организм бир бутун ҳолда ишлайди. Микросиркүляир қон томирлар системасининг функционал жиҳатдан энг муҳум бўлиши ҳисобланади чунки, худди томирларида қон билан хужайралараро суюқлик ўртасида газлар ва моддалар алмашинуви содир бўлади. Одам организмида капилиярнинг умумий сони тахминан 40 млд. Бу томирлар зичлиги ўзгариб туради.

Организмнинг қон томирлари. Юрак артериялари. Юрак девори аортанинг бош қисмидан чиқсан бир жуфт тож артериядан қон олади. Ўнг ва чап тож артериялари эпикард тагида ёғ тўқималари билан қопланган ҳолатда юрак эгатларига эгри – бугри бўлиб энсаналади.

Юрак веналари. Юрак деворларига тарқалган иккита тож артериядан бир қанча катта, кичик юрак веналари вужудга келади ва қонни ўнг бўлмага қуяди.

Катта қон айланиш доирасининг томирлари.

Аорта(Aorta). Аорта одам организмида энг узун бўлган ягона қон томири бўлиб, юракнинг чап қоринчасидан чиқади ва организмнинг ҳамма қисмларига тармоқланади. Аортанинг девори бошқа тўқимадан тузилган. Аорта бир-бирига тенг бўлмаган уч қисмга бўлиб ўрганилади:

- 1) Юқорига кўтариувчи аорта.
- 2) Аорта равоги
- 3) Пастга тушувчи аорта.

1. Юқорига кўтарилиувчи аортаси – узунлиги 6 см бўлиб, чап қоринчадан бошланади ва аорта равоғига ўтади. Юқорига кўтарилиувчи аортадан юрак деворларига борувчи иккита қон томири (ўнг ва чап тож артериялари) тарқалади.

2. Аорта равоги юқорига кўтарилиувчи аортанинг давоми бўлиб, тўш суюги дастасининг орқа томонида туради. Аорта равоғининг ўнг томонидан бошлаб елка- бош стволи, чап умумий уйқу артерияси ва ўмров ости артерияси чиқади.

Елка-бош стволи (*truncus brachiocephalicus*) қийшиқ ҳолатда юқорига ва орқа томонга кўтарилиб. Умумий уйқу ва ўнг ўмров ости артериясига бўлинади.

Умумий уйқу артерияси (*arteria communis*). Умумий уйқу артерияси ўнг томондан бош елка стволидан, чап томондан эса аорта равоғидан мустақил бўлиб чиқади. Ҳар иккала умумий уйқу артерияси пастда кекирдак, тепада ҳиқилдоқ ва ҳалқум билан бир-биридан ажралиб жойлашган.

Ташқи уйқу артерияси. Ташқи уйқу артерияси умумий уйқу артериясидан чиққандан сўнг икки қоринчалик мускулнинг орқа қоринчасидан ўтиб, ички уйқу артериясининг медиал томондан юқорига кўтарилади ҳамда уйқу учбурчагига боради. Ташқи уйқу артериясидан олдинги, орқа ва юқори томонларига борадиган 8 та артерия томирлари чиқади.

1. Қалқонсимон безнинг устки артерияси.
2. Тил артерияси
3. Энса артерияси.
4. Юз артерияси.
5. Қулоқ артерияси.
6. Ҳалқумнинг юқорига кўтарилиувчи артерияси.
7. Чакканинг юза артерияси.
8. Жағ артерияси.

Ички уйқу артерияси. Артерия калла бўшлиғида миянинг қаттиқ ва тўрсимон пардаларини тешиб ўтиб бир қанча тармоқларни беради:

- I. Уйқу артериясини нофора бўшлиғи тармоқлари.
- II. Кўз косасининг артерияси.
- III. Миянинг олдинги артерияси.
- IV. Миянинг ўрта артерияси.
- V. Томирлар чигали артерияси.
- VI. Орқадаги бирлаштирувчи артерияси.

Ўмров ости артерияси (*a. subclavia*) бир жуфт бўлиб, чап томондаги артерия тўридан–тўғри аорта равоғидан чиқади, ўнг ўмров ости артерияси эса бош–елка стволидан бошланади. Шунинг учун ўмров ости артерияси бироз узунроқ бўлади.

Муҳокама учун саволлар

Артерия ва венани, артериал ва венозни фарқланг.

Амалий машғулот вақтида сизга 2 хил қон томирининг номсиз микропрепарати берилди. Сиз уларнинг қайси қон томири эканлигини қандай аниқлайсиз?

Анастомоз нима? Уларнинг қандай аҳамияти бор?

3-савол баёни: Одам организимида қон томирлар системасидан ташқарии, шу қон томир системасининг таркибий қисми ҳисобланган лимфа системаси ҳам бор.

Лимфа системаси кўпроқ вена томирлари системасига яқинроқ ёки анна шу вена системасининг таркибий қисми деса бўлади. Лимфа системаси вена системаси каби перифериядан бошланиб, кўкрак қафаси томон оқади. Веналардаги сингари лимфа томирларда ҳам клапнлар бор. Лимфа системаси ёки томирлари ичida оқ, рангиз суюқлик–лимфа оқиб юради. Лимфа суюқлиги тўқима ва ҳужайралар орасидаги ҳужайра ёриқларидан, боши берк қопчалардан бошланади. Одам организмини ташкил қилган ҳужайралар атрофидан лимфа суюқлиги оқиб турди.

Лимфа системаси анатомик тузилишига кўра қуидаги қисмлардан иборат: 1) тўқима ва ҳужайра оралиғидан бошланувчи боши берк лимфа қопчалари; 2) лимфа капиллярлари ва лимфа томирлари; 3) турли соҳаларда жойлашган лимфа тугунлари; 4) иирик лимфа томирлари ўнг лимфа энсални ва кўкрак лимфа энсалига бўлинади.

Лимфа энсалларининг вена томирлардан фарқи шундаки, вена системаси бир томондан капиллярлардан бошланиб, иккинчи томони юракка бориб қуяди.

Лимфа томирлари боши берк ҳужайралараро лимфа ёриқларидан бошланади, лимфа томирларига, лимфа тугунларига, кейин иирик лимфа томирларига ўтиб, ниҳоят кўкрак қафасида жойлашган энг катта лимфа энсални юракка қуилувчи катта вена томирларига очилади.

Одам организимида лимфа томирлари жуда кенг тармоқланган. Лимфа капиллярлари ва томирлари терида, шиллиқ қаватларда ва барча аъзоларда (миядан ташқари) шундай зич жойлашганки, бу аъзоларнинг «нина санчгудек» масалан, терида эпителий ҳужайралари атрофидаги мускулларда-мускул толалари бўйлаб ва ҳоказо. Бундан ташқари, лимфа томирлари турли кўринишда бўлиши мумкин. Сут эмизувчиларда лимфа томирлари энсалнида лимфа тугунлари ичida клапнлар пайдо бўлади.

Лимфа системасининг онтогенези ёки эмбрионал тараққиёти одамда ҳанузгача яхши ўрганилмаган. Ҳар қалай лимфа томирлари қон томирларидан кейин такомил этади.

Лимфа капиллярларининг тузилиши қон капиллярларидан фарқ қиласи. Аввало лимфа капиллярлари қон капиллярларидан кенг, ёриқлар шаклида бўлади.

Ўт пуфаги Ўт пуфаги-жигар ўнг бўлагининг пастки юзасидан ўт пуфаги чуқурчасида жойлашган нок шаклидаги орган бўлиб, унинг туби, танаси ва бўйни бор. Ўт пуфаги тўлиб турганда бироз олдинга чиқиб, қорин деворига тегиб, туради. Жигарда узлуксиз ишлаб чиқадиган ўт пуфагида йиғилади. Ўт жигардан жигар энсали орқали, сўнгра эса ўт энсали орқали пуфак бўшлиғига тушади.

Жигар секрети яшил–қүнғир рангли, тахир, ишқорий реаксияга эга суюқлик бўлиб, ёғларга таъсир этади ва уларни эмульсияга айлантиради. Ўт ичак мускуллари қисқаришини кучайтиради. Одам жигари бир суткада 700-800 мм ўт ишлаб чиқаради.

Назорат саволлари?

1. Жигарнинг топографик ҳолати қандай тузилган ва унинг функсиялари қандай вазифани бажаради?
2. Нима учун жигар безлар қаторига киритилади?
3. Бизга маълумки, жигар бошқа аъзоларга нисбатан бироз кўтарилиб жойлашган. Унинг бундай жойлашувига сабаб?
4. Ўт таркибида ўт кислоталар, пигментлар, холестерин моддалар бор. Ундаги пигментлар нималардан хосил бўлган?

16-Мавзу: Модда ва энергия алмашинуви физиологияси.

(2-соат маъруза)

Режа:

1. Модда алмашинуви мохияти.
2. Оқсиллар алмашинуви,
3. Углеводлар алмашинуви.
4. Ёғлар алмашинуви.
5. Сув ва минерал моддалар алмашинуви.
6. Витаминалар алмашинуви.

Таянч сўзлар: Метаболизм, катаболизм, ассимиляция, диссимилияция, витамин, рацион, валин, метионин, треонин, лейцин, изолейцин, фенилаланин, триптофан, гистидин, аргинин, гликолипидлар, фосфолипидлар, сульфолипидлар, стервоидлар, холестерин, гликолиз., глюконеогенез.

Моддалар алмашинуви-тириклик учун зарур бўлган озиқ моддаларнинг организмга кириши ва улар сарфлангандан кейин хосил бўлган маҳсулотларнинг яна ташқи муҳитга чиқарилишидан иборат. Моддалар алмашинувининг организм хаётидаги ролини дастлаб И.М. Сеченов организмдаги барча тириклик процесларни боғлаб турадиган элементлар овқат, сув ва ҳаводаги кислороддан иборат эканлигини қўрсатган. Овқат таркибидаги кимёвий механик термик ўзгариши натижасида улардаги потенциал энергия иссиқлик механик ва электр энергиясига айланади. Хосил бўлган энергия ҳисобига тўқималар ва органлар иш бажаради, хужайралар кўпаяди. Уларнинг эскирган таркибий қисмлари янгиланди, ёш организмлар ўсади ва ривожланади. Ана шу энергия ҳисобига одам-тана ҳароратининг доимийлиги таъминланади. Демак моддалар ва энергия алмашинуви бир-

бирига чамбарчас боғлиқ. Тирик организмда моддалар ва энергия алмашинуви узлуксиз давом этиб туради, яъни моддалар ва энергия алмашинуви тирик организмнинг яшаш белгиси ҳисобланади. Моддалар алмашинуви бир- бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда икки яъни ассимиляция ва диссимилляция жараёнида ўтади. Буларни анаболизм ва катаболизм деб ҳам айтилади.

Овқат моддалари таркибий қисмларининг хужайраларига ўтиши ассимиляция ёки анаболизм дейилади. Бу жараён натижасида хужайраларнинг таркибий қисмлари янгиланади улар кўпаяди. Организм қанча ёш бўлса унда ассимиляция жараёни шунча актив ўтади. Бу эса ёш организмнинг ва ривожланишини таъминлайди. Овқат моддаларининг маълум қисми ассимиляция жараёни натижасида хужайраларнинг эскирган қисмлари янгиланиши янги хужайралар ҳосил бўлиши, ҳамда запас ҳолда тўқималарда сақланадиган энергия берувчи моддалар-гликоген, АТФ, Кф синтез қилиниши учун сарфланади. Хужайралар эскирган таркибий қисмларининг парчаланиши диссимилляция ёки катаболизм. Бунинг натижасида энергия ҳосил бўлади ва бу энергия ассимиляция жараёни учун сарфланади. Диссимилляция жараёни натижасида ҳосил бўлган қолдиқлар модда айриш органлари ташқарига чиқарилади.

Овқат моддалари таркибига оқсиллар, ёғлар, углеводдар, тузлар, сув ва витаминлар киради, Оқсиллар алмашинуви. Оқсиллар одам организмиинг соғ- нормал ўсиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Улар организмда икки хил физиологик вазифани ўтайди: пластик ва энергетик. Оқсилларнинг аҳамияти шундан иборатки улар барча хужайралар ва тўқималарнинг таркибий қисмига киради, яъни хужайраларининг эскирган қисмлари янгилаб туришда ва уларнинг кўпайишида асосий рол ўйнайди. Оқсилларнинг энергетик вазифаси шундан иборатки, улар организмда кислород иштирокида оксидланиб, парчаланади ва ўзидан, энергия ажратади 1г оқсил парчалангандага 4,1 ккал ёки 16,7 кДж энергия ажратади. Бу энергия одам танаси ҳароратининг доимийлигини сақлаш, ички органларнинг нормал ишлашини таъминлаш, одамнинг харакатланиши ва ҳар хил ишлар бажариши учун сарфланади. Катта одам қундалик овқатининг таркибида 80-20 г оқсил бўлиши керак Оқсиллар (протеинлар) аминокислоталардан тузилган юқори молекулали бирикмалардир.

Оқсиллар пластик функцияси хужайра ва хужайрааро структураларнинг асосий таркибини, тоғай, тери, суякларнинг асосий моддаси таркибига киради, Оқсиллар каталитик ёки фермент функциясини яъни организмда биокимёвий реакцияларни тезлаштиради. Оқсилларнинг ҳимоя функцияси ёт бактерияларга иммун таначалар (антителолар) ҳосил бўлишида қатнашади. Оқсиллар транспорт функцияси газларни ташиди, липопротеидлар ёғларни транспортини таъминлайди.

Ирсий хоссаларининг ўтишида ДНК билан РНКтаркиби бўйича фарқи (неклеопротеидлар таркибидаги нуклеин кислотаси). Озиқ-овқат махсулотларида 20 та аминокислоталар туридан инсон фойдаланилади. Хаёт учун зарур аминокислоталарга: валин, метионин, треонин лейцин, изолейцин, фенилаланин, триптофан, лизин, аргинин, гистидин. Алмаштириб бўлмайдиган

аминокислоталар етишмаслиги организмда оқсил алмашинувининг бузилишига олиб келади. Таркибида аминокислотанинг зарур йифиндисини тутган оқсилларни биологик тўла қийматли оқсиллар дейилади, Улар сут, тухум, балиқ, гушт, жигарда учрайди.

Овқатда оқсил етишмаслиги ферментларни активлигини пасайтиради, жигар ва буйракларнинг функциялари бўзилади. Организмдан ажратилган азот миқдорига қараб организмда парчаланаётган оқсил миқдори аниқланилади, Оқсилларнинг таркибида 16% азот бўлади. Азот миқдорини 6,25 коэффициентга кўпайтириш лозим. Сийдикдаги азот миқдори аниқлаб ва топилган сонни 6,25 кўпайтирилса организмда қанча оқсил парчаланганини билинади. Шунга кўра мусбат ёки манфий азот баланси вужудга келади.

Ёғлар ҳам оқсилларга ўхшаш одам организмида пластик ва энергетик аҳамиятига эга. 1 г ёғ организмда кислород таъсирида оксидланиб, 38,3 кДж ёки 9,3 ккал энергия ажратади. Ёғлар икки хил бўлади: ҳайвон ёғлари ва ўсимлик мойлари. Думба, чарви ва тухумнинг сариги таркибидаги ёғларида холестерин моддаси кўп. Бу модда атеросклероз касаллигини вужудга келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ёши 40 дан ошган одам ҳайвон ёғини камроқ исътемол қилиши керак. Ўсимлик мойлари эса тўйинмаган мой кислоталари бўлиб, улар холестерин моддасини эритади ва у организмдан чиқиб кетишига шароит яратади, Шунинг учун ўсимлик мойлари ёши улғайган кишиларда атеросклероз касаллигининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Назорат саволлари?

1. Нима учун модда ва энергия алмашинуви бир бутун жараён?
2. Ассимиляция ва диссимилияция нима?
3. Оқсиллар организмда қандай функция бошқаради?
4. Азот баланси нима?
5. Организмда углеводларнинг вазифаси нима?
6. Организмда ёғларнинг биологик аҳамияти қандай?
7. Организмда сув қандай вазифа бажаради?

17-Мавзу: Иссиқлик алмашинуви физиологияси. (2 соат маъруза).

Режа:

1. Минерал тузларнинг аҳамияти.

2. Витаминлар организмдаги фаолияти.

Одам организмининг физиологик эхтиёжига кўра, суткалик овқат таркибида ёғ ва оқсил миқдори деярли тенг бўлиши керак. Кундалик овқат таркибида ёғ етишмаслиги болалар ва ўсмиirlар организмининг ўсиши ва ривожланиши секинлаптувига сабаб бўлади. Бундан ташқари юқимли касалликлариға ташқи муҳитниpg ноқулай таъсиrlариға совуқда, одамнинг чидамлигини, ақлий ва жисмоний иш бажариш қобилияти пасайтиради, аксинча ёғларни нормадан ортиқча исътемол қилиш одамни семиришга сабаб бўлади. Ортиқча ёғ тери остида, чарвида, юрак буйрак атрофида тўпланади. Семириш одамнинг иш фаолиятини пасайтиради ва соғлигини заифлаштиради.

Углеводлар одам организмидаги асосан энергия манбайи бўлиб ҳисобланади. Айникса, жисмоний иш бажарганда улар биринчи бўлиб парчаланади ва ҳужайра тўқималарини, айникса мускулларни иш фаолияти учун зарур бўлган энергия билан таъминлайди. 1г углевод кислород таъсирида парчаланиб 4,1 ккал ёки 15,7 кДж энергия ажратади. Углеводлар асосан ўсимликлардан олинадиган овқат махсулотларида кўп бўлади. Катта одамнинг бир кунлик овқати таркибида 350-450 г углевод бўлиши керак. Овқат таркибида исътемол қилинган полисахаридлар ҳолатидаги углеводлар оғиз бўшлигига птиалин, ошқозон-ичакларида амилаза ферментлари таъсирида монсахаридаларга парчаланиб, қонга сўрилган тўқима ва ҳужайраларга етиб боради. Кислород таъсирида парчаланиб, энергия ҳосил қиласди.

Сув одам организмипинг барча ҳужайра ва тўқималарининг таркибий қисмига киради. Хар бир тўқиманинг физиологик ҳоссасига кўра, унинг таркибидаги сув миқдори турлича бўлади. Жумладан қоннинг 92% мия тўқимасининг 84% тана мускулларининг 70% суюклариинг 22% сувдан иборат. Катта ёшдаги одамлар танасининг 50-60%ни сув ташкил қиласди, ёшларнинг танасида эса миқдори бундан кўпроқ бўлади. Масалан, чақалоқни тана массасининг 80% ни сув ташкил этади. Сув эритувчанлик ҳоссасига эга. Организмдаги барча кимёвий моддаларнинг аксарият қисми қон плазмасидаги, ҳужайраларнинг поротоплазмасидаги сувда эриган ҳолда бўлади. Шунинг учун сув моддалар алмашинуvida муҳим роль ўйнайди. Агар одам мутлақо овқатланмаса, лекин сувни меёрида истеъмол қилса 40-45 кунгача яъни унинг тана массаси 40% камайгунча яшаши мумкин. Аксинча, овқат меёрида бўлиб сув истеъмол қилинмаса тана массаси 20-22% камайса бир хафтагача етар етмас халок бўлиши мумкин.

Минерал тузлар одам танасининг барча ҳужайра ва тўқималар таркибида бўлади. Улар макро ва микро элементларга бўлинади. Макро элементларга Na, Cl, Ca, K P, Fe кабилар киради. Булар қон ҳужайра айникса суюклар таркибида кўп миқдорда бўлади. Микро элементларга Mn, Co, Cu, Ae, S кабилар киради. Булар қон ҳужайра ва суюклар таркибида оз миқдорда бўлади. Минерал тузлар моддалар алмашинуvida айникса ҳужайраларнинг қўзғатиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Na ва K ионлари ҳужайраларда биологик ток ҳосил бўлишда

мухим аҳамиятга эга. На С1 қон таркибида 0,9% ли физиологик эритма холида бўлиб, қоннинг осмотик босими доимийлигини таъминлайди. Са ва Р тузлари сужак таркибида кўп бўлади. Улар сужкларнинг каттиқлигини ва мустаз мустаҳкамлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, Са нерв ва мускуллар қўзғалувчанлигини мувозанатлаштириб туради. Организмда Са камайса нерв ва мускулларнинг қўзғалувчанлиги кучаяди. Бу тана мускулларининг қўзғалувчанлиги кучаяди. Бу тана мускулларининг тиришишига сабаб булади. Fe моддари қизил қон танаачаларининг таркибига киради. У кислородни бириттириб олиб, хужайраларда газлар алмашинувида ва модлаларнинг оксидланиши жараёнида иштирок этади. У қалқонсимон без ишлаб чиқарадиган тироксин гармонининг таркибига киради. Агар организмда етишмаса, қалқонсимон безнинг иш фаолияти бузилиб, буқоқ касаллиги вужудга келади.

Витаминлар организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган биологик актив моддалардир. Уларнинг жуда оз миқдори ҳам моддалар алмашинувига кучли таъсир этади. Ҳозирги пайтда бизга қуйидаги витаминлар маълумдир; Витамин-С наъматақда, қора смородинада, карам, помилорда, лимон, апельсинда, пиёз, саримсокда, картошкада, кўпгина меваларда ва ўсимликларнинг яшил қисмларида бўлади. Агар организмга узоқ вақт давомида витамин С кирмаса, цинга касаллиги ривожланади. Бу касалликда тиш милклари қонайди, оғиз шиллиқ пардасида ярачалар пайдо бўлади, тишлар қимиirlab туша бошлайди. Сужклар мўрт бўлиб қолади бўғимлар оғрийди, камқонлик пайдо бўлади. Организмнинг юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш кучи кескин пасаяди. Катта ёшдаги одам 1 сутка давомида 50-78 мг витамин С олиши керак. Витамин А асоган ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланган озиқа-балиқ мойида, сариёғда, сутда, тухум сариғида, буйракларда, балиқ уруғида бўлади. Ўсимликлардан сабзи, ўрик, қизил гармдори помидорда.

Одам организмида витамин А га айланадиган моддалар бўлади. Витамин А организмиинг ўсишига таъсир этади. Овқатда бу витамин етишмаса болалар яхши ўсмайди, тиши, сочи чиқиши ўзгаради, ўпкаси ва ичаклари заарланади. Шапкўрлик касаллиги пайдо бўлади. Одам 1 суткада 1 мг миқдорда витамин А олиши керак. В группа витаминларига эса B_1 , B_2 , B_6 , B_{12} , лар киради. Витамин В, углеводлар алмашинуви жараёнларига таъсир этади. У углеводлар жадал алмашинадиган органларнинг нерв системаси, юрак мускулларнинг нормал хаёти учун зарур. Овқатда витамин 15, бўлмаса, бери-бери касаллиги келиб чиқади. Витамин B_2 ни катта ёшдаги одам етарлича олмаса, кўриш қобилияти сусаяди ва оғиз бўшлигининг шиллиқ пардаси заарланади. Витамин Д овқатда етишмаса болаларда рапит касаллиги пайдо бўлади. Витаминлар организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун,

зарур, лекин улар ортиқча миқдорда бўлса ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Организмда энергия ўзгариши.

Организмда моддалар алмашинуви билан энергия алмашинуви жуда ҳам боғлиқ. Аслида бу иккаласи 1 та процесс. Бу процессларни бир-биридан ажратиш қийин, чунки энергия ўзгармасдан моддалар алмашинуви мумкин эмас, шунингдек модда алмашинувисиз энергия алмашинуви ҳам вужудга келмайди. 1740 йилда М.В.Ломоносов кашф этган моддалар ва энергия сакланиши қонунига мувофиқ энергия йўқ бўлиб кетмайди, балки бир турдан иккинчи турга ўтади. Организмга тушган овқат модлалари ҳазм аппаратида парчаланиб (бўлгандан сўнг) сўрилгандан кейин тўқима ва хужайраларда оксидланади. Улардан яширин энергия ажралиб чиқади ва бу энергиядап организм фойдаланади. Овқатда бўлган потенциал энергия моддалар алмашинуви натижасида ҳар хил химиявий ва физик энергияларга айланади. Шу йўлда иссиқлик механик энергиялар ва электр знергияси пайдо бўлади.

Моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган энергиянинг бир қисми химиявий энергия сифатида синтез процесслари учун қотади. Энг кўп қисми иссиқлик энергияси сифатида сарф қилинади, фақат 1/4 қисмигина механик энергияга айланаб кетади. Жуда оз қисми эса электр энергиясига айланади. Масалан: мускул қисқариб, анчагина механик иш қилиши мумкин, лекин бунда сарф этилган энергия ташқарига иссиқлик энергияси тарзида чиқарилади. Юрак қисқариб қонни томирларга чиқариб беради. Қон эса механик энергия кучи билан томирларда оқа бошлайди. Қон юракдан узоқлашган сари механик энергия камайиб, қон босими пасаяди. Бунда механик энергия қон йўлидаги қаршиликни йўқотиш учун сарф этилади. Натижада иссиқлик энергияси ҳосил бўлиб у ташқарига чиқарилади. Шундай қилиб организмда ҳосил бўлган хар хил энергия пировардида иссиқлик энергиясига айланаб, ташқарига чиқиб кетади.

Назорат саволлари:

1. Сув туз алмашинуви қандай бошқарилади?
2. Витаминалар нима ва уларни қандай ахамияти бор?
3. Организмда энергия қандай ҳосил бўлади?
4. Озиқ моддаларининг энергетик қиймати қандай?
5. Иссиқлик алмашинуви деб нимага айтилади?
6. Организмда модда ва энергия алмашинуви қандай бошқарилади?

18–Мавзу: Айириш жараёнлари физиологияси. Айириш органлари физиологияси. (2-соат маъзуза)

Режа:

1. Сийдик органлари: буйраклар, сийдик энсали, қовуқ (сийдик пулфаги).
2. Таносил (жинсий) органлар: эркакларнинг таносил органлари, аёлларнинг таносил органлари, сут безлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Нефронлар, капсула, генле қовузлоги, проксимал, Шумлянский-Баумен капсуласи, фильтрация, реабсорбция, мочевина, сийдик кислотаси, простата бези, купер бези, бачадон, қин, клитор, сут бези.

Мавзуга оид муаммолар

1. Сийдик ва таносил аъзолари бир-бири билан қандай боғланган. Изохлаб беринг
2. Буйракларда сийдик ажратиш жараёнида, нефронларда бирламчи ва иккиламчи сийдик ҳосил бўлиши сабабларини тушунтиринг.

Биринчи савол бўйича дарс мақсади: Тузилиши ва бажарадиган вазифасига кўра хилма-хил, лекин ривожланиши нуқтаи назардан бир-бирига боғланган икки, сийдик ва таносил аъзолар системаси тўғрисида талабаларда тасаввур ва аниқ тушунча ҳосил қилишдан иборатdir.

Биринчи саволнинг баёни.

Сийдик ажратиш органлари билан таносил органлари тузилиши ва вазифаларига кўра ҳар-хил бўлсада уларнинг ривожланиши, жойи ва топографиясида умумийлик мавжуддир. Шунинг учун сийдик ажратиш органлари билан таносил органлари системаси бирга қўшиб ўрганилади.

Сийдик органлари. Сийдик органлари бир жуфт буйрак, уларнинг сийдик энсаллари, қовуқ ва сийдик чиқариш энсалларидан тузилган.

Буйрак (Рен). Буйрак бир жуфт ловия шаклидаги орган бўлиб, олдиндан ва орқа томондан яссилашган, ўрта яшар одамларда 140-150 г га teng. Буйраклар 1, 2 бел умуртқалари таналарининг икки ён томонида қорин бўшлигининг орқа томонида мускул ва диафрагмага тегиб туради. Қорин парда буйракларининг фақат олд томонини беркитади. Қорин бўшлиғи ўнг томоннинг юқори қисмида туради. Чап буйракнинг юқори учи 2-3 бел умуртқаларининг оралиғига тўғри келади.

Буйраклар—организмда энг мураккаб тузилган ва кўп қиррали функсияларни бажарадиган айирув органи ҳисобланади. Масалан, улар модда алмашинувидан ҳосил бўлган ёки ташқи муҳитдан кирган ёт ва заҳарли моддаларни организмдан чиқариб юбориша шунингдек организмда сув балансини, кислота-ишқор мувозанатини, натрий, хлор ва фосфор бошқаришда иштирок этади. Лекин уларнинг энг асосий функсияси—сийдик ҳосил қилишdir.

Буйрак мураккаб тузилган бўлиб, тахминан 1 млн. нефронлардан ташкил топган, яъни буйрак хужайраларидан тузилган бўлиб, булар структура ва функционал бирликлардир. Нефронлар ўртасида қўшувчи тўқима бўлади.

Ҳар бир нефрон қўш деворли товоқча шаклида кичик капсуладан бошланади. Бу капсула ичидаги капиллярлар калаваси бор.

Капсула бўшлиғида аввало буралган сийдик каналчаси–биринчи тартибдаги бурма каналча бошланади. Каналча буйракнинг мағиз қаватида генли қовузлоғини ҳосил қиласи ва буйракнинг пўстлоқ қаватига қайтади. Шундай қилиб генли қовўзлоғига тушувчи ёки проқсимал қисми билан, кўтариувчи қисмидан иборат.

Тўғри паллача буйракнинг пўстлоқ қаватида ёки унинг мағиз қавати билан чегарасида иккинчи тартибдаги бурма каналчани ҳосил қиласи. Бу каналча чиқарувчи энсал – йигувчи каналчага қуйилади.

Ҳар бир Шумлянский–Баумен капсуласининг диаметри 0,2 мм, бир нефрон каналчаларининг умумий узунлиги эса 100 км га етади.

Копточаларда филтрация жараёни ва каналчаларда реабсорбсия жараёни юзага келади. Ҳосил бўлаётган бирламчи сийдикнинг миқдори бир суткада 150-170 м га етади. Реабсорбсия натижасида иккиламчи сийдик ҳосил бўлиб, унинг миқдори 1 суткада 2-2, 5 л ошмайди. Сийдик таркибида охирги маҳсулотлар мочевина, сийдик кислотаси, аммиак, сулфатлар, креатинин ва бошқа моддалар бўлади.

Сийдик энсали (уретер). Сийдик энсали узунлиги 30 см бўлиб, сийдикни буйракдан қовуқга ўтказади. Бу найни қорин пардани фақат олд томонидан қоплайди. Сийдик энсали бошланиши қисмida, чаноқقا ўтиш чегарасида ва қовуқка кириш олдида бир мунча тораяди. Сийдик энсали жойлашишига кўра икки қисмдан иборат(қорин ва чаноқ).

Сийдик энсалининг қорин қисми орқа томондан бел мускулларига тегиб турса, олд томондан эркакларда уруғдон артерияси ва венаси билан, аёлларда эса тухумдон артерияси ва бенаси билан кесишиб жойлашган.

Сийдик энсалининг девори қўшувчи тўқимадан тузилган ташқи қават, унинг остида жойлашган мускул қават ва ички шиллик қаватдан тузилган.

Қовуқ (Сийдик пуфаги- весиса уринариа) кичик чаноқ бўшлиғида жойлашган, 500-700 мл ҳажмдаги орган бўлиб, ичидаги сийдик бор ёки энсақлигига қараб, шакли ўзгариб туради.

Қовуқда пастдаги кенг қисм, қовуқ туби, юқори торайган учи- чўққи ва бу икки қисм оралиғи, қовуқ танаси тафовут қилинади.

Қовуқ девори 4 та қаватдан тузилган:

1. Ички шиллик қават бўлиб, қовуқ бўшаганда бурмаларга бой бўлади, сийдик тўлганда эса бурмалар тортишиб ёзилади.
2. Бириктирубчи тўқимадан тузилган шиллик ости қавати шиллик қаватида бурмалар ҳосил бўлишида рол ўйнайди.
3. Мускул қавати 3 қават жойлашган силлик мускул толаларидан иборат.
4. Сероз парда қавати қовуқнинг чўққиси билан орқа юзасини ўрайди.

Мұхокама учун саволлар

- 1.1. Бүйрак тұқымаларида қанча хужайралар бор ва улар нима деб аталади?
- 1.2. Капсулага кирудиң артерияларда босим 90 – 100 мм га, аксинча капсуладаги босим 25 – 30 мм дан ошмайды, сийдик чиқариш найидаги босим эса 10 мм бўлишининг аҳамияти нимада?
- 1.3. Бирламчи ва охирги сийдиклар қандай жараёнларда ҳосил бўлади?
- 1.4. Айриш органлари билан таносил органлари ўртасида қандай функционал ва структуравий алоқа бўлиши мумкин?

Иккинчи савол баёни.

Таносил органлар. Жинсий органлар функцияларига қараб, эркак ва аёллар жинсий органларига бўлинади. Жинсий органлар жойлашган ўрнига қараб ички ва ташқи таносил органларга бўлинади.

Еркакларнинг таносил органлари. эркакларнинг ички таносил органларига мояклар ва уларнинг ортиғи, уруғ чиқариш энсаллари, уруғ пуфакчалари, простата бези ва купер безлари киради. Ташқи таносил органлари олати ва ёрғоқдан иборат.

Аёлларнинг таносил органлари. Аёлларнинг таносил органлари ички ва ташқи таносил органларидан ташкил топган. 1) ички таносил органлари бир жуфт тухумдон, бачадон найлари, бачадон ва қиндан иборат. 2) ташқи таносил органларига эса катта ва кичик жинсий лаблари, клитор ва қизлик пардаси киради.

Сут бези. Сут бези бир жуфт бўлиб, катта кўқрак мускулларининг устида жойлашган. Шунинг учун уни кўқрак безлари деб аталади. Сут безлари тер безларидан тузилган бўлиб, сут чиқаришга мослашиб ривожланган. Сут безлари янги туғилган чақалоқларда қиз ва ўғил болаларда ҳам бир хил бўлиб, қизлар балоғатга этиши билан сут безлари катталашиб, сут ишлаб чиқарадиган безлар такомиллашади. Сут безларининг катталашиши ҳомиладорлик даврида айниқса зўрайди.

Она сути таркибида 1,5% оқсил, 4, 5% ёглар, 0, 5% минерал моддалар ва 87% сув бўлади. Сутларда яна бактерисид моддалар ва антителолар бор.

Сут оқсиллари казеин, лактоалбуминда организмга зарур аминокислоталар керакли нисбатда бўлади. Гипофизнинг олдинги қисмида чиқадиган пролактин таъсирида сут безларидан сут синтез қилина бошлайди.

Мұхокама учун саволлар

- 2.1. Еркакларнинг ички ва ташқи таносил органларининг жойланиши ва қисқача тузилишини.
- 2.2. Аёлларнинг ички ва ташқи таносил органларига қайсилари киради?
- 2.3. Сут безлари қандай функцияни бажаради?
- 2.4. Она сути таркибида қандай керакли озиқ моддалар мавжуд?
- 2.5. Таносил органлар билан чиқариш органлари ўртасида тузилишлари ва функциялари жиҳатидан қандай асосий муносабатлар бўлиши мумкин?

19-Мавзу: Тери физиологияси. (2-)соат маъруза Режа:

3. Плазмадаги глюкоза концентрацияси.
4. Тўқима суюқлиги.
5. Буйраклар фаолиятининг бошқарилиши

Бир қанча моддаларнинг қайтадан сўрилиши уларнинг қондаги концентрациясига боғлиқ. Масалан, қон плазмасидаги глюкоза концентрацияси 150-180мг% дан ошмаса, бу модда тўла реабсорбцияланади. Плазмадаги глюкоза концентрацияси 150-180 мг% дан ортиб кетса, тўла реабсорбцияланмайди ва бир қисми сийдикка ўтади (гликоза). Модда алмашинувининг организмдан чиқариб ташланадиган охирги маҳсуллари-мочевина, сийдик кислотаси, аммиак-камроқ реабсорбцияланади, баъзилари (сульфатлар, кроатинин) эса бутунлай реабсорбцияланмай, организмдан сийдик билан чиқиб кетади. Каналчаларда сув жуда кўп сўрилади.

Бу процесс пассив йўл билан, яъни диффузия ва осмос қонунлари асосида руй беради. Бирламчи сийдикдан буйракларнинг тўқима суюқлигига ва қонга глюкоза, натрий, калий, кальций ва бошқа моддаларнинг сўрилиши тўқима суюқлигининг осмотик босимини оширади ва каналчалардаги сийдикнинг осмотик босимини камайтиради. Каналчалардаги сийдик тўқима суюқлигига нисбатан гипотоник бўлиб қолади. Осмотик босимлар фарқ қилганидан, сув бирламчи сийдикдан тўқима суюқлигига ва қонга ўтади. Бу пассив процесс органик ва анорганик бирикмаларнинг актив ўтишига паралел равишда боради.

Сув ўтиши биринчи тартибдаги бурама каналчаларда мавжуд сийдикнинг осмотик босимини тўқима суюқлиги билан қоннинг осмотик босимига бараварлаштиради. Шундай қилиб, тузлар кўп сўрилишига қарамай, бурама

каналчалардаги сийдик қонга изотоник бўлиб қолади. Генле қовузлоқнинг тушувчи (проксимал) қисмидаги эпителий фақат сувни ўтказади-ю, натрий ионларини ўтказмайди. Кўтариливчи (дистил) қисмдаги эпителий эса фақат натрий ионларини актив реабсорбция қила бўлади яъни каналча сийдигидан буйракиинг тўқима суюқлигига ўтказа олади, лекин айни вақтда сувни каналчалардан тўқима суюқлигига ўтказмайди. Сийдик Генле қовузлоғининг тушувчи (проксимал) қисмидан ўтаётганда сув тўқима суюқлигига ўтгани туфайли сийдик аста-секин қуюқлашади. Тўқима суюқлигига сув ўтиши пассив процессdir, бунинг сабаб шуки, қовузлоқнинг проксимал қисми ёнидаги дистал қисми эпителийси натрий ионларини актив реабсорбция қилади, яъни уларни каналчалардан тўқима суюқлигига (интерстициал суюқликка) ўтказади; тўқима суюқлигига ўтган натрий ионлари бу ерда сув молекуларини дистал каналчадан эмас, балки проксимал каналчадан тортиб олади.

Сувнинг проксимал каналчадан тўқима суюқлигига чиқиши сабабли бу каналчада сийдик тобора қуюқланади ва қовузлоқ чўққисида кўпроқ концентрланиб қолади. Сийдик юқори концентрацияли бўлиб қолгани туфайли қовузлоқнинг диастал қисмидаги сийдикдан натрий ионлари тўқима суюқлигига ўтади, чунки дистал каналча деворлари сувни ўтказмайди, лекин натрий ионларининг тўқима суюқлигига ўтиши ўз навбатида бу суюқликнинг осмотик босимини оширади, бунинг натижасида эса, юқорида кўрсатилганидек сув проксимал каналчадан тўқима суюқлигига чиқади.

Иккинчи тартибдаги бурама каналчаларда натрий, калий ионлари, сув ва бошқа моддалар ҳамон сўрилаверади. Биринчи тартибдаги бурама каналчалар ва Генле қовузлоғидаги процессларга қарама-қарши ўлароқ иккинчи тартибдаги бурама каналчаларда натрий ва калий ионларининг реабсорбцияланадиган миқдори (мажбурий реабсорбция) доимий бўлмай, ззгарувчандир (факультатив реабсорбция). Бу миқдор қондаги натрий ва калий ионларининг миқдорига боғлиқ бўлиб, организмда шу ионлар концентрациясини доим бир даражада сақлаб турувчи муҳим регулятор механизм хисобланади.

Сув алмашинуvida ва қоннинг осмотик босимини бошқаришда буйракларнинг иштироки. Организмга кўп сув ёки тузлар кирганда уларнинг ортиқчасини буйраклар чиқариб юборади ва қоннинг нормал осмотик босимини тиклашда шу билан қатнашади. Томирларда қон босимининг ортиши томирлар системасининг прессорецепторларига таъсир этади, натижада артериоллар тонуси рефлекс йўли билан пасаяди: қон коптокчаларга келтирувчи томирлар орқали кўпроқ келади, фильтрация, демак диурез ҳам ошади. Қонга гипертоник ёки гипотоник эритмаларнинг киритилиши унинг осмотик босимини оширади, бу ҳам диурезнинг ўзгарипшга сабаб бўлади. Бу реакциянинг механизми мураккаб. Оралиқ мияда-гипоталамуснинг супраоптик ядросида жойлашган осморецепторлар бу реакциянинг амалга ошишида катта аҳамиятга эгадир. Осморецепторлар махсус дифференциалланган нерв хужайраларидир. Бундай хужайра танасида вакуоль бор, у хужайра ички суюқлиги билан тўла, бу суюқликнинг осмотик босими эса тўқима суюқлиги

билинг қоннинг осмотик босимига тенг. Тўқима суюқлиги билан қоннинг осмотик босими ортса, осмос қонунларига мувофиқ сув осморецептор вакуолидан тўқима суюқлигига ўтади, бу эса вакуолни ҳам, осморецептор хужайрани ҳам кичрайтиради. Натижада осморецепторда ҳосил бўладиган нерв импульсларининг частотаси ошади ва гипофизда антидиуретик гормоннинг ишланиши кучаяди. Антидиуретик гормон буйракка таъсир қилиб, йиғувчи найларда сийдикдан сувнинг қонга қайта сўрилишини кўпайтиради, натижада кўпроқ концентранган сийдик чиқади.

РН доимийлигининг буйраклар томонидан бошқарилиши қоннинг резерв ишқори камайганда (ацидоз) буйракларнинг NaH_2PO_4 яъни нордон сийдик чиқаришига, алкалозда эса, аксинча, NaH_2PO_4 ли, яъни ишқорий сийдик чиқаришига ҳам қўп жиҳатдан боғлик. Қонда водород ионлари концентрациясини доим бир даражада сақлаш ва модда алмашинувинянг нордон маҳсулотларини нейтраллаш учун, буйракларда аммиак синтезланишининг катта аҳамияти бор. Аммиак сийдик билан ажralувчи кислота радикалларини боғлаб оладида, натрий ва калийнинг ўрнини олиб, учмайдиган кислоталарнинг аммоний тузларини ҳосил қиласи. Бу эса, организмда натрий ва калий ионларининг тежалиб қолишига ёрдам беради.

Буйраклар фаолиятининг бошқарилиши. Гипоталамуснинг сутграоптик ядроидан импульслар гипофизнинг орқа бўлагига бориб, антидиуретик гормон секрециясини кучайтиради. Антидиуретик гормон қонта ўтиб, сийдиккинг қайта сўрилишини кучайтиради ва шу билан диурезни камайтиради. Бу гормон буйракдаги йиғувчи найлар деворининг ўтказувчанлигини оширади, натижада сув сийдикдан буйракнинг мағиз қаватидаги тўқима суюқлигига ва қонга ўтади.

Гиалуронидаза ферменти таъсирида йиғувчи найлар ўтказувчанлиги ортади. Йиғувчи найлар деворидаги хужайраро модда таркибига киравчи гиалурон кислотасини гиалинуронидаза ферменти деполимерлайди. Гиалурон кислотаси деполимерланганда йиғувчи найларнинг девори ғовак бўлиб сувни ўтказиб юборади. Гиалуронидаза антидиуретик гормон таъсирида активланади ёки йиғувчи найлар эпителийида ҳосил бўлади, натижада сув сўрилиши кучаяди. Гиалуронидаза ингибиторлари (гепарин, аскорбин кислота) ўз таъсири жиҳатдан, антидиуретик гормоннинг антагонистлари бўлиб, сийдик билан сув чиқишини жуда ҳам кучайтириб юборади.

Гипофиз орқа бўлагининг гипофункциясида антидиуретик гормон етарли ёки бутунлай ишланиб чиқмагани учун боя айтилган бошқарувчи механизм ишламай қолади. Нефрон дистал қисмларининг девори бутунлай сув ўтказмай қўяди ва буйрак сийдик билан бир талай сув чиқара бошлайди. Бундай ҳолларда суткасига 20-25 л гача сийдик чиқиши мумкин. Гипофизнинг орқа бўлагидан айтидиуретик гормон чиқишини гиппоталамус ядролари бошқаради. Буйрак усти безлари мағиз қаватининг гормони-адреналин ҳам диурезга таъсир кўрсатади. Буйрак томирларига озгина адреналин

юборилганда буйрак ҳажми катталашади ва артериал томирлар тораяди ҳамда коптокчаларидаги фильтрацион босим ошиб кетади.

Назорат саволлари:

1. Фильтрацияни моҳияти нимада?
2. Реабсорбция нима?
3. Бирламчи сийдик ҳосил бўлиш механизми?
4. Иккиламчи сийдикни бирламчи сийдикдан фарқи нимада?
5. Буйраклар фаолиятининг бошқарилиши кандай?

20–Мавзу. Эндокрин системасининг физиологияси. (2-соат маъруза)

Режа:

1. Гипофиз бези қалқонсимон без ва қалқонсимон без орқа таначалари.
2. Буйрак усти бези ва ошқозон ости безининг инкретор қисми.
3. Айрисимон без ва жинсий безларнинг инкретор қисми.

Таянч тушунчалар: гипофиз, қалқонсимон без, эндокрин, адеонгипофиз, остиотроп, пролактин, адренокортиcotроп, гонадотроп, гормон, возопресин, нейрогипофиз, гипофунксия, миксидема, адреналин, инсулин, инкретор функцияли, лимфоситлар, гасал танача, ануранлар, эстрогенлар.

Мавзуга оид муаммолар.

1. Гипофиз безининг функцияси бузулганда унинг функциясини бошқа безлар гармони тўлдира оладими?
2. Одам организмидаги баъзи безларни аҳамиятли ва аҳамиязиз гурухларга бўлиш мумкинми?

Биринчи саволнинг баёни.

Одам танасининг безлари иккита асосий гурухга: ташқи секреция безларига ва ички секреция безларига бўлинади. Ташқи секреция безлари ўз секретини айирувчи энсаллар орқали шилимшиқ парда юзасига, ёки терининг сиртига, организмнинг бўшлиқларига чиқаради.

Ички секреция безлари ўзида секретор чиқарувчи найлари бўлмаслиги билан ташқи секрет безларида ишлаган секрет-гормон бевосита қонга шимилади. Шунинг учун бундай безлар эндокрин безлар деб ҳам аталади.

Миянинг пастки ортиги-Миянинг пастки ортиги овал шаклидаги кичик без бўлиб, мия асосидаги қўлранг думбоққа воронкасимон оёқча орқали осилиб туради. Оғирлиги 0,3 -0,5 г. Без асосий сукнинг турк эгари чукурчасида жойлашган. Мия пастки ортиги олдинги ва орқа бўлаклардан ташкил топган.

Безнинг олдинги бўлаги без эпителий ҳужайраларидан ташкил топган ва шунинг учун у аденогипофиз бўлаги деб ҳам аталади. Олдинги бўлагидан ишлаб чиқсан (сомотроп, пролактин, адренокортикотроп, гонадотроп) гормонлар организмнинг турли функсиясига таъсир этади.

Гипофизнинг орқа қисмидан эса вазопрессин, окситоцин гормонлари ишлаб чиқаради. Ўрта қисми гормон ишлаб чиқармайди. Демак, гипофиз орқада жойлашган кичик ва олдида жойлашган катта паллаларга бўлинади. Улар ўртасида кучсиз ривожланган алоҳида оралиқ қисми бор.

Гипофизнинг олдинги палласи функсиясининг зўрайиб кетиши гипофунксионал ҳолат деб аталади. Без функсиясининг сусайиб кетиши гипофунксионал ҳолат деб аталади, бу ҳолатда пакана бўйлик юзага келади. Агарда гипофизнинг нейрогипофиз қисмida гипофунксионал ҳолат юз берса сийдикнинг кўп ажралиши кузатилади.

Қалқонсимон без Қалқонсимон без бўйин соҳасида ҳиқилдоқнинг қалқонсимон тоғайи билан кекирдакнинг юқориги 3-4 тоғай ҳалқалари олдида жойлашган. Без тақасимон шаклида бўлиб, катта одамларда 30-50 г га teng.

Безнинг учта қисми–бўйин ва ён томондан иккита қисми бўлиб, трахеянинг ИИ-ИВ ҳалқалари олдида жойлашган ва безнинг қолган иккита палласини бирлаштиради. Пуфакчанинг ички томондан бир қаватли кубсимон эпителий билан қопланган; ташқи томондан эса қон ва лимфа томирларининг қалин тўри билан ўралган бўлади.

Пуфакчаларнинг бўшлиғи сарғиш рангли суюқлик билан тўлган. Бу модда таркибида бездан қонга тироксин гормони бўлади. Бу без ички секреция органларининг энг муҳими бўлиб, у модданинг алмашинувида, иссиқликнинг хосил бўлишида иштирок этади.

Қалқонсимон безнинг нормал фаолияти икки энсал билан фаолиятининг кучайиб кетиши ва пасайиб кетиши энсали билан бўзилиши мумкин. Гипофунксияда тана органларининг кучсизланиб кетиши, ақли заифлик ҳодисаси кузатилади; микседема ва жинсий безларнинг ривожланиш жараёнининг сусайиши рўй беради. Гипофунксияда эса безнинг катталашиб кетиши олакўзлик, юрак уриши тезлашади ва озиб кетиш белгилари билан характерланувчи Базедов касаллиги ривожланади.

Қалқонсимон без орқа таначалари (Гландула паратхюреодеа) Қалқонсимон без орқа таначалари тўртта, баъзан бешта бўлиб, улар қалқонсимон без ён бўлакларининг орқа юзасига ёпишиб ётади. Безлар эндокрион безлар ичида энг кичкинаси бўлиб, узунлиги 6 мм, кенглиги 4 мм, қалинлиги 2 мм га teng. Без қон томирларига бой парда билан ўралган. Болаларнинг бундай бези оч қизил рангда бўлиб, ёши катталашган сари уларнинг ранги қорая боради. Бу безлар кальсийни организм ўзлаштиришга ёрдам берувчи гормон ишлаб чиқаради. Улар олиб ташланганда ёки шикастланса қалтироқ касали юз бериши натижасида организм нобуд бўлади.

Иккинчи савол баёни.

Буйрак усти бези (Гландула супрапареналис). Буйрак усти бези қалпоқ шаклида ўнг ва чап буйрак устида жойлашган бўлиб, 3-5 г гача боради. Безни қоплаб турган пардадан чиқсан ўсимталари уни бир неча бўлакларга ажратади. Без ташқи сарғимтири пўстлоқ ва ичкарисида жойлашган қорамтири мия қисмида тузилган.

Буйрак усти безининг пўстлоқ қисмида корбиностероизлар деб аталувчи 40 тадан ортиқ гормонлар синтез қилинади. Улар асосан З гуруҳни ташкил этади:

1. Минералокортикоидлар–алдостерон, кортекостерон: минерал моддалар алмашинуvida иштирок этади.

2. Глюнокортиноидлар–картизон, гидроптизон, картиностерон; углеводлар, оқсиллар алмашинуvida қатнашган.

3. Жинсий гормонлар – андроген, эстроген, прогестерон.

Буйрак усти безининг мағиз қисмида асосан адреналин ишланади. Адренолин инсулинга антоганист ҳисобланиб, юрак урушини тезлаштиради, қон томирларини торайтиради, қон босимини оширади.

Меъда ости безининг инкеретор қисми.

Меъда ости безининг дум қисмида бир миллионга яқин юмалоқ без хужайралари бўлиб, улар ишлаб чиқарган гормонлар қонга шимилади. Шунинг учун бу хилдаги без тўпламини инкретор функцияли меъда ости бези оролчаси(Лангерганс-Соболев) деб аталади. Оролча безлари инсулин ва глюкоген гормонларини ишлайди. Инсулин қон таркибидаги глюкозанинг мускул ва нерв хужайраларига ўтишини таъминлайди. Глюкоген гормони жигардан гликогенни глюкозага айлантириб қонга чиқариб беради. Натижада қонда глюкоза миқдори 0,1- 0,5 % гача кўпаяди. Оролча хужайрасининг инсулин ишлаб чиқариш қобилияти камайганда сийдик билан кўп миқдорда (5 % гача) глюкоза ташкарига чиқади. Бу ҳолда қанд касаллиги келиб чиқади.

Учунчи саволнинг баёни.

Айрисимон без (Тхўмус) икки бўлакдан тузилган бўлиб, кўкрак қафасининг тепа қисмида жойлашган, унинг торайган тепа бўлган, кўкрак қафасидан буйин қисмига чиқиб жойлашган. Безнинг кенгайган пастки бўлаги эса қон томирлар ва юракнинг олд томонида жойлашган. Оғирлиги ёшга қараб ўзгаради. Жумладан, туғилган болада 12 г балоғатга етиш олдида эса 30-40 г бўлади. Балоғатга етгач без аста секин қайта кичрайиб боради: 25 ёшда 25-30 г, 50-70 ёшларда буришиб қолади ва ёг моддасига айланади. Айрисимон без қорамтири рангли пўстлоқ ва оқ қора рангли мағиз модасидан тузилган бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб турувчи кескин тўсик энсақ. Без паринхимаси майда юмалоқ хужайралардан тузилган бўлиб, юлдуз шаклидаги хужайралардан иборат юпқа парда билан қопланган. Пўстлоқ моддасида юмалоқ ядроли юмалоқ хужайралар лимфоситлар кўп бўлади. Безнинг мағиз моддасида миллионга яқин гассал танаачалари ясси эпителий хужайралари йиғиндиси мавжуддир.

Жинсий безлари эркакларда moyклар, аёлларда эса тухумдон ҳисобланади. Улар ўз маҳсули бўлмиш жинсий хужайраларини тўғридан-тўғри жинсий

энсалларга ажратади; бу вазифани жинсий безларнинг ташқи секрет қисми бажаради.

Бундан ташқари, шу безлар жинсий гормонларни ишлаб чиқаради ва қонга ажратади: 1) эркак жинсий гормонлари ануранлар; 2) аёл жинсий гормонлари эстрогенлар.

Мұхомама учун саволлар

1. Айрисимон безнинг тузилиши, жойланиши ва ёшига оид вазнининг ўзгариши қандай?
2. Жинсий безлар қандай жинсий ҳужайралар ишлаб чиқаради?
3. Жинсий безларни инкретор қисми эркакларда қандай гормонлар синтез қилади?
4. Жинсий безларни инкретор қисми аёлларда қандай гормонларни ишлаб чиқаради?
5. Тухумдонда тухум ҳужайраси ҳосил бўлганда ва ажралиб чиққанда сут қандай гормон синтез қилинади ва нимага таъсир этади?

21-Мавзу: Нерв-мушак аппаратининг физиологияси.

Режа:

1. Мускулларнинг типлари ва организмдаги аҳамияти.
2. Кўндаланг – тарғил мускуллари ва уларнинг хоссалри.
3. Мускул қўзғалувчанлиги ва ўтказувчанлиги.
4. Қисқариш турлари.
5. Мускулларнинг иши ва кучи. Мускул қисқаришининг механизми.
6. Мускул қисқаришининг биоэнергетикаси.
7. Силлик мускуллар ва уларнинг физиологик хусусиятлари.

Таянч сўзлар: мускул, қўзғалувчанлик ўтказувчанлик қисқарувчанлик изотоник изометрик эксцентрик актин, миозин, АТФ, тетаниус, тишли, силлик.

1. Мускулларнинг типлари ва организмдаги аҳамияти.

Мускуллар—одам ва юқори даражада тузилган ҳайвонларда ҳаётий муҳим ижрочи ёки ишчи орган ҳисобланади. Улар шунингдек кимёвий энергияни бевосита механик энергияга ва иссиқликка айлантирувчи аъзо ҳамdir. Умуртқали ҳайвонларда склетнинг кўнгдаланг–тарғил мускули, юракнинг кўнгдаланг–тарғил мускул ива ички аъзоларнинг қон томирларининг ҳамда терининг силлик мускуллари тафовут қилинади.

Кўнгдаланг–тарғил мускуллар биринчи галда тана ва унинг қисмларининг фазодаги ҳаракатларини, кўз ҳаракатларини, чайнаш ва бошқа фаолиятларни бажаради. Бу мускуллар киши идрокига бўйсунади, ихтиёрий ҳаракатлар қилинади, марказий нерв системаси томонидан тўлиқ бошқарилиб турилади.

Силлик мускуллар асосан ички органлар ҳаракатларини таъминлайди. Улар автоматияга эга. Интрамурал ва метасимпатик нервлар чигали томонидан

бошқарилади. Силлиқ мускуллар фаолиятини ихтиёрий равища ўзгартириб бўлмайди.

2. Кўнгдаланг–тарғил мускуллар ва уларнинг хоссалари.

Одам ва умуртқали ҳайвонларнинг кўнгдаланг–тарғил мускуллари учта асосий хоссага эга. 1) қўзгалувчанлик яъни мембраннынг ионлар учун ўтказувчанигини ўзгартириб, таъсиротга нисбатан ҳаракат потенциали билан жавоб бериши қобилияти; 2) ўтказувчанлиқ яъни ҳаракат потенциалини тола бўйлаб тарқатиш қобилияти; 3) қисқарувчанлик яъни қўзғалиш натижасида калталаниш ёки ўз таранглигини ўзгартириш қобилияти.

Мускул хоссаларини ўрганишда совуққонли ҳайвонларнинг нерв-мускул препаратидан лаборатория шароитида фойдаланиб текширилади.

3. Мускул қўзгалувчанлиги ва ўтказувчанлиги.

Мускул толаси мембраннысида тинчлик потенциали ҳосил бўлишида ва ҳаракат потенциали ривожланишида нерв толаси мембраннынига нисбатан деярли фарқ йўқ. Фақат мускул толаларининг қўзгалувчанлиги анча паст. Бу мускул толаси мембранныси тинчлик потенциалининг миқдори нерв толасидан кўпроқ бўлишига боғлик. Чунончи, нерв толаси мембраннысида – 70 мв, мускул толаси мембраннысида – 90 мв. Бироқ иккала мембраннынг деполяризацияни критик даражаси бир хил – 50 мв. Демак нерв толасини қўзғатиш учун унинг мембранныни 20 мв га деполяризациялаш кифоя бўлса, мускул толасида ҳаракат потенциалини пайдо қилиш учун унинг мембранныни – 40 мв га деполяризациялаш зарур. Шунинг учун мускул толасини қўзғатадиган электр токининг бўсаға кучи нерв толасини қўзғата оладиган бўсағадан анча кўп.

Мускул толаларида ҳаракт потенциалининг амплитудаси 120-130 мв га ташкил қиласди. Унинг давоми 1 мс дан 2-3 мс (мускулларнинг хилига қараб) давом этиши мумкин.

4. Қисқариш турлари.

Нерв-мускул препаратида мускул қисқариши учун мавжуд шароитга қараб ики турдаги: изометрик ва изотоник қисқаришлар тафовут қилинади.

Агар мускул қисқарган вақтда унинг толалари калталанса-ю, аммо таранглиги ўзгармаса, изотоник қисқариш содир бўлади. Изотоник қисқариш мускул юк кўтарганда кузатилади.

Мускулнинг иккала уни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйилса, қисқариш вақтида толаларнинг таранглиги ошади. Бу изометрик қисқариш дейилади. Бу хил қисқариши мускулга жуда оғир юк ортилганда кузатиш мумкин.

Организмда мускуллар қисқариши ҳеч қачон соф изотоник ёки соф изометрик қисқариш тарзида бўлмайди.

Бутун организмда фаоллик кўрсатаётган мускулларнинг қисқаришлари бошқача тасниф қилинади: 1) изометрик қисқариш–кўтарилиган юкни бир нуқтада ушлаб туриш; 2) концетрик қисқариш–мускулнинг юк қўтариб, калталаниши; 3) эксцентрик қисқариш–кўтарилиган юкни пастга секин туширишда мускулни узайиши.

Мускул якка рағбатлантирилса, якка қисқариш содир бўлади: Миографик усулда ёзиб олинган якка қисқаришининг эгри чизифида учта босқични ажратиш мумкин: қисқаришининг латент (яширин) даври, қисқариш босқичи ва бўшашиш босқичи.

Оптик ёки электрон асбобларда қайд қилинган якка қисқаришнинг латент даври аня якса—2,5 мс атрофида. Ана шу вақт ичида мускул толаларида ҳаракат потенциали бошланиб, қисқариш учун зарур бўлган миқдорга (40 мв) етишига сарфланади. Бақанинг ажратилган мускули қисқариш босқичи 50 мс, бўшашиш босқичи ҳам 50 мс. Демак бу мускулнинг якка қисқариши умуман 110 мс давом этади.

Мускул узоқ вақт давомида таъсиrlаниб тургудек бўлса чарчайди, якка қисқаришнинг эгри чизиги шакли ўзгаради: бўшашиш фазаси ўта секин бўшаши контрактура дейилади.

Табиий шароитда склет мускулларимиз нерв системасидан якка – якка таъсиrlарни эмас, балки кетма-кет келувчи бир қанча нерв импульсларини олиб турди. Бундай таъсиrotларга мускул кучлироқ ва узокроқ қисқарди. Бундай қисқаришни тетаник қисқариш ёки тетанус деб аталади.

Мускулларнинг тетаник қисқаришлари якка қисқаришларининг қўшилиб кетиши ёки суммацияси натижасидир.

Таъсиrotлар частотаси бир қадар камроқ бўлса, тишли тетаниус келиб чиқади, частота катта бўлса, силлиқ тетанус ҳосил бўлади.

Якка қисқаришларнинг импульслар частотаси ортиши билан тишли ва силлиқ тетанусга ўтиши.

Мускулларда қисқаришларни юзага чиқаришда кучига кўра бўсаға ости, бўсаға ва бўсаға усти таъсиrot турлари мавжуд.

Кўнгдаланг–тарғил мускуллар мия ствол ива орқа миядаги мотонейронлар томонидан нервланади. Бу нейронларнинг аксонлари шоҳланиб, бир нечта мускул толасига етиб келади ва уларда мионейронал синапслар ҳосил қиласи. Бир мотонейрон ва у нервлайдиган мускул толалари мажмуаси ҳаракат бирлигини ташкил қиласи. Масалан, одам куз соққаси мускулларида ҳаракат бирлиги 10 толадан кам, қўл бармоқлари мускулларида—10-15 толадан иборат, болдири мускулларида ҳар бир ҳаракат бирлиги 2000 ва ундан кўп толалардан ташкил топган. Бундан кўринадики, мускул бажарадиган ҳаракатлар қанчалик аниқ ва уйғун бўлса, ундаги ҳаракат бирликлари шунчалик оз толалардан тузилган бўлади.

Мускулнинг иши ва қучи. Мускул қисқаришининг механизми.

Мускул кучини у кўтара олган юкнинг энг юқори миқдори белгилайди. Мускулларнинг қучи жуда катта бўлиши мумкин. Масалан, итнинг жағ мускуллари гавда вазнидан 8,3 баробар юкни кўтариши мумкин. Одамнинг ҳам бу мускули кучли, унинг ёрдамида цирк артистлари катта юк автомобилини жойида силжитиши мумкин. Мускулда тола сони қанча кўп бўлса, унинг шунча кўп

бўлади. Демак мускулнинг кўндаланг кесими катта бўлса, у ўз ичига кўп толаларни қамраб олади ва унинг кучи юқори бўлади.

Механик ишни мускул фақат изотоник равишда қисқарган вақтда бажаради. Бу шароитда аппарат аввалига пайларни чўзиб, таранглигини оширади, кейин юкни кўтаради. Бажарилган иш микдори юк массасига ва у кўтарилиган баландликка боғлиқ. Буни қуйидаги формула ифодалайди. $A=p.h$. Р-юк ёки h-баландлик нолга тенг бўлса, бажарилган иш A ҳам нолга тенг бўлади.

Мускул толасининг миофibrillари миозин ва актин оксилларининг полимерланган чўзиқ молекуляридан иборат. Миозин иплари актин ипларига қараганда йўғонроқ бўлади.

А. Хаксли ва Г. Хакслилар назариясига кўра, мускул толаси қисқарганда, миозин ва актин иплари калталанмай, балки бири иккинчиси устида—«сиргана» бошлайди: актин миозин ишлари орасига сирғаниб киради.

Табиий шароитда мускул толалари актин, миозин ва АТФ нинг ўзаро таъсир этиши натижасида қисқаради. Бунда қўзғалиш туфайли хужайра ичидағи ионлар таркибининг ўзгариши, жумландан Ca^{++} ионларининг хужайра ичида кириши натижасида актин, миозин ва АТФ нинг таъсири катта бўлади. Чунончи, АТФ парчаланади, ҳосил бўлган энергия мускул толасида актин ва миозин ипларининг сирғанишига сарф бўлади.


Ҳаракатга қодир кўргина биологик структуралар, масалан, сперматазоидлар хивчинларининг қисқариши учун ҳам АТФ зарур.

АТФ нинг ресинтез процеслари бузилганда мускул толаларида АТФ тамомила йўқолади ва оқибатда мускуллар қотиб қолади, яъни контраутура рўй беради.

6. Мускул қисқаришининг биоэнергетикаси.

Мускул фаол ҳолатга ўтганда толалар миоплазмасида эркин кальций ионлари кўпаяди, қисқариш рўй беради. АТФ нинг парчаланиш тезлашади, мускулда модда алмашинув 100-1000 баробар жадаллашади. АТФ гликолиз ва моддаларнинг оксидланиб, фосфорланиши натижасида қайта тикланади. АТФ => АДФ+АМФ+энергия (48 кДж).

Креатинфосфат механизми.



Мускул ўлчаб бўладиган микдорда иш бажармаса ҳам (тургун изометрик қисқариш вақтида), унда кимёвий энергия тўхтовсиз равишда иссиқликка ўтади. Бу иссиқлик изометрик қисқариш иссиқлиги дейилади.

Мускул юк кўтариб иш бажарганда қўшимча микдорда АТФ парчаланади, қўшимча иссиқлик ажралади.

Бир моль АТФ парчаланиши 48 кДж чамасида энергия ажралишини таъминлайди. Бу энергия микдорининг фақат 40-50% и мускул қисқаоа бошлаганда ва қисқариши давомида иссиқликка айланади, мускул ҳарорати бу вақтда бир оз кўтарилади.

7. Силлиқ мускуллар ва уларнинг физиологик хусусиятлари.

Силлиқ мускуллар юқорида таъкидлаганимиздек умртқали ҳайвонларнинг ички ковак органларида, томирларида ва терисида учрайди. Силлиқ мускулларнинг кучли ва давомли тоник қисқариши туфайли, ўт пуфагида ўт, қовуқда сийдик тўғри ичакда нажас маълум миқдорда маълум вақтгача йифилиб, чиқиб кетмай туради (бу сфинктерда яққол кузатилади). Қон томирларидаги силлиқ мускулларнинг узлуксиз тоник қисқариши қон босимининг бир меъёрда сақланиш учун катта аҳамиятга эга.

Силлиқ мускуллар учун ҳам учта асосий: қўзғалувчанлик ўтказувчанлик ва қисқарувчанлик хос, лекин силлиқ мускулларда уларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Чунончи, қўзғалувчанлиги анча паст. Тинчлик потенциали 60-70, мв. ТП нинг камроқ бўлиши мемранасининг натрий учун ўтказувчанлиги юқори бўлишига боғлиқ.

Силлиқ мускулларнинг ҳаракат потенциали ҳам склет мускуллариникидан озроқ. + 70-90 мв дан ошмайди.

Силлиқ мускул ҳужайраларнинг бир қисми ҳеч қандай таъсиротсиз, ўз-ўзидан ҳаракат потенциалини вужудга келтириш қобилияти (автоматия)га эга. Уларни пейсмекер ёки ритмни етакловчи ҳужайралар дейдилар. Пейсмекер ҳужайраларда ҳаракат потенциали ривожланишига мемрананинг ўз-ўзидан деполяризацияланиши сабаб бўлади. Вақти-вақти билан вужудга келадиган ҳаракат потенциаллари 2-10 см/с тезликда бошқа ҳужайраларга тарқалиб, силлиқ мускулларнинг миоген тонусини таъминлайди.

Силлиқ мускул ҳужайраларининг қисқариши ҳам актин ва миозин ипларининг сирғалишига боғлиқ. Аммо бу сирғалишининг ва АТФ парчаланишининг тезлиги тарғил мускулларга қараганда 100-1000 баробар кам. Шу туфайли, силлиқ мускуллар чарчамасдан узоқ ва турғун қисқаришга мослашган. кислород сарфи ҳам тарғил мускулга нисбатан 100-5000 марта кам.

Якка таъсиротга силлиқ мускул ҳам якка қисқариш билан жавоб беради. Якка қисқаришнинг латент даври ҳам силлиқ мускулларда давомлироқ. Қуён меъдасининг силлиқ мускули импульс бирилгандан сўнг 0,25-1 с ўтгач қисқара бошлайди ва 5-6 с давом этади. Бақа меъдасининг якка қисқариши 1 дақиқа ва ундан зиёд давом этади.

Силлиқ мускулларни кўндаланг–тарғил мускуллардан ажратиб турувчи яна бир хусусияти–уларнинг пластиклигидир. Яъни, силлиқ, мускуллар маълум чегарада чўзилса ҳам, таранглигини ўзгартирмайди. ўт пуфаги ва қовуқ фаолиятлари учун пластикликнинг аҳамияти катта.

Силлиқ мускулларнинг кучли ва тез чўзилиши уларнинг қисқаришига сабаб бўлади. Силлиқ мускулларнинг бу физиологик хусусияти ингичка ва йўғон ичак сийдик йўллари ва бошқа ковак аъзоларнинг меъёрий фаолияти учун катта аҳамиятга эга. Айтилган аъзоларнинг тўлиб кетиши мускулларни чўзади, улар фаол қисқариб, йифилиб қолган суюқликни ҳаракатлантиради.

Силлиқ мускуллар баъзи химиявий моддалар, хусусан, серотонинацетхолин, адреналин, норадреналин, гистамин, серотонин, брадикинин ва простагландинларга жуда сезгир. Ацетилхолин аксарият аъзолардаги силлиқ

мускулларни қўзғатади ва қисқартиради, аммо қон томирлари силлиқ мускулларини тормозлайди. Адреналин бачадон мускулини бўшаштиради, хомилани бачадоннинг эса қисқартиради.

Назора саволлари?

1. Мускулларнинг қандай турлари мавжуд?
 2. Склет мускулларининг физиологик хоссалари нималардан иборат?
 3. Мускул толалари мембранасида тинчлик ва ҳаракат потенциалари қандай?
- Нерв толасидан фарқи борми?
4. Мускул қисқаришнинг қандай турларини биласиз ва улар ўртасидаги фарқлар нималарда акс этади?
 5. Мускул кучи нимага боғлиқ?
 6. Мускул қисқариши механизмини қандай тушунасиз?
 7. Якка қисқариш ва тетанус ўртасида фарқ борми? Тишли ва силлиқ тетанус нима?

22-Мавзу: Марказий нерв тизими физиологияси.

Режа:

1. Рефлектор ёй ва рефлекторлар таснифи.
2. Рефлектор фаолияти қонунлари дывергенция конвергенция, суммация, оклюзия.
3. Нерв марказлари ва уларнинг хоссалари.
4. Доминанта ҳақида тушунча.
5. Тормозланиш ва унинг турлари.

Таянч сўзлар: рецептор, аферент, контакт, эфферент, мотонейрон, рефлекс, МНС, коллатерал, импульс, қўзғалиш, тормозланиш, пресинаптиқ постсинаптик.

1. Рефлектор ва рефлекторлар таснифи.

Нейронлар синапслар ёрдамида бир-бирига боғланиб, нейронлар занжирлари, нерв марказлари, рефлектор ёйлари ҳосил қиласди. Баъзи рефлектор ёйлари афферант нейрон эфферент нейрон билан бевосита боғланади. Бундай рефлектор ёйлар моносинаптик ёй дейилади. Пай рефлекслари ана шундай ёйга эга. Пойга урилганда мускул маълум даражада чўзилади ва толалари орасида жойлашган махсус рецепторлар мускул дукларида қўзғалишини вужудга келтиради ва афферент толалар орқали МНТ га ўтказилади. У ерда эфферент мотонейронларни қўзғатиб мускулни қисқартиради. Клиник аҳамиятга эга бўлган моносинаптик рефлексларга тизза, ахил, тирсак ва ҳ-золарни айтиш мумкин.

Полисинаптик рефлексларда бир неча оралиқ ёки контакт нейронлар қатнашади. Улар хилма-хил рецепторлардан вужудга келади ва склет мускулларини қисқартиради ёки аъзолар фаолиятини ўзгартиради.

Фарқлари: моносинаптик рефлекснинг вақти анча қисқа (таъсирот берилгандан кейин рефлекс намоён бўлгунча ўтган вақт рефлекс вақти дейилади). Полисинаптик рефлектор ёй марказида қўзғалишнинг икки ва ундан кўп синапслар орқали ўтиши сабабли рефлекс вақти узокроқ. Иккинчидан, полисинаптик рефлекс вақти таъсирот кучига боғлиқ таъсирот кучининг маълум чегарадан ошиши рефлекс вақтини қисқартиради. Бундан ташқари, полиминаптик рефлексларга иррадация, кўнишиб сенсистизация ва бошқалар хос.

Муайян рефлексларни пайдо қилувчи рецепторларнинг танада жойлашишига караб, рефоёқслар экстрорецептив ва интеррорецепторларга бўлинади.

Рефлексларнинг МНТ да юзага чиқишига караб ҳам спинал, бульбар, мезэнцефал ва кортикал рефлексларга ажратилади (хар бирига алоҳида – тушунча берилади).

Биологик аҳамиятига кўра овқатланиш жинсий, вазиятни чамалаш, мудофаа, вазият, тоник ва бошқа рефлекслар тафовут қилинади.

Кузатиш мумкин бўлган барча рефлекслар икки катта гуруҳга шартли ва шартсиз рефлексларга бўлинади. Муайян рефлекснинг пайдо бўлишини таъминлайдиган рецепторларнинг танада жойлашган соҳаси рефлекснинг рецептив майдони дейилади.

Рефлекс содир бўлганда, бир гурух рецепторлар қўзғалади, уларда пайдо бўлган импульслар бир-бирига паралел бўлган бир гурух афферент толалар орқали МНТ га етказилади ва бир гурух оралиқ ҳамда эфферент нейронларни қўзгатади.

2. Рефлектор фаолияти қонунлари. Дивергенция, конвергенция, суммация, окклузия.

Нейрон занжирлари ва нерв марказлари ҳосил бўлишининг ва фаол ишланинг маълум тамойиллари ва қоидалари бор. Буларга:

1. Дивергенция. Периферик рецепторлар билан боғлиқ бўлган афферент нейрон аксон орқа мияга кириб шоҳланади. Ундан ҳосил бўлган коллатераллар (ён шоҳлар) талай спинал нейронлар билан боғланади. Дивергенция туфайли афферент ахборот бир вақтнинг ўзида МНТ нинг кўп қисмларига етиб боради. Оралиқ нейронларнинг ҳам аксонлари коллатераллар ҳосил қиласида, натижада қўзгалиш ёки томозланиш тарқаладиган йўл кенгаяди. (расмда батафсил тушунтирилади). Эфферент йўллар ҳам дивергенцияга учрайди. Масалан, битта мотонейрон аксони 10-15 дан 1500-2000 гача шоҳчалар ҳосил қиласида, яъни ана шунча миқдорлаги мускул толаларини нервлайди.

2. Конвергенция. импульс ўтказадиган кўпгина йўллар битта нейронда йиғилиши мумкин. Бу ходиса конвергенция дейилади. Масалан, орқа миядаги битта мотонейроннинг сома ва дендритларига 6-10 минг коллатерал келади-да қўзгатувчи ва тормозловчи синапслар ҳосил қиласида. Натижада нейрон МНТ нинг турли қисмлари ва периферия билан боғланади. Конвергенция туфайли битта неронга айни бир вақтнинг ўзида жуда кўп қўзгатувчи ва тормозловчи сигналлар етиб келиши мумкин.

3. Суммация. Кўзғалишларнинг қушилиши демакдир. Суммациянинг вақтдаги ва фазодаги турлари тафовут қилинади. (расм).

Афферент толага берилган якка стимул нейронда бўсағадан кам бўлган кўзгатувчи постсинаптик потенциал (КПСП)ни вужудга келтиради, бироқ ҲП юзага чиқмайди. 4-5 мс дан кейин берилган иккинчи ситмул натижаси биринчисига қўшилади, аммо мембрананинг деполяризацияланиш критик даражадан паст бўлгани учун ҲП ҳали юзага чиқмайди. Ниҳоят учинчи стимул натижаси олдингилари билан қўшилиб ҲП ни юзага келтиради. Бу вақтдаги қўшилиш ёки вақтдаги суммация дейилади.

Фазодаги суммацияни қуйидагича тушунтирилади. Эфферент нейрон сомасида икки афферент тола синапслар ҳосил қилган. Биринчи толага берилган кучсиз якка электр стимул нейронда бўсағадан кам кучга эга бўлган КПСП ни пайдо қиласи. Иккинчи толага берилган кучсиз таъсирот ҳам худди шундай натижа беради. Иккала тола бир вақтда таъсирланса, фазонинг иккита нуқтасидан йўналтирилган стимуллар натижаси ўзаро қўшилиб, бўсаға кучига эга бўлган КПСП ни ҳосил қиласи ва нейронда ҲП вужудга келади. Бу фазодаги қўшилиш дейилади.

Окклюзия. Баъзи шароитларда афферент нейронларга икки ёки ундар ортиқ афферент йўллар орқали бир вақтнинг ўзида келган импульслар қўшилиб, кутилгандан кам самара ҳам беради. Айтайлик учта эфферент нейронга икката афферент тола туашган. ўртадаги нейрон ҳам биринчи, ҳам иккинчи тола билан боғланган. Биринчи тола рағбатлантирилса иккита нейрон қўзгалади, шартли натижа 2 га teng бўлади. Иккала толани алоҳида – алоҳида қўзғатилса, олинган натижа 4 га teng бўлади. Агар афферент толаларни бир пайтда таъсирласа ҲП у холда учта жфферент нейрон қўзгалади, шартли натижа эса 3 га teng бўлади. Бу ҳодиса окклюзия ёки тикилиб қолиш дейилади. (Расм).

3. Нерв марказлари ва уларнинг хоссалари.

Муайян рефлекснинг юзага чиор бир функцияни бошқаришга йўналган нейронлар йиғиндиси нерв маркази дейилади. Нерв марказларининг локализацияси бош мия ва орқа миянинг турли қисмларида жойлашади ва буни экстирпация ёки қирқиб қуишига асосланган тажрибалар орқали аниқлаш мумкин. М.Н.С. нинг бирор қисми таъсирланганда, бирор бир физиологик реакция рўй берса-ю, шу қисм олиб ташланганда ёки шикастланган ушбу реакция йўқолса, демак муайян рефлексда қатнашадиган нерв маркази МНС нинг шу қимида деб ҳисобланади. Масалан, катта ярим шарлар энса бўлагининг пўстлоғи олиб ташланганда, кўзнинг кўрмай қолишига асосланиб, кўриш маркази пўстлоқнинг шу қисмида деб айтамиз. Узунчоқ миянинг маълум бир қисми кириб қуилса, нафас харакатининг тўхташи нафас маркази шу жойда эканлиги ёки орқа миянинг турли бўлимлари қирқиб қўйилганда орқа мия рефлексларнинг юзага чиқмаслиги ва ҳоказолар, фикримизга далил бўла олади. Юқорида айтилган дивергенция, суммация ва бошқалардан ташқари, нерв марказларининг ўзига хос хоссалари ҳам бор. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Кўзгалишни бир томонлама ўтказиш. Қайси рефлектор ёйни олмайлиК унда кўзгалиш фақат афферент тола бўйлаб марказга келади ва эфферент толага ўтади. Эфферент нейрондан ҳеч қачон афферент нейронга ўтмайди. Буни бақада тажриба орқали кузатиш мумкин. Чунончи, нейронларни рефлектор ёйга улаб турган химиявий синапслар қўзгалишни фақат бир томонлама, яъни пресинаптик мембранадан постсинаптик мембранага ўтказади.

Кўзгалишни тўхтатиб ўтказиш. Афферент тола бўйлаб юқори тезлиқда ўтаётган импульслар марказга келиб маълум вақтга тўхтаб қолади. Чунки марказда қўзгалиш бир ёки бир неча синапсдан ўтиши керак. Нерв охирига етиб келган импульс таъсирида медиатор ажралади, медиатор синапс ёриғидан ўтиб, постсинаптик мембранага таъсир қиласди, бу мембрананинг ионлар учун ўтказувчанигини ўзгартириб, қўзғатувчи постсинаптик потенциал ҳосил қиласди. Кўзгалишнинг марказ ичида афферент нейрондан эфферент нейронга ўтказиладиган вақти рефлекснинг чин ёки марказий вақти деб аталади. Моносинаптик рефлектор ёйларда бу вақт 1, 5-2 мс, полисинаптик ёйларда марказий вақт икки, уч ва ундан ҳам кўп марта ошади. Рефлекснинг марказий вақти унинг умумий вақтининг бир қисмини ташкил қиласди. Рефлекснинг умумий вақтига яна рецепторнинг қўзғалишига зарур бўлган вақт, қўзғалишнинг афферент ва эфферент толалар бўйлаб ўтишига кетган вақт ва ишчи органнинг латент даври киради. Рефлексларнинг умумий вақти 4-5 мс дан 20 секундгacha бўлиши мумкин.

Нерв марказларининг чарчаши. Орқа миянинг орқа илдизига кетма-кет таъсиротлар берилиши натижасида олдинги илдизи нервлайдиган мускулларни қўзғатиб, қисқартиради. Бу таъсирот узоқ вақт давом эттирилса, мускулларнинг қискариши тобора сустлашиб боради ва охири йўқолади. Олдинги илдизи таъсирлаб, имауоъслар берилса мускулнинг қисқариш қобилияти сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Демак орқа илдизга берилган таъсирот марказдан ўтмай қолган. Бу нерв марказининг чарчашидан далолат беради.

Нерв марказларнинг чарчаши нейронлараро синапсларда қўзўтишининг бузилиши билан боғлик. Буни нерв охирларига медиатор медиатор рецепторларнинг сезирлигининг камайиши, синапс фаолиятини энергия билан таъминловчи моддаларнинг камайиши натижаси деб тушуниш керак.

Нерв марказларининг кислород етишмовчилигига сезирлиги.

Бош мия бир неча лаҳза қон билан таъминланмаса одам хушидан кетади. Чунки нейронлар кислород танкислигига ниҳоятда сезир хужайралар ҳисобланади. Мияга қон келиши қисқа муддат тўхтаб қолгудек бўлса нейронларда аслига келмайдиган ўзгаришлар содир бўлади. Ярим шарлар пўстлоғининг нейронлари қон айланиши 5-6 минутга тўхтаганда нобуд бўлади, орқа миянинг нейронлари 20-30 минутдан кейин ҳам ўз фаолиятини тиклаши мумкин.

Нерв марказларининг баъзи заҳарларга ва дориларга сезирлиги.

Баъзи ўсимликларнинг одам руҳига, кайфиятини таъсир қилиши, уйқу келтириши, оғриқни қолдириши қадимдан маълум бўлган. МНТ га таъсир қиласиган моддалар бир неча гурухга бўлинади. Булар наркоз учун

қўлланиладиган моддалар, ухлатувчи, психотроп моддалар, тутқаноқда қарши дорилар, оғриқни қолдирадиган моддалар, қустирувчи ва қусишининг олдини оладиган препаратлар ва ҳ-за. Бу моддаларга алькоголь, тамаки никотини, чойдаги кофеин ва бошқа моддалар киради.

4. Доминанга ҳақида тушунча.

Марказий нерв тизимини бир-бири билан морфологик ва функционал узвий боғланган мураккаб нерв марказлари йифиндиси дейиш мумкин. Бир маказнинг функционал ҳолати ўзгариши атрофдаги марказлар фаолиятига сезгилари таъсир кўрсатади. МНТ да доминанти тамойили кенг учраб туради ва бу ҳолат марказлараро муносабатларнинг катта биологик аҳамияти сифатида эътироф этилади.

Доминанта сўзи ҳукмрон, деган маънони билдиради. А.Ухтомскийнинг фикрича, маълум шароитда қайсиdir нерв марказида қўзғалишнинг ҳукмрон ўчоги пайдо бўлади. Гуморал ёки рефлектор омиллар бундай ҳукмрон марказнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Доминантанинг қуйидаги хоссалари мавжуд.

- 1) ортиқча қўзғалувчанлик
- 2) қўзғалишнинг турғунлиги;
- 3) қўзғалишнинг қўшилиш қобилияти;
- 4) давомли из жараёнлари билан боғлиқ бўлган инертлик (турқўзғалишни узоқ ушлаб туриш).

5. Тормозланиш ва унинг турлари.

Марказий нерс тизимида тормозланиш ҳодисасини 1862 йилда И.М.Сеченов кашф этган. Унгача М.Н.Т да факат қўзғалиш процесси бўлади, деб ҳисобланган. У тормозланиш ҳодисасини бақа устида ўтказган тажрибаси орқали кашф этди. Бунинг учун бақа бош миясининг қўрқув думбоқларидан юқори қисми кесиб ташланиб оёқларини кислота эритмасига ботириб, шу оёқларни тортиб олиш рефлексининг вақтини ўлчайди. Одатда бу вақт 5-6 секундга teng. Сўнгра қурқув думбоқларининг қирқилган жойига ош тузининг кристали қўйилса, рефлекс вақтининг кескин узайиб, 15-20 секундга етганлигини қайд қиласи. Шу тажрибага асосан И.М.Сеченов кўрув думбоқлари соҳасида орқа мия рефлексларини тормозлайдиган марказ бор деган холосага келади.

Ҳозирги вақтда тормозланишнинг икки тури-бирламчи ва иккиламчи тормозланиш тафовут қилинади.

Постсинаптик пайваста ва пресиниптик тормозланиш-бирламчи ҳисобланса, пессимал, қўзғалишдан кейинги тормозланиш иккиламчи ҳисобланади.

Постсинаптик тормозланиш.

Бу тормозланишнинг юзага чиқишида маҳсус тормозловчи нейронлар-Реншоу ҳужайралари иштирок этади (расм)

Орқа миядаги мотонейронлар аксонлари миядан чиқиш олдида битта-иккита ёншоҳ беради. Бу ёншоҳлар орқа миянинг шу сегментида жойлашган Реншоу ҳужайраларида синапслар ҳосил қиласи. Мотонейрон қўзғалганда, импульслар

унинг аксони бўйлаб мускулга боради. Ёншох орқали ўтган импульслар эса тормозловчи Реншоу-хужайрасини қўзғатади. Бу хужайранинг аксони мотонейрон сомасида тормозловчи синапслар ҳосил қиласди. Реншоу хужайраси қўзғалганди, тормозловчи синапсларда мотонейрон мембранасининг гиперполяризацияси олиб келадиган медиатор ажратади. Натижада мотонейроннинг қўзғалувчанлиги сусаяди.

Демак мотонейронда вужудга келган қўзғалиш ёншох ва Реншоу хужайраси орқали унинг ўзига қайтиб келади ва тормозловчи хужайра аксони мотонейронда ҳосил қиласган синапсларнинг постсинаптик мембранасини гиперполяризацияга учратиб нейронни тормозлайди. Шунинг учун бу тормозланиш қайтар ёки постсинаптик тормозланиш деб аталади.

Пресинаптик тормозланиш

Присинаптик тормозланиш, номидан кўриниб турибдики, аксоннинг синапс олдидаги элементларида, яъни нерв охирига ўтишидан олдинги энг майда тармоқларида юзага чиқади. Аникрофи бунда тормозловчи аксо-аксонал синапслар ҳосил қиласди.

Тормозловчи хужайра тинч ҳолатда бўлганда 1-афферент тола орқали келган импульслар қўзғалувчи нейронга тўхтовсиз келиб уни қўзғатади. Бундан олдинроқ 2-афферент тола орқали келган импульслар тормозловчи хужайрани қўзғатса, аксонлари охирида ажралган медиатро (эҳтимол гамма-аминомой кислотадир) 1-афферент толани деполяризацияга учратади. Бу ердан ўтаётган импульслар амплитудаси кикиклашади. Импульсларнинг кучсизланиши аксо-соматик синапсларда кам миқдорда медиатор ажралишига олиб келади, натижада нейрон қўзғалиши сустроқ бўлади ва у тормозланади.

Пайваста тормозланиш

Деярли барча бўғимлардаги ҳаракатларни антагонист мускуллар таъминлайди. Бири букувчи бўлса, иккинчиси ёзувчи ҳисобланади.

Букувчи мускул пропориорецепторларда борган толалар шу мускулни қўзғатиб қисқартирувчи мотонейронлар билан бевосита боғланган. Ёзувчи (антагонисти) мускул шинини бошқарувчи мотонейронлар ва афферент нейронлар ўртасида махсус тормозловчи оралиқ нейрон жойлашган. Букувчи мускулга неврологик болғача билан урилса, мускул чўзилиб, ундаги рецепторлар қўзғалади, вужудга келган импульслар шу мускул марказини қўзғатади ва уни қисқартиради. Бу афферент импульслар анагонист мускул марказига тормозловчи оралиқ нейрон орқали етиб боради ва уни тормозлайди. Натижада ёзувчи мускул бўшашади ва бўғиндаги ҳаракат енгиллашади.

Пайваста тормозланиш ўз-ўзидан юзага чиқади, ихтиёрий ёки беихтиёр назоратга муҳтож бўлмайди.

Пессимал тормозланиш.

Пессимал тормозланиш иккиласми тормозланишнинг бир тури бўлиб, нерв-мускул синапсларида ва МНТ ги нейронлараро синапсларда кузатилади. Бу

ҳодисани пессимал тормозланиш ёки уни кашф этган олим номи билан, яъни «Введенский тормозланиши» деб аталади. Олим ўз тажрибаларида мускулнинг тетаник қисқариш баландлиги ритмик импульслар частотаси билан алоқадорлиги аниқланади. Импульслар частотаси секундига 20 дан ошганда, силлиққа айланган тетануснинг баландлиги импульслар частотаси оширилиши билан ўсиб боради ва маълум нуқтага етганда, энг юқори даражага қўтарилади. Бу частотани оптималь дейиш мумкин. Таъсирот частотасини оптималь даражадан кўпайтирилиши тетаник қисқаришнинг кучайтирмайди. Аксинча, частота 100-120 га етганда мускул тўхтайди. Бу пессимал частота дейилади. Унда бир бутун нерв-мускул препарати учун пессимал частотани унинг нерви ҳам мускули ҳам қили бу частотага жавоб бера олмайди. Демак пессимал тормозланиш нерв-мускул синапсларида ривожланади.

Қўзғалишдан кейинги тормозланиш.

Баъзи нейронлар учун кучли ва давомли из потенциали хос. Бундай нейронлар мембранныи ҲП ҳосил қилгандан сўнг, нисбатан давомли бўлган гиперполяризация ҳолатига ўтади. Натижада бўсаға кучига эга бўлган импульслар бу мембранныда ҳосил қилган қўзгатувчи постсинаптик потенциали уни критик даражагача деполяризациялай олмайди, нейронда эса тарқалувчи қўзғалиш келиб чиқмайди.

Контрол саволлар:

1. Рефлектор ёй нима ва у қайси звенолар орқали юзага чиқади?
2. Қандай рефлекслар мавжуд? Аҳамиятини айтинг!
3. Дивергенция нима ва қандай ҳосил бўлади, аҳамияти?
4. Конвергенцияни қандай тушунасиз? Аҳамияти.
5. Суммация ва окклузия нима?
6. Нерв марказлари нима ва улар қаерларда таркиб топган?
7. Доминанта нима ва улар қаерларда таркиб топган?
8. Доминанта нима? Ҳаётий мисол ёрдамида исботланг.
9. Тормозланиш ва унинг аҳамияти.
10. Тормозланишнинг қандай турлари бор?
11. Нерв марказлари чарчайдими?

23-Мавзу: Олий нерв фаолияти физиологияси. (2-соат маъруза)

Режа:

1. Кириш

2. Шартсиз рефлекс ва инстинктлар ҳақида тушунча.
3. Шартли рефлекслар ва уларни ҳосил қилиш қоидалари.
4. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш механизмлари.
5. Шартли рефлеслар тормозланиши ва уларнинг турлари.
6. Динамик стереотип.
7. Олий нерв фаолиятининг типлари.
8. Сигнал системалари ҳақида тушунча.
9. Ҳиссиётлар ва уларнинг биологик аҳамияти.
10. Уйқу, туш ва гипноз.

Таянч сўзлар: рефлекс, шартсиз, шартли, мия пўстлоғи, таъсирловчи, сигнал, қўнғироқ, овқат, тормозланиш, холерик сангвиник флегматик меланхолик хотира, туш, гипноз.

Кириш.

Олий нерв фаолияти физиологиянинг асосий бўлимларидан бири бўлиб, охирги пайтларда ўзи алоҳида фан бўлиб чиқкан. Бу фанга асос солувчилардан И.М.Сеченов, И.П.Павлов, кейинчалик уларнинг шогирдлари Красногорский, Быков, Фролов, Асретиян, Анохин ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлган.

Олий нерв фаолияти катта ярим шарлар пўстлоғи ва ўнги яқин тизимларнинг муқаррар иштироки билан юзага чиқадиган мураккаб рефлектор реакцияларда намоён бўлади. Шу фаолият натижасида организм билан ташки муҳит ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлди.

Бош мия фаолиятининг рефлектор характеристи ҳақидаги тасаввурни 1 чи бўлиб И.М.Сеченов ўзининг «Бош мия рефлекслари» (1853) деб аталувчи машҳур китобида кенг ва мукаммал асослаб берган (1 чи номи «Психик процессларга физиологик асослар киритиш йўлидаги уриниш» деб номланган).

Сеченовнинг илмий ғоялари И.П.Павловнинг ажойиб асарларда изчил экспериментал методлар билан текширишлар орқали янада бойитилди ва ривожлантирилди. Уларга қадар олимлар «рухий» фаолиятни текширишнинг йўлларини билмас эдилар ва унга ўша давр йўл ҳам бермас эди. А.Павловнинг физиология соҳасидаги ва бутун тиббиёт илмидаги жуда улкан хизматлари шундан иборат эди, у мураккаб психик ҳодисаларни текшириш учун объектив физиологик методни – шартли рефлекслар методини яратди.

2. Шартсиз рефлекс ва инстинктлар ҳақида тушунча.

Организмни ўзи яшашга мослашган ташки муҳитдан ажратиб бўлмайди. Бир бутун бўлган организмнинг ташки муҳит билан алоқадорлиги хилма-хил бўлиб, турли функционал тизимлар (овқатланиш, нафас, ажратиш) орқали амалга оширилади. Бу тизимлар ичida энг муҳими нерв тизимиdir. Олий нерв фаолияти деб, нерв тизимининг организмининг ташки муҳит билан ўзаро муносабатларини юзага чиқаришга фаолияти аталади. Олий нерв фаолияти рефлектор фаолиятлар. Бу фаолият организмнинг ташки муҳит ўзгаришларига мослашишини

таъминлайди. Бунга энг аввало, наслдан-наслга реакциялар ёрдамида эришилади. Авлодлар тажрибаси асосида филогенезда ҳосил бўлган мослашиш реакцияларига содда шартсиз рефлекслар ва инстинктлар, яъни мураккаб шартсиз рефлекслар киради.

Шартсиз рефлекс туғма бўлиб, рецептор соҳаси адекват таъсирилаганда қонуний равишда маълум рефлектор ёй бўйлаб ривожланадиган реакция хисобланади. Бу рефлекслари турли хилдаги соматик висцерал ва вегетатив жараёнларни бирлаштириб, организм ички муҳитининг доимийлиги сақланиши ва унинг ташки мухит билан ўзаро боғланишларини таъминлайди.

Шарсиз рефлекслар жуда хилма-хил, уларнинг турлари ва таснифи тўғрисида юкорида айтиб ўтилган эди.

Организмнинг ҳаётида, унинг мухит ўзгаришларига мослашишида содда шартсиз рефлекслар билан бир қаторда инстинктларнинг ҳам аҳамияти катта. И.П.Павлов буларни мураккаб шартсиз рефлекслар, деб ифодалаган. Инстинктлар мақсадга эришишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг туғма тури бўлиб, улар онтогенетик ривожланиш жараёнида рўёбга чиқади ва турнинг ҳар бир намоёндасида тегишли рағбат ёки шароит юзага келган, ўзгармас ҳолда кузатилади. Овқатланиш, тақлид қилиш, кўпайиш ва бошқа инстинктлар индивидуал ҳаётда ва турни сақланишида мухим роль ўйнади.

Инстинктларнинг оддий шартсиз оефлекслардан фарқи шундаки, улар бир нечта рефлектор ҳаракатлардан иборат бўлади. Инстинктнинг асосини ва унинг биринчи босқичини организмнинг ички биологик эҳтиёжи ташкил қиласи. Бу эҳтиёж (очлик жинсий қўзғалиш, қурқиши) маълум интилишни (мотивацион) шакллайди ва унга эришиш учун организм бир қатор стереотип (доим бир хил бўлган) хатти-ҳаракатларни бажаради.

3. Шартли рефлекслар ва уларни ҳосил қилиш қоидалари.

Шартли рефлексни шартсиз рефлекслар асосида маълум қонун-қоидаларга риоя қилган тақдирдагина юзага чиқариш мумкин.

1. Шартли рефлекс ҳосил қилиш учун шартли сигнал (бу шартсиз рефлекс учун бефарқ таъсиrot, масалан, қўнғироқ) шартсиз таъсиrot (овқат) билан боғланган ҳолда такроран қўлланилиши керак.

2. Шартли сигнал шартсиз таъсиrotдан сал олдин берилиши зарур.

3. Шартли сигнал шартсиз таъсиrotга нисбатан кучсизроқ бўлиши керак. (Шартли сигналнинг биологик аҳамияти шартсиз таъсиrotнинг биологик аҳамиятидан камроқ бўлиши керак).

4. Шартли рефлекс ҳосил қилиш учун марказий нерв тизими фаол бўлиши керак.

5. Шартли рефлекс ҳосил қилиш жараёнида бош мия пўстлоғи ёт таъсиrotлардан мутлақо бўлиши лозим.

Шартли рефлексларни тасниф қилишнинг бир нечта тамойили бор. Шартсиз таъсиrotнинг биологик аҳамияти жиҳатидан ҳаётий (овқатланиш, ҳимоя ва бошқ) зоижтимоий (жинсий, оталиқ, ўз ҳудудини ҳимоя қилиш) ва ўз-ўзини

ривождантириш (тадқиқот, тақлид қилиш, ўйинлар ўйнаш) шартли рефлекслар ажратилади.

Шартли рефлексларни организмнің ҳар бир фаолиятига боғлаш мүмкін. Фаолияттарға күра, иккита катта гурух - ҳаракат ва вегетатив шартли рефлекслар тағовут қилинади. Ҳаракат реакциялари асосида жуда күп асбобларни ишлатышни талаб қыладыган (инструментал) шартли рефлекслар ҳосил қилиш мүмкін. Баъзан бундай рефлекслар шартсиз рефлекснинг нусхасига, баъзан хоҳиши билан бажарыладыган хатти-харакаттарға ўхшаб кетади.

Сўлак ажралиши шартли рефлексий мумтоз вегетатив шартли рефлекс ҳисобланади. Барча ички аъзоларнинг фаолиятини шартли рефлектор назоратга олиш мүмкін.

Шартли рефлексни ҳосил қилиш жараёнида шартли сигнални қабул қилувчи рецепторга қараб, экстрорецептив, интерорецептив ва проприорецептив шартли рефлекслар ажратилади.

4. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш механизмлари.

Шартли рефлекс вужудга келиши учун мия пўстлоғидаги шартли сигнални қабул қилувчи марказ билан шартсиз рефлекс марказлари ўртасидаги вақтинча алоқа ўрнатилиши керак. Шартли рефлекс ҳосил қилиниши жараёнида бажарыладыган ишларни ва содир бўладыган ҳодисаларни тасаввур қилиб кўрайлик. Биринчидан, маълум шартсиз рефлексни, масалан, овқат таъсирида сўлак ажралиши рефлексини бўлажак шартли рефлекс учун негиз қилиб олдик дейлик. Иккинчидан, бу рефлекс учун бефарқ (индефферент) бўлган сигнални, чунончи, қўнғироқ товушини шартли сигнал қилиб оламиз. Шартли сигналнинг ўзи сўлак ажралиши чиқармайди.

Энди шартли сигнални қўллаб, қўнғироқ чаламиз ва шу ондаёқ шартсиз рефлексни чақирамиз-итга овқат берамиз. Бунда сўлак безлари қўзғалиб, сўлак ажрата бошлайди. Бир неча кун давомида бир неча мартодан шартли сигнални овқат билан боғлиқ ҳолда қўлласак шартли сигналнинг ўзиёқ (қўнғироқ) овқат берилмасди, сўлак ажралишини юзага келтиради. Нима учун сўлак безлари учун бефарқ қўнғироқ, энди сўлак ажралишига сабаб бўлади? Гап шундаки шартли рефлексни вужудга келтириш жараёнида ҳар гал иккита марказ қўзғалади. Биринчиси - қўнғироқдан чиқсан товушни чамалаш рефлексии (ҳайвон қулогининг диккайиши, бошнинг товуш келган томонга бурилиши ва бир қатор вегетатив ўзгаришлар). Бу рефлекснинг юзага чиқиши пўстлоқдан пастдаги (тўрт тепалик) ва пўстлоқдаги (чакка соҳаси) марказларнинг қўзғалишига боғлиқ. Иккинчиси-овқат таъсирида юзага чиқадыган сўлак ажралиши рефлексии. Унинг юзага чиқиши ҳам пўстлоқдан пастдаги ва пўстлоқдаги марказларнинг қўзғалиш натижаси ҳисобланади.

Демак шартли рефлексни вужудга келтириш жараёнида ҳар тажрибада мия пўстлоғининг иккита марказида қўзғалиш ривожланади: биринчиси шартли сигнал маркази, иккинчиси – шартсиз рефлекс маркази. Аммо, аввал бу марказлар

ўртасида алоқа бўлмаган. Шартли сигнал шартсиз таъсиrot билан деярли бир вақтда берилиш кўп марта такрорланганидан кейин бу марказлар ўртасида маълум ўзаро муносабатлар ривожланиб, вақтинча алоқа ўрнатилади. И.П.Павловнинг фикрича, мия пўстлоғида айни бир вақтнинг ўзида икки соҳада қўзғалиш пайдо бўлиши қўзғалиш жараёни кучсизроқ бўлган учоқдан (шартли сигнал қўзғалиш ҳосил қилган соҳадан) кучлироқ қўзғалиб, доминант бўлиб қолган соҳа (шартсиз рефлекс маркази) томон ҳаракат қилишига олиб келади. Бу қўзғалиш жараёнининг бундай ҳаракатлари такрорланаверилганидан кейин мия пўстлоғининг бир соҳадан иккинчи соҳасига қаратилган йўл очилиб, улар ўртасида вақтинча алоқа ўрнатилади. Энди шартли сигнал факат ўз марказини эмас, балки шартсиз рефлекс марказини ҳам қўзғатади, бошқача айтганда шартли рефлекс вужудга келади.

5. Шартли рефлекслар тормозланишини ва уларнинг турлари.

Ташқи тормозланиш. шартли рефлекс нозиклиги ва ўзгарувчанлиги билан шартсиз рефлексдан фарқ қиласи. Турли хилдаги ёт таъсиrotлар шартли рефлекснинг сусайишига ва тормозланишига олиб келади. Масалан, шартли овқатланиш рефлексини пайдо қилишдан олдини қандайдир ёт таъсиrot пайдо бўлса рефлекс юзага чиқмайди, у тормозланади.

Агар тажрибадаги ҳайоннинг бирор жойи оғриса, қовуғи тўлиб кетса, бирор нарсадан безовталанса ҳам шартли рефлекс тормозланади. Бу тормозланишини шартли рефлексга ёт бўлган ташқи таъсиrot чиқаради. Шунинг учун у ташқи тормозланиш, деб ҳам аталади.

Чегарадан ташқари тормозланиш. Агар шартли рефлексни юзага чиқарадиган шартли сигнал ҳаддан ташқари кучли бўлса, шартли рефлекс вужудга келмайди. И.П.Павловнинг фикрича, бу тормозланиш нерв ҳужайраларини ҳаддан ташқари кучли таъсиrot шикастлашидан сақлайди.

Ташқи тормозланиш ҳам, чегарадан ташқари тормозланиш ҳам нерв тизимининг туғма хоссаларига боғлиқ. Шу сабабли, И.П.Павлов уларни шартсиз тормозланиш деб атаган.

Юқорида айтиб ўтилган шартсиз тормозланиш таъсиrotни биринчи марта қўлланганидаёқ кузатилади. Шартли тормозланишни эса ҳосил қилиш керак. И.П.Павлов шартли тормозланишни тўрт турга: сўниш тормозланиши, фарқлаш тормозланиши, шартли тормоз ва кечикиш тормозланишига бўлган.

Сўниш тормозланиши. Шартли рефлекс узоқ вақт сақланиб туриши учун уни вақти-вақтида шартсиз таъсиrovчи билан мустаҳкамлаб туриш керак. Шартли сигналнинг ўзи бар неча бор қўлланиладиган бўлса, илгари ҳосил қилинган пиравардида батамом йўқолиб кетади. Шундан кейин шартли сигнал бир неча қунгача қўлланилмаса, сўнган шартли рефлекс ўз-ўзидан тикланиш мумкин. Шартли сигнал шартсиз таъсиrot билан мустаҳкамланса, шартли рефлекс бир неча бор такрорланганидан сўнг тикланади.

Шартли рефлекснинг сўниши катта биологик аҳамиятга эга. Мустаҳкамланмаган шартли рефлекс мослашиш учун ўз аҳамиятини йўқотади. Бинобарин организм керак бўлмай қолган рефлексдан ҳосил бўлади.

6. Динамик стереотип.

Мия пўстлоғининг фаолиятини стереотип шаклида вужудга келадиган шартли реакциялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу усулда шартли рефлекс ҳосил қилиш бир неча таркибий қисмдан иборат бўлган шартли сигнални ўзгармас (уларнинг куси, тартиби ва оралиқларидағи вақт давомийли бир хил бўлган) ҳолда кўллашда иборат. Аммо, бир нечта шартли сигналларни бирлаштириб, улардан стереотип сигнал ҳосил қилишдан аввал, буларнинг ҳар қайсисига, масалан ёруғлик метроним – 120 (тебраниш частотаси 120 / сек) кўнғироқ, метроном – 60, хуштака сўлак ажralиш шартли рефлекси вужудга келтирилади. Қиёслаш (дифференцировка чиқиши) учун кўллаган метроном – 60 дан ташқари ҳамма сигналлар ижобий таъсир кўрсатиб сўлак ажralашига олиб келади. Аммо, ҳар қайси шартли сигналга унинг ўзига хос миқдорда сулак ажralади. Энди бу сигналлар маълум тартибда, бири иккинчисидан 5 дақиқа кечикирилиб кўлланилади. Мусбат натижга берадиган сигналлар ўзи учун хос бўлган миқдорга ажратади, метроном – 60 эса сўлак ажralашига олиб келмайди. Тажриба шу тартибда бир неча кун такрорланиб турилса, мия пўстлоғи фаолиятида стререотиплик пайдо бўлади.

7. Олий нерв фаолиятининг типлари.

Қадимзамонлардан олилар ва хақимлар одамларнинг мижозидаги тафовутларга эътибор берганлар. Бир одамнинг дадил, серҳаракат бўлишини, бошқа бирорнинг ғамгин шалпайганини улар «бадан суюқликлари» нисбатан биланбоғлаганлар. Букрот фикрича, баданда иссиқ қоннинг кун бўлиши одамни серҳаракат, дадил қиласи. Бундай мизожлик одамларни олим сангвиниклар деб атаган. Совуқ шилимшиқнинг кўплиги инсоннинг совуққонлигига, вазминлигига сабаб (флегматик) аччиқ ўт-сафронинг кўплиги қизиққонлик сержаҳлликка олиб келади (хол ерик). Қора, бузилган ўт-сафронинг нисбатан кўплиги эса одамни ўзига ишонмайдиган, ғамгин, бўшанг қиласи.

И.П.Павлов нерв жараёнларининг тўрта кўрсаткичига шартли қўзғалишнинг кучига, шартли тормозланишнинг кучига. Бу жараёнларнинг ҳаракатчанлигига ва уларнинг мувозанатлик даражасига қараб, итлар олий нерв фаолиятини 4 турга бўлди. 1) кучли, мувозанатлашмаган (тийиб бўлмайдиган) тур; 2) кучли, мувозанатлашган, ҳаракатчан тур; 3) кучли, мувозанатланган камҳаракат тур; 4) Кучсиз тур.

Кучли, мувозанатлашмаган турга мансуб ҳайвонларда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли бўлиб, қўзғалиш жараёни устунроқ бўлади. Бундай итларда турли рефлекслар тез ва осон вужудга келади, айни вақтда фарқлаш тормозланишини ёки ички тормозланишнинг бошқа турини ҳосил

қилиш қийин бўлади. Қўзғалиш жараёни устун бўлганидан, у мия пўстлоғига кенг ёйилади.

Кучли, мувозанатлашган, ҳаракатчан турдаги ҳайвонларда шартли рефлекслар тез ҳосил бўлиб, мустахзкамланади, ички тормозланишнинг барча хилларини вужулга келтириш осон бўлади. Бундай итларда мусбат ва манфий индукциялар яққол ифодаланганда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари жуда кенг ёйилмайди. Пўстлоқдаги жараёнларнинг илдамлиги қўзғалишнинг тез тарқалишини, тормозланишнинг эса тез қўзғалиш билан алмашинишини таъминлайди.

Кучли, мувозанатлашган, инерт тур учун пўстлоқдаги жараёнларнинг камҳаракатлиги хос. Бундай ҳайвонларда мустаҳкам шартли рефлекслар ва мустаҳкам фарқлашлар вужудга келади. Бош мия ривожланган жараён (қўзғалиш ёки тормозланиш) узоқ вақт сақланади, ёйилмайди, секин сўнади. Шунинг учун ҳам қўзғалиш жараёнининг тормозланиш билан алмашиниши анча қийин бўлади.

Кучсиз, нимжон турга мансуб ҳайвонларнинг пўстлоқ нейронларининг иш қобилияти чегараланган бўлади. Шунинг учун уларда ҳосил қилинган шартли рефлекслар турғун бўлмайди, салга ташқи тормозланишга учрайди. Уларнинг мия пўстлоғида қузғалиш жараёни ҳам, тормозланиш жараёни ҳам кучсиз бўлади.

8. Сигнал системалари ҳақида тушунча.

Иккинчи сигнал тизими инсоннинг ижтимоий ҳаёти билан узлуксиз боғлиқ. Одам боласи жамиятдан четда бўлса, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлмаса, иккинчи сигнал тизими ривожланмайди. Урғочи бўри тарбиялаган афсонавий Ромул ва Ремлар улғайиб, Рим шаҳрига асос солган бўлсалар, ҳаётда ҳайвон инига тушиб қолган инсон боласининг тақдири ачинарли бўлади. Мисол тариқасида 1920 йилда бўри инидан топиб олинган хинд қизалоқлари Камола ва Амолалар тарихини келтириш мумкин. Шарқий Ҳиндистоннинг Денгала қишлоғида яшовчи дехқонлар ўрмонда одамга ҳам, ҳайвонга ҳам ўхшайдиган аллақандай мавжудотларни кўрганларини Сингх номли зиёли одамга айтадилар ва улар яширинган термит уясини кўрсатадилар. У ерга бориб, яширинча кузатган Сингх бир маҳал термит уясидан ўрғочи бўри чиққанини кўради. Унинг кетидан иккита одам боласи эмаклаб чиқади. Сингхнинг ёзишича: «Булар бир-биридан хуНИҚ бири каттароқ, бошқаси Кичикроқ маҳлуқ бўлиб, думалашиб чиқиб келардилар. Уларнинг бадани, оёқ қуллари одамники эди. Аммо кўзлари вахшийларча ёниб турарди. Ҳар иккаласи ҳам қул ва оёқлари билан эмаклаб, ҳаракат қиласиди. Сингх она бўрини ўлдириб, болаларни тутиб олади ва Миднапур шаҳридаги етимхонага жойлаштиради. Бири уч ёшлар атрофида, иккинчиси 5-6 ёшда бўлган қизалоқларга Амола ва Камола деб исм беришади. Етимхонада, қизларни шифокор, психиатр, педагоглар кузатадилар, уларни одам жамиятига қайташишга кўп ҳаракат қиласидилар, аммо барибир бунинг уддасидан чиқмайдилар.

9. Ҳиссиётлар ва уларнинг биологик аҳамияти.

Биз ҳиссиётлар тўғрисида гап юритиб, бир-бири мизни яхши тушунишимиз мумкин. Масалан, даҳшатли воқеалар тўғрисида гапирилганда, қўрқувни яхши тасаввур қиласиз. Аммо ҳозиргача олимлар ҳиссиётлар нима, деган саволга аниқ субъектив тушунчаларсиз жавоб бермаганлар.

Ҳиссиётлар ташқи ёки ички таъсиrotлар натижасида шакланган одам ва ҳайвонларнинг субъектив ҳолати бўлиб, мамнунлик ҳазиллашиш ёки қаноатланмаслик норозиликларни ҳис этишдан иборат бўлади. Ҳиссиётларнинг юзага чиқиши марказий нерв тизимининг ихтисослашган (эмоцоген) тузилмалари фаоллашишига боғлиқ. Бу тузилмалардан баъзиларининг қўзғалиши ижобий ҳиссиётларни пайдо қиласиди ва организм уларни сақлаб қолиш, кучайтириш ва такрорлашга интилади. Бошқа хил тузилмаларнинг қўзғалиши манфий ҳисстётларни ривожлантиради, буларни организм йўқотишга ёки салбийлаштиришга интилади.

10. Уйқу туш ва гипноз.

Одам умрининг деярли учдан бир қисми уйқуда ўтади. Уйқу юқори ҳайвонлар учун жуда зарур ҳолат. ти овқатсиз анча узоқ яшashi мумкин, аммо уйқудан маҳрум қилинганда тез ҳалок бўлади.

Уйқу вақтида одам ҳушини йўқотади. МНТ нинг, хусусан мия пўстлоғининг фаоллиги пасаяди, мускуллар тонус ива сезгирилик сусаяди. Шартсиз рефлекслар кучсизланади, шартлилар эса тормозланади. Ички аъзолар фаолияти ҳам суслашади.

Уйқунинг бир неча тури бор: 1) кечакундузги уйқу; 2) фаслга боғлиқ даврий наркотик уйқу; 4) гипнотик уйқу; 5) патологик уйқу.

Тушнинг мавзуси онгда бирин-кетин намоён бўладиган кўрув ва эшитув образларидан иборат И.П.Павловнинг фикрича, туш кўришнинг асоси аввал кечирган қўзқу вақтида ўзига хос фаолликда бўлган пўстлоқ ҳужайраларида қайта тикланишидир. Маълумки, кўрган эшитганимиз пўстлоқ ҳужайраларида из қолдиради. Бедорлик ҳолатида бу излар пайдо қиласиди қўзғалишлар кўпинча тормозланган бўлиб, фақат эслаганда тормозланишдан чиқиши мумкин. Уйқу вақтида бу из қуғалишларнинг тормозланишдан чиқиши осонлашади, уларнинг кучи шунчалик ортадики, тушимизда бўлиб ўтган воқеаларни бевосита кўраётгандек бўламиз.

Туш кўришга бошдан кечирилган воқеалар изларининг мияда қайта тикланиш асос бўлишини баъзи далиллар исботлайди. Масалан, кўр бўлиб туғилган бола тушида ҳеч қачон кўрув образларни кўрмайди. Эс-хушини таниб олгандан кейин кўр бўлган одамнинг тушида кўрув образлар намоён бўлади. Тушда аввал бошдан кечирилмаган, кўрилмаган, эшитилмаган ҳодисалар учрамайди.

Гипноз уйқуга яқин ўзига хос ҳолат. Бу сунъий ҳолат одам ёки ҳайвонга бошқа одам томонидан фаол таъсири қилиш йўли билан пайдо қилинади. И.П.Павловнинг фикрича, гипнотик ҳолатнинг ривожланиши тормозланиш жараёнининг мия пўстлоғига ёйилиши натижасидир. Гипноз ва уйқу бир хил

шароитда юзага чиқади. Уйқуга ўхшаб, гипнозни кучсиз, ритмик равища тақрорланадиган таъсиротлар юзага чиқаради. Гипнозга одатда уйқу чақирадиган шартли таъсиротларни («ухланг, ухланинг» деган сўзни) қайта-қайта тақрорлаш билан эришилади. Гипнознинг уйқудан фарқи шундаки, гипноз вақтида гипнотик яъни, гипноз қилинаётган одам билан гипнозчи яъни, гипноз қилувчи шахс ўртасида нутқ орқали алоқа сақланиб қолади. Гипнозда уч давр ажратилади: 1) мудраш даври, бу вақтда гипнотик гипнозчининг гипига қаршилик кўрсатиб, кўзларини очиши мумкин; 2) юзаки уйқу даври-гипнотик гипнозчининг ишонтиришига қаршилик кўрсата олмайди, кўзларини оча олмайди; 3) сомнамбулизм чуқур уйқу даври, гипнотик гипнозчига бутунлай бўйсунади ва бўлган ҳодисаларни эслаб қолмайди.

Гипнозга мойиллик одамнинг ёши, жинсий саломатлиги, чарчаганлиги, идроки ва бошқа шахсий хусусиятларига боғлиқ.

Назорат савллар:

1. Шартли рефлекс ва инстинктларнинг қандай фарқлари бор?
2. Шартли рефлекслар қандай ҳосил қилинади ва механизми қанақа?
3. Шартли рефлексларнинг тормозланиши ва турларини тушунтиринг.
4. Олий нерв фаолиятининг қандай типлари мавжуд?
5. Биринчи ва иккинчи сигнал системаларини қандай тушунасиз?
6. Уйқу туш ва гипнозни тушунтиринг.

24-Мавзу: Сезги органлари физиологияси. (2-соат маъруза)

Режа:

1. Анализаторларнинг умумий таснифи.
2. Анализаторлар тузилишининг ва фаолиятининг асосий тамойиллари.
3. Кўрув анализатори.
4. Эшитув анализатори.
5. Терморецептор ва уларнинг адаптацияси.
6. Оғриқ рецепторлари.
7. Ҳид билиш рецепцияси.
8. Таъм билиш рецепцияси.

Таянч сўзлар: анализатор, рецептор, механорецептор, терморецептор, хеморецептор, фоторецептор, сигнал, адаптация, кўз, аккомодация, рефракция, тўр парда, қулоқ ноғора, чиганоқ, товуш вестибуляр тери, бурун, ҳид.

1. Анализаторларнинг умумий таснифи.

Барча тирик организмлар ўз ҳаётини ва турини давом эттириш, ҳар хил хавф-хатарлардан ўзини ҳимоя қилиш, маълум мақсадга эришиш учун вақт ва фазони, ташқи муҳитнинг асосий хоссаларини яхши ҳис этиш зарур. Анализатор ёки сенсор тизимлар ана шундай имкониятларни яратишга хизмат қиласи.

Сенсор тизимнинг қандай бўлишидан қатъий назар, унинг таркибида учта асосий қисм мавжуд бўлади. 1) таъсиротларни қабул қилувчи, маҳсус ихтисослашган рецептор нейрон; 2) рецептор нейронлар бирлиги (блоки) ёки

маълумотларни қабул қилувчи бирламчи марказ; 3) бирламчи марказлардан ўтган маълумотларни қабул қилувчи битта ёки бир нечта иккиласми қилинадиган марказлар. Юқори даражада тузилган организмларда бирлаштирувчи марказлар бир-бири билан боғланган. Уларнинг ўзаро муносабатлари натижасида ички ҳамда ташқи мұхит ўзгаришлари идрок этилади.

Ихтисослашган рецепторлар қабул қилған турли физикалық таъсирлар (нур, товуш, иссиқ, совуқ) ҳаракат потенциалига айлантирилади ва бу нерв импульслари тарзида маълум сезгини шакллантирувчи марказга узатилади.

Марказга етиб келған импульслардан маълумот олинади. Масалан, гулни кўрганимиунинг ранги, ҳиди, шакли ва унгача бўлған масофани аниқлаймиз. Бу маълумотлар бирламчи марказдан иккиласми қилинадиган нарса ҳақида фикр шаклланиши давом этади. Интегратив марказларга бу маълумотларга қушни марказлардан келған ва хотирада мавжуд бўлған маълумотлар ҳам қўшилади. Шунда ўша нарса ёхуд воқеани ҳис этиш мужассамлашади. ўшагул тўғрисида кўрув анализатори орқали олинган маълумотларга ҳид билиш анализатори орқали олинган маълумотлар қўшилади. Гул тўғрисидаги туйғу тўлиқланади, шу гулни илгари кўрганини таққослаш орқали идрок этилади.

Сенсор тизимларнинг ҳар бири қабул қилинадиган сигналнинг битта ёки бир нечта хоссасини ажратади. Масалан, кўрув анализатори ёрдамида ранг ва ёруғлик сезилса, там билиш анализатори аччиқ, ширин, нордон, шўрни сезиш имконини беради. Ҳид билиш анализатори эса хушбўй ёки бадбўйлигини ва ҳакоза. Сенситизимларнинг бундай ажратган ҳолда сезиши, улар учун маҳсус ихтисослашган рецепторларнинг борлигидан далолат беради.

Қабул қилиши мумкин бўлған адекват таъсирловчиларга қараб, рецепторларнинг қўйидаги турлари мавжуд.

1. Механорецепторлар. Бундай рецепторлар тери, юрак-томир тизими, ички аъзолари, таянч-ҳаракат аппарати, эшитув ва мувозанат сақлаш тизимларига хос.
2. Терморецепторлар. Бу рецепторлар иссиқ ва совуқни сезувчилар ҳақида, асосий қисми терида жойлашган.
3. Хеморецепторлар. Химиявий омиллар таъсирига сезгир рецепторлар.
4. Фоторецепторлар—нур энергиясини қабул қилади. Ёруғлик кучини ажратиш ва ранг кўриш имкониятини беради.
5. Оғриқ рецепторлари—оғриқни пайдо қилувчи таъсиротларни қабул қилади. Бу сезги организмдаги рецепторларнинг деярли ҳаммасига ўта кучли таъсир қилганда пайдо бўлади.

2. Анализатор тизимининг ва фаолиятининг умумий тамойиллари.

Барча анализаторларнинг тузилишда қўйидаги умумий тамойиллар кузатилади.

1. Кўп қаватлилик. Анализатор таркибида бир нечта қават нейрон бор, улардан биринчиси рецепторга боғлиқ, охиргиси эса мия пўстлоғининг

ассоциатив соҳасидаги нейронларга келиб тўхтайди. Бундай кўп қаватлилик организмнинг сигналларга тезлик билан жавоб беришига имкон беради.

2. Кўп каналлик. Нейронлар қаватининг ҳар бири жуда кўп (10 мингдан миллионгача) нерв унсурлари борлиги ва кейинги қаватдаги нейронларга боғлиқлигини кўрсатади.

3. Ёнма-ён қаватларда унсуналар сонининг teng эмаслиги. Масалан, кўрув тизимида рецепторлар сони 130 млн бўлса, кўздан чиқувчи нервни ташкил этувчи нейронларнинг сони ундан 100 маротаба кам, 1 млн.250 минг атрофида. Бу нисбат шундан далолат берадики, миянинг ҳар қандай якка рецепторда вужудга келган импульсни қабул қилолмаслигидандан. Маълумот МНТ га етгунча бир неча марта сараланади. Кўп сонли қаватдан унсурлар кам қаватга ўтиш жараёнида иккинчи даражали маълумотлар ўtkазилмайди. Буни торайиб борувчи «воронка» сифатида мияга ўтказиладиган маълумотларни камайтиради ва фақат муҳим ахборотларнигина ўтказади.

Кўрув анализаторида шунингдек кенгайиб берувчи «воронка»ни ҳам учратамиз. Мия пўстлоғининг кўрув соҳасидаги нейронлар сони пўстлоқ ости кўрув соҳасидаги нейронлардан минг марта кўп. Кейинги «воронка» сигналларнинг турли хоссаларини тахлил қилиш имкониятини беради.

4. Анализатор унсурларининг вертикал ва горизонтал бўйича тарқалиши шулар жумласидандир.

Анализаторлар сигналларни қайта ишлаш жараёнида кўп операцияларни бажаради. Булар:

- 7) сигналларин топиш.
- 8) сигналларни бир-биридан ажратиш
- 9) сигналларни ўтказиш ва ўзгартириш
- 10) маълумотларни кодга солиш
- 11) сигналларнинг у ёки бу хоссаларини детекторлаш
- 12) образни таниш.

1. Сигналларни топиш. Бу вазифани рецепторлар бажаради. Баъзи рецепторларнинг киприксимон ўсимталари автоматик равишда ҳаракат қилишини таъсирловчини фаол ҳолда излаш, деб баҳоланса бўлади.

2. Сигналларни фарқлаш. Анализаторларнинг мутлоқ сезирлигини уларни рағбат (стимул) кучидаги фарқни аниқлаш қобилиятидан ажратиш керак.

Аналитор икки рағбат кучидан маълум фарқ бўлмаса, уларни, ажратада олмаймиз. Масалан, кафтимида оғирлиги 100 г бўлган кадок тош бор. Юк кўтарганда фарқ сезиларли бўлиши учун иккинчи масса биринчисидан камида 3% оғир бўлиши лозим. Демак биз 100 граммни 103 граммдан ажратада оламиз (200 г ни 206 граммдан). Бунда 3% фарқлаш бўсағаси бўлиб, ўзгармайдиган кўрсаткичdir. Бу қонуниятни Вебер аниқлаган.

3. Сигналларни ўтказиш ва ўзгартириш.

Сигналларнинг ўзгартирилишини шартли равишда фазодаги ва вақтдагиларга ажратиш мумкин. Сигналларнинг кучи ва нисбатини ўзгартириш фазодаги

ўзгартериш бўлиб, кўрув ва соматосенсор тизимда кўпроқ учрайди. Масалан, тўр пардада озгина жойни эгаллаган марказий чукурча мия пўстлоғидаги кўрув соҳасига тўр парданинг анча катта бўлган чет қисмидан кўпроқ жойга импульслар етказади.

4. Маълумотларни кодга солиш. Рецепторларга механиҚ ну рва бошқа омиллар таъсир қўрсатади. Бу таъсиротларни сенсор тизимнинг пўстлоқ маркази қабул қилиб олиши учун уни мияга мукаммал бўлган нерв импульсига айлантириш керак. Демак рецепторлар муҳит ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотларни кодга солиб, мия бевосита қабул қила олмайдиган сигналларни «тушуна оладиган» шаклга солади. Таъсиротларни кодлашга авваломбор, рағбатнинг бор-йўқлиги белгиланиши керак. Масалан, кўрув анализаторларида ёруғлик пайдо бўлишини (он-нейронлар) ва ёруғлик йўқолигини (off – нейронлар) қайд қиласидиган ёки ёруғлик пайдо бўлганда, ҳам йўқолганида қўзгаладиган on, off – нейронлар бор.

Рағбат кучини кодлашга сенсор тизимлар импульслар тезлигини ўзгартеришдан фойдаланади. Масалан, одам бармоғи терисида жойлашган якка механорецептор диаметри 1 мм бўлган юза орқали 0,2 г га тенг босимли импульслар билан жавоб бермайди. Босим 0,6 г га етказилса якка, сийрак импульслар пайдо бўлади. Демак бу рејепторнинг бўсағаси 0,6 г атрофига. Босим 4 г гача кўтарилса, импульслар частотаси сезиларли даражада ортади. Агар босим кучи 10-13 г етса импульслар сони кескин ошиб кетади.

5. Сигналларни детекторлаш. Техникавий алоқа тизимларида ахборотлар маълум манзилга узатилишидан аввал кодга солинади, манзилга етганида эса коддан чиқарилади.

Сенсор тизимларда декодлаш, масалан, товуш рецепторлардан импульс сифатида марказга етиб келганда яна товушга айланиши кузатилмайди. Бу тизимларда детекторлаш содир бўлади, яъни таъсирловчининг айрим белгилари таҳлил қилинади ва уларнинг биологик аҳамияти баҳоланади. Бу таҳлилни маҳсус ихтисослашган детектор нейронлар бажаради. Масалан, кўрув сенсор тизимининг мия пўстлоғидаги детектор нейронлари йўл-йўл чизик кўрув соҳасининг маълум қисмида бўлиб, муайян бурчак ҳосил қилгандагина қўзғалади. Бурчак ўзгарса ёки чизик курув доирасининг бошқа қисмига ўтса, бу нейронлар қўзғалмайди, аммо бошқалари фаол ҳолатга ўтади.

6. Образни таниш. Образни таниш анализаторнинг сўнгги ва энг мураккаб вазифаси. Бу жараён образни характерлаш, уни организм олдин учратган ва таниш бўлган обьектларнинг қайси бир гуруҳига мансублигини аниқлашдан иборат. Бунга афферент сигналларни батафсил қайта ишлаш, уларнинг айрим белгиларини ажратиш ва бу белгиларни детектор нейронлар томонидан алоҳида таҳлил қилиш йўли билан эришилади.

Образни танишнинг моҳияти мияда таъсирловчининг моделини кўриш ва унга ўхшаш бошқа моделлардан фарқлашдир. Образни таниш орқали биз олдимиизда ким ёки нима турганини, кимнинг овозини эшиганимизни, қандай ҳид ёки таъм сезаётганимизни идрок этиш имкониятини беради.

3. Кўрув анализатори.

Кўрув сенсор тизими бошқа анализаторлар орасижа алоҳида ўрин тутади. Чунки бу тизим мияга келадиган ахборотларнинг 90 % ни етказади. Бундан ташқари, кўрув анализатори организмда фоторецепторларга эса бўлган ягона тизимдир. Атрофидаги нарсаларни қўришимизнинг сабаби шундаки, бирор бир манбадан уларга тушган нур қайтарилиб, кўзга тушади ва фоторецепторларга қўзгалишнинг ривожланишига сабаб бўлади. Кўрув образнинг шаклланиши акс эттирилган нурларни тўр пардага аниқ проёқциялашдан бошланади ва анализаторнинг пўстлок марказида кўрув доирасида қандай жисм борлиги тўғрисида хулоса қилиш билан тутайди. Чап ва ўнг, паст ва тепада бўлган ҳаракат қилувчи жисмларни қўриш учун кўзни турли томонларга ҳаракатлантирилади. Шунинг учун одам ва аксарият ҳайвонларнинг кўзи шарсимон шаклда бўлади.

Кўзнинг оптик тизими ва кўз аккомодацияси.

Шоҳ парда, гавҳар ва шишасимон тана кўзнинг оптик тизимини ташкил этади. Кўзнинг оптик тизими нарсаларнинг кичрайган ва тескари аниқ тасвирини тўр пардада ҳосил қиласди. Узоқдаги нарсаларга қаралганда кўз оптик тизимининг умумий нур синдириш қуввати 59 диоптрия чамасида, яқиндаги нарсаларга қаралганда 70,5 диоптриягача ошади. Бунинг сабаби, узоқдаги нарсадан нурлар кўзга параллел равишда тушади ва уларни тўр пардага фокуслаш учун қучли синдириш зарурияти бўлмайди. Яқин масофадаги жисмдан кўзга тарқоқ нурлар тушади. Уларни тўр пардага фокуслаш учун қучли синдириш керак. Бу гавҳарнинг қавариқлигини ошириш билан эришилади.

Кўзнинг тўр пардадан турли масофада бўлган нарсаларни равshan кўришга мослашуви аккомодация дейилади. Аккомодацияни таъминлайдиган киприксимон мускулларни кўзни ҳаракатлантирувчи нерв таркибидаги парасимпатик толалар иннервациялайди.

Ёш, соғлом кишининг узоқдан кўриш масофаси чексиз. Узоқдан нарсаларни кўз аккомодация механизмисиз равshan кўради. Тиник кўришнинг энг яқин нуқтаси кўздан 10 см масофада. Ундан яқин бўлган нарсани аккомодация механизми кучайтирилганда ҳам аниқ кўриб бўлмайди. Ёш улғайган сари кўзнинг аккомодация кучи камая боради.

Яқиндан ва узоқдан кўриш.

Кўзда нурлар синиши (рефракция)нинг иккита нуқсони (аномалия) учраб туради. Бу кўз соққасининг бўйлама ўқига боғлиқ. Соғлом кўзларда бўйлама ўқ 24,4 мм бўлса аномалларда, баъзан узун, баъзиларида эса қалтироқ бўлади. ўқи калта кўзга узоқдан тушган нурлар тур парданинг орқасида фокусланади. Бунинг учун кўз аккомодация механизмини ишга солмаса узоқдаги нарсаларни аниқ кўрмайди. Бу ҳолат гиперметропия дейилади. Гиперметропиклар яқин нарсаларни равshan кўриш учун, ўқиши учун икки томони қавариқ линзали кўзойнакдан фойдаланиши зарур.

Кўзнинг узун ўқи одатдагидан катта бўлса, узоқдан кўзга тушган нурлар тўр парда олдида, шишиасимон танада фокусланади. Тўр пардада эса узоқдаги нарсаларнинг хира акси пайдо бўлади. Бу нарса миопия ёки яқиндан кўриш дейилади. Бундай кўзли кишилар икки томони ботик линзали кўзойнақдан фойдаланишади.

Қорачик ва унинг рефлекси. Рангдор парда марказидаги нурларни кўз ичига ўтказувчи тешик қорачик дейилади. Қорачик нурларни ўтказади ва тўр пардада равshan таъсир пайдо бўлишини таъминлайди.

Рангдор пардада қорачик катталигини ўзгартирадиган мускуллар бор. Шулардан бири қорачикнинг халқа мускули бўлиб у қисқарганда қорачик тораяди. Иккинчи мускул радиал йўлишда бўлиб, у қорачикни кенгайтиради.

Биринчи мускулларни парасимпатик нерв, иккинчиси симпатик нерв тизими иннервация қиласи.

Тўр парда. Кўзнинг ички пардаси тўр парда бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Бу ҳақда анатомия фанидан сизларга маълум. Ташқи қавати пигмент ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралардаги фусцин пигменти қора ранги бўлганидан кўз ичига тушган нурларни қайтармайди, кўриш равshan бўлишини таъминлайди.

Тўр парданинг иккинчи қаватида фоторецептор ҳужайралар–колбачалар ва таёқчалар жойлашган. Одамнинг кўзида 125 млн таёқча ва 6-7 млн колбачалар бор. Тўр парданинг марказий чуқурчасида фақат колбачалар, чет қисмларида эса таёқчалар жойлашган.

Таёқчалар гира-шира (кечқурун) нурларни қабул қилишга мослашган рецепторлардир. Уларнинг фаолияти шикастланса, одам гира-ширада мутлақо кўрмайди, кундузи эса кўриш қобилияти тўла сақланади. Бу шабкурлик А витамини етишмаганда ривожланади. Колбачалар юқори ёруғликда фаоллик кўрсатиб, ранг кўришни таминалайди.

Таёқчалар ва колбачаларнинг турли функцияларини исботловчи далиллар кўп. Масалан, тунда фаол ҳаёт кечиравчи ҳайвонлар (бойқуш)нинг тўр пардасида деярли ёлғиз таёқчалар учраса, кундузи фаол ҳайвонлар (товақ, калтакесак тошбака)да фақат колбачалар мавжуд.

4. Эшитув анализатори.

Эшитув анализатори товушга боғлиқ физиологик функцияни бажаради. Одам эшитув аъзосининг хоссаларини ҳисобга олиб уч хил тебранишларнишларни: частотаси 20 Гц дан кам бўлган, одам қулоғи эшитмайдиган инфратовушларга, частотаси 20-20000 Гц бўлган одамнинг қулоғи эшита оладиган тебранишларга, частота 2000 Гц дан юқори ва эшитиб бўлмайдиган ультратовушларга бўлинади.

Ташқи қулоқ. Товуш эшитув ташқи қулоқ орқали киради. Ташқи қулоқ қулоқ супраси ва ташқи эшитув йўлидан иборат. Ташқи қулоқнинг шакли товушларни қабул қилиш ва товуш йўналишини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Ўрта қулоқ. ўрта қулоқни бир-бири билан боғланган учта эшитув суюкчалари – болғача, сандон ва ўзанги ташкил этади. Товуш тўлқинлари нофора пардадан

ўрта қулоқ сүякчалари ҳаракати туфайли ички қулоққа ўтади, ўрта қулоқ Евстахий найи ва оғиз бўшлиғи орқали ташки атмосфера билан боғланади.

Ички қулоқ. Ички қулоқ чакка сүякнинг пирамидаси жойлашган. Уни тузилишига кўра чиганоқ ҳам деб аташ мумкин. Уни Рейснер ва асосий мембраналар учга бўлади; булар: ногора, ўрта ва вестибуляр каналлардир.

Ўрта нарвон (канал)нинг асосий мембранасида эшитув рецепторларига эга бўлган кортий аъзоси жойлашган. Кортий аъзонинг асос қисмида жойлашган рецептор хужайраларни юқори частотали тебранишлар кўзгатади.

Товуш тўлқинлари энергияси ўзанги орқали вестибуляр нарвондаги перилимфага узутилади. Овал дарча соҳаси ҳосил бўлган босим тўлқини чиганоқнинг бошидан охиригача бўлган 3,5 см масофани 20 мс да босиб ўтади.

Турли рецептор хужайраларни бир томондан базад мембрана, иккинчи томондан текториал мембрана сиқиб туради. Базал мембраннынг ҳаракати ҳужайра тукларини текториал мембранасига тегиб, эгилишга олиб келади. Натижада бу хужайралар билан боғланган эшитув нерви толаларида импульслар ҳосил бўлади.

Вестибуляр анализатор.

Одам танасининг ҳолатини сезишда вестибуляр анализатор катта аҳамиятга эга. Бу сенсор тизим тана ҳаракатининг тезлашиши ва секинлашиши бошнинг фазодаги ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар асосида склет мускуллари тонусининг қайта тақсимланишини таъминлаб, мувозанат сақлаш имкониятини таъминлайди. Вестибуляр тизим лабиринт суюқдан иборат бўлиб, учта яrim доира каналлардан, утикулюс, саккулюс ва чиганоқдан ташкил топган.

Утикулюс макуласи гравитация майдонига нисбатан тана ҳолатлари ўзгаришини сезади. Саккулюс макуласии унга ёрдам беради ва шунингдек вибрацияни (тебронинг) сезади. Тукли хужайралардан импульсларни МНТ га ўтказувчи аксонлар вестибуляр нервни (7 жувт нерв) ҳосил қиласди. Бу нерв узунчоқ миядаги вестибуляр ядроларда тугайди. Вестибуляр ядролар кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядроси, мияча, тўрсимон формация, гипоталамус, таламус орқали мия пўстлоги билан боғланган.

Вестибуляр тизимининг шикастланиши оқибати мувозанат бузилиши кўнгил айниши қусиши ҳоллари кузатилади.

Проприорецепция. Мувозанатни сақлаш ва катларни бошқаришда вестибуляр тизимдан ташқари чуқур сезирлик ёки проприорецепциянинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Маълумки, ақл-хуши жойида бўлган одам ҳар зумда оёқ-қўллариниг бирбирига нисбатан қайси ҳолда турганини яхши сезади, бўғинларнинг қайси йўналишда ҳаракат қилганини аниқ билади. Ҳар бир ҳаракатга бўлган қаршиликни ҳам даров фаҳмлайди. Бу қобилиятларнинг ҳаммаси проприорецепция дейилади, чунки булар барчаси проприорецепторлар туфайли, уларда юзага келган рағбатлар туфайли рўёбга чиқади. Шунга асосан танада ҳолатни сезиш, ҳаракатни сезиш, кучини сезиш каби функциялар амалга ошади.

5. Терморецепторлар ва уларнинг адаптацияси.

Терморецепторлар икки гурухга: совуқни ва иссиқни сезувчи рецепторларга бўлинади. Терморецепторлар қуйидаги хоссаларга эга.

6. Тери ҳароратининг барқарор бўлиб туришида рецепторларнинг қузгалиш частотаси тери ҳароратига пропорционал бўлади;

7. Тери ҳарорати кўтарила ёки пасайса бу импульслар частотаси ҳам кўпаяди ёки пасаяди.

8. Ҳарорат ўзгаришидан бошқа нарсаларга сезгир эмас.

9. Рецептор сезгирилиги терида ҳарорат ўзгаришини сезиш бўсағасига яқин.

10. Терморецепцияни таъминловчи афферент толалар якка ёки жуда кичик гурухдаги рецепторларга боғлик. Бу толалардан импульсларнинг ўтиш тезлиги 20 м/с дан кам.

Совуқни сезувчи рецепторлар сони иссиқни сезувчи рецепторлар сонидан анча кам. Қўл кафтининг 1 см^2 да 1-5 та совуқ нуқта бўлса, иссиқ нуқталар сони 0,4. Одам терисидаги совуқни сезувчи рецепторларнинг умумий сони 250000, иссиқни сезувчи рецепторлар сони 30000 атрофида.

Терига иссиқ жисм тегса, у олдин бир зум совуқни, кейин эса иссиқни сезади. Бу шундан далолатки, совуқни ва иссиқни сезувчи бундай рецепторларнинг терида турли чуқурлиқда жойлаганидир. Бинобарин совуқни сезувчи рецепторлар тери юзасидан 0,17 мм, иссиқни сезувчи рецепторлар 0,3 чуқурлиқда жойлашган.

Тажрибадан маълумки, иссиқ ваннага тушган одам олдин яққол иссиқни сезади, аммо тезда бу сезги сўнади. Иссик кунда совуқ сувга сезилади, бир оз вақт ўтгач, сувнинг совуқлиги сезилмай қолади. Демак ҳароратни сезишда ҳам тўлиқ адаптация яъни мослашиш рўй берилди.

6. Оғриқ рецепторлари.

Оғриқ рецепторларнинг бошқа рецепторлардан асосий фарқи шундаки, уларнинг адекват таъсирловчиси йўқ. Оғриқни ўта кучли таъсиротларнинг ҳаммаси пайдо қилиши мумкин. Ҳаддан ташқари кучли таъсиротлар тўқималарни шикастлайди. Улар пайдо қилган оғриқ хавф-хатардан дарак бериб, ҳимоя рефлексларини вужудга келтиради, организмни шикастловчи омиллардан сақлайди. Оғриқни кучи ва хасталикнинг оғирлик даражаси ўртасида доим уйғунлик бўлмайди. Баъзан ички аъзолар каттиқ жароҳатланса ҳам оғриқ унча кучли бўлмайди, бошқа бир касал шикастланиш жиддий бўлмасада кучли оғриқни сезади. Оғриқнинг соматик ва висцерал турлари бор.

Оғриқни сезувчи рецепторлар тўғрисида ҳозирча ягона фикр йўқ. Айрим маълумотларга кўра оғриқни пайдо бўлиши учун катта гурухдаги рецепторлар қузгалиб, МНТ га айни бир вақтда кўплаб афферент толалардан синхрон импульслар ўтишининг натижаси, деган фикр бор.

Оғриқка қарши организмда маҳсус тизим ҳам бор. Бу унинг ўзида ишлаб чиқариладиган ички аналгетиклар-эндорфинлар ва энклефалинлар ҳисобланади.

7. Ҳид билиш рецепцияси.

Бу сенсор тизимнинг рецептори юқори бурун йўлида жойлашган. Улар бирламчи рецепторлар бўлиб, иккита ўсимтага эга. Ҳужайра танасининг тепа қисмида кипричалар билан тугайдиган дендрит ва қуий қисмидан бошланадиган аксондан иборат (расм).

Ҳидли моддаларнинг молекулари рецепторлар атрофига бурундан нафас олганда киради ва кипричалар мембраннынига таъсир қилиб, афферент толаларда импульслар пайдо қилади.

Ҳид билиш рецепторларнинг сезувчанлиги жуда юқори. Ҳидни пайқаш учун 40 га яқин рецептор ҳужайра қузғалиши керак.

Одам бир неча минг моддалар ҳидини ажратиш қобилиятига эга. Ҳидлар характеристига кўра гурухларга бўлинади.

Баъзи касалликлар бурун йўлидаги ҳид билиш соҳасини шикастлаб, сезгининг бузилишга олиб келади. аммо батамом йўқолмайди. Чунки одамнинг учлиқ тил, ҳалқум ва адашган нервларнинг бурун бўшлиғи ва ҳалқумдаги соҳалари иштирок этади.

8. Таъм билиш рецепцияси.

Таъм билиш рецепторлари оғизга кирган моддалар тўғрисида ахборот беради. Овқат ҳазмига боғлиқ бўлган кўпгина шартсиз рефлекслар вужудга келади.

Бу рецепторлар тил сўрғичларида, ҳалқумга юмшоқ танглайдага, ҳиқилдоқ усти тоғайида жойлашган. Таъм рецепторлари ҳар 10 кун ичидаги деярли бутунлай янгиланади.

Одам тўрт таъмни–ширин, нордон, аччиқ ва шўрни ажратади. Тил юзаси ҳам таъм сезувчанликда ҳар хил. Асоси аччиқ таъмга сезгир бўлса, бошқа таъмлар тилнинг учи ва ён бағирида жойлашган.

Очлик таъмга сезувчанлик нисбатан юқори. Бу маълум даражада химиявий аҳамиятга эга. Киши қариши сайин таъм сезиши пасайиб боради. Баъзи дорилар, масалан, кофеин ва тамаки шу сезувчанликни янада камайтиради.

Назорат саволлар:

10. Сенсор тизим таркиби ва аҳамияти нимадан иборат?
11. Анализатор (сенсор) лар тизимининг тузилишида қандай тамойиллар мавжуд?
12. Анализаторлар қандай операцияларни амалга оширади?
13. Кўзнинг оптик тизимини нималар ташкил этади?
14. Аккомодация нима?
15. Яқиндан ва узоқдан кўришнинг сабабини биласизми?
16. Қорачиқ рефлексларидан қайсиларни биласиз?
17. Тўр парда қандай функцияни бажаради?
18. Шабкурлик нима?
19. Ранг кўрлик нима?
20. Эшитув анализаторини тушунтиринг?

ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ:

1-амалий машғулот

Мавзу: Анатомия терминларидан фойдаланган ҳолда сүякларнинг жойлашиши ва тузилиши билан танишиш.

Дарс мақсади: Анатомия терминларидан фойдаланган ҳолда одам скелети сүякларнинг жойлашиши ва тузилиши билан танишиш.

Идентив ўқув мақсадлар.


1. Анатомия терминларидан фойдаланиб, сүякларнинг лотинча номларини айтиб бера олади.

Керакли жиҳозлар: Одам гавдасининг макети, сатҳлар тасвирланган таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Одам организмининг барча қисмларини, органларининг тузилишини, шаклини ўрганишда лотин ёки грек сўзларидан кенг фойдаланилади.

Анатомия терминлари биринчи марта 1894 йилда Швейцариянинг Базел шаҳрида бўлган анатомлар съездидаги қабул қилинган ва БНА (Базел анатомия терминлари) деб номланган. Лекин унда камчиликлар кўп бўлганлиги сабабли, 1955 йилда Париж анатомия терминлари қабул қилинган (ПНА).


1-os cranium, 2-columna vertebralis, 3-clavicula, 4-scapula, 5-costae, 6-humerus, 7-radius, 8-ulna, 9-carpus, 10-metacarpus, 11-digitii, 12,14,15-os coxae, 13-os sacrum, 16-femur, 17-patella, 18-tibia, 19-fibula, 20-tarsus, 21-metatarsus, 22-digitii.

Органларнинг организмдаги жойлашиб турган ўрнини ёки уларнинг алоҳида қисмларини органларга нисбатан ўрганишда кўпинча анатомияда мавжуд бўлган учта сатҳдан фойдаланилади:

Сагиттал сатҳ—одам танасининг олдиндан орқа томонга қаратиб бошидан охиригача вертикал (тикка) кесилиши натижасида ҳосил бўлади.

Фронтал (фронтис- пешона)—сатҳи сагиттал сатҳига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилиб ёки одам пешонасига параллел ҳолатда ўтказилган тақдирдагина вужудга келади.

Горизонтал сатҳи—фазога параллел ёки сагиттал билан фронтал сатҳларига тўғри бурчак ҳосил қилиб ўтказилганда ҳосил бўлади.

Тана қисмларини кўрсатишда юқоридаги сатҳлардан фойдаланган ҳолда қўйидаги терминлардан ҳам фойдаланилади:

Ўрталик- медиалис, ёнбош-латералис, олдингиси-антериор, юқорига яқин жойлашгани-вентрал, орқа томони-постериор, тана юқорисига яқинроқ жойлашган бўлса, юқори-супериор ёки краниал(усраниум- калла), тананинг

пастки томонида бўлса –инфириориус ёки каудал (сауда- дум), қўл ёки оёқларга нисбатан қуидаги терминларни қўллаш мумкин.

Қўл ёки оёқнинг танага яқин юқориги қисми–проксималис, танадан узокроқ қисми–дисталис, каттароқ–мажор, кичикроқ–минор, катта–магнус, кичик–парвус. Одам организмидаги баъзи бўшликларни ёки алоҳида органларнинг жойлашиш ўрнини аникроқ кўрсатиш мақсадида:

Сиртқи – эхстернус, ичкари –интернус, юзароқ – суперфисиалис, чуқуррок - профундус.

Одам скелети сужклари ҳам лотинча номлар билан аталади. Одам скелети 4 бўлимга бўлиб ўрганилади.

1. Бош скелети
2. Тана скелети
3. Қўл скелети
4. Оёқ скелети

Қуидаги расмдан сиз одам скелетининг тузилиши ва сужкларининг лотинча номлари билан танишишингиз мумкин.

Ишни бажариш тартиби:

1. Одам скелети ва сатҳлар акс эттирилган барча кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Бош скелети сужкларининг тузилишини ўрганиб чиқинг.
3. Тана скелети сужкларининг тузилишини ўрганиб чиқинг.
4. Қўл скелети сужкларининг тузилишини ўрганиб чиқинг.
5. Оёқ скелети сужкларининг тузилишини ўрганиб чиқинг.
6. Одам скелетини расм дафтарига чизиб олиб, сужкларининг илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Одам гавда скелети неча қисмга бўлинади?
2. Сужкларнинг вазифасини айтинг.
3. Сужкларни классификацияланг.
4. Одам скелетининг 4та бўлимига характеристика беринг.

Мавзу: Умуртқа погонаси ва кўкрак қафаси сужклари.

Дарс мақсади: Умуртқа погонаси ва кўкрак қафаси сужкларининг тузилиши тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.


Идентив ўқив мақсадлари:

1. Умуртқа погонаси қисимларини ва уларга киравчи сужкларни фарқлай олади.
2. Кўкрак қафасини ташкил етuvчи сужкларни ажратади ва уларнинг илмий номини айта олади.

Керакли жихоз ва препаратлар:
мавзуга доир таблицалар, суяк муляжлари.

Ишнинг мазмуни:

Одамнинг гавда скелети икки қисмдан иборат: умуртқа поғонаси ва кўқрак қафаси. **Умуртқа поғонаси(солумна вертебралис)** 33-34 умуртқанинг бирикишидан хосил бўлиб, бўйин умуртқалари-7та, кўқрак умуртқалари-12та, бел умуртқалари-5та, думгаза умуртқалари-5та, дум умуртқалари-4-5та суякларнинг бирикишидан хосил бўлган умуртқа поғонасининг узунлиги эркакларда 73-75 см, аёлларда 69-71 см бўлади. Умуртқа поғонаси организмнинг таянчи бўлибгина қолмай, балки умуртқа каналида жойлашган орқа мияни муҳофаза



Ko'krak umurtqasi:

1-yuqori va pastki bo'g'im o'siqlari, 2-4-qovurg'a cuqurchalari, 3-umurtqa tanasi, 5-umurtqa kesimtasi, 7-o'tkir qirrali o'siq, 8-ko'ndalang o'siq, 9-bo'g'im


қилади ва гавда билан калла харакатида фаол қатнашади.

Ҳар қайси умуртқада таянч вазифасини бажарадиган тана ва равоғи бўлади, умуртқа равоғи танага иккита оёқчаси орқали бирлашиб, умуртқа тешигини хосил қилади, барча умуртқа тешиклари бирга қўшилиб, умуртқа каналини хосил қилади, орқа мия ана шу каналда жойлашади. Умуртқа равоғининг ўрта қисмида орқа томонга битта ўтқир қиррали ўсиқ, иккала ёнбош қисмида биттадан

кўндаланг ўсиқ жойлашган. Умуртқа танаси билан бўғим ўсиқларининг ўрта қисмида юқориги ва пастки ўймалар жойлашган. Умуртқа поғонасида юқоридаги умуртқанинг пастки ўймаси пастки умуртқанинг юқори ўймаси билан бирлашиб, хар тарафда биттадан умуртқа оралиқ тешигини хосил қилади. Бу тешиклар орқали орқа мия нервлари ва қон томирлари ўтади.

Кўқрак умуртқалари(вертебрае тхорасисе)-12 та бўлиб, уларнинг икки ёнбошига ва кўндаланг ўсиқларига 12 жуфт қовурғанинг бошчалари ва бўйнидаги дўмбокчалар бўғим хосил қилиб қўшилади.

Бўйин умуртқалари(вертебрае сервисалес)-7 та бўлиб, 1-бўйин



14-chin qovurg'alar, 15-16,17-coxta qovurg'alar qovur g'alar, 7-to'sh suyagi dastasi, 5-xanjarsim ko'krak murtqalari, 1-ko'krak qafasining yuqori suyagi, 2-qovurg'a osti burchagi, 3-ko'krak qafa teshigi, 4-qovurg'a ravog'i

умуртқаси-атлант(атлас)- танаси такомил этиш даврида 2- умуртқага ўтиб, тишсимон ўсиқ хосил қилади. Натижада унинг танаси ўрнида олдинги равоғи

вужудга келиб умуртқа тешиги эса кенгайган. Орқа равоғида ўткир қиррали ўсиқ қолдиғи дўмбоқ пайдо бўлган. 2-бўйин умуртқаси (ахис)-да тишсимон ўсиқ бўлиб, у биринчи умуртқа арвоғи билан бирлашиб туриши калланинг хар томонга бурилишига имкон туғдиради. Колган 5таси бошқа умуртқалар каби тузилган.

Бел умуртқалари(вертебрае лумбалес)-5та энг йирик бўлиб, тешиги катта ва учбурууак шаклда, кўндаланг ўсиғи ўткир қиррали орқага қараган бўлади.

Думғаза умуртқалари(вертебрае сасралес)-5та бўлиб, одам 17-25 ёшларга борганда битта думғаза суюгини хосил қиласди.

Дум умуртқалари(вертебрае соссигае)-4-5та бўлиб,rudiment аъзо хисобланади.

Кўкрак умуртқалари 12 жуфт қовурғалар билан биргаликда кўкрак қафасини хосил қиласди. Кўкрак қафасида тепа ва пастки тешиклар бўлиб, тепа тешик кичикроқ, олдиндан тўш суюги дастаси, икки ёндан 1-қовурға ва орқа томондан 1- кўкрак умуртқа билан чегараланади, бу тешик орқали кекирдак. қизилўнгач, қон томирлар ва нервлар ўтади. Пастки тешик каттароқ бўлиб, уни орқадан 12 кўкрак умуртқаси икки ёнидан 12 жуфт қовурға ва олдиндан тўш суюгининг ўсиғи чегаралаб туради. Бу тешик қорин бўшлиғидан диафрагма орқали ажралиб туради.

Тўш суюги(стернум)-3та қисм: даста, тана, ханжарсимон ўсиқдан иборат бўлади. Дастанинг икки ёнбошидаги жуфт ўймалар ўмров суюгининг тўш суюгига қараган учи ва 1-қовурға тоғайи билан қўшилиш учун хизмат қиласди. Даста билан танаси оралиғида 2-7 қовурға тоғайлари учун ўйма бор.

Қовурғалар(состае)-12 жуфт ингичка ёйлардан иборат бўлиб, орқа томондан кўкрак умуртқалари танасига ёпишиб туради. Қовурғанинг орқа қисми суюқ ва олдинги қисим тоғайдан тузилган. Юқоридаги 1-7 қовурғалар бевосита тўш суюгига бирикади ва чин қовурғалар дейилади. 8-9-10-қовурғалар ўзидан юқориги қовурға тоғайига туташади ва ёлғон қовурғалар дейилади, 11-12-қовурғалар қорин мускуллари орасида эркин жойлашганлиги учун етим қовурғалар дейилади. Қовурғаларнинг олдинги, орқа ва тана қисмлари бор. Қовурғаларнинг узунлиги 1-қовурғадан 7-қовурғагача ортиб бориб, 8-қовурғадан охирги қовурғагача қисқариб камаяди.

Ишни бажариш тартиби:

1. Умуртқа поғонаси ва кўкрак қафаси акс эттирилган барча кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Умуртқа поғонасига киравчи умуртқа суюкларнинг тузилишини алоҳида ўрганиб чиқинг ва улар ўртасидаги фарқни аниқланг.
3. Кўкрак қафасига киравчи суюкларнинг тўзилиши ни алоҳида ўрганиб чиқинг ва улар ўртасидаги фарқни аниқланг.
4. Кўкрак қафаси суюкларига киравчи қовурғалар, тўш суюги ва умуртқа поғонасига киравчи кўкрак қисим суюклари ва уларнинг илмий номларини ёд олинг.
5. Барча ўрганилган суюкларни расм дафтарига чизиб олиб, асосий қисмларнинг илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:


1. Одам гавда скелети неча қисмга бўлинади?
2. Суякларнинг вазифасини айтинг.
3. Умуртқа поғонаси қайси қисмларга ажратилади?
4. Умуртқа қандай тузилан?
5. Тўш суюгининг тузилишини айтинг.
6. Кўкрак қафаси қандай тузилган?

Мавзу: Кўл скелети суяклари.

Дарс мақсади: Талабаларни елка камари ва қўлнинг эркин суяклари тузилиши билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

Елка камари ва қўлнинг эркин суякларини бир-биридан ажратади.



Елка камари ва қўлнинг эркин суякларининг илмий номини ёддан айта олади.

Керакли жихозлар: Елка камари ва қўлнинг эркин суякларига доир расмлар, муляжлар ва рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Кўл скелети йелка камари-ўмров ва курак суюкларидан иборат. **Кўл суюклари** йелка суюги, билак, тирсак ва қўл панжаси скелетидан иборат.


Ўмров (слависула)-қўлни танага бирлаштириб турадиган, бир учи тўш суюгига, иккинчи учи куракдаги елка ўсиғига бирлашиб турадиган суюк.

Курак(ссапула)-суюги

ялпок, учбурчак шаклда, кўкрак қафасининг орқа томонида 2-7 ўмровурғанинг ташки соҳасида жойлашган. Куракнинг учта чеккаси бор: умуртқа



1, 2-suyak uchlari, 3-suyak g'dur-buduri



поғонасига қараган медиал чеккаси, Қўлтиққа қараган латерал, юқориги калта чеккаси. куракнинг учта бурчаги бор. Пастга қараган бурчак, юқоридаги медиал бурчак, юқоридаги латерал бурчак. Юқоридаги латерал бурчакка елка суюгининг бошчаси бўғим хосил қилиб бирикади. Куракнинг олд юзаси ботиқроқ бўлиб, ундан курак ости мускули бошланади. Орқа юзаси баланд қирра билан иккита қисмга бўлинган ва елка ўсиғи билан тугайди. Ана шу ўsicк ўмров билан бўғим хосил қилиб бирикади.

Тирсак суюги (улна)нинг юқори, ёғон учидаги елка суюгининг ғалтаги билан кўшиладиган бўғим юзаси бўлиб, олдида тоҳ ўсиғи ва орқадан тирсак ўсиғи билан чегараланган. тоҳ ўсиғининг латерал томонида ботиқ юза бор, пастида олд томонидатирсак ғадир-будири бўлади. Тирсак суюгининг пастки учидаги юмалоқ тирсак боши билан тугайди, унинг медиал чеккасидан бигизсимон ўсиқ чиқиб туради. Унинг ёнида билак суюги бўғими билан бирлапталигдан лоипа бўғим юзаси бор.

Билак суюги (радиус)нинг проксимал томондан елка суюгининг бошчаси ботиқ жойлашади. Билак суюгининг бошчаси ана шайланадиган бўғим юзаситирсак суюгининг бўғим қиласи. Пастки учидаги ёғонлашган бўлиб, таш томондаги ботиқ бўғим юзаси тирсак с кўшилади. Билак суюги пастки томони кафт суюклари билан бўғим хосил қилиб кўшилади.

Қўл панжаси скелети (осса манус) кафт усти, кафт ва бармоқ суюкларига ажратилади.

Кафт усти суюклари (осса сарпи)-8та майдада суюклардан иборат бўлиб, 4тадан икки қатор бўлиб жойлашади. Булардан биринчи қатори: қайиқсимон суюк, яримойсимон суюк, уч қиррали суюк ва нўхацимон суюклардан иборат. Шулардан биринчи учтаси ўзаро бирлашиб, бўғим юзасини хосил қилиб, билак суюгининг бўғими билан бирлашади. Иккинчи қатори: трапеция шаклидаги суюк, трапециясимон суюк, бошчали суюк ва илмоқли суюкдан иборат.

Кафт суюклари (осса метасарпалиа) 5та калта найсимон суюқдан тузилган бўлиб, хар бирида суюк туби, танаси, бошчаси фарқланади. Кафт суюклари учидаги бўғим юзаси ясси бўлиб, иккинчи қатордаги суюклар билан кўшилади, ёнбош юзалари эса ўзаро бир-бири билан бўғим хосил қилиб бирлашади. Кафт суюкарининг бошчасидаги шарсимон бўғим юзалари 1- бармоқ фаланга суюклари билан бўғим хосил қиласи.

Бармоқ суюклари (пҳалангес) бош бармоқда 2та, қолганларида 3тадан фаланга суюклари бўлиб, проксимал, медиал ва дистал суюкларга фарқланади.

Ишни бажариш тартиби:

1.Елка камари ва қўлнинг эркин суюклари акс эттирилган барча кўргазмали куроллар билан танишиб чиқинг.

2.Уларнинг бирикиш усулига эътибор беринг.

3.Елка камари ва қўлнинг эркин суюкларини ташқил этувчи барча суюкларнинг илмий номини ёд олинг.

4.Елка камари ва қўлнинг эркин суюкларига кирувчи барча суюкларни алоҳида ва бириккан ҳолда расм дафтaringизга чизинг.

Назорат саволлари:

1.Қўл скелети қайси суюклардан тузилган?

2.Елка камари суюкларига тавсиф беринг.

3.Қўлнинг эркин суюкларига характеристика беринг.

4.Курак ва ўмров сугаги тўғрисида нималар биласиз?

5.Елка сугининг тузилишини айтинг.

6.Тирсак ва билак сугаги қандай тузилган?

Мавзу: Оёқ скелети суюклари.

Дарс мақсади: Талабаларга оёқ камари ва оёқнинг эркин суюклари хақида тўлиқ маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1 Оёқ камари ва оёқнинг эркин суюкларини бир-биридан ажратади.


2.Оёқ камари ва оёқнинг эркин суюкларини илмий номини ёддан айта олади.

Керакли жиҳозлар: Оёқ камари ва оёқнинг эркин суюклари акс эттирилган расмлар,,муляжлар ва рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:


Оёқ скелети икки қисмга :оёқ камари ва оёқнинг эркин суюкларига бўлинади.**Оёқ камари суюкларига:**чаноқ сугаги, ёнбош сугаги, қов сугаги, қўймич сугаги киради.

Чаноқ суяги (ос соҳае) 2та ялпоқ суяқдан иборат бўлиб, одамнинг юришида гавда оғирлигини оёкка ўтказади ва чаноқ бўшлиғидаги аъзоларни ташки мухитдан химоя қиласади. Ўрта ёшдаги одам чаноқ суякларида 3та айрим суяклар фарқланади. 14-16 ёшгача алохидан бўлиб, ўзаро тоғай пластинкалар воситасида



Chanoq suyagi

1-yonbosh bel boylami, 2-umurtqa pog'onasining oldingi uzun boylami, 3-yonbosh boylami, 4-bel umurtqasi, 5-katta utirg'ich teshik, 6-dumg'aza kўп usiq boylami, 7-dumg'aza dumboq boylami, 8-kichik utirg'ich teshik, 9-dum suyaklari, 10-tepalik, 11-oldingi utkir usiq, 12-yuqorgi utkir usiq, 13-yonbosh suyagi.




Son suyagi.

A-old tomondan ko'rinishi, 1-son suyagining boshi, 2-bo'yin, 3,5-katta va kichik ko'stlar, 4-ko'st oralig'dagi chiziq, 6-suyak tanasi, 7,8-g'dir-budur tepacha, B-Orqa tomondan ko'rinishi, 1-ko'st chuqurchasi, 2-ko'stlar oralig'dagi qirra, 3-g'adir-budur yuza, 4,5-labsimon qirra, 6-taqim osti maydonchsi, 7-o'siqlar oralig'idagi chuqurcha

Ёнбош суяги(ос илиум) пасти ё`ғонроқ, танаси қўймич косаси тузилишида қатнашади. Ёнбош суягининг қирраси олд томонда устки ва пастки ўткир ўсиқ билан, орқа томони юқориги ва пастки ўсиқ билан тугайди. Ёнбош суяқ қанотининг ички юзаси силлиқ ва ботик бўлиб, ёнбош чуқурчаси дейилади.

Қов суюги(ос пубис)калта ва кенг қисми бўлиб, қуймич косасининг олдинги



Boldir suyaklari


A-katta bolder suyagi, B-kichik bolder suyagi, 1-do'mboqcha tepaligi, 2,10-lateral va medal do'nglar, 3-suyak g'dir-budiri, 4-katta bolder suyak tanasi, 5-kichik bolder suyak tanasi, 6-oldingi qirra, 7-ichki to'pik, 8-tashqi to'pik, 9-kichik bolder suyagining

иккита бутоқлари бурчак хосил қилиб, ўзаро бирлашади ва ана шу бурчакнинг чекка юзасида овал шаклидаги бўғим юза орқали қов суюклари бирлашиб туради.

Қуймич суюги(ос исчи) қуймич косаларини хосил қилишда қатнашадиган қисми, танаси ва юқориги бутоғи бор. Бу бутоғипастга қов суюгининг пастки бутоғи билан бирлашган бўади. Қуймич суюгининг иккала бутоқлари бирашиб, қуймич дўмбоғини хосил қиласди. Қуймич суюгининг орқа томонида ўткир учли ўсиқ билан қуймич дўмбоғи орасида кичкина ўймажойлашган. Қуймич билан қов суюклари ўзаро қўшилиб, ёпқич тешикни хосил қиласди.

Оёқнинг эркин суюкларидан: Сон суюги(фемур) узун найсимон суяк бўлиб, епифизлари, танаси бор. Юқори учидаги шарсимон бошчаси бўлиб, пастиди чуқурча бўлади. Сон суюгининг бўйни танасига 1300 ўтмас бурчак хосил қилиб қўшилган. Суюкнинг танаси олдинга қараб бироз букилган уч қиррали думалоқ шаклда, орқасида 2 та лабсимон ғадир-будир қирра бўлади. Сон суюгининг пастки ёғонлашган учи орқага қараб бурилган 2та мускул ёпишадиган ўсиқ билан тугайди. Иккала ўсиқнинг олдинги томонида тизза қопқоғи бўлади. Ичкари ва ташқари ўсиқларнинг оралигида чуқурча бўлади.

Тизза қопқоғи(пателла) 4 бошлисон мускули пайининг орасида жойлашган энг катта сесамасимон суяк. Олд юзаси ғадир-будир, орқаси-силлиқ бўғим юзаси сон суюги билан бўғим хосил қиласди.



Oyoq panjasining skeleti

1-tovon suyagi, 2-oshiq suyak, 3-kubsimon suyak, 4-qayiqsimon suyak, 5,6,7-ponasimon suyaklar, 8,9,10,11-falangalar

бўлагини ташкил қиласди. Қовуқ суюгининг

бўяди. Қовуқ суюгининг иккита бутоқлари бирлашиб туради.

Куймич суюги(ос исчи) қуймич косаларини хосил қилишда қатнашадиган қисми, танаси ва юқориги бутоғи бор. Бу бутоғипастга қов суюгининг пастки бутоғи билан бирлашган бўяди. Қуймич суюгининг иккала бутоқлари бирашиб, қуймич дўмбоғини хосил қиласди. Қуймич суюгининг орқа томонида ўткир учли ўсиқ билан қуймич дўмбоғи орасида кичкина ўймажойлашган. Қуймич билан қов суюклари ўзаро қўшилиб, ёпқич тешикни хосил қиласди.

Оёқнинг эркин суюкларидан: Сон суюги(фемур) узун найсимон суяк бўлиб, епифизлари, танаси бор. Юқори учидаги шарсимон бошчаси бўлиб, пастиди чуқурча бўлади. Сон суюгининг бўйни танасига 1300 ўтмас бурчак хосил қилиб қўшилган. Суюкнинг танаси олдинга қараб бироз букилган уч қиррали думалоқ шаклда, орқасида 2 та лабсимон ғадир-будир қирра бўлади. Сон суюгининг пастки ёғонлашган учи орқага қараб бурилган 2та мускул ёпишадиган ўсиқ билан тугайди. Иккала ўсиқнинг олдинги томонида тизза қопқоғи бўлади. Ичкари ва ташқари ўсиқларнинг оралигида чуқурча бўлади.

Тизза қопқоғи(пателла) 4 бошлисон мускули пайининг орасида жойлашган энг катта сесамасимон суяк. Олд юзаси ғадир-будир, орқаси-силлиқ бўғим юзаси сон суюги билан бўғим хосил қиласди.

Болдир сүяклари- **кatta болдир сүяги(тибиа)** юқори учида 2та дўнг бор, улар юқорисидаботик юза бўлади. Ана шу бўғим юзалар иккита дўмбоқдан тузилган тепача воситасида 1-1идан ажралиб туради. Сүякнинг танаси уч қиррали бўлиб, олдинда тери остидан ўткир қирра кўриниб туради. Кичик болдир сүяги томонида сүяклараро бойлам ёпишади. Медиал томонда тўмтоқ қирраси бор. Катта болдир сүягининг пастки учи тўртбурчак шаклда бўлиб, ўрта томонидан пастга-ички тўпиқ чиқади. Пастки учида оёқ панжа сүяклари билан бўғим хосил қиласидиган бўғим юзаси бор. Ёнбош томонида кичик олдир сүяги жойлашадигант ўймани кўриш мумкин.

Кичик болдир сүяги(фибула) жуда ингичка ва икки учи ё`ғон бўлиб, юқори учи сүяк боши бўлиб, катта болдир сүякнинг латерал дўнги билан бўғим хосил қиласидиган юзаси бор. Сүяк танаси ўз ўқи атрофига бироз буралиб, уч қиррали, пастки учи ё`ғонлашиб, ташқи тўпиқни хосил қиласиди.

Оёқ панжаси скелети(осса педис) кафт олди қисми, оёқ кафти ва оёқ бармоқларидан тузилган. Кафт олди қисми 7 та калта ғовак сүяклардан иборат бўлиб, икки қатор бўлиб жойлашган. 1) орқа қатор 2та (ошиқ ва товоң) сүяқдан иборат. 2) олдинги, қайиқсимон сүяк, учки қатор-3та понасимон ва кубсимон сүяклардан тузилган. Оёқ панжаси таянч нуқтасини бажаришга ва гавда оғирлигини кўтаришга мослашган ва гавда оғирлигини кўтариб юришга мослашган. Ошиқ сүяк эса товоң сүягининг устида жойлашган бўлиб, юқорида болдир сүяклари билан олдинги томонда қайиқсимон сүяк билан бўғим хосил қилиб бирлашади. Оёқ панжа сүяклари аста-секин катталашган ва оёқ гумбази хосил қилиб ўзаро қўшилиб жойлашган.

Оёқ кафти(метатарсус) 5та оёқ кафти сүякларидан ташкил топган. Улар катта-киччик бўлиб, учи, танаси, бошчаси бўлади.

Оёқ бармоқлари-фаланга сүяклари қўйл бармоқ сүяклари сингари тузилган.

Ишни бажариш тартиби.

1. Оёқ камари ва оёқнинг эркин сүяклари акс эттирилган барча кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.

2. Сүякларнинг бирикиш усулига эътибор беринг ва қандай буғимлар хосил килишини аникланг.

3. Оёқ камари ва оёқнинг эркин сүякларини ташқил этиуда барча сүякларнинг илмий номини ёд олинг.

5. Оёқ камари ва оёқнинг эркин сүякларига кирувчи барча сүякларини алоҳида ва бириккан холда расм дафтарига чизинг.

Назорат саволлари:

1. Оёқ скелети қайси сүяклардан тузилган?
2. Оёқ камари сүякларига тавсиф беринг.
3. Оёқнинг эркин сүякларига характеристика беринг.
4. Чаноқ сүяги қайси сүяклардан тузилган?
5. Сон сүягининг тузилишини айтинг.
6. Болдир сүяклари қандай тузилган?

7.Оёқ панжаси скелети қайси қисмларга бўлинади?

Мавзу: Бош скелети.

Дарс мақсади: Талабаларга бош скелети ва унинг таркибига кирувчи сужклар хақида тўлиқ маълумот бериш.


Идентив ўқув мақсадлари

1. Бош склетига кирувчи барча сужкларни бир-биридан ажратади.

2. Бош склетига кирувчи барча сужкларнинг илмий номини ёддан айта олади


Керакли жиҳозлар: Бош скелетига доир расмлар, муляжлар ва рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:



Ensa suyagi:A.1-ensa teshigi,2-asosi,3,4-yon qismlari,5,6,7,8-qirralari. B.1-ensa do'mbog'i,2,5-g'adir-budirlilik,3-bo'g'im yuzasi,4-ensa teshigi.

в олдинги омонда понасимон сужкка, тепа ва чакка сужкларга бирлашган. Энса




G'alvir suyak.1-perpendikulyar plastinka,2, 7- g'alvirsimon plastinka,3-suyak kataklari,4- burunning yuqori yo'li,5-yuqori burun chig'anog'i,6-o'rta burun chig'anog'i.

Бош скелети мия кутиси ва юз қисми сужкларига бўлиб ўрганилади. **Калла сужгининг мия бўлими** энса сужги, пешона сужги, тепа сужклари, понасимон ёки асосий сужк, ғалвир сужк ва чакка сужклардан тузилган. Тепа сужги билан чакка сужклари бир жуфт бўлиб, бошқалари тоқ.

Энса сужги(ос осипитале)қисман калла қопқофининг орқа ва пастки томонини ва унинг асосини ташкил қилишда қатнашади

сугаг катта тешик орқали умуртқа каналига қўшилиб туради. Энса сужги палласининг ташки томони қавариқ, ички юзаси ботиқ бўлиб эгилган сербар пластинка-палладан иборат. Ташки юзаси марказида ташки энса дўмбоги бўлиб, унинг иккала томонида ғадир-бутир чизик бор. Пастда энсанинг ташки қирраси жойлашган. Катта энса тешигининг икки ёнбошидаги дўмбокчалар орқали 1-бўйин умуртқасининг юқори бўғим юзасига қўшилади.



Ponasimon suyak.1-kichik qanotlar,2-katta qanotlar,3-ko'z kosasi yuzasi,4-chakka yuzasi,5-suyak kovagi,6,7,8-qanotsimon o'siqlar.

Понасимон суяк(ос сфеноидале) жуда мураккаб тузилган, калла сугарининг асоси ўртасида жойлашади. Унинг катта ва кичик қанотлари учайтган кўршапалак шаклига ўхшаган бўлиб, суяк танасига бирлашади. Унинг калла бўшлиғига қараган юқори юзасининг ўрта қисмида—турк эгарчаси туви бўлиб, унда гипофиз жойлашади. Егарчанинг

олд томонида дўмбоқча-кўриш нервлар кесишмаси жойлашган эгатча бор. Понасимон сукнинг икки ёнбошида уйқу артерияси жойлашадиган эгатча бор. Бу суяк танаси орқали энса суяги билан бирлашади.

Чакка суяги(ос темпорале) бир жуфт бўлиб, эшитув ва мувозанат сақлаш аъзоларини сақлаб туради. 4 қисмдан иборат бўлиб: палла, ноғора, пирамида, ва сўргичсимон қисмлардан иборат. Палла қисми ташки юзаси силлиқ бўлиб, ёноқ суяги билан бирлашади. Пастроқда пастки жағ билан бўғим тузадиган чукурча бўлади. Ноғора қисми ташки эшитув ё`лининг олдинги пастки орқа томонидан чегаралаб туради. Тошсимон қисми(пирамида) эшитув ва мувозанатни сақлаш аъзолари жойлашган. Сўргичсимон қисми ташки эшитув ё`ли орқасида туради.

Тепа суяги(ос париетале) 1 жуфт бўлиб, калла қопқоғининг ўрта қисмини ташкил этади. Бош мияни механик таъсирлардан сақлайди. 4 қиррали, 4 бурчакли, сирти гумбазсимон бўртиб чиққан. Олддан пешона суяигига, орқадан чакка суяги билан тишлишиб бирикади.

Пешона суяги(ос фронтале) калла қопқоғининг олд қисимда бўлиб, сезги аъзолари билан узвий боғлиқ. Горизонтал бўлаги 1 жуфт кўз косаси ва бурун бўлагидан ташкил топган. Ташқари ва ичкари юзаси фарқланади. Латерал томонида ёноқ суяги билан бирлашадиган ўsicқ бор.

Ғалвир суяк(ос етҳмоидале)—бурун бўшлиғининг пешона суяги ўймасида жойлашган. У калла суяги тубини хосил қилишда қайнашади. Ғалвирсимон сукда кўплаб тешикчалар бўлиб, улардан бурун бўшлиғиги хидлаш нерви толалари ўтади. Пластинканинг қоқ ўртасида тожга ўхшаш ўsicқ бўлади.

Ишни бажариш тартиби.

1. Бош скелети ва унинг қисмлари акс эттирилган барча кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Бошнинг мия қисми сукларини алоҳида ўрганиб, улар ўртасидаги бирикишга эътибор беринг.
3. Бош скелетига кирувчи барча сукларнинг илмий номини ёддан айтинг.

4. Бош скелети сүякларини алоҳида ва бир-бири билан бириккан ҳолда расм дафтарига чизинг.

Назорат саволлари:

- 1.Бош скелети қайси қисмларга бўлинади?
- 2.Мия бўлими қайси сүяклардан иборат?
- 3.Энса сүяги қандай тузилган?
- 4.Тепа сүягининг тузилишини айтинг.
- 5.Пешона сүягининг тузилишини изохлаб беринг.
- 6.Чакка сүяги қандай тузилган?
- 7.Понасимон сүяк қаерда жойлашган?

6-амалий машғулот.

Мавзу: Калланинг юз бўлими сүяклари.

Дарс мақсади: Талабаларга бош склетининг юз бўлими таркибига кирувчи сүяклар ҳақида тўлиқ маълумот бериш.


Идентив ўқув мақсадлари

1. Бош склетининг юз қисмига кирувчи барча сүякларни бир-биридан ажратади.


Керакли жиҳозлар: Бош скелетига доир расмлар, муляжлар ва релеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Бош скелети мия қутиси ва юз қисми сүякларига бўлиб ўрганилади. **Калланинг юз бўлими** юқори ва пастки жағ, танглай,



Bosh skeleti. 1-peshona suyagi, 2-tepa suyagi, 3-k 4-chakka suyagi, 5-yonoq suyagi, 6-tishlar, 8-past burun bo'shlig', 10-burun suyagi.



Yuqorigi jag'. 1-peshona o'sig'i, 2,3-burun o'simtasi, 4,5-tepalar, 6-teshikchalar, 7-yonoq o'sig'i, 8,9-ko'z kosasining pastki teshigi va egati, 10-ko'z kosasi yuzasi, 11-ko'z yoshi egati.

бурун, пастки бурун чиганоги, димоғ, кўз ёши сүяги, ёноқ ва тил ости сүякларидан тузилган бўлиб, кўриш, хид билиш аъзолари жойлашган бўшлиқлар, бурун бўшлиғи ва оғиз бўшлиғи бошланиш қисмлари жойлашган.

Юқориги жағ(махилла)-бир жуфт бўлиб, кўз косаси, бурун ва оғиз бўшлиқларини хосил қилишда иштирок

этади. Юқориги жағнинг 4та ўсиғи бўлади:хаво сақланадиган Гаймор каваги бўлиб, бурун бўшлиғига очилади. Юзга қараган пастки томонида тиш илдизларидан пайдо бўлган тепачалар бор. Пешона ўсиғи орқасида кўз ёши суяги, пастки чиганоқлар билан бирга бурун-кўз ёши каналини хосил қиласди. Юқори жағнинг пешона ўсиғи пешона суягига қўшилади. Тишлар турадиган ўсиғида 8та тишнинг илдизи жойлашадиган катаклари бор.

Танглай суяги(ос палатинум)-бир жуфт бўлиб,кўз косаси, бурун бўшлиғи,офиз бўшлиғи ва қанот танглай бўшлиғининг хосил бўлишида қатнашади. Суякнинг горизонтал пластинкаси орқа томондан юқориги жағ нинг танглай ўсиғига бирлашиб, қаттиқ танглайнни хосил қиласди. Орқа тарафдаги чеккаси бироз букилиб, хоаналарнинг пастки чеккасини хосил қиласди. Унинг пастки юзасида катта танглай тешиги давом этади. Вертикал пластинкаси бурун бўшлиғининг ён деворини хосил қиласди.


Буруннинг пастки чиганоғи(насалис инфериор)-бир жуфт юпқа букилган пластинкадан иборат бўлиб, юқори чеккаси бурун бўшлиғининг ёнбошига ёпишиб туради.

Бурун суяги(ос насале)-бир жуфт бурун қиррасини хосил қилиб жойлашган.Тепа томондан пешона суягига ёпишиб, пастки қирраларибурун тоғайи билан туташади.

Кўз ёши суяги(ос лакримале)-бир жуфт бўлиб, калла суякларининг орасида энг юпқа ва мўрт бўлади. У юқориги жағнинг пешона ўсиғи орқа томонида жойлашиб, кўз косасини ўрта деворини хосил қиласди. Ён томонидаги қиррасида кўз ёши халтасининг чукурчаси бор.

Димоғ суяги(вомер)-нотўғри тўртбурчак шаклидаги тоқ суяк бўлиб,бурун тўсиғини хосил қилишда қатнашади. Олд чеккаси ғалвир суякнинг перпендикуляр пластинкаси билан тугайди.

Ёноқ суяги(зигоматикум)-енг қаттиқ суяк бўлиб, чайнов мускулининг бошланадиган сатхини хосил қиласди. Лунж ва кўзга қараган иккита пластинкадан иборат бўлиб,ўзаро кўз ости қирраси орқали қўшилади. Тўртта ўсиғи орқали пешона, чакка, юқориги жағ суяклари билан туташган.



Pastki jag'.1-bo'g'im yuzasi,2-toj o'siq,3-engak tepaligi,4-engak teshigi,5,6-g'adir budir chiziqlar,7-9-pastki jag' burchagi,8- pastki jag' bo'yni.

Пастки жағ суяги (мандибула) -чакка суякларига бир жуфт бўғим хосил қилиб қўшилган. Унда тишлар ўрнашганқисм-танаси ва иккита шохибўлиб, шу шохлар ёрдамида бўғим хосил қиласди ва чайнов мускуллари ёрдамида харакатланади.

Тил ости суяги (ос хёидеум) пастки жағ билан ҳиқилдоқ устида жойлашган. У тақа каби букилган бўлиб ўрта қисми. Танаси ва катта кичик икки жуфт шохи бор, улар танаси билан тоғай орқали бирлашади. Фақат 50 ёшдан кейингина суякланиб бирлашади.

Калла скелетининг юз қисмida тепа томонида пешона қисми бир жуфт кўз косаси ва уларнинг ўртасида, пастроқда жойлашган бурун бўшлиғининг ноқсимон шаклдаги тешигини кўрамиз. Бурун тешигининг латерал томонидан, юқори жағнинг олдинги юзасида тишлар жойлашадиган ўсиқ ва бу ўсиқда жойлашган тишлари кўринади.

Кўз косаси бир жуфт бўлиб, тўрт бурчакли пирамидага ўхшаш бўшлиқдан иборат. Пирамиданинг асоси оғзи олдинга, учи эса орқага ва медиал томонга қараб жойлашган. Кўз косасининг медиал, латерал, юқори ва пастки деворлари бор. Кўз косасининг медиал деворини юқори жағ суягининг усули, кўз ёши суяги, ғалвир суякнинг латерал пластинкаси, понасимон суяк танаси олдинги қисми ҳосил қиласди.

Бурун бўшлиғи юзнинг ўртасида жойлашган бўлиб, унинг юқорида калла бўшлиғи икки ёни кўз косалари ва юқори жағ суяги бўшлиқлари пастдан оғиз бўшлиғи ўраб туради.

Оғиз бўшлиғида калла скелетининг бошқа бўшлиқларига қараганда суяк деворлари камроқ бўлиб, юқори деворини қаттиқ танглай ҳосил қиласди.

Ишни бажариш тартиби.

1. Бош скелети ва унинг қисмлари акс эттирилган барча кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.

2. Бошнинг юз қисми суякларини алоҳида ўрганиб чиқинг.

3. Бош скелетига кирувчи юз суякларнинг илмий номини ёддан айтинг.

4. Бош скелети юз суякларини алоҳида ва бир-бири билан бириккан ҳолда расм дафтарига чизинг.

Назорат саволлари:

1.Бош скелети қайси қисмларга бўлинади?

2.Бошнинг юз қисмига қайси суяклар киради?

3.Юқориги жағ ва танглай суягининг тузилишини айтинг.

4.Бурун суяги ,димоғ суягининг тузилишини ўрганинг.

5.Пастки жағ ва тил ости суягининг тузилишини изохланг.

2-амалий машғулот.

Мавзу: Бош, юз, бўйин мускуллари.

Дарс мақсади: Бош, юз, бўйиннинг юза ҳамда чуқур мускуллари ҳақида талабаларга тўлиқ маълумот бериш.


Идентив ўқув мақсадлари:

Аортанинг кўкрак қисмидан чиқадиган arterиялар қизилўнгач, қовурғалараро ва бел arterиялари чиқиб, улар қизилўнгач, кўкрак қафаси ва қорин девори тўқималарини arterиал қон билан таъминлайди. Унинг **қорин қисмидан чиқадиган arterиялари** ошқозон, ичакларни, жигар, талок, буйраклар ва буйрак усти безларини arterиал қон билан таъминлайди. Аортанинг қорин қисмидан чиқадиган arterиялар тўғри ичак, сийдик халтаси, сон, болдири, оёқ, товон ва панжа териси, мускуллари, суюкларни arterиал қон билан таъминлайди. Аортадан чиқадиган йирик arterия қон томирлари ўз навбатида ўртача, майда томирларга, улар капиллярларга бўлинади. Капиллярлар одам сочидан 50 марта ингичка бўлади. Одам танасида **100-160 млрд капилляр** бор. Тўқималардаги ва хужайралардаги моддалар алмашинуви ана шу капиллярлар орқали узлуксиз давом этиб туради. Капиллярлардаги arterия қонининг таркибидаги озиқ моддалар, гормонлар, кислород хужайраларга ўтади. Хужайраларда моддалар алмашинувидан хосил бўлган қолдиқ моддалар ва карбонат ангидрид вена капилляр қон томирларига ўтади. Булар ўз навбатида бир-бирига қўшилиб, аввал кичик, сўнг, ўрта ва йирик вена қон томирларини хосил қиласи. Бош, бўйин, кўкрак, қўл каби органларнинг вена томирлари қўшилиб, юқориги ковак венани хосил қиласи. Юқориги ва пастки ковак веналар юракнинг ўнг бўлмасига қўйилади. **Қоннинг юракнинг чап қоринчасидан чиқиб, тананинг барча органлари**даги arterиялар, капиллярлар ва веналар бўйлаб оқиб, юракнинг ўнг бўлмасига келиб қўйиладиган ё`ли катта қон айланни доираси дейилади.

Кичик қон айланниш доираси юракнинг ўнг қоринчасидан чиқадиган ўпка arterиясидан бошланиб, у кўкрак қафасида иккига бўлиниб, ўнг ва чап ўпкаларга боради. Улар ўпкаларда капилляр қон томирларига айланниб, ўпка алвеолалари атрофини ўраб олади. Ташиб мухит хавоси билан ўпкалар хамда қон ўртасидаги газлар алмашинуви жараёни шу жойда ўтади. Натижада вена капиллярларидаги қон кислородга тўйиниб, arterиал қонга айланади, лекин у ўпка венаси деб аталувчи тўртта томир орқали юракнинг чап бўлмасига қўйилади. **Қоннинг юракнинг ўнг қоринчасидан чиқиб, arterиялар, капиллярлар ва веналар бўйлаб оқиб** (ўпкалар орқали) юракнинг чап бўлмасига келиб қўйиладиган ё`ли кичик қон айланниш доираси дейилади.

Қоннинг қон томирлар системаси бўйлаб харакатланиши гемодинамика қонуниятига асосланган. Томирлардаги қоннинг оқиш тезлиги иккита кучга боғлик.

1. Қон томирлар системасининг бошланиш қисмидаги ва охиридаги босимнинг хар-хил бўлиши; бу куч қоннинг харакатланиш тезлигини таъминлайди.

2. Томирлардаги қаршилик кучи, қоннинг қуюқлиги, ёпишқоқлиги ва унинг томирлар деворига ишқаланишидир. Бу куч қоннинг харакатланиш тезлигига қаршилик кўрсатади. Юракка яқин томонда босим баланд ва қоннинг оқиш тезлиги юқори бўлади. Қуйи қисмида эса босим паст ва қоннинг оқиш тезлиги паст бўлади. Юракнинг чап қоринчасидан аортага қон энг юқори, 130-140 мм симоб устунига тенг бўлган босим билан чиқарилади ва секундига 25м тезлиқда оқади. Йирик артерияларда босим 120-110мм симоб устунигача пасаяди. Капиллярларда 25-33 мм гача пасайиб, қоннинг оқиш тезлиги секундига 0,3-0,5 мм гача секинлашади. Тананинг пастки қисмларида вена қон томирларида босим 5-9 мм симоб устуни атрофида бўлиб, қоннинг оқиш тезлиги секундига 6-14 см га етади.

Ишни бажариш тартиби.

1. Катта ва кичик қон айланиш доираларига доир қўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг ва улар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш белгиларини аниқланг.


2. Иккала қон айланиш доирасидаги артериал ва веноз қон томирларининг

қайси органларга боришини ва қайси органлардан чиқишини аниқланг.

3. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиб катта ва кичик қон айланиш доираларини алоҳида чизинг ва қон томирларининг илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Катта қон айланиш доираси ва унинг вазифасини айтинг.
2. Кичик қон айланиш доираси қандай вазифани бажаради?
3. Қоннинг қон томирларида харакатланиши қандай амалга ошади?



16-амалий машғулот.

Мавзу: Лимфа системаси.

Дарс мақсади: Лимфа системаси ва унинг тузилиши ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар.

1. Лимфа томирлар системасини қон томирлар системасидан фарқлай олади.

2. Лимфа системасининг иммун хусусиятини айта олади.

Керакли жиҳозлар: Лимфа системаси ифодаланган расмлар, муляжлар, рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Одам организимида қон томирлар системасидан ташқарии, шу қон томир

системасининг таркибий қисми ҳисобланган лимфа системаси ҳам бор.

Лимфа системаси вена системаси каби перифериядан бошланиб, кўкрак қафаси томон оқади. Веналардаги сингари лимфа томирларда ҳам клапнлар бор. Лимфа системаси ёки томирлари ичидаги оқ, рангсиз суюқлик–лимфа оқиб юради. Лимфа суюқлиги тўқима ва хужайралар орасидаги хужайра ёриқларидан, боши берк қопчалардан бошланади. Лимфа системаси анатомик тузилишига кўра қўйидаги қисмлардан иборат: 1) тўқима ва хужайра оралиғидан бошланувчи боши берк лимфа қопчалари; 2) лимфа капиллярлари ва лимфа томирлари; 3) турли соҳаларда жойлашган лимфа тугунлари; 4) йирик лимфа томирлари ўнг лимфа энсали ва кўкрак лимфа энсалига бўлинади.

Лимфа томирлари боши берк хужайраларро лимфа ёриқларидан бошланади, лимфа томирларига, лимфа тугунларига, кейин йирик лимфа томирларига ўтиб, ниҳоят кўкрак қафасида жойлашган энг катта лимфа энсали орқали юракка қўйилувчи катта вена томирларига очилади.

Лимфа капиллярларининг тузилиши қон капиллярларидан фарқ қиласди. Аввало лимфа капиллярлари қон капиллярларидан кенг, ёриқлар шаклида бўлади.

Лимфа томирлари. Лимфа томирлари ичидаги клапнлар борлиги жиҳатидан, лимфа капиллярларидан фарқ қиласди. Органлар ичидаги жойлашган лимфатик томирлар йириклини ташқарига чиқади ва орган юзасида жойлашган ташқи лимфатик томирларга ўтади. Лимфатик томирлар иккита асосий томирга–ўнг лимфатик энсал ва кўкрак лимфатик энсалига йигилади ва ана шу икки муҳим лимфа энсали орқали вена системасига қўйилади.

Лимфа тугунлари. Лимфа тугуни кесиб қаралса, ташқаридан пўстлоқ ичидаги мия моддаси фарқ қилинади. Ташқаридаги пўстлоқ моддасида лимфоид тўқима жойлашган бўлиб, у лимфоид фолиқўлаларни ҳосил қиласди. Фолиқўлалар четида лимфосит тўпламлари зич жойлашган Лимфа тугунлари юмалоқ ёки овал шаклда, уларнинг кичикроқлари мошдек, катталари нўхатдек бўлади. Лимфатик тугунларнинг тузилиши қўйидагича: ҳар бир лимфатик тугун устки томондан фиброз капсула билан ўралган. Капсладан чиқсан деворлар без бағрига кириб, безни бўлакларга бўлиб юборади. Лимфа тугунига кирадиган томирлардаги лимфа таркибида бўлган ёт нарсаларни ёки микробларни ушлаб „лимфани тозалаб чиқаради.

Организм бузилган лимфа оқишини тиклаш қобилиятига эга.

Иммун система. Бу системага, сувак кўмиги, айрисимон без(тимус), лимфа тугулари, ҳазм канали бўйлаб жойлашган лимфоид тўқималар киради. Сувак кўмиги–қон яратиш органидир, қизил сувак илиги киради. Айрисимон без иммун органлар ичидаги муҳум ўрин тутади, текширишлар тимуснинг қон яратишдаги ролини тўла тасдиқлади. Тимусда бошқа қон яратувчи органларга нисбатан 4-10 марта тезроқ кечар экан, у қон билан жуда бой таъминланади. Ҳазм қилиш каналининг шилиқ қавати соҳасида ва чувалчангсимон ўсимта (аппендикс) ва лимфоид тугунчаларнинг гуж бўлиб, тўпланиб жойлашиши кузатилади. Бажарадиган ишига кўра иммун системасига киравчилар иммуногенез органлар деб юритилади.

Талоқ. Талоқ тоқ орган бўлиб ,чап биқинида 1Х-Х1 қовурға соҳасида жойлашган. Талоқнинг ҳажми ва оғирлиги унинг ичидағи қоннинг қўпайиб–камайиб туришига қараб ўзгариб туради. Узунлиги ўрта ҳисобда 12-15 см, кенглиги 8-10 см ва оғирлиги 150-200г га тенгдир. Талоқнинг олдинги ва орқа юзалари остки томондан, талоқ билан ажралаб туради. Талоқ функсионал жиҳатидан лимфа безларига ва кўмикка ўхшайди, талоқ олиб ташланганда унинг вазифасини лимфа безлари, кўмик ва жигар бажариб туриши мумкин Талоқ қон депоси вазифасини ҳам бажаради. Организмга қон кўпроқ керак бўлиб қолганда талоқ қисқаради ва ичидағи қонни қон томирлар системасига чиқаради. Бу организмнинг турли оғир ҳолатлардан осон ҳоли бўлишга имкон беради. Талоқ қон таркибидаги заарли микробларни ўзида олиб қолади ва заарсизлантиради, талоқнинг бу функсияси қонни филтрлаш функсияси дейилади.

Ишни бажариш тартиби.

1. Лимфа системаси акс эттирилган кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг .
2. Лимфа томирлар системаси билан қон томирлар системасидаги фарқни аниқланг.
3. Лимфа томирларнинг бошланиш ва тугаш жойларини кўргазмали қуроллар воситасида ырганинг.
4. Одамда лимфа тугунларининг энг кўп тўпланган жойларини ва уларнинг аҳамиятини аниқланг.
5. Лимфа системасининг умумий ва қисмларга бўлинган расмларини чизиб олинг.

Назорат саволлари:

- 1.Лимфа томирлари билан қон томирлар системасидаги фарқни аниқланг.
- 2.Лимфа тугуни қанақа тузилишга эга?
- 3.Талоқнинг тузилиши ва вазифасини айтинг.
- 4.Иммун система деганда нимани тушunasiz?

17-амалий машғулот.

Мавзу: Марказий нерв системаси.

Дарс мақсади: Талабаларга марказий нерв системаси ва унинг бўлимлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари.


1.Марказий нерв системаси ва унинг бўлимлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Керакли жиҳозлар: Марказий нерв системаси кўрсатилган расмлар, муляжлар, рельеф таблицалар ва фиксацияланган таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Нерв системаси организмининг барча тўқималари ва органларини ўзаро алоқасини ва бир бутун бўлиб, ҳаракат қилишини таъминлайди.

Нерв системаси органлари ва тўқималарига турли моддалар ёрдамида қон орқали таъсир қилинадиган гуморал система билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Бутун нерв системаси тузилиши жиҳатидан марказий ва периферик системаларга бўлинади. Марказий нерв системасига бош ва орқа мия, периферик нерв системасига соматик ва вегетатив нерв системаси киради.



Miya yarimsharining ichki yuzasi. 1, 2-markaziy egatning tepe qismi, 3,4-ensa bo'lagi, 5-ensa pushtalari, 6-ensa chakka oraliq egat, 7-chakka 1qismi, 8-ortiqsimon bez, 9-miyacha, 10-uzunchoq miya, 11-to'rtinch qorincha, 12-ko'priq, 13-4tepalik, 14-miya oyoqchalar, 15-suv yoli, 16-myaning pastki ortig'i, 17-ko'rav nervi, 18-old qo'shilma, 19-gumbaz, 20-qadoq tana.

шаклида тугайди. Орқа мия 31-33та сегментдан иборат. Шулардан 8таси бўйин қисмида, 12таси кўкрак, 5таси бел, 5таси думгаза ва 1-3таси дум қисмида бўлади. Орқа миянинг қўндаланг кесими 2 хил: **ташқи қисми оқ модда, ички қисми қўл ранг** моддадан тузилган. Қўл ранг модда капалак шаклида бўлиб, нерв хужайраларидан ташкил топган. Оқ модда нерв толаларидан ташкил топган бўлиб, улар орқа миянинг турли сегментларида нерв хужайраларини бир-бирига ва уларни бош миянинг нерв хужайралари билан туташтиради. Бу нерв толалари ўтказиш функциясини бажаради. Орқа миянинг қўлранг моддасининг бир жуфт олдинги, бир жуфт орқа ва бир жуфт ён шохлари бўлади. Олд шохларида ҳаракатлантирувчи нерв хужайралари, орқа шохларида сезувчи, ён шохларида вегетатив нерв хужайралари жойлашган. Орқа мия 2 хил: рефлектор ва ўтказувчаник функциясини бажаради. Рефлектор функцияси рефлекслар хосил қилишдан иборат. Ўтказувчаник функцияси рецепторлардан сезувчи нерв толалари орқали орқа мия нерв марказларига келган импулс унинг оқ моддасида жойлашган ўтказувчи нерв ё`ллари орқали бош миянинг нерв марказларига

Орқа мия (медулла спиналис)

умуртқа погонаси каналида жойлашган бўлиб, узунлиги катта одамда-40-45 см, массаси 30-40г. Орқа мияда 13 млндан кўп нерв хужайралари бор. Нерв хужайраларининг танаси 0,1мм, баъзиларининг толалари 1,5 м бўлади. Орқа мия уч қават парда билан ўралган. Ташқи қавати қаттиқ, ўрта қавати ўргимчак тўрсимон ва ички қавати юмшоқ парда бўлади. Ўрта ва ички парда орасида орқа мия суюқлиги бўлади.

Орқа миянинг юкори қисми биринчи бўйин умуртқасига тўғри келади ва бош миянинг пастки қисми 1-2-бел умуртқалари соҳасида конус

үтказилади. Бош миянинг нерв марказларида хосил бўлган қўзғалиш ўтказувчи нерв ё`ллари орқали орқа миянинг шунга таалуқли марказларига келади ва ундан ишчи органларга етказилади.

Бош мия (енсепалон) калла суягнинг ичида жойлашган бўлиб, массаси катта одамда 1020-1970г гача бўлади. Бош мия икки қисмдан иборат: ствол қисми ва бош мия ярим шарлари. Бош миянинг ствол қисмига узунчоқ мия, Варолиев қўприги, ўрта мия, оралиқ мия ва мияча киради.

Узунчоқ мия (медулла облангата) Узунлиги 3-3,5 см массаси 7 г. Ташқи қисми оқ рангда, ички қисм қўлрангда бўлади. Узунчоқ миянинг ташқи қисим оқ рангда, ундиң енрв толалар бўлиб, ички қисмида қўлрандаги нерв хужайралари бўлади. Узунчоқ мия рефлектор ва ўтказувчанлик вазифасини бажаради. Рефлекторлик функцияси шундан иборатки, унда нафас олиш, юрак ишини бошқариш, қўзни очиб-юмиш, қўз ёши, акса уриш, ё`талиш, ошқозон-ичакда шира ажралиши каби функцияларни таъминлайдиган рефлексларнинг маркази жойлашган.

Мия қўприги(понс) узунчоқ миянинг устки қисмида жойлашиб, юқори томондан ўрта мия, ён томондан мияча билан туташиб туради. Мия қўпригининг ташқи қисми қўлранг, ички қисми оқ моддадан иборат. Унда учлик, қўз соққасини ва юз мускулларини харакатлантирувчи нерв марказлари жойлашган.

Ўрта мия(месенсефалон) Варолиев қўпригининг юқорисида жойлашган бўлиб, унда тўрт тепалик, мия оёқчалари ва мия қоринчаларининг сув ё`ли бўлади. Тўрт тепаликнинг олдинги 2 тасида пўстлоқ ости кўриш марказлари, орқа 2 та тепаликда пўстлоқ ости эшитиш марказлари жойлашган. Ўрта мияда овқатни чайнаш, ютиш, қўл ва оёқларнинг нозик харакатлари бошқарилади. Мускуллар таранглиги таминланади.

Оралиқ мия(диенсефалон) ўрта миянинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, бош мия ярим шарлари билан қопланиб туради. Унга таламус ва гипоталамус киради. Таламус пўстлоқ ости сезги маркази хисобланиб, барча сезги органларидан келган тасирлар қабул қилиниб, бош мия ярим шарлари пўслоқидаги сезги марказларига ўтказилади. Гипоталамусда вегетатив нерв системасининг маркази жойлашган бўлиб, у орқали ички органлар функцияси, моддалар алмашинуви, тана хароратининг доимилиги таминланади, оч қолиш, тўйиш, уйқу, хаяжон, кайфиятнинг ўзгариши бошқарилади.

Мияча(серебеллум) бош миянинг ярим шарлари энса былагининг остида жойлашган, массаси 120–150 г бўлади. Миячанинг остида Варолий қўприги билан узунчоқ мия туради. Миячани икки ён томонидаги мияча ярим шарлари ўртасида жойлашган чувалчангсимон ўсимта бирлаштириб туради. Миячанинг юзалари 2-3 мм қалинликдаги қўлранг модда билан қопланган бўлиб, ундаги пушталар чуқур эгатларни китоб ва рақлари сингари бир – биридан ажралиб туради. Мияча бош миянинг бошқа қисмлари билан уч жуфт оёқчалари билан туташиб туради. Мияча ва ундаги ядролар одам юришини, тана мувозанатини автоматик равища бошқарив турешга хизмат қиласди.

Охирги мия(теленсепалон). Охирги мия ёпқич, ҳид билиш мияси, қўлранг ядролар ва ён қоринчалардан тузилган.


Мия ярим шарларининг ички тузилиши.

Мия пўстлоғи (қўлранг модда) остида жуда кўп нерв толаларидан тузилган оқ модда жойлашган бу толалар уч хил:

Ярим шар ядролари мия ярим шарларининг оқ модда орасидажойлашган қўлранг моддадан тузилган ядролари бўлади, бу ядроларга қуйдагилар киради.

4. Тарғил тана думли ва ясмиқсимон ядролардан ташкил топган.
5. Ихота оролча билан ясмиқсимон ядро орасидаги юпқа қўлранг моддадан иборат ядро.

6. Бодомсимон ядро – ён қоринчанинг пастига (якка бўлагидаги) шохи олдида жойлашган, бу ядро тарғил танага яқин ва алоқадор бўлади.



Katta yarimsharlarning po'stloq qismidagi oily nerv markazlari: 1-hid bilish, 2-yozish, 3-o'ng qo'lning harakati, 4-eshitish, 5-so'zlash, 6-hisoblash, 7-o'qish, 8-ko'rish, 9-chap qo'lning harakati, 10-musika tinglash, 11-muozanat markazi, 12-gyometrik shakillarni his qilish.

Миянинг пўстлоқ қаватида 14-15 миллиард хужайралар мавжуд.

Ишни бажариш тартиби.

1. Марказий нерв системаси ифодаланган кўргазмали куроллар билан танишиб чиқинг.
2. Марказий нерв системасига кирувчи бош ва орқа миянинг анатомик тузилишини ўрганинг .
3. Бош мия бўлимларининг жойлашган ўринини кўргазмали куроллар ёрдамида аниқланг.
4. Бош мия ва орқа мия ўртасидаги фарқни аниқланг.

5. Марказий нерв системасининг умумий ва бўлимларга бўлинган расмларини чизиб олинг, ҳамда илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Бош миянинг тузилиши ва асосий функцияларини айтинг.
2. Узунчоқ миянинг тузилишини айтинг.
3. Мия кўпригининг вазифаси қандай?
4. Ўрта миянинг жойлашуви ва вазифасини айтинг.
5. Мияча қандай тузилган?
6. Орқа миянинг тузилиши ва вазифасини айтинг.

18-амалий машғулот.

Мавзу: Перефериқ нерв системаси.

Дарс мақсади: Перефериқ нерв системасининг анатомик тузилиши ҳақида талабаларга маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Перефериқ нерв системасини таърифлай олади.
2. Перефериқ нерв системасига кирувчи асосий нерв толаларнинг қайси органлар билан боғланганлигини кўрсата олади.

Керакли жиҳозлар: Перефериқ нерв системаси ифодаланган расм, муляж.

Рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Перифериқ нервлар бош миядан 12 жуфт ва орқа миядан 31 жуфт чиқади. Бош мия нервлари 12 жуфт нервлардан иборат.

Ижуфт-хидлов нерви

ВИИжуфт-юз нерви

ИИжуфт-кўрув нерви

ВИИИжуфт-даҳлиз-чиғаноқ нерви

ИИИжуфт-кўзни харакатлантирувчи нерв

ИХжуфт-тил-ютқин нерви

ИВжуфт-ғалтак

нерви

Хжуфт-адашган нерв

Вжуфт-уч

шохли

нерв

ХИжуфт-кўшимича нерв

ВИжуфт-узоклаштирувчи

ХИИжуфт-тил ости нерви

Бу 12 жуфт нервлар вазифаларига қараб, уч гурухга бўлинади. Улардан **И, ИИ, ВИИИ** жуфт нервлар сезувчи аъзоларнинг нервлари, **ИИИ, ВИ, ХИ** ва **ХИИ** жуфтлари харакатлантирувчи нервлар, **ВИИ, ИХ, X** жуфтлари аралаш нервлардир.


Орқа миянинг қўлранг моддаси олдинги шохидан

Nerv sistemasini

ng umumiy

kurinishi

1-ko'z nervining teri tolalari 2-kichik g'z panjasি 3-yelka chigali 4-qo'lтиq osti nervi
5-teri-muskul nervi
6-bilak nervi
7-oraliq nerv 8-tirsak nervi 9-XII juft qovurg'alararo nervlar 10-sonning tashqi teri nervi 11-son nervi
12-quymuch nerv
13-umumiy kichik bolder nervi 14-katta bolder nervi
15-sonning teri osti nerv 16-yopqich nerv 17-bel chigali 18-dumg'aza chigali



харакатлантирувчи толалар, орқа шохидан сезувчи толалар чиқади. Сезувчи толалар умуртқаларап тешик олдида тугун хосил қилиб, сўнгра олдинги толалар билан қўшилиб, орқа миянинг 31 жуфт аралаш нервини хосил қиласди. Улардан бўйин қисмида 8жуфт, кўкрак қисмида 12жуфт, бел қисмида 5жуфт думғаза қисмида 5жуфт ва дум қисмида 1жуфт бўлади.

Периферик нервлар аралаш нервлар бўлиб, таркибида х

ам сезувчи, хам харакатлантирувчи нервлар бўлади. Улар хам ўтказувчан ва қўзгалувчанлик хусусиятига эга.

Кўзгалувчанлик азоларда, мускуллар ва терида жойлашган нерв охирлари (рецепторлар) қабул қилиб, марказга интилувчи афферент (сезувчи) нервлар орқали марказий нерв системасига уердан харакатлантирувчи (ефферент) нервлар орқали ишчи азоларга керакли жавоб импулсларини етказади.

Тасирларни ўтказиш тезлиги нервларда хар-хил бўлиб, секундига 0,5-120 мга тенг бўлади. Сезувчи (афферент) нервларда қўзғалиш марказий нерв системаси томонга, харакатлантирувчи (ефферент) нервларда аксинча-ишчи азоларга қараб ёналади.

Иш бажариш тартиби.

1. Перефериқ нерв системаси тасвирланган кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Бош мия ва орқа миядан бошланувчи нерв толаларини алоҳида ўрганиб чиқинг.
3. Ҳар бир нерв толаси қайси орган билан боғланганлигини аниқланг.
4. Перефериқ нерв системасига доир расмларни чизиб олинг ва илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Перефериқ нерв системаси таркибига киравчи нервларни айтинг.
2. Бош миядан чиқувчи нервларнинг номларини ёддан айтинг.
3. Перефериқ нерв системаси нервларини расмдан кўрсатиб, изоҳлаб беринг.

19-амалий машғулот.

Мавзу: Вегетатив нерв системаси.

Дарс мақсади: Вегетатив нерв системаси ва унинг қисмлари ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар.

1. Вегетатив нерв системаси ва унинг қисмлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

2. Парасимпатик ва симпатик ,вегетатив нерв системаларини бир-биридан фарқлай олади .

Керакли жиҳозлар: Вегетатив нерв системаси ифодаланган расмлар,муляжлар ва рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Бажарадиган функциясига кўра нерв системаси 2 қисмга бўлинади.

1. Соматик нерв системаси одам танасидаги скелет мускуллари ва сезги азоларини бошқаради.

2. Вегетатив нерв системаси ички органлар, ички секреция безларининг ишини ва моддалар алмашинувини бошқаради.


Скелет мускулларидағи моддалар алмашинуви ҳам вегетатив нерв системаси томонидан, аммо бу мускулларнинг сезиш ва харакатланиш функциялари соматик нерв системаси томонидан бошқарилади. Соматик нерв системаси марказлари орқа ва бош миянинг хамма қисмларида бир текис жойлашади. Вегетатив нерв системасининг марказлари орқа ва бош миянинг маълум қисмларидагина жойлашади.

Вегетатив нерв системасининг марказлари орқа миянинг 1-кўкрак сегментидан то 3-бел сегментигача ва 2-4-думғаза сегментларida ҳамда бош

миянинг пастки қисмлари (узунчоқ ва ўрта мия) да жойлашган.

Бу марказларнинг функцияси оралиқ миядаги гипоталамус, пўстлоқ остидаги тарғил тана, бош миянинг пўстлоқ қисмидаги олий нерв марказлари орқали бошқарилади. Вегетатив нерв системаси симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади.

Симпатик нервлар орқа миянинг 1-кўкрак сегментидан то 3-бел сегментигача бўлган соҳада жойлашган. Улар юрак ишини тезлаштиради ва кучайтиради, артерия қон томирларини торайтириб, қон босимини оширади, ошқозон ва ичакларнинг харакатини



Orqa miyadan chiquvchi nervlarning tana innervatsiyasi.

сусайтиради, сийдик қопи мускулларини бўшаштириб, сийдик йиғилишига

шароит яратади, нафас ё`лларини кенгайтириб, нафас олишни енгиллаштиради, кўз қорачиғини кенгайтириб, тер ажралишини кучайтиради.

Парасимпатик системанинг марказлари бош миянинг пастки қисмлари ва орқа миянинг думғаза сегментларида бўлади. Парасимпатик нерв системаси юрак ишини секинлаштиради ва кучсизлантиради, артерия қон томирларини кенгайтириб, қон босимини пасайтиради, ошқозон ва ичакларнгинг харакатини кучайтиради, сийдик қопи мускулларини қисқартириб, сийдик ажралишини таминалайди, нафас ё`лларини торайтиради, кўз қорачиғини торайтиради, тер ажралишини камайтиради.

Вегетатив нерв системасининг функцияси организмнинг ташқи муҳит шароитига мочслашувида муҳим биологик аҳамиятга эга.

Ишни бажариш тартиби.

1. Вегетатив нерв системаси ифодаланган қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Парасипатик ва симпатик вегетаив нерв системаларининг марказларини аниқлаб олинг.
3. Парасимпатик ва симпатик нерв толалар ўртасидаги фарқни аниқланг.
4. Вегетатив нерв система марказларининг қайси органлар билан боғланганилигини аниқланг.
5. Вегетатив нерв системаси ифодаланган расмларни чизиб олинг ва илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Соматик нерв системасидан вегетатив нерв системаси қандай фарқ қиласди?
2. Вегетатив нерв системаси қандай тарқалган?
3. Вегетатив нерв системаси қандай қисмларга бўлинади?
4. Вегетатив нерв системасининг органларни иннервация қилишини расмдан кўрсатиб беринг.

20-амалий машғулот

Мавзу:Кўриш органи.


Дарс мақсади: Кўриш органи ва унинг ёрдамчи аппарати ҳақида талабаларга тушунча бериш .

Идентив ўқув мақсадлар.

Кўриш органи ҳақида тасаввурга эга бўлади. Кўриш органининг ёрдамчи аппаратига нималар киришини айтиб бера олади.

Керакли жиҳозлар: Кўриш орган ива унинг ёрамчи аппарати ифодаланган расмлар, муляж, рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:



Кўз (органум висус) бош суягининг махсус чуқурчасида-кўз косасида жойлашаган.

Кўз кўз соққаси (булбус осули)дан, кўриш нерви ва ёрдамчи қисмлардан иборат. Кўз соққаси олд ва орқа қисмларга бўлинади. Кўз соққаси ташқи ва ички қисмлардан иборат. Ташқи қисми уч қават:ташқи-фиброз, ўрта-қон томир, ички-тўрсимон пардадан ташкил топган. Ички қисмига кўз ичи суюқлиги, кўз гавхари ва шишасимон тана киради.

Кўз соққасининг ташқи- фиброз пардаси 2 қисмга бўлинади.Олдинги қисми-шоҳ парда дейилиб, ёруғлик нурини синдириш хусусиятига эга.Ён томонлари оқ парда дейилади.

Қон томир қавати кўз тўқималарини озиқ моддалар ва кислород билан таминалайди.Бу қаватнинг олдинги қисми рангли парда дейилиб, унинг ранги ҳаммада хар хил бўлади.Бу парданинг ўртасида тешикча бўлиб,у кўз қорачиғидир.Тешикча атрофида кўз қорачиғини кенгайтирувчи ва торайтирувчи мускуллар бўлади.

Кўз соққасининг ички-тўрсимон пардаси орқа қисмида ёруғликни, рангларни қабул қилувчи рецепторлар жойлашган.Улар махсус нерв хужайралари бўлиб, таёқча ва колбача шаклида бўлади.Тўрсимон парданинг орқа қисмида кўриш нервининг толаси кирадиган тешикча бўлиб,у орқали кўриш нерви тўрсимон пардага ўтади ва майда толачаларга бўлиниб, **таёқчасимон ва колбасимон рецепторларга** тушади. Кўз соққасининг ички қисми **кўз гавхари(ленс), кўз ичи суюқлиги, шишасимон тана(корпус витреум)дан иборат.** Уларнинг ҳаммаси **кўзнинг нур синдирувчи аппарати** бўлиб хисобланади.

Шишасимон тана кўз соққаси ичидагавхар билан тўр парда ўртасида ҳамма бўшлиқни тўлдириб туради у қуюқ концентрасияли тиник модда. Гавхар икки томони бўртиб чиққан яхлит шаклда бўлади. Гавхарнинг олдида сувли тиник суюқлик билан тўла иккита бўшлиқ кўзнинг олди ва орқа камералари жойлашган.

Демак, ёруғлик нурлари тўр пардага тушишдан олдин кўзнинг тиник қисмлари: шоҳ парда, олдинги камера суюқлиги, гавхар ва шишасимон тана орқали ўтиш керак.

Кўзнинг ёрдамчи аппаратлари: иккала қовоқ, кўз ёши аппарати, мускуллар фасция ва ёг моддаси хисобланади.

Қовоқлар юқориги ва пастки қовоқлар тери бўлмалари бўлиб, уларнинг четида туклар киприклар билан таъминланган, уларнинг асосида ёғ безчаларининг ёг чиқарувчи тешикчалари кўринади. Қовоқлар кўзни майда чанг заррачаларидан ва кўриб қолишдан тушаётган ёруғликдан сақловчи аппаратadir.

Кўз ёши аппарати ёш безидан ва кўз ёши суюқлигини ўтказувчи энсаллардан иборат. Кўз ёши шоҳ пардани кўриб қолишдан сақлайди.

Кўз мускуллари бта бўлиб, улар кўз соққасини ҳаракатлантиради;уларнинг 4 таси тўғри мускуллар бўлиб, юқориги пастки, ички ва ташқи мускуллар деб аталади.

Ишни бажариш тартиби.

1. Кўриш органи тасвирланган кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Кўриш органи билан кўриш маркази қандай боғланганлигини аниқланг.
3. Кўз соққасининг бўйлама кесмаси ифодаланган кўргазмали қуроллар билан танишиб, унинг девори неча қаватдан иборат эканлигини аниқланг.
4. Кўзнинг ёрдамчи аппаратига нималар киришини аниқланг.
5. Кўриш органи ва ёрдамчи аппарати ифодаланган расмларни чизиб олинг ва илмий номларини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Кўз қандай тузилган?
2. Кўзнинг аккомодацияси нима?
3. Кўздаги рецепторларнинг вазифасини айтинг.
4. Кўриш ўткирлиги қандай аниқланади?

21-амалий машғулот

Мавзу: Ешишиш ва мувозанат органи.

Дарс мақсади: эшишиш органи ва мувозанат органининг тузилиши ва ўзаро боғлиқлигини билади.


Идентив ўқув мақсадлар.

1. Ешишиш органи ва мувозанат органининг тузилиши ва ўзаро боғлиқлигини билади.

Керакли жиҳозлар: эшишиш органи ва мувозанат органи ифодаланган расм, муляж ва рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:

Эшишиш органи, ташқи, ўрта ва ички қулоқлардан ва ички қулоққа жойлашган мувозанат органидан иборатdir.



1-nog'ra bo'shlig'inining yuqori devori, 2-bolg'acha, 3-sandoncha, 4-pastki suyak yarim halqasimon kanallar, 5-yuqorgi suyak yarim halqasimon kanallar, 6-uzangi, 7-chig'anoq, 8-nog'ora bo'shlig'i, 9-ichki quloq, 10-nog'ora pardani taranglashtiruvchi muskul, 11-Yevstaxiev kanali, 12-eshituv nav'i techigi, 13-eshituv navinining halcum hujum nismi

Ташқи қулоқ: қулоқ супраси ва ташқи эшишиш энсалини ўз ичига олади. Ташқи қулоқ эшишиш энсали узунлиги 30 мм ва диаметри 0, 19 мм гача бўлган найдир. Ташқи эшишиш энсалининг терисида сарғиш рангларга ёпишкоқ секрет ишлаб чиқарувчи маҳсус безлар бор.

Ўрта қулоқ бўшлиғи Евстахий найи ёрдамида

бурун халқумга туташган. Ўрта қулоқ бўшлиғи ҳаво тўлдирилган унинг деворлари эса шилимшиқ парда билан қопланган.

Ўрта қулоқ бўшлиғида занжир ҳосил қилиб жойлашган ўрта эшитиш суюкчалари болғача, сандон ва узанги бор. Болғача ноғора пардага энг яқин жойлашган бўлиб шу билан бирга узун ўсимта ёрдамида унда бирлашиб кетган. Сандон болғача ва узангига бириккан. Узанги асосида узунроқ тешикли ёпиб туради. Ички қулоқ эшитиш ва мувозанат органининг энг муҳум бўлими ҳисобланиб лабиринт чакка суюги пирамида қисмининг ичида жойлашган. Парда лабиринт суюк лабиринт ичида жойлашган.

Ички қулоқнинг ҳамма бўшлиқлари суюқлик билан тўлган. Парда лабиринт ичидаги шу суюқлик эндолимфа деб аталади. Парда лабиринтни ташқи томонда ўрин олган суюқлик эса перелимфа деб аталади. **Чиганоқ** спиралга ўхшаб 2, 5 уч марта айланиб тепада чўққи ҳосил қилиб яъни чиганоқقا ўхшаб тугайди. Шу сабабли чиганоқ деб аталади. Чиганоқдан чиганоқ бўшлиғи ичига спирал суюк пластинкаси чиқади. Бу пластинка чиганоқ бўшлиғини иккига даҳлизга олиб чиқувчи даҳлиз нарвони ва ноғора бўшлиғига олиб чиқувчи нарвонга бўлади. Уч бурчак шаклига эга бўлган чиганоқ каналининг юқори томони билан остки томони асосий пластинка билан чегараланган бўлиб бу девор бағрида эшитув аппарати корти аъзоси жойлашган. Шундай қилиб қулоқни функционал жиҳатдан икки қисмга бўлиш мумкин.

1. Қулоқнинг товуш ўтказувчи қисми бунга ташқи ва ўрта қулоқлар киради.
2. Товушни сезиш қисми бўйнига чиганоқ ичидаги корти аъзоси киради.

Ишни бажариш тартиби.

1. Ешитиш ва мувозанат органлари ифодаланган кўргазмали қуроллар билан танишинг.
2. Эшитиш ва мувозанат органларининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқланг.
3. Ешитиш ва мувозанат органларининг олий нерв марказларини топинг.
4. Кўргазмали қуролларда ифодаланган расмларни чизинг.

Назорат саволлари:

1. Ешитиш орани қандай туилган?
2. Мувозанат органининг тузилиши ва вазифаси қанақа?
3. Мувозанат органининг функцияси бузилганда қандай белгилар пайдо бўлади?

22-амалий машғулот.

Мавзу: Ҳид билиш ва таъм билиш органлари.

Дарс мақсади: Ҳид билиш ва таъм билиш органлари тузилиши ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар.

1. Ҳид ва там билиш органларининг анатомик тузилишини билади.

Керакли жиҳозлар: Ҳид билиш ва таъм билиш органлари, ҳамда терининг кўндаланг кесмаси ифодаланган расмлар, муляжлар ва рельеф таблицалар.

Ишнинг мазмуни:


Бурун бўшлиги (*савум наси*) юз суюклари ва тоғайлардан ташкил топган бўлиб бурун бўшлиги билан иккита систематик нимтага бўлинган. Булар олдинги

томонда ҳалқумга тулашиб туради. Буруннинг ҳар бир ярмида учтадан бурун чиганоқлари устки, ўрта ва пастки чиганоқлари бўлади, булар учта бурун энсалини ҳосил қиласди.

Буруннинг шиллик пардаси кўп қаторли хилпилловчи эпителий билан қопланган. Бу пардада шиллик безлар бор, буларнинг секрети чанг зарраларини ўраб олади, ҳавони намлаб, иситиб беради ва ҳидлов органи функсиясини ҳам бажаради.

Ҳид билиш рецепторлари бурун бўшлифининг шилимшиқ пардасида жойлашган. Уларнинг сони ўртacha 30-40 млн атрофида. Бу хужайраларда кўплаб тукчалар бўлиб, узунлиги 1-2 микронга teng. Бурун бўшлифининг ҳид билиш сатҳи 5 см 2 бўлиб, сезувчи хужайра тукчаланинг кўп бўлиши хисобига ҳид билиш сатхи 100-150 марта ортади.

Ҳид билиш рецепторлари ташқи муҳит ҳавоси таркибидаги ва овқатдаги кимёвий моддалар тасирида қўзғалади. Уларнинг қўзғалиши ҳид билиш нерви толаси орқали бош мия ярим шарлари пўстлоғининг ички юзасидаги ҳид



1-peshona kavagi, 2-burun suyagi, 3-o'rtta burun chig'nog'i, 4-o'rtta burun yuli, 5-burun bo'shlig'iga kirish qismi, 6-burun uchu, 7-pastki burun chig'nog'i, 8-pastki burun yuli, 9-qattiq tanglay, 10-kesuvchi tish kanali, 11-tepa lab, 12-og'iz bo'shlig'i dahlizi, 13-og'iz bo'shlig'I, 14-pastki lab, 15-til, 16-pastki jag', 17-jag'-til osti muskuli, 18-jag'-til muskuli, 19-xiqlidoq usti tog'ayi, 20-tanglay-halqum burmasi, 21-yumshoq tanglay, 22-halqumning burun bo'shlig'I qismi, 23-eshituv nayi teshigi, 24-miyaning pastki ortiq bezi.


овқатдаги кимёвий моддалар тасирида қўзғалади. Уларнинг қўзғалиши ҳид билиш нерви толаси орқали бош мия ярим шарлари пўстлоғининг ички юзасидаги ҳид

билиш марказига боради. Бу марказдаги нерв хужайраларида тасир анализ ва синтез қилини, хиднинг табиати аниқланади.

Тил (Лингуа) Тил мускуллардан тузилган бўлиб, оғиз бўшлиғида жойлашган. Тилнинг олдинги учи, ўртаси—тил танаси ва орқа кенгайган қисми—тил илдизи дейилади. Тилнинг учи ва ён томонлари тишларга тегиб туради. Унинг сўргичларга бой устки юзаси қаттиқ ва юмшоқ танглайларга тегиб туради. Ипсимон, замбуруғсимон, халқа билан ўралган, варақсимон сўргичлар былади.

Там билиш рецепторлари тилнинг сўргичларида, юмшоқ танглай ва томоқнинг шиллик пардасида, томоқдаги бодомимон безларнинг усти қаватида жойлашган.

Тилнинг учида, ён ва орқа қисмida рецепторлар кўп бўлади. Уларнинг қўзғалиши тил—халқум нерв толаларига ўтиб, улар орқали узунчоқ мияга боради. Ундан оралиқ миядаги кўриш дўмбоги, сўнгра бош мия ярим шарлар пўстлоғи чакка қисмиинг юқори соҳасидаги там билиш марказига боради. Бу марказда тасир анализ ва синтез қилиниб, унинг табиати там сифатида аниқланади. Тилнинг учидаги рецепторлар ширинни, ён томондагилари шўр ва нордонни, орқа қисмидагилари аччиқни сезади.



1,2,3,18,21-hiqildoq dahlizi chegarasi, 4-noksimon bo'shilq, 5-hiqildoq usti tog'ayi, 6-til hqaldoq usti burmasi, 7-til ildizi, 8-tanglay murtagi, 9-til muttaklari, 10-chevara ariqcha, 11-tarnovsimon so'rg'ichlar, 12-til tanasi, 13-tilning o'rta ariqchasi, 14-ipsimon so'rg'ichlar, 15-konik tuzilgan

Ишни бажариш тартиби.

1. Мавзуга оид кўргазмали қуроллар билан танишиб чиқинг.
2. Ҳид ва таъм билиш органларининг олий марказларини аниқланг.
3. Бу органлар тузулиши ўртасидаги ўхшаш ва фарқли тарафларини аниқланг.
4. Кўргазмали қуролларда ифодаланган расмларни чизинг ва илмий номларини ёзинг.

Назорат саволлари:

- 1.Хид билиш азосининг тузилиши ва вазифасини изоҳланг.
- 2.Там билиш азосининг тузилиши ва вазифасини айтинг.
- 3.Уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нимада?

23-амалий машғулот.

Мавзу: Терининг тузилиши.

Дарс мақсади: Терининг тузилиши ҳақида талабаларга тушунча бериш.


Идентив ўқув мақсадлар.

1. Терининг анатомик тузилишини билади.

Керакли жиҳозлар: Терининг кўндаланг кесмаси ифодаланган расмлар, муляжлар ва рельеф таблицалар.

Ишниңг мазмуни:

Тери организмни ташқи мухитдан таъсирдан ҳимоя қиласи ва хилма-хил физиологик функцияларни бажаради. Терида табиий бўшлиқлар ва тешиклар соҳасида шилимшиқ қаватга ўтади. Тери сатҳи кишининг ёшига бўйи, семиз ориқлигига қараб ўртача $1, 5-2 \text{ м}^2$ ни ташкил этади, қалинлиги тери ости ёг қаватидан ташқари $0, 5-4 \text{ мм}$.



Terining histologik tuzilishi

1,2-тери устки қавати, 3-асли тери қавати, 4-со'рг'ичсимон қават, 5-тери ости қавати, 6-тер беzi, 7-soch so'rg'ichi, 8-soch piyozchasi, 9-soch ildizi, 10-soch qopchasi, 11-тер bezi payi, 12-yog' bezi, 13-тер bezi naychasining teshigi, 14-soch.

Тери(дентис)нинг тузилиши. Одам териси икки қаватдан иборат бўлади.

1. Терининг устки мугуз қавати жуда чукур жойлашган хужайралардан шакилланади.

2. Хусусий тери қавати асосан пишиқ бириктирувчи тўқима ва асосий моддалардан ташкил топган бўлиб, унда қон ва лимфа томирлари, нерв толалари, ёғ ва тери безлари шунингдек соч ва тирноқ илдизлари жойлашган. Терининг баъзи қисмлари соchlар(пили) билан қопланган. Соchlарнинг тери ости қавати соч илдизи ёки соч пиёзи деб аталади. Улар қопчасимон тузилган бўлиб, ичига мой безларининг чиқариш

энсаллари очилади. Сочнинг ранги соч қопчасидаги пигмент ва ҳаво миқдорига боғлиқ. Теридан сочдан ташқари тирноқлар ҳам ўсиб чиқади. Одам териси бағрида уч хил ёғ, сут ва тер безлари мавжуд. Бундан ташқари, тери бағрида arterial ва вена қон томирлари тўри яхши ривожланган. Терида сезувчи нерв охирлари жуда кўп жойлашган. Совуқни сезувчи ресепторлар юзароқ, иссиқни сезувчи ресепторлар эса чукурроқ жойлашган.

Терининг таъсирлашнинг нуқта усулини қўллаб ўtkazilgan текширишлар терининг турли нуқталари ҳар хил таъсуротларни идора этишини кўрсатиб беради.

1.Бутун танадаги сезувчи нүқталарнинг сони ҳисоблаб чиқилган, **оғриқ нүқталари тактил нүқталари 5500 тача, иссиқлик нүқталари 300000 атрофида, совуқлик нүқталари 30000** тадир. Терининг сезувчанлик кучлилик бўладиган жойларида масалан қўл оёқ кафтлари, юзда бу нүқталар айниқса сезувчанликни турлари ҳар хил тузилишига эга бўлган ресептор аппаратларга боғлиқдир.

Тактил сезувчанлик – бунда тақалиш ва босимни сезиш тушунилади Жун билан қопланган терида қопланган тактик сезувчанлик юқори бўлади. Тақалиш ресепти ва қўл кафтлари айниқса бармоқларда ҳаммадан кўп бўлади.

Температура сезувчанлик-иссиқ ва совуқликни иккала турдаги терморецепторлар совуқлик ва иссиқлик терморецепторлар идрок этади. Терининг чукур қатламларида ётадиган **Руффина таначалари, атрофидан иссиқлик ресепторлардир.**

Оғриқ сезувчанлиги–тери ва шиллиқ пардалар ҳар хил агентлар; механик, иссиқ ва совуқ агентлари ва бошқалар билан таъсирланганда, агар булар жуда зўр бўлса оғриқ сезгиси пайдо бўлади. Шу билан оғриқ сезгиси энсақолиб кетадиган алоҳида бир ҳолат анализасия маҳалида тарқалиш сезгиси сақланиб қолади

Ишни бажариш тартиби.

- 1.Тери рецепторларига характеристика беринг.
- 2.Терининг қаватлари тўғрисида маълумот беринг.
- 3.Кўргазмали қуролларда ифодаланган расмларни чизинг ва илмий номларини ёзинг.

Назорат саволлари:

- 1.Терининг анатомик тузилишини тушунтиринг.
- 2.Терининг вазифаларини айтинг.
- 3.Теридаги сезги рецепторлари неча хил бўлади?
- 4.Теридаги сезувчи нүқталар қандай жойлашган?

Асосий адабиётлар:

- 1.Қодиров Э.Қ. Одам анатомияси. Лотин.Гулистан. “Университет”. 2007.
- 2.Қодиров Э.Қ. Одам анатомияси. Чинор эНК; Гулистан, 2003.
- 3.Колесников Р.В. Одам анатомияси. 1964 йилги русча наширдан таржима. Гулистан. Ўқитувчи. 1970.
- 4.Ахмедов Н.К. АТЛАС. Одам анатомияси. Гулистан. «Тиббиёт нашири» 1996.
- 5.Боходиров Ф.Н. Одам анатомияси. Гулистан, 2005 й. (Дарслик)
- 6.Сафарова Д.Д. Одам анатомияси. Гулистан, ЎзДЖТИ 2005 й. (Дарслик)

Қўшимча адабиётлар

- 7.Курепина М.М., Воккен Г.Г. Анатомия человека. Атлас иллюстрация . М., «Просвещение». 1979.
- 8.Худойбердиев Р. Э., Ахмедов Н.К.ва бошқалар. Одам анатомияси. Гулистан. «Ибн Сино». 1993.
9. Аҳмедов Н.К.Одам анатомияси.Гулистан. «Медицина»1987.
- 10.Привес М.Г., Асенков Н.К., Бушкович В.И.Анатомия человека.М. «Высшая школа»,1985.
- 11.Ахмедов Н.К. Нормал ва патологик анатомия билан физиология. Гулистан. «Ибн Сино». 1993.
- 12.Ахмедов Н.К. Шомирзаев Н.Х. Нормал ва патологик анатомия. Гулистан. "Ибн Сино нашри" 1991.(Дарслик)

Интернет маълумотлари

1. www.libmmn.x15.ru
2. www.sultinfo.ru

Глоссарий

Артрология-суюкларни бўғим ҳосил қилиб бирлашишини ўрганади
Ангиология-қон томирлари системасини ўрганади
Аусқўлтасия-махсус асбоб ёрдамида эшлитиб кўриш
Аутопсия-организмни ўлгач уни ёриб кўриш
Аксон- нерв хужайрасининг узун ўсимтаси
Астениклар- узун бўйли,тор кўкракли одамлар
Антериор- гавдани олдида жойлашиш
Атрофия-тўқималар озиқланишининг бузилиши
Антогонист- қарама-қарши иш бажарувчи мускуллар
Акромиал- елканинг ўсиги
Асфиксия- одамнинг бўғилиши

Анемия- қонда эритроситлар сонининг камайиб кетиши
Ателектаз- ўпка тўқималарининг эзилиши сабабли ўпканинг пучайиб қолиши

Дендрит- нерв хужайрасининг калта ўсимтаси

Дерма- тери қавати

Дистрофия-тўқималар кимёвий таркибининг сифат ўзгаришлари

Диартроз- суякларнинг ҳаракатчан бирлашуви

Эндокринология-ички секреция безларини ўрганувчи бўлим

Етизиология-сезги аъзоларини ўрганувчи бўлим

Эндодерма- эмбрионнинг ички қават варағи

Ектодерма- эмбрионнинг ташқи қават варағи

Эндокард- юракнинг ички девори

Эндокардит- юрак ички қаватининг ялиғланиши

Фронтал сатҳ- одам танасининг пешонага нисбатан паралел кесувчи сатҳ

Фасция-мускул устидаги парда

Гистология-тўқималарни ўрганадиган фан

Гастрит- меъда ички шиллик пардасининг ялиғланиши

Гипоксия- қонда кислород етишмаслиги

Гиперстениклар- кенг елкали паст бўйли одамлар

Иммунитет- организмни юқумли касалликлардан тозалаш фаолияти

Инексия- (инестио-лотинча- қуяман)

Латент давр- касалликнинг яширин даври

Ларингит- хиқилдоқнинг ялиғланиши

Миология-мускулларни ўрганадиган бўлим

Мезодерма- эмбрионнинг ўрта қават варағи

Медиалис-ўрталиқда жойлашиш

Миокардит- юрак мускул қаватининг ялиғланиши

Миокард- юракнинг ўрта давори

Нейрон- (грекча неурон-нерв) организмга ташқи муҳит таъсиrlарини ўтказади

Нормостениклар-ўрта бойлилар

Некроз- тирик организмда айрим аъзоларнинг тўқималарининг олиши

Остеология-суякларни ўрганувчи бўлим

Остеосит- суяк ҳужайраси

Остеобласт- сукни ҳосил қилишда иштирок этувчи ҳужайралар

Остеокласт- ривожланишдан тўхтаган суякларни емирадиган ҳужайралар

Олигурия- сийдик ажралишининг камайиши

Патология-патхос-касаллик, логос-фан организмнинг касаллик даврини ўрганади

Палпация-пайпаслаб кўриб ўрганиш

Перкуссия-бармоқ ёки болғача билан уриб кўриш

Пролиферация- ялиғланган жода ҳужайраларнинг кўпайиши

Перикард- юрак устки халтаси

Перитонит- қорин пардаининг ялиғланиши
Плеврит- ўпка пардасининг ялиғланиши
Пневмания- ўпканинг ялиғланиши
Полиурия- сийдик ажралишининг қўпайиши
Перикардит- юрак халтасининг ялиғланиши
Коррозия- емириш усули
Ресептор- ички ва ташқи мухитдан сезгиларни қабул қилувчи нерв охирлари
Регенерация- жароҳатланган тўқиманинг қайта тикланиши
Ринит- бурун ички деворининг ялиғланиши
Спланхнология-ички аъзолар системасини ўрганувчи бўлим
Ситология-хужайрани ўрганадиган фан
Склерос- қуритилган маъносини билдиради
Сагиттал сатҳ- одам танасининг вертикал кесувчи сатҳ
Синартроз- суюкларнинг узлуксиз бирлашуви
Синергист- ҳамкорликда иш бажарувчи мускуллар
Сирроз-жигар ҳужайраларининг ҳалок бўлиши
Вентрал-қоринга яқин жойлашиш